

**К. Д. ЯРАШЕВ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ВА  
СПОРТНИ БОЛГАРИШ**




**“Абу Али ибн Сино”**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚУМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

К. Д. ЯРАШЕВ

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ БОШҚАРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув  
юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятларини мувофиқлаштирувчи  
Кенгаш томонидан олий ўқув юртлари  
талабалари учун дарслик сифатида  
тавсия этилган



ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРЁТИ  
2002.

Муаллиф: Ярашев Комилжон Деҳқонович — педагогика фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: Жӯраев Н.Қ. — сиёсий фанлар доктори,  
Керимов Ф.А. — педагогика фанлари доктори, профессор

**ЯЛ** Ярашев, Комилжон Деҳқонович.  
Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш: Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2002.—224 б.

Сарлавҳада: ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ЎзР давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти.

Мустақиллик даврига келиб жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайди. Ёш авлодни руҳан тетик, ақлан етук ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг билимларини бошқарувчилик фаолиятлари билан бойитиш мақсадида ушбу дарслик яратилди.

Дарслик Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий ўкув юртлари жисмоний тарбия факультетларининг талабалари ҳамда Олимпия ўринbosарлари коллажлари ўкувчилари, шунингдек малака ошириш факультети тингловчилари учун мўлжалланган.

ББК 75.1я73

ISBN 5-638-02026-8

© Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002 й.

*“Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машхур қила олмайды”.*

*И.А. Каримов*

## СЎЗ БОШИ

Ўзбек халқининг азалий орзуси — Мустақиллик миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи сифатида рўёбга чиқди. Мустақиллик туфайли тақдиримизни, келажагимизни ўз қўлимизга олишга мұяссар бўлдик.

Мустақиллик халқимизнинг ўз куч-кудратига ишончи-ни уйғотди. Мустақиллик сабаб одамда яшириниб ётган ижодий фикр ва туйгуларни рўёбга чиқариш имконини берадиган ижтимоий тартиб пайдо бўлди.

Озод, обод ва фаровон жамият барпо этиш халқимизнинг асосий ғоясига айланди.

Жамият ривожланишининг ҳозирги давр босқичида баркамол инсонни тарбиялаш энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: “Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Шундай экан, мамлакатимизда соғлом авлод дастури ҳаракагининг кенг тус олгани, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор вазифани амалга ошириш йулидаги муҳим қадамдир.

Комил инсон руҳан тетик, ақлан етук, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Ватан ва жамият соғлом инсонларнинг онгли фаолияти натижасида равнақ топади. Айниқса, Ватан тарққиётининг келажаги ёш авлод зиммасига тушали. Соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашнинг йўл-йўриқлари, усул ва услубиятлари мавжуд бўлиб, унинг омиллари ҳам кўп.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти доценти Комилжон Деҳқонович Ярашевнинг кенг китобхонлар оммасига, хусусан, бўлгуси жисмоний тарбия ва спорт му-

таксисисларига мұлжалланған “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” фани бүйіча яратған дарслиги фикримиз-ча, бу соҳада жуда қимматлидір.

Мазкур дарслік жисмоний тарбия ва спортни бошқариш бүйіча ҳозирги күн талаби асосида яратылған. Үнда давлат таълим стандартлари, “Соғлом авлод учун” давлат дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестларини ҳаётта татбиқ этиш йүллари күзде тутилған бўлиб, у жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлашнинг амалдаги дастурига мувофиқ тайёрланған.

Ушбу дарслік Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий ўқув юртлари жисмоний тарбия факултетларининг талабалари, Олимпия ўринбосарлари колледжлари ўқувчилари, шунингдек малака ошириш факультети тингловчилари ҳамда ушбу фан бүйіча дарс ўтайдын үқитувчилар ва шу соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига раҳбарлик қилиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш йўл-йўриклиари юзасидан қимматли маълумотлар беради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, дарслікда илк бор спорт менежменти, унинг жисмоний тарбия ва спортни бошқаришдаги аҳамияти, спорт ташкилотларида маркетинг ишларини ташкил қилиш масалаларига ва тараққий топган давлатларнинг иш тажрибалари ва улар эришган ютуқларига асосланған фикрлар ҳам ўз ифодасини топган.

Дарслікда баён этилған илмий маълумотлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият күрсатаётган мутахассислар учун ҳам услубий, ҳам назарий жиҳатдан ниҳоятда зарур, шу боисдан шу соҳа мутахассисларининг доимий мурожаат қилиб турадиган китоби булишига шубҳа йўқ.

*Ўзбекистон Республикаси  
Давлат жисмоний тарбия  
ва спорт қўмитаси раиси*

*Б. МАҲСИТОВ*

## К И Р И Ш

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шакланиши ва унинг истиқбол сари дадил бориши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий маърифий соҳаларни янада такомиллаштиришни тақазо этади. Бу йўлда соғлиқни сақлаш, фан, маданият, техника, иқтисод, таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда. Маълумки, бу жараёнларни ҳозирги кун талаблари асосида ташкил қилиш ва бошқариш асосий мақсад ҳисобланади.

Шу сабабдан мамлакатимизнинг мустақиллигини тұла таъминлаш, унинг жаҳонда тараққий этган давлатлардан бири сифатидаги нуфузини халқаро ҳукуқлар асосида юқори күтариш каби фаолиятлар ниҳоятда муҳим. Бу фаолиятларни амалга оширишда эса мутахассис кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга моликлир.

Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, ўкувчи ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ошириш, соглом авлод тарбиясини такомиллаштириш масалалари келажаги буюк давлат қуришнинг муҳим омилларидан биридир.

— Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси, — деб таъқидлайди Президентимиз И.А.Каримов,— ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бүгиналарини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига олабиладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатdir<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> И.А.Каримов Юксак малакали мутахассислар — тараққиет омили. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 22-бет

Юртимизда жисмоний тарбия, спорт ва халқ миљий ўйинлари таълим тизимидан асосий таълим-тарбия воситалари сифатида мустаҳкам ўрин олмоқда. Теннис бўйича Президент кубоги учун халқаро турнир анъанага айланди. Ўзбек кураши жаҳон спорти турлари қаторига қўшилди ва жаҳон чемпионатлари муваффақиятли ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон спортчилари Марказий Осиё, Осиё ва Халқаро спорт мусобақаларида мустақил жамоа сифатида иштирок этиб, дастлабки ютуқларга эришдилар. Бу жиҳатлар Республика спорт ташкилотлари раҳбарларини янада ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишга даъват этади.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда “Алномиш” ва “Барчиной” маҳсус тестларининг ҳаётга татбиқ қилиниши, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг турли спорт мусобақалари, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ўйинлари, “Универсиада”, халқ миљий ўйинлари фестиваллари ҳамда аҳоли истиқомат жойлари, меҳнат жамоаларида спартакиадалар, биринчиликларнинг мунтазам ташкил қилиниши эътиборга моликдир. Барча ҳудудлар ва марказий шаҳарларда йирик спорт иншоотлари қад кўтармоқда, янги спорт мактаблари, лицейлар, касбхунар колледжлари ташкил қилинмоқда. Спорт жамоалари нинг турлари ва сонлари тобора ошмоқда. Бунда оммавий соғломлаштирувчи ва спорт маҳоратларини оширувчи тадбирларни мақсадли ташкил қилиш мутахассислар, жамоат идоралари ва ҳомийлардан катта ташкилотчилик, диққат-эътиборни талаб этади.

“Бошқарувнинг қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, турчиликка муккасидан кетган, лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисобладиган, янгиликка йўл бермайдиган баъзи ношуд раҳбарлар қаршилигига дуч келмоқда. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзgartирадилар, ёинки биз уларнинг бутунлай баҳридан ўтамиз”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> И.А.Каримов Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 23-бет

Шу жиҳатдан жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига раҳбарлик қилиш, бу соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир. Ана шу муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш йўлларини эгаллашни ўргатувчи фан жисмоний тарбия ва спортни бошқаришdir.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий ўкув юртларидағи жисмоний тарбия факультетлари, Олимпия ўринбосарлари билим юртлари ҳамда педагогика билим юртларининг жисмоний тарбия бўлимларида олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрланади. Бу ўкув юртларининг ўкув режаларида “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” фани ўзининг мақсад ҳамда вазифалари билан алоҳида ўрин тутади.

Фаннинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларни жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини бошқариш усула-ри билан қуроллантиришdir.

Фаннинг асосий вазифалари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа амалдаги қонунлар, қарорлар ҳамда низомларда кўзда тутилган жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳақидаги ҳужжатлар мазмуни ва улардан келиб чиқадиган вазифаларни ўргатниш.

2. Соглом авлодни тарбиялаш, ишлаб чиқариш унумдорлигини шунингдек кишиларнинг меҳнат қобилиятини ошириш ҳамда инсон умрини узайтиришда жисмоний тарбия, спорт ва ҳалқ миллий ўйинларининг ижтимоий-педагогик моҳиятларини асослаб бериш.

3. Бўлажак мутахассисларни оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш ҳамда уни бошқариш қонуниятлари ва амалиёти билан қуроллантириш.

4. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг босқичларига таянган ҳолда спорт клублари, жисмоний тарбия жамоалари ва аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш тадбирларини уюштиришда талабаларга бошқарувчилик малакаларини ва тадбиркорлик фаoliyatlарни тұла сингдириш.

Бу фан ўз навбатида, талабалар, ёш мутахассислар ва спорт ташкилотларининг ходимларига қуйндаги вазифаларни юклайди:

- фаннинг мазмунини чуқур ўрганиш ва ўтган даврларда унинг қай йўсингда тараққий этганилигини таққослаган ҳолда чуқур таҳлил қилиш;

- давлат ва жамоат ташкилотларининг спортни бошқариш ва ривожлантириш бўйича қабул қилган фармон ва қарорларини ўзлаштириб олиш;

- спорт ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари эришган ютуқлар, илгор тажрибаларни қунт билан ўрганиш;
- таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда ўтказиладиган илмий-назарий анжуманларда иштирок этиш, қўйилган муаммоларни ўрганиш, маърузалар қилиш;
- спорт ташкилотлари ва уларнинг қуи жамоалари ҳақидаги Низомларни билиш;
- оммавий тарғибот воситаларининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги маълумотларини доимий равища кузатиб, ўрганиб бориш;
- бошқариш фаолиятларига тегишли хукуқий, моддий-техник билимларни тўла ўзлаштириш;
- ҳужжатларни юритиш, режалаштириш билан боғлиқ бўлган билим ва малакаларни эгаллаш;
- олинган назарий билим ва амалий малакаларни ўқув амалиётлари жараёнида синовдан ўтказиш;
- семинар ва амалий машғулотларга пухта тайёрланиш, уларга ижодий ёндошиш, рейтинг тизими талабларини чукур ўрганиш, уларни амалда қўллаш;
- жисмоний тарбия назарияси, педагогика, психология, ихтисослик (спорт тури) ва бошқа фанлардаги бошқарув усулларини тадбиркорлик асосида ушбу фан билан боғлай билиш.

“Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” фани бўйича ўзбек тилида ҳалигача дарслер тайёрланмаган. Собиқ Иттифоқ даврида дарслерлар (1977, 1987 й.) асосан рус тилида чоп этилган, кейинги йилларда бир қатор мутахассислар томонидан бу фан бўйича давлат тилида (адабиётлар рўйхатига қаранг) баъзи бир ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрланди.

Ушбу дарслернинг асосий йуналишларини баён қилишда доцентлар Р.Абдумаликов, А.К.Акрамов ва профессор Т.Т.Юнусовларнинг ўқув қўлланмалари ва монографияларига таянилди. Шунингдек, 1993—2000 йилларда ЎзДЖТИнинг III-IV босқич талабаларига ўқилган маърузалар, семинар ва амалий машғулотларда синовдан ўтган тажрибалар асос қилиб олниди.

Дарслер ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб икки қисмга ажратилган.

I қисм. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш ишлари билан боғлиқ фаолиятлар таҳлили.

II қисм. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида менежмент, маркетинг, чет мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш, ҳалқаро спорт ҳаракати ҳамда Ҳалқаро Олимпия қўмитасининг иш фаолияти.

Дарсликни тайёрлаш жараёнида берган қимматли маслаҳатлари учун доцент Р.Абдумаликов, доцент А.Акрамов, профессор Т.Юнусовларга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Ушбу дарслик ҳақидаги фикр, муроҳазаларингиз муаллиф учун ғоят қимматлидир. Уни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

*Toшкент-52, Оққурғон кӯчаси-2 уй.*

## I ҚИСМ.

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

#### 1. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Фаннинг мақсади, вазифалари, аҳамияти ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонун ҳамда қарорлар бошқаришнинг асосий манбалари.
3. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг тараққиёти.
4. Давлатни идора қилиш бўйича барча фаолиятларда Президентлик тизими, Олий Мажлис ҳамда вазириклар ва жамоат ташкилотларининг ўрни.
5. Бошқаришнинг асосий тамоиллари.
6. “Жисмоний тарбия ҳаракати”, “Бошқариш”, “Бошқариш тизимлари”, “Илмий бошқариш”, “Бошқариш усувлари”, “Маркетинг”, “Менежмент”, “Тадбиркорлик” тушунчаларининг умумий таърифи.

1. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш махсус ўқув ҳамда илмий фан сифатида ижтимоий-педагогика фанларининг таркибий қисми ҳисобланади. У аҳоли ўртасида ташкил қилинадиган оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг йўлларини ўрганди, шу соҳадаги мутахассисларни тарбиялашга бевосита хизмат қиласди. Шу сабабдан бу фан ЎзДЖТИ ва республика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари, Олимпия ўринbosарлари колледжлари ҳамда педагогика билим юртлари таркибидаги жисмоний тарбия бўлимларининг ўқув режасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлмоғи лозим.

Фаннинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларни жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг барча фаолиятларини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш йўллари билан куроллантиришдан иборатdir.

Шу мақсадда у ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:  
- фан асослари ва мазмуни билан таништириш;

- давлат ва жамоат ташкилотлари, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятларини ўрганиш;

- юқори ва қуий спорт ташкилотларининг иш мазмунлари ҳамда уларнинг усулларини ўзлаштиришни таъминлаш;

- эгалланган назарий билим, амалий кўнишка ҳамда малакаларни ўқув амалиёти жараёнида тажрибадан ўтказиш;

- илмий-назарий тадқиқотлар ўтказишга даъват этиш;

- рейтинг тизими талаблари асосида талабаларнинг билимларини баҳолаш;

Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фани ўқув режасидаги “Жисмоний тарбия ва спорт тарихи”, “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти”, педагогика, психология, иқтисод назарияси ҳамда барча мутахассислик фанлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки бошқаришда доимий равишда таъкидланиб туриладиган спорт тараққиёти, аҳолини жисмоний тарбия воситалари ёрдамида тарбиялаш усуллари, спортчиларнинг руҳий ҳолатлари ҳамда барча спорт тадбирларини ўюштиришда моддий-техник таъминот соҳасидаги билимлар амалий тажрибалар билан узвий боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Фаннинг асосий мазмунини қуйидаги йўналишлар ташкил этади:

- жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилишнинг назарий асослари;

- бошқаришнинг давлат ва жамоат тизимлари;

- бошқаришдаги асосий вазифалар, усувлар;

- жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатидаги асосий тармоқлар;

- ҳорижий мамалакатларда жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш, халқаро спорт ва Олимпия ҳаракатлари.

Буларнинг негизида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бўлажак мутахассисларни тайёрлаб етиштиришлаги барча йўл-йўриклар ўз ифодасини топади. Энг муҳими, Ўзбекистонда олиб борилаётган турли ислоҳотлар, уларнинг ижобий натижалари сифатида ўтказилаётган турли хил спорт тадбирлари, спорт иншоатларини куриш ва бошқаларнинг ўз аксини топиши ифодалаб берилади.

“Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” фани ўзининг тарихига эга. Бу ҳақда қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

Бу фан авваллари жисмоний тарбия ва спорт тарихи фанининг таркибида бўлиб, 1948 йи қдан бошлаб мустақил фан сифатида ажралиб чиқди ва тараққий қила бошлади.

1954-1958 йилларда “Организация физической культуры” деган ном билан биринчи ўкув қўлланмаси вужудга келди. 1961 йилда профессорлар Никифоров И.М. ва Польшанский В.С. (Москва) таҳририда “Организация физической культуры в СССР” номли қўлланма жисмоний тарбия ўкув юртлари талабалари учун нашр қилинди.

1965 йилда яна шу олимлар тақририда “Организация физической культуры” ўкув қўлланмаси тўлдирилган ҳолда нашр этилди.

1977 йилда “Управление физкультурным движением” номи билан биринчи маротаба дарслик тайёрланди. Дарсликни тайёрлашда педагогика фанлари доктори, профессор Кулункович К.А. (Белоруссия Давлат жисмоний тарбия институти) раҳбарлигидаги Белоруссия, Москва, Кивевдаги ва бошқа бир қатор институтларнинг олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этдилар.

Кейинги йиллардаги ижтимоий-маданий ўзгаришлар, давлатни идора қилиш, спорт ва жамоат ташкилотларининг ташкилий тузилиши ҳамда тараққиёт жараёnlари бу дарсликнинг янгиланишини ва такомиллашишини тақозо қилди. Шу сабабдан 1987 йилда профессор Перееверзин И.И. (Марказий жисмоний тарбия институти) бошчилигига “Управление физической культурой и спортом” деган янги дарслик вужудга келди. Бу дарслик ўзининг мазмуни, тузилиши жиҳатидан аввалги дарслик ва ўкув қўлланмаларидан тубдан фарқ қиласада, жисмоний тарбия ҳаракатининг барча соҳаларида эришилган илмий-услубий хулосаларга таянган бўлса-да, собиқ Иттифоқ миқёсидаги купгина жисмоний тарбия тизими олимлари, профессор-ўқитувчилари томонидан яхши баҳо олмади. Бунинг сабаби шундаки, дарсликда бошқариш тизимлари, вазифалари (функциялар) ва турли тармоқлардаги жисмоний тарбия ва спорт ишларини режалаштириш, иш юритиш, мусобақалар ўtkазиш каби муҳим фаoliyatларга эътибор берилмаган ёки алоҳида ҳудудларгина назарда тутилган эди.

Жисмоний тарбия институтлари ҳамда олий ўкув юртларидаги жисмоний тарбия факультетларининг талабалари учун энг қулай, тушуниш осон бўлган ўкув қўлланмалари 1965 йилда нашрдан чиққан “Организация физической культуры” ва 1972 йилда Бунчук М.Б. (Украина)

томонидан тайёрланган “Организация физической культуры” ўкув қўлланмаси ҳисобланади.

Кейинги йилларда жисмоний тарбия техникумлари, педагогика билим юртлари талабалари учун “История и организация физической культуры и спорта” (Столбов В.В., Москва, 1984) дарслиги оммабоп хусусиятга эга бўлган “Физкультура ҳаракатини кенгайтириш йўллари” Абдумаликов Р., Юнусов Т.Т., Акрамов А.К. (Тошкент, 1988), “Спортивная поступ Советского Узбекистана” (Ибрагимов М.И., Балакин С.С., 1985) ўкув қўлланмалари тайёрланди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти томонидан “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари” (Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р.) ўкув қўлланмаси чиқарилди. Булар орасида доцент Р.Абдумаликовнинг “Жисмоний маданият ва спорт ихтиослигидаги талабаларни бошқарувчилик фаолиятларига тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари” монографияси (1994), “Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг назарий асослари” ўкув қўлланмаси (1995) муҳим аҳамият касб этди. Булар талабаларнинг бошқарувчиликдаги назарий билим ва амалий қўнилмаларини оширишда катта хизмат қилмоқда. Эътироф этиш керакки, бошқариш жараёнларида аввалги иш тажрибалари, эришилган ютуқлар ҳамда илмий-назарий тадқиқотлар натижалари муҳим аҳамият касб этиш билан фаннинг асосий омили сифатида хизмат қиласи. Буларни ўрганиш ва танқидий ёндошиш зарур бўлади.

2. Барча ўкув юртларидаги таълим-тарбия жараёнида қўлданилаётган фанлар каби жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фани энг аввало Ўзбекистон Конунлари, Президент Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига таянади. Шу билан бирга, соғлом авлодни тарбиялашда хизмат қилувчи миллий, маънавий-маърифий, маданий қадриятлар ҳамда ҳалқ педагогикасига асосланади.

Бу фаннинг асосий хукукий таянчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Унда фуқароларнинг ўз соғликларини яхшилаш, билим ва маданий савияларини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланышлари кафолатланган. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт түғрисида”ги Конуни жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини юритиш, унга раҳбарлик қилувчи давлат ҳамда жамоат идораларининг вазифалари, бурчлари ва хукуқларини белгилаб берган. Бу жараёнлар

фанни ўрганиш ва мутахассислар тайёрлаш фаолиятида муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни барча турдаги ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари, дарсдан ташқари оммавий-соғломлаштириш спорт тадбирларини ташкил қилишга йўл очиб беради. Бу жараёнлар ҳам ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятларининг энг муҳим тармоги сифатида ўз ўрнига эгадир.

1993 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. Унинг Низомига кўра соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш масъулияти мактаб, тарбия муассасалари каби спорт ташкилотлари зиммасига ҳам юкланди. Бу йулда қилинадиган ишларнинг мазмуни ва раҳбарлик усуслари жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фани таркибининг асосларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда барча соҳалардаги ютуқларни таъминлаш мутахассис кадрларга боғлиқ эканлиги эътироф этилди. Шу сабабдан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Жисмоний тарбия ҳамда спортни ташкил қилиш ва бошқаришда унинг аҳамияти беқиёсdir.

Муҳим томонларидан яна бири шундаки, Республика ҳукумати ва мутасадди вазирликлар, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг маҳсус қарори билан “Алномиш” ва “Барчиной” маҳсус тестлари ишлаб чиқилди ва уни амалда қуллаш жорий этилди. Бунинг мазмуни ва ташкилий жиҳатлари асосан спорт ташкилотлари ҳамда жамиятлари зиммасида бўлганлиги учун ўзининг муҳим манбаи сифатида тан олади.

Ўзбекистон Давлат спорт қумитасининг расмий маълумотларига қараганда, 1991 йилда 38 кишига халқаро тоифадаги спорт устаси унвони берилган, 350 киши эса спорт устаси унвонига сазовор бўлган.

Маълумки, 1992 йилнинг ёзида Барселонада (Испания) бўлиб утган ёзги XXV Олимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 17 нафар спортчиси собиқ СССР таркибида сўнгги бор қатнашдилар. Улар орасида Галиева Р., Чусовитина О. /гимнастика/, Шмонина М. /енгил атлетика/ олтин медал, Сирцов С. /оғир атлетика/, Асррабаев /ўқ отиш/ кумуш медал ва Захаревич В. /қиличбозлик/ бронза медали совриндорлари бўлишди. 1996 йил Атланта (АҚШ)да ўтказилган XXVI Олимпия ўйинларида А.Багдасаров (дзю-до) кумуш, К.Тўлаганов (бокс) бронза медалига сазовор бўлишди. 2000 йил Сиднейдаги (Австралия) XXVII Олим-

пия ўйинларида М.Абдуллаев бокс бўйича олтин; Артур Таймазов (кураш) кумуш, Рустам Сайдов, Сергей Михайлов (бокс) бронза медалларини қўлга киритдилар. Ўзбек кураши бўйича Халқаро кураш ассоциацияси тузилди ва 3 марта жаҳон чемпионати ўтказилди. Умуман, Республика спорти тараққиётнинг янги босқичга кўтарилди.

3. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора ривож топмоқда. Бу эса жисмоний тарбия ва спорт ривожига ижтобий таъсир кўрсатмоқда. Бунга фақат мустақиллик йилларида (1991-2001) эришилди. Бошқа соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳам фақат шу йилларда ривож топди. Буни қуйидаги кўрсаткичларга қараб ҳам билса бўлади (1-23 жадвал).

4. Собиқ Иттифоқнинг инқирози унинг таркибида бўлган барча республикаларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишига олиб келди ва биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви жорий қилинди.

Қонун қабул қилувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шаклланди. У қонунларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш хуқуқига эгадир. Унинг таркибида бошқа соҳалар каби фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмита мавжуд. Бу қўмита ўз нуфузидаги соҳалар бўйича қонунларни тайёрлаб, Олий Мажлис сессиясига тавсия этади. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни ҳам шу қўмита томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республика Президентининг фармонлари ни, Олий Мажлис қабул қилган қонунларни амалда ижро этувчи орган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади. У ўз фаолиятида энг муҳим муаммоларни ҳал этиш учун қарорлар қабул қиласи ва уларнинг бажарилишини назорат қиласи.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид 10 дан ортиқ муҳим қарорлар қабул қилинди ва улар ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда.

Юқорида номлари қайд этилган давлат ташкилотлари билан бир қаторда унинг фаолиятига ёрдам берувчи жамоатчи ташкилотлар ҳам мавжуд. Улар орасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси марказий кенгаши, “Халқ демократик партияси”, “Фидокорлар”, Миллий тикланиш, “Адолат” социал-демократик партиялари, “Ка-

**1991—2000 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши түғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

**Жисмоний тарбия жамоалари сони**

I-жадвал.

Худудлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон	1154	1174	1185	1162	1172	1220	1220	1249	1260	1250
Андижон	1124	1135	1194	1202	1164	1139	1172	1244	1309	1364
Бухоро	1322	939	950	877	862	878	886	875	916	927
Жиззах	805	853	851	867	848	811	810	814	875	881
Қашқадарё	1283	1248	1280	1319	1345	1360	1394	1518	1509	1523
Навоий	-	504	480	485	434	423	485	466	468	518
Наманган	987	1054	1058	1075	1090	1097	1196	1208	1214	1219
Самарқанд	1879	1536	1542	1594	1579	1662	1687	1729	1828	1867
Сурхондарё	1180	1190	1240	1266	1284	1274	1303	1347	1357	1359
Сирдарё	551	518	535	542	569	575	574	567	562	562
Тошкент	1431	1433	1397	1406	1418	1409	1396	1422	1421	1676
Фарғона	1445	1471	1490	1319	1235	1238	1250	1192	1311	1285
Хоразм	818	843	845	855	860	863	879	881	915	913
Тошкент ш.	578	609	530	532	548	551	536	573	596	619
Республика бўйича жами	14557	14507	14577	14501	14408	14500	14788	15085	15541	15963

**Жисмоний тарбия билан шуғулланганлар сони**

2- жадвал.

Худудлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон	357947	358486	386758	395837	407357	414417	419867	434915	443611	445523
Андижон	466559	439765	465028	485040	484882	507152	508395	560130	591247	644443
Бухоро	444454	302174	317788	320798	337312	340837	351651	392666	371347	375702
Жиззах	221138	239302	241416	216401	219177	225835	232526	248881	257336	266427
Қашқадарё	462158	485669	484539	491167	513736	528723	550921	574562	595723	638322
Навоий	-	164860	176442	203906	186196	191756	198797	203881	203576	217429
Наманган	446294	414215	426278	443446	459046	472432	528881	541663	530106	587981
Самарқанд	681315	545106	598510	616411	632024	664592	702520	726086	709115	739280
Сурхондарё	375124	378946	391300	393754	414037	433481	445719	483516	497579	521459
Сирдарё	162706	163564	165388	166627	173781	179476	183438	189103	168491	176100
Тошкент	492416	467790	466498	469699	486013	513045	531135	558654	521562	542021
Фарғона	589147	551412	559420	582222	587926	602415	621115	655487	776589	701158
Хоразм	313020	324051	324853	324686	329119	332112	322805	344742	360479	370777
Тошкент ш.	537488	522289	467440	400493	409479	429339	495210	505737	701125	636168
Республика бўйича жами	5549966	5357629	5471658	5510487	5640085	5835612	6092980	6420023	6727886	6862790



**Спорт турлари билан шуғулланадиганлар сони**

3- жадвал.

<b>Худудлар</b>	<b>1991</b>	<b>1992</b>	<b>1993</b>	<b>1994</b>	<b>1995</b>	<b>1996</b>	<b>1997</b>	<b>1998</b>	<b>1999</b>	<b>2000</b>
Қарағалпостон	99793	73354	88843	100762	75295	74845	72497	62242	90749	83702
Андижон	149334	117745	134982	156369	161920	155510	141919	178664	176212	187579
Бухоро	133744	53516	62660	61608	57602	59140	66953	72853	75344	83214
Жиззах	59390	43684	45783	52836	50960	56379	56404	65463	68846	71577
Қашқадарё	128352	106964	122986	145996	156297	130922	140865	165619	178353	205290
Навоий	-	32684	37796	47612	46347	52913	55863	58128	48127	65112
Наманган	138815	111193	134928	133528	117551	140590	172388	189646	245850	260991
Самарқанд	193376	125690	147704	153073	153442	162763	168786	176163	199109	210474
Сурхондарё	89287	75122	89577	86616	67039	81267	91257	92505	103985	111275
Сирдарё	65025	48552	51740	55748	54025	59161	58557	65034	67063	70772
Тошкент	119590	90730	103236	104544	108507	100892	120439	112906	128370	134944
Фарғона	144794	111982	122914	130076	110193	120278	122218	131437	148474	183671
Хоразм	73336	60921	69007	70057	20972	65141	68775	73649	75405	87917
Тошкент ш.	96675	59032	55718	59418	76808	73074	79521	91519	98887	99668
<b>Республика бўйича жами</b>	<b>1491511</b>	<b>1111169</b>	<b>1267874</b>	<b>1358243</b>	<b>1256958</b>	<b>1332875</b>	<b>1416442</b>	<b>1535828</b>	<b>1704774</b>	<b>1856186</b>

**Республиканинг барча ҳудудларида ривожлантирилётган спорт турлари**

4- жадвал.

<b>№№</b>	<b>Спорт турлари</b>	<b>Шуғуланаётганлар сони</b>
1	Футбол	439344
2	Волейбол	296801
3	Баскетбол	177631
4	Енгил атлетика	172047
5	Шашка	133002
6	Гандбол	121553
7	Шахмат	125837
8	Кураш	93985
9	Стол тенисси	84627
10	Эркин кураш	26742
11	Бокс	26551
12	Дзюдо	16856
13	Юонон-рум кураши	10001
14	Тенис	14504
15	Самбо	7251
16	Отир атлетика	6564

**1991—2000 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний  
тарбия ва спортнинг ривожланиши тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТНОМА**

**Жисмоний тарбия жамоалари сони**

1-жадвал.

Худудлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	1154	1174	1185	1162	1172	1220	1220	1249	1260	1250
Андижон	1124	1135	1194	1202	1164	1139	1172	1244	1309	1364
Бухоро	1322	939	950	877	862	878	886	875	916	927
Жиззах	805	853	851	867	848	811	810	814	875	881
Қашқадарё	1283	1248	1280	1319	1345	1360	1394	1518	1509	1523
Навоий	-	504	480	485	434	423	485	466	468	518
Наманган	987	1054	1058	1075	1090	1097	1196	1208	1214	1219
Самарқанд	1879	1536	1542	1594	1579	1662	1687	1729	1828	1867
Сурхондарё	1180	1190	1240	1266	1284	1274	1303	1347	1357	1359
Сирдарё	551	518	535	542	569	575	574	567	562	562
Тошкент	1431	1433	1397	1406	1418	1409	1396	1422	1421	1676
Фарғона	1445	1471	1490	1319	1235	1238	1250	1192	1311	1285
Хоразм	818	843	845	855	860	863	879	881	915	913
Тошкент ш.	578	609	530	532	548	551	536	573	596	619
Республика бўйича жами	14557	14507	14577	14501	14408	14500	14788	15085	15541	15963

**Жисмоний тарбия билан шугулланганлар сони**

2- жадвал.

Худудлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	357947	358486	386758	395837	407357	414417	419867	434915	443611	445523
Андижон	466559	439765	465028	485040	484882	507152	508395	560130	591247	644443
Бухоро	444454	302174	317788	320798	337312	340837	351651	392666	371347	375702
Жиззах	221338	239302	241416	216401	219177	225835	232526	248881	257336	266427
Қашқадарё	462158	485669	484539	491167	513736	528723	550921	574562	595723	638322
Навоий	-	164860	176442	203906	186196	191756	198797	203881	203576	217429
Наманган	446294	414215	426278	443446	459046	472432	528881	541663	530106	587981
Самарқанд	681315	545106	598510	616411	632024	664592	702520	726086	709115	739280
Сурхондарё	375124	378946	391300	393754	414037	433481	445719	483516	497579	521459
Сирдарё	162706	163564	165388	166627	173781	179476	183438	189103	168491	176100
Тошкент	492416	467790	466498	469699	486013	513045	531135	558654	521562	542021
Фарғона	589147	551412	559420	582222	587926	602415	621115	655487	776589	701158
Хоразм	313020	324051	324853	324686	329119	332112	322805	344742	360479	370777
Тошкент ш.	537488	522289	467440	400493	409479	429339	495210	505737	701125	636168
Республика бўйича жами	5549966	5357629	5471658	5510487	5640085	5835612	6092980	6420023	6727886	6862790

**Спорт турлари билан шугулланадиганлар сони**

3- жадвал.

Худудлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	99793	73354	88843	100762	75295	74845	72497	62242	90749	83702
Андижон	149334	117745	134982	156369	161920	155510	141919	178664	176212	187579
Бухоро	133744	53516	62660	61608	57602	59140	66953	72853	75344	83214
Жиззах	59390	43684	45783	52836	50960	56379	56404	65463	68846	71577
Қашқадарё	128352	106964	122986	145996	156297	130922	140865	165619	178353	205290
Навоий	-	32684	37796	47612	46347	52913	55863	58128	48127	65112
Наманган	138815	111193	134928	133528	117551	140590	172388	189646	245850	260991
Самарқанд	193376	125690	147704	153073	153442	162763	168786	176163	199109	210474
Сурхондарё	89287	75122	89577	86616	67039	81267	91257	92505	103985	111275
Сирдарё	65025	48552	51740	55748	54025	59161	58557	65034	67063	70772
Тошкент	119590	90730	103236	104544	108507	100892	120439	112906	128370	134944
Фарғона	144794	111982	122914	130076	110193	120278	122218	131437	148474	183671
Хоразм	73336	60921	69007	70057	20972	65141	68775	73649	75405	87917
Тошкент ш.	96675	59032	55718	59418	76808	73074	79521	91519	98887	99668
<b>Республика бўйича жами</b>	<b>1491511</b>	<b>1111169</b>	<b>1267874</b>	<b>1358243</b>	<b>1256958</b>	<b>1332875</b>	<b>1416442</b>	<b>1535828</b>	<b>1704774</b>	<b>1856186</b>

**Республиканинг барча ҳудудларида ривожлантирилаётган спорт турлари**

4- жадвал.

№№	Спорт турлари	Шугулланастганлар сони
1	Футбол	439344
2	Волейбол	296801
3	Баскетбол	177631
4	Енгил атлетика	172047
5	Шашка	133002
6	Гандбол	121553
7	Шахмат	125837
8	Кураш	93985
9	Стол тениси	84627
10	Эркин кураш	26742
11	Бокс	26551
12	Дзюдо	16856
13	Юон-рум кураши	10001
14	Тенис	14504
15	Самбо	7251
16	Онир атлетика	6564

### Эң оммавий спорт турлари

5- жадвал.

Спорт турлари	Йилдар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Футбол	266767	161698	246868	279238	276017	339537	367573	403700	436160	439344
Куаш	56894	50720	63625	74581	65287	65948	73682	77397	91627	93985
Баскетбол	141719	123396	117206	138611	127480	133464	131286	140970	156499	177631
Волейбол	269433	214491	228727	256141	222217	228317	233339	252050	273306	296801
Гандбол	106053	94782	100447	95303	86312	85962	88524	102257	122026	121553
Енгил атлетика	114407	109897	110441	113936	112456	112197	114175	122503	134923	172047
Стол тенисси	86276	53051	77700	64416	59400	57907	59538	64117	72386	84627
Тенис	3301	2589	2432	2751	2766	6467	8316	9988	11935	14504
Шахмат	129204	81918	88187	90651	78518	75847	82712	96954	111740	125837
Шашка	140442	92368	97107	106810	91784	88885	114002	111432	129895	133002

### Спорт билан шүгүлланадиган болалар ва ўсмиirlар сони

6- жадвал.

Жами спортчи болалар ва ўсмиirlар	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
	1027961	1102176	1171601	1123723	1191641	1213602	1318775	1431422	1550002
Улардан									
Мактабларда	737641	807097	873827	828072	880858	895455	986039	1092312	1196091
Колледж ва лицейларда	42027	48577	53974	47353	52618	54279	61618	64051	81649
БҮСМларда	246089	244483	185923	245347	255658	259941	261477	269263	272262

**Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари сони**

7- жадвал.

Худудлар	Иншлар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	22	22	23	24	25	28	31	32	32	32
Андижон	60	62	64	68	74	77	73	69	62	63
Бухоро	44	35	36	36	36	35	35	36	37	37
Жиззах	20	20	20	21	21	21	22	22	23	25
Қашқадарё	23	23	23	24	24	28	25	25	25	25
Навоий	-	14	15	17	18	18	19	19	20	22
Наманган	32	33	37	37	37	38	38	38	37	39
Самарқанд	43	43	45	45	46	49	51	52	50	51
Сурхондарё	32	32	33	34	35	36	38	38	38	36
Сирдарё	25	26	26	26	26	26	27	28	29	24
Тошкент	49	48	54	58	54	55	56	55	52	59
Фарғона	43	44	42	46	44	44	43	49	50	47
Хоразм	27	28	28	27	27	26	25	26	26	26
Тошкент ш.	58	59	62	58	55	53	53	49	51	52
Республика бўйича жами	478	489	508	519	522	534	536	538	530	538

**Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчилар сони**

8- жадвал.

Худудлар	Иншлар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	9890	10355	10433	8108	10488	12409	14073	14548	15122	14962
Андижон	26702	29205	27326	23789	30435	31742	30869	28966	27066	27403
Бухоро	28162	18727	19093	16458	17937	17885	18338	19927	21475	19911
Жиззах	10206	10109	10466	7992	11246	11468	11860	11963	13533	12654
Қашқадарё	9900	11563	11711	9874	12357	14291	13347	12768	12875	11876
Навоий	-	11938	12859	10044	16197	16853	16439	13621	15625	15169
Наманган	18017	18578	18023	15122	16814	18654	18545	18512	17428	18655
Самарқанд	27112	26568	27730	22283	28183	28640	29653	30608	30272	31222
Сурхондарё	11988	11677	12340	7798	11580	13721	13894	14252	14990	14407
Сирдарё	11570	13045	12501	8503	10155	10904	10763	10952	12376	11752
Тошкент	25287	23740	24644	17492	23496	23328	24827	24570	25197	25342
Фарғона	19965	21748	19231	13810	20154	19536	18711	20667	21296	21155
Хоразм	16373	17053	17779	12967	18735	18394	19847	20750	21061	20408
Тошкент ш.	22616	21783	20347	11683	17592	18283	18775	19373	20947	27346
Республика бўйича жами	237788	246089	244483	185923	245347	255658	259941	261477	269263	272286

**ЭШ ЙИРИК ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҚҰЛГА КИРИТТАН МЕДАЛЛАР СОНИ**

9- жадвал.

Мусобақа түрлери	Медаллар	Йиллар										Жами
		1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	
Олимпия ўйинлари	олтин		3		1						1	5
	кумуш		2				1				1	4
	бронза		1				1				2	4
	жами		6 (МДХ таркибида)		1		2				4	13
Жаҳон ва Осиё	олтин	7	10	13	22	12	15	23	31	42	44	224
Чемпионатлари Осиё ўйинлари	кумуш	3	11	14	17	14	10	19	28	28	43	194
	бронза	8	10	11	28	9	19	19	33	26	81	248
	жами	18	31	38	67	35	44	61	92	96	168	666
Жаҳон Кубоклари	олтин	2	1	1	3	5	5	3	5	14	26	66
Бошқа халқаро	олтин	28	43	49	51	78	62	57	54	61	131	639
Мусобақалар	кумуш	31	58	47	61	72	70	72	68	69	134	768
	бронза	25	40	57	77	89	88	105	64	111	129	805
	жами	84	141	153	189	239	220	234	186	241	394	2160
Жами медаллар		104	179	192	260	279	271	298	283	351	592	2905

**Мустақилдик йилларида Олимпия ўйинларида совриниلى ўришларни әттілдеган Ўзбекистон спортчилари**

10- жадвал.

Спортчининг исми-шарифи	Спорт тури	Соврини	Олимпия ўйинлари үтказилған йил	Олимпия ўйинлари үтказилған мамлакат ва шаҳар
Лина Черязова	фристайл	олтин медали	1994	Норвегия, Лиллехаммер
Маҳамматқодир Абдуллаев	бокс	олтин медали	2000	Австралия, Сидней
Армен Багдасаров	дзюдо	кумуш медали	1996	АҚШ, Атланта
Артур Таймазов	эркин кураш	кумуш медали	2000	Австралия, Сидней
Карим Тұлаганов	бокс	бронза медали	1996	АҚШ, Атланта
Рустам Сайдов	бокс	бронза медали	2000	Австралия, Сидней
Сергей Михайлов	бокс	бронза медали	2000	Австралия, Сидней

**Спортининг Олимпия турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида қўлга киритилган медаллар**

11- жадвал.

Медаллар	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Жами	4	-	2	-	1	-	7	-	5
Олтин	1	-	-	-	-	-	2	-	1
Кумуш	1	-	-	-	1	-	3	-	2
Бронза	2	-	2	-	-	-	2	-	2

Изоҳ: Олимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Олимпиада ўтказиладиган йилларда жаҳон чемпионатлари ўтказилмайди.

26

**Олимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида совринли ўрнинлари эгаллаган Ўзбекистон спортчилари**

12- жадвал.

Споргчининг исми-шарифи	Спорт тури	Соврини	Жаҳон чемпионати ўтказилган йил	Жаҳон чемпионати ўтказилган мамлакат ва шаҳар
Лина Черязова	фристайл	олтин медали	1993	Финляндия
Маҳамматқодир Абдулаев	бокс	олтин медали	1999	АҚШ, Хьюстон
Ўткирбек Ҳайдаров	бокс	олтин медали	1999	АҚШ, Хьюстон
	бокс	кумуш медали	2001	Шимолий Ирландия, Белфаст
Руслан Чагаев	бокс	олтин медали	2001	Шимолий Ирландия, Белфаст
Тўлқинбай Турғунов	бокс	кумуш медали	1999	АҚШ, Хьюстон
Фарҳод Тураев	дзюдо	кумуш медали	1999	Англия, Бирмингем
Рамиль Исломов	эркин кураш	кумуш медали	1997	Россия, Красноярск
		бронза медали	1999	Туркия, Истанбул
Адҳам Очилов	эркин кураш	кумуш медали	1999	Туркия, Истанбул
Хикматулла Ахмедов	бокс	кумуш медали	1993	Финляндия
Сергей Бренер	фристайл	бронза медали	1993	Финляндия, Тампере

27

давоми

Спортчынын исми-шарифи	Спорт тури	Сөвирини	Жаңон чемпионати ўтказилган йил	Жаңон чемпионати ўтказилган мамлакат ва шаҳар
Дилшод Ербеков	бокс	бронза медали	1995	Германия, Берлин
Руслан Хинчагов	эркин кураш	бронза медали	1993	Канада, Торонто
Дамир Захартдинов	эркин кураш	бронза медали	1995	АҚШ, Атланта
Шерзод Хусанов	Бокс	бронза медали	1999	Турция, Истанбул
Антон Ряхов	байдаркада эшкак эшиш	кумуш медали (500 метр)	2001	Шимолий Ирландия, Белфаст
		бронза медали (200 метр)	2001	Польша, Познань
Оксана Чусовитина	спорт гимнастикасы	кумуш медали (таяниб сакраш)	2001	Гент, Бельгия
Дилшод Арипов	Юнон-рум кураши	Олтин медали	2001	Патра, Греция
Артур Таймазов	Эркин кураш	Кумуш медали	2001	Варна, Болгария
Эдуард Хегай	Таэквондо (ВТФ)	Кумуш медали	2001	Корея

28

### Спорт унвонларыга эга бўлган спортчиларни тайёрлаш

13- жадвал.

Спорт унвонлари	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
I-разрядли спортчилар	2768	2876	2965	2934	2837	3254	3933	4344	4756	4969
Спорт усталигига номзодлар	879	948	1069	1151	1287	1457	1598	1854	2185	2475
Спорт усталари	388	227	383	259	232	459	461	283	311	398
Халқаро тоифадаги спорт усталари	23	31	38	54	47	33	49	69	79	93

29

**Спорт соҳасида давлат мукофотлари билан тақдирланган спортчи ва мураббийлар**

14- жадвал.

Мукофотлар	Йиллар									
	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
«Узбекистон ифтихори» фахрий унвони	-	-	-	-	-	-	8	5	3	7
«Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони	8	-	32	-	-	-	1	2	18	10
«Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони	1	-	9	-	-	-	17	14	21	5
«Узбекистон белгиси» кўкрак нишони	-	-	-	-	-	3	16	-	-	-

**Республика ҳудудларидағи жами спорт иншоотлари**

15- жадвал.

Ҳудудлар	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон	3098	3035	3006	3281	3197	3335	3351	3351	3316	3483
Андижон	3253	3244	3302	3250	3194	3642	3870	4136	4132	4184
Бухоро	3575	2148	2161	2141	2223	2244	2322	2292	2345	2538
Жizzах	1938	1906	2079	1986	2032	2061	1968	2125	2162	2234
Қашқадарё	3616	3619	3599	3432	3583	4104	4215	4390	4450	4455
Навоий	-	1366	1215	1377	1268	1367	1455	1450	1384	1495
Наманган	3785	3781	3866	3767	4067	4201	4304	4401	4426	4414
Самарқанд	5296	4365	4380	4459	4523	4808	4828	4856	4842	4844
Сурхондарё	2271	2328	2312	2564	2575	3077	3191	3323	3359	3514
Сирдарё	1410	1448	1406	1381	1403	1499	1467	1633	1549	1615
Тошкент	3535	3563	4235	2958	3410	3407	3650	3772	3880	3765
Фарғона	3768	3862	4147	4141	4341	4139	4410	4582	4840	4920
Хоразм	2519	2548	2336	2494	2432	2521	2517	2642	2720	2847
Тошкент ш.	1805	1867	1933	1714	1944	2088	2080	2052	2146	2179
Республика бўйича жами	39869	39080	40125	38949	40204	42493	43708	45005	45551	46487

### Стадионлар сони

16- жадвал.

Худудлар	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	3	2	6	5	6	5	9	11	13	13
Андижон	20	20	20	20	20	22	24	26	26	25
Бухоро	21	15	15	18	18	18	24	22	22	22
Жиззах	2	2	2	2	2	3	3	5	5	5
Қашқадарё	8	7	7	8	9	17	17	17	17	19
Навоий	-	5	7	10	11	11	11	12	12	12
Наманган	16	19	24	25	25	25	26	28	28	28
Самарқанд	28	25	26	25	27	30	35	38	40	41
Сурхондарё	12	14	14	17	17	19	22	23	23	23
Сирдарё	10	10	8	8	11	10	11	12	14	14
Тошкент	34	30	29	30	36	36	36	37	38	38
Фарғона	17	18	18	18	25	29	32	33	35	36
Хоразм	17	17	11	11	12	9	12	13	16	13
Тошкент ш.	12	14	14	14	14	14	15	15	15	16
Республика бўйича жами	185	198	201	211	233	248	277	292	304	305

### Спорт заллари сони

17- жадвал.

Худудлар	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпогистон	289	318	330	341	364	359	369	379	403	405
Андижон	411	426	439	423	439	475	474	506	512	533
Бухоро	397	301	319	322	323	342	339	347	354	382
Жиззах	153	170	176	167	146	160	162	173	178	187
Қашқадарё	341	378	399	437	437	440	455	456	455	473
Навоий	-	120	129	125	137	141	153	156	160	143
Наманган	382	387	389	394	408	416	427	436	447	473
Самарқанд	342	411	416	423	431	442	447	449	457	457
Сурхондарё	243	225	221	220	246	278	282	300	319	310
Сирдарё	169	192	200	203	189	218	217	229	232	227
Тошкент	493	502	515	465	529	535	545	542	542	551
Фарғона	404	503	523	515	545	561	542	571	600	605
Хоразм	386	395	394	397	392	397	404	403	414	419
Тошкент ш.	404	434	442	454	454	481	510	511	541	556
Республика бўйича жами	4414	4762	4892	4886	5040	5239	5326	5457	5614	5721

**Сузиш бассейнларининг сони**

18- жадвал.

Худудлар	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон	-	1	1	1	-	-	-	2	2	2
Андижон	15	18	16	8	16	17	20	22	24	24
Бухоро	5	2	3	4	3	2	4	4	4	6
Жиззах	1	1	2	2	2	2	2	2	3	3
Қашқадарё	3	2	2	3	2	4	5	5	5	7
Навоий	-	2	4	9	12	13	13	13	13	13
Наманган	12	15	17	17	17	20	24	27	20	21
Самарқанд	11	14	14	15	16	11	11	11	12	12
Сурхондарё	-	-	3	-	3	3	2	4	6	6
Сирдарё	7	9	4	4	7	6	7	7	9	11
Тошкент	8	10	10	8	10	12	11	12	16	15
Фарғона	9	17	14	33	54	42	22	70	110	121
Хоразм	2	2	4	4	2	3	3	3	3	3
Тошкент ш.	41	34	29	29	25	34	30	33	33	32
Республика бўйича жами	114	128	125	139	172	169	156	215	260	276

**Футбол майдонларининг сони**

19- жадвал.

Худудлар	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон	510	385	408	361	377	354	359	379	461	528
Андижон	327	322	355	284	325	404	585	605	594	594
Бухоро	615	406	139	187	242	246	214	244	269	369
Жиззах	331	335	399	375	403	424	413	423	426	451
Қашқадарё	801	785	771	605	686	858	932	896	902	860
Навоий	-	262	27	230	219	249	266	218	224	221
Наманган	236	209	164	207	211	326	379	412	506	513
Самарқанд	783	695	613	585	633	680	718	733	739	760
Сурхондарё	273	254	248	208	350	524	473	541	551	572
Сирдарё	245	225	152	213	240	267	249	311	292	294
Тошкент	584	605	971	416	511	508	570	574	574	600
Фарғона	455	493	473	476	404	503	545	594	620	625
Хоразм	112	105	74	107	180	171	209	228	249	292
Тошкент ш.	153	137	29	24	60	142	101	155	115	125
Республика бўйича жами	5664	5535	4817	4278	4841	5656	6013	6313	6522	6804

### Тенис кортларининг сони

20- жадвал.

Худудлар	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қарақалпостон	5	5	5	2	3	6	10	13	13	15
Андижон	2	7	-	40	2	17	21	57	57	61
Бухоро	16	7	8	5	4	5	8	23	31	31
Жиззах	2	1	1	1	1	10	13	29	29	34
Қашқадарё	9	6	1	1	1	12	9	42	41	41
Навоий	-	1	7	13	20	20	21	21	21	18
Наманган	9	6	10	11	10	18	25	31	34	39
Самарқанд	6	5	3	4	7	9	24	37	39	43
Сурхондарё	4	6	5	10	10	16	22	25	38	49
Сирдарё	6	7	4	5	6	8	12	21	12	19
Тошкент	14	13	12	14	13	20	21	13	20	18
Фарғона	6	8	9	10	13	26	14	32	51	63
Хоразм	3	7	4	3	9	22	25	49	31	78
Тошкент ш.	86	77	71	84	69	96	74	86	111	150
Республика бўйича жами	184	151	140	203	168	285	299	479	528	659

### Жисмоний тарбия ва спорт ходимлари сони

21- жадвал.

Жисмоний тарбия ва спорт ходимлари	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Мактаб ўқитувчилари	16804	17827	18217	18456	18952	19739	20418	21227	21041	21557
Хунар-техника билим юртлари, лицей ва колледж ўқитувчилари	701	722	707	652	645	655	684	724	792	1023
Ўрта маҳсус ўкув юртлари ўқитувчилари	749	716	720	716	718	742	783	841	1008	932
Олий ўкув юртлари ўқитувчилари	1258	1241	1253	1027	912	816	738	764	828	877
Тренерлар	4567	4702	4913	5092	5283	5834	5868	5993	6092	6353
Қолган мутахассислар	5055	4093	3835	3798	3664	3803	4052	3876	3804	4210
Жами соҳа мутахассислари	29134	29301	29645	29741	30174	31569	32543	33422	33565	34952

**Олий маълумотли соҳа ходимларининг сони**

22- жадвал.

Жисмоний тарбия ва спорт кадрлари	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Мактаб ўқитувчилари	9721	10338	10846	10553	10679	10966	11214	11895	11854	11989
Хунар-техника билим юртлари, лицей ва коллеж ўқитувчилари	485	483	465	448	444	432	446	497	569	808
Ўрта маҳсус ўкув юртлари ўқитувчилари	687	643	643	646	643	654	683	723	878	816
Олий ўкув юртлари ўқитувчилари	1256	1231	1246	1025	910	816	735	764	823	874
Тренерлар	2010	2297	2683	2643	2724	2944	3103	3073	3268	3413
Қолган мутахассислар	2352	2226	2097	2010	1988	1940	2132	1996	2076	2303
Жами соҳа мутахассислари	16511	17218	17980	17325	17388	17752	18313	18948	19468	20203

**Ўрта маҳсус маълумотли соҳа ходимлари**

23- жадвал.

Жисмоний тарбия ва спорт кадрлари	Йиллар									
	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Мактаб ўқитувчилари	6113	6388	6605	6961	7213	7576	7970	8505	8414	8832
Хунар-техника билим юртлари, лицей ва коллеж ўқитувчилари	186	196	210	184	181	191	202	206	200	201
Ўрта маҳсус ўкув юртлари ўқитувчилари	58	68	71	64	71	78	92	112	120	112
Олий ўкув юртлари ўқитувчилари	2	8	3	2	1	-	3	-	3	3
Тренерлар	683	775	851	893	898	1094	1042	1069	1105	1232
Қолган мутахассислар	1089	532	682	751	677	671	837	1071	906	867
Жами соҳа мутахассислари	8131	7967	8422	8855	9041	9610	10146	10963	10748	11247

Эслатма: Кўрсаткичлар ЎзРДЖТ ва СҚ статистик ҳисоботларидан олинди.

молот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Наврӯз”, “Маҳалла”, “Экосан” ва бошқа жамғарма ва уюшмалар мавжуд.

5. Бошқарищда бир қатор тамойиллар (принциплар) мавжуд бўлиб, у Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат ҳамда турли ислоҳотлардан келиб чиқсан ҳолда амал қиласди. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари” куйидагича белгиланган.

- инсонпарварлик;
- демократизм;
- фуқаролар жисмоний тарбиясининг узлуксизлиги ва давомийлиги;
- жисмоний тарбия ва спорт тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг устунлиги.

Бу тамойилида негизида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги, спорт маҳоратини ошириш, фаолиятларни иммий жиҳатдан ташкил қилиш, ҳар бир тадбир натижаларига холисона (объектив) ёндошиш каби муҳим таъаблар ҳам мавжудаир.

Инсонпарварлик принципида жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар, шунингдек раҳбарларнинг спорт тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиша спортчилар, уларнинг мураббийлари, ҳакамлар ҳамда томошибинларга нисбатан ғамхўрлиги, шароитлар яратиб беришга интилиши, жисмоний тарбия ва спорт билан аҳолининг тобора кўпроқ қисми шуғуланишини таъминлаш каби ишлар кўзда тутилган.

Демократизм принципи жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш фаолиятидаги ҳалқчиллик, кўпчиликнинг хоҳишига риоя этиш, тизимдаги раҳбар орган ва раҳбарларни сайлаш, шунингдек уларнинг ўз жамоалари олдида мунтазам ҳисобот бериб боришларидан иборат.

Фуқаролар жисмоний тарбиясининг узлуксизлиги ва давомийлиги принципи асосан ўкув юртларидағи жисмоний тарбия дарслари, спорт тўгараклари машғулотларининг доимий ташкил қилинишини кўзда тутади. Шунингдек, меҳнаткаш аҳоли ва кекса кишиларни ҳам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишга жалб этишидир. Бунда турли мусобақаларни мунтазам ўтказиш, соғломташтириш марказларининг иш фаолиятини яхшилаш мақсад қилиб қуйилган. Бу принципларнинг яна бир жиҳати шундаки, аҳолини жисмоний тарбия ва спорт, ҳалқ миллий ўйинларига жалб этиш, айниқса, иқтидорли спортчилар-

нинг маҳоратларини ошириб бориш, шунингдек соғлом авлод тарбиясини яхшилашга қаратилгандир. Спорт машгулотларини ташкил қилиш, уларни режалаштириш, мусобақалар ўтказиш, мутахассис ходимларни тайёрлаш ва бошқа фаолиятларда тадқиқотларнинг натижаларига таяниш, фаолиятларни илмий равишида бошқариш муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён қилинади. Айниқса, спорт мусобақаларини ўтказиш, турли натижалар, ҳисоб-китоб, назорат қилиш каби фаолиятларда холисона (объектив) ёндошиш масалалари ишнинг тараққиётiga кўмаклашиши ҳисобга олинган.

6. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида жуда кўп маҳсус атамалар ишлатилади ва уларнинг мазмунидаги ўзига хос бошқарувчилик фаолиятларини талаб этувчи маънолар мавжуд. “Жисмоний тарбия”, “Жисмоний маданият”, “Спорт” каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” фанида етарли даражада баён қилинган. Шу сабабдан уларга алоҳида тұхталиш зарурияты йўқ. Шундай бўлса-да, қисқача тавсиф бериш жоиздир. Яъни:

— жисмоний тарбия педагогик жараён сифатида инсон камолотини такомиллаштирувчи восита ва усуладир.

— жисмоний маданият умумтарбиянинг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний машқлар билан шуғулланыш, унда асбоб-ускуна, кийим-бош, иншоотлардан фойдаланиш, тозаликка риоя этиш, гавданинг туғри ҳамда чиройли ўсишини таъминловчи тарбиявий жараёндир.

Кўриниб турибдики, бу икки атама бир-бирини тулдиради. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият билан уз-луксиз ҳамда оммавий шуғулланиш эса **жисмоний маданият ҳаракати демакдир**.

— Спорт мураккаб машқлар мажмуасидан таркиб топиб, техник-тактик жиҳатдан баҳслашиш машқидир. Бунда маҳсус қоида ва талабларга риоя этиш зарур, ғолиблар эса мусобақа шаклида аниқланади.

— “Бошқариш” атамаси барча соҳага тегишли бўлган умумий маънодаги сўз бўлиб, у бевосита фаолиятларга раҳбарлик қилишни англатади. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида “бошқариш” муҳим аҳамият касб этувчи фаолиятни ифодалаб, спорт ташкилотлари, спорт клублари, жамоалар (коллектив) орасида мусобақалар, йиғин-анжуманларни ўтказишга, йўлбошчилик қилиш маъносига ишлатиладиган атамадир.

**Бошқариш** тизимлари /система/ ўз навбатида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг сертармоқлигини

билдиради. Масалан, ўкув юртлари, ишлаб чиқариш мекнат жамоалари, муассасалар, спорт иншоотлари ва ҳоказо. Улар ўз навбатида, яна бир қатор тизимлардан таркиб топгандир. Яъни, ўкув юртлари тизимиға: мактаб, академик лицей, ўрта маҳсус, касб-хунар колледжлари ва олий ўкув юртлари киради.

Илмий бошқариц тушунчасига энг аввало, илмий тадқиқотлар, илфор тажрибаларнинг натижаларини қўллаш киради. Жамоаларни бошқаришда қўлланиладиган синовтажриба жараёнлар мониторинги ишларни илмий равишда бошқариш асосларидир.

Бошқариш усуллари. Бу жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида кўп қўлланиладиган ва мазмун ҳамда шакл жиҳатдан бир-биридан фарқ қиливчи фаолиятлардир. Чунки барча соҳа ёки жамоаларда бирдек иш тутиш мумкин эмас. Масалан, спорт иншоотлари ва мураббийларга яратилган имкониятлар бир хил бўлган футбол жамоаларининг иш фаолиятида ўхшашик, талаблар ягонадек туюлса-да, улар бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун ўйинлардаги натижалар ва жадваллардаги ўринлар ҳар хил бўлади. Шу сабабдан спорт ташкилотлари ва жамоаларида энг илфор, самарали усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро алоқалари жаҳон спорти фаолиятида кенг қўлланиб келинаётган баъзи бир янгиликларни вужудга келтириди. Бу, ўз навбатида менежмент, маркетинг, тадбиркорлик каби тушунчаларни келтириб чиқарди ва улар амалий фаолиятга тобора чуқур сингиб бормоқда. Уларнинг батафсил мазмунлари шу номдаги мавзуларда баён этилади.

Холоса. Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш бўйича жисмоний тарбия ва спорт соҳасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлажак мутахассис кадрларни назарий билим, амалий малака ҳамда кўнилмалар билан куроллантиришда “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” фанининг аҳамияти катта бўлмоқда. Унинг мазмуни ва моҳияти, хусусан, талабаларга таълим-тарбия бериш, касб-хунарларнинг турли усуллари билан танишириш, айниқса, республика, вилоят, шаҳар спорт кўмиталари, уларнинг қўйи тармоқларидағи ташкилий ишлар, уларга раҳбарлик қилиш йўлларини ўргатиш янги талаблар даражасида амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида талабаларнинг ижодкорлик фаолиятлари ҳамда ўз вазифаларини пухта билиш масъулиятларини оширилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тарбия-лашда соҳага доир қонунлар, фармонлар ва қарорларни ўрганиш, уларнинг ижросини таҳтил қилиш, талабаларнинг ўқув амалиётларида уларга амал қилиш йўлларини сингдириш ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фанини ўзлаштиришда ўқув рёжасидаги бошқа назарий ва амалий мутахассислик фанлари мазмунини боғлаш, уларни таққослаш ишлари талабаларнинг мустақил ҳамда ижодкорлик билан ўз касбига ёндошишини тақозо этмоқда.

Энг муҳими шундаки, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фанининг асосий таянчларидан ҳисобланган миллий қадриялар, маънавий-маърифий, маданий мазмундаги халқ миљий ўйинларининг моҳиятини чуқур ўрганиш, “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестлари талабарини ҳаётга татбиқ этиш усусларини билиш каби фаолиятлар ўқув жараёнинда бошқариш билан бевосита боғланмоқда.

## **II. БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ**

1. Узбекистон Республикасида Давлатни идора қилиш, Олий Мажлис, Президентлик, Вазирлар Маҳкамаси, суд ва маъмурий идоралар ҳақида тушунча.

2. Бошқариш тизимлари, Давлат идоралари, ширкат ҳужалик идоралари ва жамоат ташкилотлари.

3. Спорт ташкилотлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, “Ўзбекистон”, “Динамо”, “Ёшлик”, “Талаба” спорт жамиятлари, Мудофаага қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти.

4. “Махалла”, “Наврӯз”, “Экосан”, “Соғлом авлод учун” ва бошқа хайрия жамғарма уюшмалари, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги вазифалари.

### **2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТНИ ИДОРА ҚИЛИШ**

Жаҳондаги давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий турмуш шароитларини акс эттирган ўз миллий хусусиятлари мавжуд. Қаерда ва қандай давлат бўлмасин, унинг мақсади ва вазифаси аҳолини ижтимоий жиҳатдан таъминлаш, унинг миллий урф-одатлари ва маданиятини ривожлантириш, Ватанини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш кабиларга қаратилади. Жамият тараққиётининг ўзига хос қонунлари бор. Шунга кўра у ёки бу давлат иқтисодий, маданий, техник, фан ва ниҳоят, ҳарбий жиҳатдан ўз имкониятларининг бошқа давлатлардан устун бўлишига ҳаракат қиласди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўтказиладиган жаҳон биринчиликлари, кубоклари, Олимпия ўйинларида ҳар бир мамлакат ҳалқлари ўзининг спортчилари голибчиқишиларини, уларнинг шаънига ўз мадҳияларининг янграши ва байроқлари баланд кўтарилишини хоҳлайдилар.

Ҳар бир соҳадаги каби жисмоний тарбия ва спорт муҳтакассислари ҳам давлат ташкилотлари, уларнинг иш фао-

лиятлари билан яхши таниш бўлиши лозим. Чунки иш жараёнида улар билан боғлиқ масалаларга дуч келинади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ даврида давлат сифатида таркиб топган бўлсада, уни идора қилиш, раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш фақат Марказнинг хоҳиш ва буйруги билан амалга ошириб келинди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро андозаларга таянган ҳолда ўз Конституциясини ишлаб чиқди ва у 1992 йил 8 декабрда тасдиқланди. Конституцияда такидланишича, Ўзбекистон — суверен демократик Республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънени англатади /1-модда/. Шунинг учун давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи, дейилади /2-модда/.

Давлатни идора қилиш борасида Конституцияда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикасида Давлат ҳокимијати халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади /7-модда/.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги “Давлат ҳокимијатининг ташкил этилиши” бўлимдаги XVIII боби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бағищланган. Бу ерда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимијатни амалга оширади /76-модда/.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатларига Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш ва энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимијатлари тизимини ва ваколатларини белгилаш каби муҳим амаллар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари депутатлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлиснинг тармоқлари Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар, шаҳар-туман ҳокимијатлари ҳамда қишлоқ-маҳалла оқсоқоллари кенгашларидан иборатdir.

Олий Мажлис таркибида тури қўмиталар ва комиссиялар фаолият кўрсатади.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда унинг комиссиялари таркиби ҳисмоний тарбия ва спорт ўз ўрни ҳамда хусусиятларига эгадир. Яъни ҳисмоний тарбия ва спортга доир давлат ваколатидаги барча масалалар шу қўмита томонидан амалга оширилади. Бундай комиссиялар барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг амалий фаолиятларини ўрганиб боради ва зарур масалаларни тўла ишлаб чиқиб, уларни Олий Мажлисга олиб чиқади. Бу қўмитанинг тармоқлари вилоятлар, шаҳар-туманларнинг ҳокимиятида ҳам мавжуддир.

**Президентлик.** Маълумки, кўпгина давлатлarda идора қилиш ва бошқарища Президентлик тизими мавжуд. Уларнинг ташкилий тузилиши, моҳиятлари ва энг демократик тажрибаларини ўрганганд ҳолда Президентлик Ўзбекистон Республикасида ҳаётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX бобида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти” боби алоҳида берилгандир. Шунга кура, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади, дейилган. Бу вазифани юртимизда И.А.Каримов 1991 йилдан бўён бажарив келмоқда. Уларнинг олиб бораётган сиёсалари, раҳбарлик фаолиятлари фақат мамлакатимиздагина эмас, ҳатто жаҳон ҳамжамияти давлатлари орасида ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Шу уринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис йиғилишида қабул қилган қасамёдни келтириш ўринлидир.

“Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юқлатилган вазифаларни вижданан бажаришга тантанали қасамёд қиласман”.

**Вазирлар Маҳкамаси.** Юқорида қайд этилганидек, Олий Мажлис қабул қилган қонунларнинг ижрочиси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва унинг Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган.

Вазирлар Маҳкамаси халқ ҳўжалигида барча соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида таъминлайди. Шунингдек, у амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу вазифаларни амалга оширишда барча вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, жамоат ташкилотларининг фаолиятига таянади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз иш фаолиятида вилоятлар, шаҳар-туман ҳокимиятлари, қишлоқ-маҳалла ҳалқ депутатлари кенгашларининг фаолиятига суюнади, уларнинг барча фаолиятларига раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида давлатни идора қилишда хукуқий органлар сифатида ёки давлат ҳокимияти органлари таркибида суд, прокуратура, милиция, ҳарбий кучлар мавжуд. Улар қонунларни амалга ошириш, жинояччиликка қарши ва мудофаа ҳамда ҳавфсизлик ишларини бажариш билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт ишларида ҳам маълум даражада иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқланган журналистлар фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунларда давлатнинг тўртинчи ҳокимияти деб тан олинган матбуот органлари ҳам давлатни идора қилиш, улар билан боғлиқ барча фаолиятларда, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишда бевосита фаолият кўрсатади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, мамлакатда мутахassis кадрлар тайёрлаш, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишда ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқармалар давлат идоралари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Табиийки, барча турдаги умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ўқув жараёнининг таркибий қисмиидир. Шунингдек, уларда оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миллий ўйинлари ўқувчи ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини тараққий эттирувчи воситалар сифатида хизмат қилади. Бундай ижтимоий-педагогик жараёнларни ташкил қилиш, уларни моддий ва техник жиҳатдан таъминлашда давлат идоралари фаолият кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Мустақил Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-маданий турмуш фағовонлигини янада яхшилаш, уларнинг маънавий етук, жисмонан бақувват бўлиб камолотга етишишларида давлат идораларининг фаолиятлари муҳим аҳамиятта эга. Бунда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги ва бошика қонунлар, Республика Президентининг “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисидаги /1993 йил/ фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қатор /1993 йил, 1996 йил, 1999 йил, 2000 йил/ қарорлари муҳим аҳамиятта эгадир. Булар, ўз навбатида, мамлакатимизда давлатни бошқаришдаги Олий Мажлис, Президентлик, Вазирлар Маҳкамаси суд ва маъмурий идоралар тизими-нинг афзаллигидан далолатdir.

### 2.2.1 Давлат идоралари

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳофаза қилишда давлат ҳокимиятининг афзалликлари қайд этилди. Бу фаолиятларда бевосита иштирок этувчи ҳамда масъулият юқлатилган турли давлат идоралари ҳақида ҳам муайян маълумотлар берилди. Шунга кўра, уларнинг изчиллик билан олиб борадиган иш жараёнлари, жумладан, аҳолининг барча қатламлари саломатлигини яхшилаш билан боғлиқ иш тажрибаларида жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий йўйинларининг ҳам катта аҳамиятта эга эканлигини эътироф этиш зарур бўлади.

Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, давлат идоралари ҳозирги кун шароити ва жаҳондаги илғор давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда соҳалар, тармоқлар, ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятлари ҳамда муассасаларнинг турларига қараб вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, компаниялар ва шунга ўхашаш раҳбарлик органларидан таркиб топган. Буларга мисол тарикасида қуйидагиларни қайд этиш кифоя, яъни:

— мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, маҳсус мактаблар (ногиронлар учун), академик лицей, ўрта маҳсус, касб-хунар коллежлари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, ўқитувчилар ва тарбиячилар малакасини ошириш институтлари ҳамда шунга ўхашаш муассасаларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарлик қиласи;

— ўрта ва олий тиббиёт ўқув юртлари, шифохоналар, поликлиникалар, дорихоналар ва турли даволовчи мусасасалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бошқарилади;

— қишлоқ меңнаткашларининг фаолияти, деққон хужалиги ва улар билан боғлиқ бўлган барча фаолиятлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги зиммасидадир;

— концернлар ва шунга ухшаш йирик корхоналарга эга бўлган давлат идоралари мазмунан тизим ва тартибдаги соҳалардир.

Мамлакатимизнинг географик ва демографик тузилиши жараёнидан келиб чиққан ҳолда саноат ва қишлоқ хужалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш /пахта, ёғ, дон, мева ва ҳоказолар/, савдо ва бошқа соҳалар бўйича давлат-кооператив /ширкат/ хўжалик, фермерлик идораларининг фаолиятларини бошқариш тизимига чуқур сингиб бормоқда. Улар ўз ихтисосликларидаги барча иш турлари билан биргаликда аҳолининг ижтимоий-маданий турмушида ҳам фаол иштирок этади. Бунда жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, спорт майдонларини қуриш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишларида ҳамкорлик кучаймоқда.

### 2.3. Спорт ташкилотлари

Ўзбекистонда спорт ташкилотлари ва спорт жамиятлари /касаба ўюшмалари жисмоний тарбия - спорт жамияти “Ўзбекистон”, “Динамо”, “Меңнат ўринбосарлари” ва ҳоказо/собиқ Иттифоқ давридан буён фаолият курсатиб келмоқда. Ижтимоий-маданий ва аҳолининг ишлаб чиқаришдаги фаолиятларига асосланган ҳолда спорт жамиятларининг номлари /“Спартак”, “Буревестник”, “Меңнат”, “Пахтакор”, “Ёш куч” ва бошқалар/ турли даврларда /1936-1940, 1950-1957, 1987/ ўзгаририлди ва улар бирлаштирилди. Улар ўз тараққиёти тарихига эгадир. Бу ҳақда тўла маълумотларга эга бўлиш учун эса Р.Абдумаликов, Т.Т.Юнусов, А.К.Акрамов ва бошқаларнинг ўқув-услубий қўлланмаларнга мурожаат қилиш керак.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси давлат органи сифатида республикада жисмоний тарбия, спорт, ҳалқ миллий ўйинларини аҳолининг кундаклик турмушига сингдирис ва уларга бевосига боғлиқ бўлган қатор тадбирларни олиб бориш билан шуғулланади. Унинг асосий мақсади ва вазифалари алоҳида Низомда қайд этил-

ган. Республикаизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи спорт жамиятлари мавжуддир. Улар таркибига қўйидагилар киради:

1. Республика Касаба уюшмалари федерацияси қошидаги “Ўзбекистон” спорт жамияти. Бу жамият, асосан меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш билан фаолият кўрсатади. Шунингдек, унинг таркибида терма спорт жамоалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мавжуддир.

2. “Динамо” спорт жамияти. Бу жамият, асосан, ички ишлар идоралари ходимлари ва улар билан боғлиқ корхоналар, муассасаларда меҳнат қилувчилар билан жисмоний тарбия ишлари олиб борадиган ташкилотdir.

3. “Ёшлик” /собиқ “Меҳнат резервлари” ва “Ёш куч” спорт жамиятлари уюшмаси/ спорт жамияти ўз фаолиятини мактаб ўқувчилари, “Талаба” спорт уюшмаси, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари талабалари билан оммавий спорт тадбирларини ўtkазиша намоён этади.

4. “Ватанпарвар” ташкилоти Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи ташкилот сифатида ўқувчи-ёшлар ва ишчилар орасида спортнинг ҳарбий-техника билан боғлиқ турларини ташкил этади /парашют, авто-мотоклуб, радио-техника ва ҳоказо/.

5. Марказий ҳарбий спортклуби — маҳсус спортклуб сифатида фаолият кўрсатиб, у асосан ҳарбий ташкилотларда спорт ишларини уюштириш билан фаолият кўрсатади.

Кейинги йилларда ўз мақомига эга бўлган футбол, каратэ, таэквондо, дзю-до, кураш, турон каби спорт турлари бўйича маҳсус спорт уюшма (федерация)лари ташкил этилди.

Юқорида қайд этилган спорт ташкилотлари ва клубларнинг маҳсус низомлари, уставлари мавжуд бўлиб, уларда хақ-хукуқлари тўла акс эттирилган. Бу ҳақда кейинги бобларда батафсил сўз юритилади.

#### **2.4. Жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилишида жамғарма уюшмаларининг фаолиятлари**

Мустақиллик даврида аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини тобора ошириш миллий қадриятларни қайта тиклаш, маънавий-маърифий маданиятимизни жаҳон халқарининг илгор маданияти билан бойитиш “Соғлом авлод учун” давлат дастурини амалга ошириш ва бошқа соҳаларда кўмаклашувчи жамғарма уюшмалари ташкил

қилинди. Уларнинг қисқача фаолиятлари билан қуйида танишиш мумкин.

“Наврӯз” хайрия жамғарма уюшмаси мустақиллик шарофати билан юзага келган илк ташкилотлардан ҳисобланади. У асосан ҳар йили ўтказиладиган баҳор байрами – “Наврӯз”ни ташкил қилиш, кўпгина соҳалар каби жисмоний тарбия ва спортга ҳам моддий ёрдам бериш фаолиятларини амалга ошириб келмоқда.

“Маҳалла” хайрия жамғармаси маҳалла оқсоқоллари жамоаларини бирлаштирувчи ташкилотdir. Жамғарилган маблағларни кам таъминланган оиласлар, ногиронларга, фахрийларни моддий рафбатлантиришга, шунингдек, маҳаллаларда ўтказиладиган маданий ва оммавий спорт тадбирларига сарфлайди.

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг хайрия жамғармаси ҳам шу ном билан юритилади. Юритимизда миллий қадриятларни қайта тиклаш, маънавий-маърифий маданиятимизни кенгайтириш ва бойитиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан /1993 йил, апрел/ бу марказ ташкил этилди. Бу марказ Давлат спорт қўмитаси билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуманлар, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш ҳамда жамғарма ҳисобидан спортга моддий ёрдам беришда фаол иштирок этмоқда.

“Софлом авлод учун” жамғарма уюшмаси Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 4 мартағи “Софлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисидаги фармони асосида вуждуга келган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотdir. “Софлом авлод учун” давлат дастурини амалга ошириш, айниқса ўқувчи-ёшларнинг оммавий спорт тадбирларини ташкил қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатишида хизматлари foят каттадир.

“Экосан” халқаро жамғарма уюшмаси сифатида жаҳондаги кўпгина нуфузли ташкилотлар қаторига кўтарилди. Унинг асосий мақсад ва вазифалари атроф-муҳитни кузатиш, назорат қилиш, тозаликни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилишdir. Бу йўлда Орол денгизи муаммолари ва шунга ўхшаш ўта муҳим ишлар билан шуғулланиб келди. Ўз навбатида саёҳатчилар, ўқувчи-ёшларнинг оммавий соғломлаштирувчи спорт тадбирларига ҳам маълум даражада ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўқувчи-ёшлар, талабаларнинг таълим-тарбия, касб-хунар, техникани эгаллаш, саломатлик, спорт, маданият соҳаларидағи фаолиятларида амалий жиҳатдан қўмаклашади. У Халқаро Кү-

раш Ассоциацияси фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий, моддий ёрдам бериш ишларида бевосита иштирок этади. Республикаизда “Болалар” хайрия жамғармаси, “Нуроний” хайрия жамғармаси ва шунга ўхшаш кўпгина хайрия жамғармалар мавжудлир. Улар ўз соҳаларида ўтказиладиган маданий тадбирларда қўмаклашади ва белғиланган тартибда моддий ёрдам беради.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, юқорида номлари қайд этилган жамғарма уюшмаларининг вилоят, туман-شاҳар бўлимлари, уларнинг кўпгина жамоаларда бошланғич ташкilotлари амалий жиҳатдан фаолият кўрсатиб, яхши самараларга эришмоқда. Улар фаолиятида оммавий спорт тадбирлари ва ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилишда амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этмоқда.

### III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ташкилий тузилиши ва тараққиёти.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Низоми ва унинг асосий мазмуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ички тузилиши, коллегия.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг таркибий тармоқлари, ЎзДЖТИ.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси давлат идоралари ва жамоат ташкilotларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ташкilot.
5. Жисмоний тарбия ва спорт қўмиталарининг фаолиятлари; мутахассис ходимлар, спорт жамоалари /командалар/, уюшмалар /федерациялар/ билан ишлаш, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишнинг илмий асослари.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг матбуот идоралари билан алоқаси /радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари ва ҳоказолар/.

#### 3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг тузилиши ва тараққиёти

Ўзбекистон шароитида оила, болалар боғчалари ва барча тоифадаги ўкув юртларида жисмоний тарбияни ташкил қилиш, аҳоли ўртасида оммавий соғломлаштирувчи спорт тадбирларини уюштириш ҳамда иқтидорли спортчилар маҳоратини ошириш каби турли-туман фаолиятларни ташкил қилишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Бошқача қылиб айтганда, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати кенг қамровли ташкилий-педагогик жараён бўлиб, уни бошқариш маҳсус давлат ва жамоат спорт ташкilotларининг фаолия-

тини талаб этади. Шу сабабдан, мамлакатимизда Давлат органи ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мавжуд. У ўзининг ташкилий ва ривожланиш тарихига эгадир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлгач, барча соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш, уларни бажаришнинг тартиб-қоидалари ишлаб чиқилди ва республика шароити ҳамда давр талабларига мослаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунида таъкидланишича, “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш ваколатли давлат органи томонидан бошқарилади” деб /5-модда/ белгиланган. Шунга асосан, “Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг ваколатли давлат органи ҳисобланади”, — дейилган.

Қонунда Республика спорт қўмитасига қўйидаги ваколатлар берилган:

- жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурини ишлаб чиқади ва рӯёбга чиқаради;

- жисмоний тарбия — спорт жамоат бирлашмалари билан биргаликда Ўзбекистон спортчиларини Олимпия үйинлари ва бошқа халқаро спорт мусобақаларига тайёрлашнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

- спорт турлари бўйича мамлакат терма командалари таркибларини тасдиқлади ва уларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишга тайёргарлик кўришларини таъминлайди;

- аҳоли турли қатламларининг жисмоний камолот даражасини аниқлаш учун спорт меъёrlарини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

- жисмоний тарбия — спорт кадрларини тайёрлаш, малақасини ошириш ва аттестациядан ўтказишни ташкил этади;

- спорт тайёргарлиги марказларини, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари ва илмий ташкилотларини тузади;

- жисмоний тарбия ва спорт муаммолари бўйича илмий, услубий ва оммабоп адабиётлар яратилиши ва нашр этилишини ташкил қиласди;

- ўз ваколатлари доирасида жисмоний тарбия ва спортга оид меъёрий хужжатларни, шу жумладан, жисмоний тарбия - соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдала-

ниш меъёрлари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

- жисмоний тарбия ва спортнинг илмий-ахборот таъминоти тизимини ташкил этади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Юқорида қайд этилган ишларни ташкил этиш ва уларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ўзининг қуий тармоқлари, яъни вилоят, шаҳар ва туман спорт қўмиталарига бевосита таянади. Шу билан биргаликда, қонун асосида бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, спорт жамиятлари билан ҳамкорлик қилади.

#### **Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси аппаратининг тузилиши**



### **3.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг низоми ва унинг асосий мазмуни**

#### **3.2.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Низоми ҳақида**

Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дастлабки қадам ташлаш пайтлари Республика спорт қўмитасининг Низоми қайта кўриб чиқилди. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғри-

сида”ти Қонун қабул қилиниб, у күнгө киргач, спорт құмитасининг Низоми қайта ишлаб чиқылды бунда аввалги Низомдан ҳам фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 185-сонли қарорига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт құмитаси ҳақидағи Низом” тасдиқланды. Унда қайд этилишича:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт құмитаси /Давлат спорт құмитаси/ жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маҳсус давлат идораси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

2. Ўзбекистон Давлат спорт құмитаси Ўзбекистон Конституцияси, республика қонунлари ва ҳукумат қарорлари га таянади. Қонунлар, қарорлар ва Ўзбекистон Президентининг фармонларини амалга оширишда ўзига берилган ваколатлар доирасида ўз фаолиятини ташкил этади.

3. Ўзбекистон Давлат спорт құмитаси жисмоний тарбия ва спорт билан bogлиқ барча масалаларни ҳал этади ва ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа идораларга топшириқ бериши мумкин. Республикада оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига раҳбарлик қилишда Давлат спорт құмитаси Касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи.

4. Ўзбекистон Давлат спорт құмитаси ўзининг молиявий муносабатларини Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва шаҳар-туман спорт құмиталаари билан ҳамкорликда олиб боради.

5. Давлат спорт құмитаси тасарруфидаги ўқув юртлари, уюшмалар, муассасалар, ташкилотларда давлат бюджети асосида молиявий ишларни бошқаради. Низомда таъкидланишича, энг зарур масалаларни ҳал этиш учун ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқади, уни тасдиқлаш учун тегишли идораларга тақдим этади.

Ўзбекистон Давлат спорт құмитаси ўзининг Республика Герби акс эттирилган муҳри, бланкалари ва банкларда мустақиль ҳисоб рақамига эга. Ўзбекистон Давлат спорт құмитасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни мувофиқластириш, ҳар йилги прогнозларни /башорат/ шакллантириш, илмий асосланган жисмоний тарбия тизимини амалда юритиш ва шу соҳада ғиммий тадқиқот ишларини олиб бориш;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги энг илғор йўналишларни белгилаш, молиявий, моддий - техник ва бошқа бойликларни /ресурс/ концентрациялаш;

- аҳоли ўртасида соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларини уюштириш, фуқароларни соғломлаштириш ва жисмоний камолотга етказиш, ёшларни меҳнатга ва республика қуролли кучлари сафларида хизмат қилишга тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, дам олиш, хордиқ чиқаришни ташкил қилиш;

- аҳоли истиқомат жойлари ва маҳаллаларда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлашда кўйи спорт қўмиталари ва жисмоний тарбия ҳамда спорт соҳасидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш;

- миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказишни ташкил қилиш;

- жисмоний тарбия мутахассисларини тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш;

- спорт жамоаларига ўринбосарларни тайёрлаш ишларини ташкил қилиш, ҳалқаро ва республика спорт мусобақаларини ўтказиш, ўқув-машгулотлар йигинларини ташкил қилиш;

- аҳолини спорт иншоотлари, асбоб-усқуналари ва буюлари билан таъминлаш. Низом асосида Ўзбекистон Давлат спорт қўмитасига куйидаги фаолиятлар /функциялар/ юқлатилган;

- Ўзбекистон Республикаси Макраиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Корақалпоғистон Жўқориги Кенгеси, вилоятлар ҳокимликлари, давлат идоралари билан биргаликда узоқ муддатли прогнозлар ишлаб чиқиш, фойдали ишлаб чиқарувчи муассасалар ва фирмаларнинг спорт буюларини ташкил қилиш, бу билан оммавий жисмоний тарбияни ривожлантиришга эришиш;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқаришни ташкил қилишда иқтисодий усуслардан фойдаланишни жорий этиш, бозор иқтисодиёти ва муносабатлари қоидаларидан мақсадли фойдаланиш;

- оммавий жисмоний тарбия, миллий спорт турлари, ҳалқ ўйинлари, ногиронлар спорти ва олий спорт маҳоратини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиши;

- спорт ўринбосарларини тайёрлаш ишини олиб бориш, қайси идорага мансуб бўлишидан қатъий назар, спорт мактаблари, тармоқлар ва ихтиносликлар, олимпиадачиларни тайёрлаш марказларини ривожлантиришни муовфикаштириш, улардаги ўкув-йигин машғулотларини назорат қилиш;

- жисмоний тарбия ва спорт ишларини таҳлил қилиш, ҳисобга олиш, ҳисбот тузиш, назорат қилиш ва бошқариш фаолиятларида ҳисоблаш техникаси ҳамда илмий технологиялардан фойдаланишни таъминлаш;

- жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича жаҳон спортида эришилган илмий-техника тараққиёти, чет мамлакатларда қўлга киритилган илфор тажрибаларни оммалаштириш;

- спорт мусобақаларини ўтказиш қоидалари, ягона спорт класификацияси, дастурий-қўлланмалар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Ўзбекистон миллий терма жамоаларини тайёрлаш, уларнинг Осиё, Жаҳон, Олимпия ўйинлари, чемпионатлар, биринчиликларда қатнашишини таъминлаш;

- спорт турлари бўйича республика рекордларини тасдиқлаш, спорт унвонларини бериш;

- Олий ва ўрта маҳсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда жисмоний тарбия мутахассислари ва мураббийларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларни ўрганиш, уларни тайёрлаш, ўкув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

- жисмоний тарбия ва спорт ҳамда халқ миллий ўйинларини оммавий ахборот воситалари, телерадио орқали тарғиб қилиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Давлат спорт қўмитасига бир қатор ҳукуқ ва ваколатлар берилган, яъни:

- Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва жамоат ташкилотларидан кўзда тутилган ҳисботларни олиш;

- барча идоралар ташкилотлар, муассасалар, ўкув юртларининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича ахборотларини эшлиши, улар фаолиятини текшириш;

- энг муҳим ҳужжатлар, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва текширув ишларига турли идораларнинг мутахассислари, ходимлари, олимларини жалб этиш;

- илмий текшириш ишлари, Олимпия ўйинлари ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида қатнашиш учун молиявий таъминот масаласини ҳал этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси фаолиятини унинг раиси бошқариб боради. У Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашида тасдиқланади.

Қўмита раисининг биринчи ўринbosари, ўринbosарларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

### **3.2.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасининг ички тузилиши. Коллегия**

“Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ҳақидаги Низом”да Давлат спорт қўмитасининг ички тузилиши батафсил баён этилган. Унинг баъзи бир жиҳатларини қўйидагича ифодалаш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, Давлат спорт қўмитаси фаолияти унинг раиси томонидан бошқарилади.

Раис ўз навбатида:

- Давлат спорт қўмитасига юкланган вазифаларни баъзиш ва белгиланган вазифаларни амалга оширишда шахсан жавобгардир;

- ўринbosарларнинг вазифаларини белгилайди ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- белгиланган меҳнат ҳақи ва уни тақсимлаш, штатларни белгилайди;

- бошқарма ва бўлим бошлиқларининг асосий иш вазифаларини тақсимлайди.

Давлат спорт қўмитаси умумий раҳбарлик учун коллегия /ҳайъат/ ташкил этади. Унинг таркиби спорт қўмитаси раиси /коллегия раиси/, раис ўринbosарлари, спорт қўмитаси тизимида бошқа раҳбар ходимлар, шунингдек вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва жамоат ташкилотларнинг ходимларидан иборат бўлади. Коллегия таркибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Коллегия ўз йиғилишларида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқади ва ҳал этади. Шунингдек, норматив ва бошқа му-

ҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилади, уларни юқори идораларга тақдим этади. Спорт қўмитасининг қарорлари, буйруқлари, йўл-йўриқлари /инструкция/, текшириув саволлари, кадрлар тайёрлаш, уларнинг мақасини оширишга доир ҳужжатларнинг лойиҳаларини тасдиқлайди.

Коллегия ўз йигилишларида вилоятлар спорт қўмиталари раислари, спорт қўмита марказий аппарати ҳодимлари, уюшмалар, муассасалар, ўқув юртлари раҳбарларининг маъruzаларини эшитади.

Коллегия қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун маҳсус қарор ёки буйруқлар чиқарилади.

Коллегия қабул қилган қарор раис учун тавсия характеристига эга будади.

Коллегия аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ҳар хил булиб қолса, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳал этади.

Коллегия умумдавлат аҳамиятига эга бўлган барча масалалар юзасидан жавобгар ҳисобланади.

### **3.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг таркибий тармоқлари**

#### **3.3.1. Давлат спорт қўмитаси тармоқлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тузилиши ва бошқариш жиҳатдан асосан икки йўналишга эгадир. Биринчи йўналиш спорт қўмиталарининг қуи тармоқлари ҳисобланади. Иккинчиси эса, мустақил ташкилотлар сифатида спорт қўмиталари фаолиятида иштирок этувчилардир.

Биринчи йўналиш: Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг узвий тармоқлари, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар спорт қўмиталари ҳисобланади. Бундай қуи тармоқлардаги спорт қўмиталари жойлардаги ҳокимликлар маҳкамаси таркибида бўлиб, ҳокимлар раҳбарлигига иш олиб борадилар. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманлардаги спорт қўмиталари раислари Ҳокимлар томонидан тасдиқланали. Барча тармоқлардаги спорт қўмиталарининг маҳсус Низомлари мавжуддир. Шу Низомга асосан улар ўзларига тегишли ҳудудда ҳокимиятлар ва Давлат спорт қўмитаси томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширадилар. Уларнинг ташкилий тузилиши-

да оммавий-ташкилий ишлар, спорт, молия-хўжалик, спортни тарғиб қилиш, ўқувчи-ёшлар билан ишлаш ва бошқа соҳалар бўйича бўлимлари бўлади. Белгиланган штатлардаги ҳодимлар ўз фаолиятларини юритадилар.

Иккинчи йўналиш: Давлат спорт кўмитаси ва унинг тармоқлари фаолиятида бевосита иштирок этувчи ва унга кўмаклашувчи қўйидаги ташкилотлар, комиссиялар мавжуддир, яъни:

1. Спорт турлари бўйича федерациялар, мураббийлар кенгаши, ҳакамлар уюшмаси.
2. Халқаро спорт ассоциациялари.
3. Илмий-услубий кенгашлар.
4. Миллий спорт ва халқ миллий ўйиналари уюшмалари.
5. Тиббий назорат муассасалари ва ҳ.к.

### **3.3.2. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти /ЎзДЖТИ/ 1955 йил сентябрда ташкил этилди. Мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг таркибий тармоғидир. Институтнинг дастлабки фаолияти пайтларида атиги 2-3 та кафедра мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 18 та.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида спорт ўйинлари, яккақураш спорт турлари, сиртқи таълим ва малака ошириш факультетлари мавжуд.

Мустақиллик йиллари даврида институтда илмий-педагогик соҳа бўйича мутахассис ҳодимларни тайёрлашда катта ютуқларга эришилди. Яъни аспирантура ва докторантура ташкил этилди. Ҳимоя бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш очилди ва 10 дан ортиқ ёш мутахассислар фан номзодлиги диссертацияларини ёқладилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш ишида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоаси ижодий ёндашган ҳолда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, юқори малакали спортчилар тайёрлаш, бўлажак мутахассисларни спорт менежменти ҳамда маркетинги асослари билан қуроллантириш, мактаб ёшигача болалар муассасалар фаолиятлари билан таништириш, аҳоли ўртасида оммавий-соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ҳамда халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш йўлларини ўргатишида давр талабларига риоя қилинмоқда.

### **3.4. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ташкилот**

Мамлакатимизда кечётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли аҳолининг турмуш даражаси ўсиб бормоқда. Умумий маданияти юксалмоқда. Меҳнаткаш аҳоли ва ўкувчи-ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги, соғлиги ва камолоти йўлида давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия тизими каби кенг тармоқли соҳанинг барча ташкилотларида ягона тартибларни жорий этиш учун мувофиқлаштирувчи марказ ёки маҳсус ташкилот сифатида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ўрни алоҳидадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунида “Маҳаллий давлат ҳокимиёти органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари” /6-модда/, “Жисмоний тарбия—спорт жамоат бирлашмалари” /7-модда/. “Ўзбекистон Республикасидаги Олимпия ҳаракати” /8-модда/ масалалари алоҳида ўрин эгаллаган. Бу соҳалардаги жараёнларнинг мукаммал ва мақсаддагидек олиб борилишини назорат қилиш, йўлйуриқлар кўрсатиш ва амалий ёрдам бериш лозим бўлади. Бу фаолиятлар спорт қўмиталари томонидан чукур ва изчил ўрганилади ҳамда ўзаро боғлиқлик тамойиллари асосида иш тутилади.

Қонунда таъкидланишича, “Жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш” /9-модда/, “Таълим муассасаларида жисмоний тарбия” /10-модда/, “Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги иштироки” /11-модда/, “Ногиронлар учун жисмоний тарбия ва спорт” /13-модда/ ҳамда тури тармоқларда ташкил қилиниши зарур бўлган оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини биргаликда ташкил қилишни доимий равишда мувофиқлаштириш фаолиятлари спорт қўмиталари зиммасидадир.

Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси ва унинг тармоқлари, турли давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг жисмоний тарбия ва спортдаги барча фаолиятларини қонунлар, фармонлар, қарорлар асосида олиб боришига

йўл-йўриқ курсатишини мувофиқлаштириш усулининг асоси ҳисобланади. Шу сабабдан “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунда “Жисмоний тарбия ва спорт машгулотларини ташкил қилиш” билан боғлиқ фаолиятлар /15-модда/, “Спортда қўлланиши ман этилган воситалар” /16-модда/, “Ҳаваскорлик спорти ва профессионал спорт” /17-модда/, “Юқори малакали спортчиларни тайёрлаш” /18-модда/ соҳаларини мувофиқлаштириш /узаро келишиш/ талаб қилинади.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида спорт қўмиталарининг мувофиқлаштирувчи фаолиятлари қонунда яққол баён этилган. Улар асосан “Жисмоний тарбия ва спортни молиявий таъминлаш” /19-модда/, “Жисмоний тарбия—соғломлаштириш ва спорт иншоотлари” /20-модда/, “Аҳолига пулли хизматлар курсатиш” /22-модда/, “Ҳалқаро ҳамкорлик” /25-модда/ кабилар билан ифодаланиб, бу фаолиятларда жуда кўп идоралар ва ташкилотлар расмий равища иштирок этади. Шу сабабдан барча фаолиятларни мақсадли амалга ошириш, яхши натижаларга эришишни таъминлашда Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси мувофиқлаштирувчи маҳсус ташкилот сифатида катта рол ўйнайди.

Шуни эътиборга олиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва унинг қуйи тармоқларида айрим соҳалар ёки умумажамиятга молик бўлган муаммоларни муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш жараёнларида масалага танқидий қараш, ижодкорлик ва илгор тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқ булади. Бу соҳаларни амалий жиҳатдан ўрганиш, спорт қўмиталари иш фаолиятини бевосита кузатиш талабаларнинг мустақил иш жараёнларида амалга оширилади.

### **3.5. Жисмоний тарбия ва спорт қўмиталарининг энг муҳим фаолиятлари. Мутахассис ходимлар, спорт жамоалари /командалар/, ўюшмалар билан ишлаш**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассис ходимлар билан ишлаш спорт қўмиталари раҳбарлари ва масъул ходимларнинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Ўзбекистон Давлат спорт қўмитасидаги раҳбарлар ва бўлим бошлиқлари, мутахассис ходимлар билан бевосига ички ишлардаги фаолиятлар тўғрисида мuloқатда буладилар. Шунингдек, мусобақаларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш билан боғлиқ масалаларда мураббийлар, ҳакам-

лар, мутасадди ташкилотларнинг шу соҳага масъул ходимлари билан иш олиб борадилар.

Вилоят, туман, шаҳар спорт қўмиталарининг раҳбарлари ва ходимлари ҳам мураббийлар, ҳакамлар, ўқитувчилар, спортчилар билан доимий муносабатда бўладилар. Бундай фаолиятларда спорт машғулотларини ташкил қилиш, спорт иншоотлари, жиҳозлар, буюмлар, кийимлар билан боғлиқ масалалар ҳал қилинади.

Жисмоний тарбия ва спортга алоқадор ташкилотлар, идоралар, спорт ташкилотлари, спорт марказлари ходимлари юқорида таъкидланган масалаларга доир ишларни ҳал қилишда яқиндан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, спорт ташкилотлари ходимлари орасида мураккаб баҳслар, муаммолар кўп учрайди. Шу сабабдан кўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- қонунлар, қарорлар, қоидалар, Низомларда қайд этилган жиҳатларни эслаш, эслатиш;
- оғир, вазмин булиш ва ўзини тута билиш;
- жаҳл ва эҳтиросларга берилиб кетмаслик;
- иш юзасидан келган ходимларнинг барча саволлари ва мuloҳазаларини дикқат билан эшлиши, уларга тўғри баҳо бериш ва ҳал қилиш;
- амалга ошириб бўлмайдиган ишларни ҳал қилишга вайда бермаслик;
- энг тажрибали ва ютуқларни қўлга киритган мураббийлар, мутахассисларни маънавий ҳамда моддий жиҳатдан рағбатлантириб туриш;
- спорт жамоалари /команда/ аъзолари ва уларнинг мураббий ҳамда бошқа раҳбарлари билан очик мuloқотда булиш;
- спорт жамиятлари, спорт федерациялари /уюшмалиари/ ходимлари билан масъул вазифалар, энг зарур тадбирларни ўтказиш ҳақида бўладиган расмий мuloқот, суҳбатлар жараёнида уларнинг мустақил ташкилотлар ҳамда ўз мақомига эга эканлигини назарда тутиш.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини илмий асосда таъминлаш бошқарувчиликда катта муаммолардан биридир. Бу асосан икки йўналишга бўлинади:

1. Терма жамоаларнинг машғулотларини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш.

2. Аҳолининг барча табақалари, айниқса, ўқувчи ёшлар, спорт мактабларида шуғулланувчиларнинг машғулотларини илмий тадқиқотларнинг натижалари асосида ташкил этиш.

Бу икки йўналишда ҳам илмий тажрибалар, синов, назорат, кўрик ишларини ўтказиш талаб этилади. Шу сабабдан спорт ташкилотларининг иш фаолиятида илмий-услубий ишларни олиб бориш, илмий муассасалар, олий ўкув юртлари жисмоний тарбия кафедралари ходимларининг илмий-ижодий фаолиятларига таяниш лозим бўлади.

### **3.6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг матбуот идоралари билан алоқалари**

#### **3.6.1. Ўзбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмита-си ҳамда унинг қўйи тармоқлари томонидан жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уни тарғиб қилиб бо-риш вазифаларининг амалга оширилиши жараёнида ра-дио ҳамда телевидение фаолиятидан мақсадли фойдала-ниш катта аҳамиятга эга. Радиода спорт хабарлари, мураб-бийлар ва илғор спортчиларнинг фаолиятлари мунтазам эшилтириб борилади. Бунда мұхбирлар, журналистлар, ҳаваскорлар спорт ташкилотларининг иш фаолиятларини жонлантиришига доир маълумотлар, эшилтириш мавзула-ри ва бошқаларни спорт қўмиталари ходимлари билан мас-лаҳатлашган ҳолда эфирга олиб чиқалилар.

Телевидение таргигиботнинг энг жонли, кулай ва кент усулидир. Шу сабабдан спорт хабарлари, янгиликларни, спорт мусобақаларини бевосита түгридан-тўғри кўрсатиш йули билан маълум қилиш кун сайин кенг қўлланилмоқда. Журналистлар, мұхбирларнинг спорт соҳасидаги фаоли-ятларини такомиллаштириша спорт қўмиталарининг тав-сиялари, режалари ва таклифлари мұхим аҳамият касб эт-моқда.

Спорт кўрсатувларининг энг мұхим воситаларидан ҳисобланган видеофильмлар, лавҳалар, репортажлар ке-йинги йилларда оммалашшиб кетди. Бу соҳада ҳаваскорлар, профессионал журналистлар томонидан олинаётган видеотасвирларнинг кўпайиши ва уларнинг ижодий меқнатла-ри қўпчиликни қувонтируммоқда.

Телекўрсатув ва радио эшилтиришларининг мавзула-рини яхшилаш, бунда аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, халқ миллий ўйинларини тарғиб қилишига ётибор-ни кучайтириш лозим бўлади.

### **3.6.2. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг оммавий ахборот воситалари билан алоқалари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, унинг жойлардаги тармоқлари сўнгги йиллarda оммавий ахборот воситалари ходимлари билан алоқаларни тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар. Яъни спорт қўмиталари раислари, ходимлар, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт фахрийлари, спортчилар, ҳаваскорлар, мухлислар ва бошқалар билан газета ходимлари тез-тез мулоқотда бўлишади. Натижада, спорт янгиликлари, тури мулоҳазалар мазмуни кенгайиб, минбарларда танқидий мулоҳазалар, далиллар кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси таъсисчиси бўлган “Спорт”, “Ўзбекистон футболи”, “Теннис” газеталарининг иш фаолияти спорт ташкилоти ходимларининг ижодий меҳнатлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ўзбекистоннинг “Халқ сўзи”, “Туркистон”, “Хуррият” каби етакчи газеталарида фақат футбол, теннис, кураш, бокс, шахмат каби спорт турлари бўйича ўтказилаётган халқаро турнирлар, йирик мусобақалар ҳақидагина эмас, балки спорт иншоотлари, спортклублари, мураббийларнинг илфор тажрибалари, болалар спорти ва бошқа тарғибот мавзуидаги мақолалар ҳам бериб борилаётир.

Хулоса қилиб айтганда, спорт қўмиталарининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Оммавий спорт тадбирлари ва халқ миллий ўйинлари кўнгилдагидек ташкил қилинмоқда. Спортчилар халқаро спорт мусобақаларида улкан ютуқларга эришмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш масалаларида жiddий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, спорт жамиятлари билан ўзаро ҳамкорликлар кучайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш йўлида катта меҳнат қилинмоқда. Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари ходимлари жисмоний тарбия ва спортни бошқариш, оммавий ўйинларни ўказиш ҳақида кўрсатув ҳамда мақолалар тайёрлайдиган журналистларнинг ихтисослашиб боришига эътибор берсалар, фойданан ҳоли бўлмасди.

#### **IV. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ**

1. Ўқув юртларига эга бўлган давлат идоралари ва уларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги асосий вазифалари.

2. Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишдаги иштироки.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш. Аҳолининг соғлиғини назорат ва муҳофаза қилиш, “Соғлом авлод учун” давлат дастурини амалга оширишдаги фаолиятлар.

4. Ички ишлар, мудофаа, қишлоқ ва сув хўжалиги, енгил саноат, маданият ишлари ва бошқа соҳалар бўйича идора қилувчи вазирликларнинг жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишдаги асосий вазифалари.

##### **4.1. Ўқув юртларига эга бўлган давлат идоралари ва уларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги вазифалари**

Халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мутахассис ходимларни тайёрлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бунда тараққий этган мамлакатларнинг иш тажрибаларидан мақсадли фойдаланилмоқда. Ҳозирги замон техника тараққиёти ва давлатлараро кўшма корхоналарнинг юртимизда фаолият кўрсатиши замон талаблари асосида кадрлар тайёрлашни тақозо этмоқда.

Бошқа давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам янги асрда ижтимоий-иқтисодий, маданий ва спорт тараққиёти учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, буюк келажакнинг соғлом авлодларини тарбиялаб етиштириш, бўлаҗак ўқитувчи, шифокор, мухандис, актёр, рассом ва барча соҳалардаги мутахассисларни жисмоний камолот сари етаклаш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Жисмоний жиҳатдан баркамол мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, дав-

лат құмиталари, концернлар, давлат компаниялари үз ҳиссаларини құшмоқдалар.

Маълумки, үқув юртларининг дастурлари ҳамда үқув режалари Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари томонидан ишлаб чиқылса-да, улар бошқа соҳалардаги вазирликлар таркибидаги барча үқув юртларида бевосита қўлланилади. Улар асосан үқув юртларини молиявий, моддий-техник жиҳатдан таъминлашда хизмат қиласиди.

Шунга кўра, үқув юртлари учун ишлаб чиқилган ягона «Жисмоний тарбия» дастури барча турдаги үқув юртларида қўлланилади.

Үқув юртларининг асосий қисми Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари таркибида бўлсада, тиббиёт, савдо, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, техника, қурилиш ва бошқа соҳалардаги вазирликлар ҳамда қўмиталар таркибида ҳам ўрта маҳсус ва олий үқув юртлари мавжудидир. Уларда жисмоний тарбия дарслари, спорт турлари буйича машғулотлар, оммавий соғломлаштирувчи спорт тадбирлари Давлат дастури асосида олиб борилади. «Алномиши» ва «Барчиной» маҳсус тестлари асосида бўлажак мутахассисларнинг жисмоний камолотини ошириш ишлари амалга оширилади.

Үқув юртларига эга бўлган барча давлат идораларида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун, «Софлом авлод учун» давлат дастури, давлат таълим стандарти талаблари амалга оширилади.

#### **4.2. Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш**

Халқ таълими вазирлиги тизимида барча фанлар билан бир қаторда жисмоний тарбия дарслари ҳам ўзининг мазмунан ва шаклан ўрни ҳамда моҳиятига эга. Шу туфайли Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари, маҳсус мактаблар, коллеж, лицейлар, ўрта ва олий педагогика үқув юртлари, спорт мактаблари ҳамда мактабгача болалар муассасаларида жисмоний тарбияга алоҳида ўрин берилган. Үқув юртлари ва турли муассасаларнинг иш мазмунига қараб жисмоний тарбиянинг мазмунни, шакли ва хусусиятлари ҳам ўзига хосдир. Уларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ҳам алоҳида хусусиятлари мавжуд. Шу туфайли Халқ таълими вазирлиги тизимига жисмоний тар-

бия ва спорт ишларини бошқариш булимлари, турли идоравий ва жамоат спорт ташкилотлари ҳам киради.

Шу уринда айтиш керакки, «Таълим түғрисида»ги Қонун асосида ҳозирги кунда республикада халқ таълими тизимида кескин ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказилмоқда. Жисмоний тарбия дарслари давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилмоқда. Республикадаги 9 мингдан ортиқ мактабларда 6 млн.га яқин ўкувчилар таълим олмоқда. Ўрга ва олий педагогика ўкув юртларидаги талабаларнинг сони ҳам тобора ўсиб бормоқда. Уларда 17 мингдан ортиқ ўқитувчилар жисмоний тарбиядан машгулотлар ўтказмоқда. Департияни барча ўкув юртларида спорт заллари, ўйин майдонлари, бальзи бирларида сув ҳавзалари мавжуд. Спортнинг 20 дан ортиқ турлари бўйича ҳар йили «Кувноқ стартлар», «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу ҳолатлар ўрга ва олий педагогика ўкув юртларида бирмунча кўпроқ ва сифатлироқ ташкил қилинади. Ўкувчи ёшларнинг кўпчилиги турли спорт тӯгараклари, саёҳатлар оммавий спорт мусобақаларида доимо иштирок этади. Халқ таълими вазирлиги тизимида турли доирада ва тоифада ташкил қилинган болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари фаолият курсатади, уларнинг ўзига хос ташкилий, молиявий-хўжалик тадбирлари мавжуд. Ана шуларнинг ҳаммасини уюшириш ва бошқариш учун жуда катта меҳнат талаб қилганди.

Ўкувчи ёшларнинг дарсдан ташқари спорт ва соғломлаштириш машгулотларини ташкил қилиш ва спорт мусобақаларини ўтказишда уларнинг жамоатчи ташкилотлари, яъни «Ёшлик», «Талаба», спорт уюшмалари ҳамда уларнинг куйи тармоқлари хизмат қилади.

Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки, мустақиллик шарофати билан миллий қадриятлар, урф - одатлар тикланмоқда. Бу жуда кўп ижобий томонларга эга бўлиш билан биргаликда, мактаб ўкувчилари, айниқса, маҳаллий миллият қизларининг жисмоний тарбия, спорт билан шуғуланишлари ҳақида турли фикр ва мулоҳазаларни ҳам келтириб чиқарганлиги сир эмас. Яъни уларнинг мураккаб машқларни бажармаслиги, ҳозирги мавжуд бўлган спорт кийим-бошларини киймаслиги ва ҳоказолар. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ўзининг катта анжуманини Фарғонада ўтказиб, маълум қарорга келди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳақли эътиrozларини инобатга олиш ва қизлар машгулотларини талаб ва замон шароитига мослаб ўтказишда бир қадар олға

силжиш бўлди. Лекин мазкур соҳада мутахассислар, қизларнинг ўзлари ва бъязи бир ота-оналарнинг ҳам жиддий эътиrozлари борки, қизларни жисмоний тарбия ва спортдан бутунлай узоқлаштириш мумкин эмас.

Халқ таълими вазирлиги тизимида бевосита жисмоний тарбия ва спорт ишларига раҳбарлик қилувчи бўлимлар, кабинетлар асосан қуидаги фаолиятларни амалга ошириша раҳнамолик қиладилар:

1. Ўкувчи ёшларнинг жисмоний камолотини ошириш, уларни меҳнат ва ҳаётга тайёрлаш, бунда жисмоний машқлар билан мустақил шуғуланишни ўргатиш.

2. Соғлом турмуш тарзида жисмоний тарбия ва спортнинг моҳиятини, ўринини онгли равишда тушунишларига эришиш.

3. Жисмоний тарбия дарслари, спорт машгулотлари ва турли мусобақаларда қатнашиш йўли билан ўзларининг жисмоний сифатларини тарбиялаш, жамоа (команда) аҳиллиги, ўзаро хурмат ва голиблик, кураш йўлларини ўргатиш.

4. Жисмоний тарбия воситалари орқали меҳнатга тайёргарлик ва Ватан ҳимояси учун ўз куч ва қудратларини оширишга одатлантириш. Бунда «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестларини тұла бажарышларига эришиш.

5. Спорт чўққиларини эгалашга чорлаш, халқаро спорт майдонларида республика обруйини кўтариш туйғуларини кучайтириш ва ватанпарварлик фазилатларини ривожлантириш.

6. Бўлажак касбга тайёрлаш ва қайси касб-хунар бўлмасин, ўз соғлиқларини мустаҳкамлашга интилиш, келажакда соғлом авлод учун кураш йўлларини эгалаш ва ҳоказолар.

Ана шу фаолиятлар ўкув юртларида қандай амалга оширилаётганлиги билан фақат мутасадди ташкилотларгина эмас, балки жуда кўп мутахассислар, илмий ходимлар ҳам қизиқади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда мактаб ўкувчиларининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишлиари ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарликларини ўрганиш мақсадида маҳсус изланиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш давом этмоқда. Бу тадқиқотлар Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг 1991-1995; 1996-2000 ҳамда 2005 йилгача мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаларининг биринчи йуналиши ва илмий ҳисоботларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, бир қатор ўкув қўлланмалари, услубий тавсияномалар, монографиялар, илмий мақолалар эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги етакчи ҳисобланади. Муассасавий мансубликдан қатъий назар, барча ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларининг ўқув режалири, дастурлари, шу вазирлик томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Шулар қаторида ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тарбия дарслари, оммавий соғломлаштирувчи спорт тадбирларига ҳам умумий қоида ва талабалар асосида раҳбарлик шу вазирлик томонидан амалга оширилади.

Ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия ва спорт машгулотларини ташкил қилишда уларга раҳбарлик тартиби, «Жисмоний тарбия ва спорт түгрисида»-ги, «Таълим түгрисида»ги қонунлар ҳамда давлат таълим стандартларида кўрсатилган умумий қоидалар асосига таянилади. Энг муҳими «Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари талабларини амалга ошириш кўзда тутилади. Бунда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизими таркибидаги бир қатор маҳсус бўлимлар ва ташкилотлар фаолият кўрсатади. Булар қўйидагилар:

1. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг «Жисмоний тарбия ва спорт» бўлими.

2. Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларидаги жисмоний тарбия кафедралари ва спорт клублари.

Уларнинг фаолиятига кўмаклашувчи спорт жамиятлари ҳам мавжуд, яъни:

1. Республика Олий ўқув юртлари талabalарининг «Талаба» спорт ўюшмаси, унинг вилоятлардаги тармоқлари /спорт клуб, бўлими ва ҳоказолар/.

2. Республика ўқувчи-ёшларининг «Ёшлик» спорт жамияти, унинг жойлардаги спорт клублари.

Ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларидаги жисмоний тарбия машгулотлари асосан қўйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир:

1. Ўқувчи-ёшлар ва талabalарнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий камолотини юксалтириш, иқтидорли спортчиларнинг маҳоратини ошириш билан боғлиқ барча талбир ҳамда фаолиятларни таъминлаш.

2. Булажак касб-хунар йўналиши асосида жисмоний тарбия ва спортнинг назарий бўлимлари, амалий қўнималари ҳамда оммавий спорт тадбирларини ташкил қилиш усуслари билан куроллантириш.

Маълумки, ижтимоий меҳнат ва турмуш шароити билан боғлиқ соҳалар жуда кўп. Улар малакали мутахассис кадрлар тайёrlашни тақозо этади. Бу йўлда касб-хунар коллежлари, турли йўналишдаги билим юртлари ўз фаолиятларини давом эттироқда. Шу билан биргаликда, Давлат таълим стандартлари ҳамда «Кадрлар тайёrlаш миллий дастури» асосида янгидан колледжлар, лицейлар, гимназиялар ташкил этилмоқда. Бундай ўкув юртларida жисмоний тарбия дарслари ва оммавий спорт турлари бирмунча устувор туради. Уларни уюштириш ва ташкилий масалалар умумий қоидалар ҳамда маҳсус Низомлар асосида олиб борилади. Уларнинг «Баркамол авлод йўйинлари» спорт мусобақалари асосий тадбирлардан биридир.

Юқорида қайд этилган Ҳалқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари тизимининг барча турдаги ҳамда тоифадаги ўкув масканлари, муассасаларида «Жисмоний тарбия» дарслари давлат дастури асосида ташкил этилади. Ўкувчи-ёшлар ва талабаларнинг «Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари талаблари ҳамда оммавий соғломлаштирувчи спорт тадбирлари соғлом авлод тарбияси, уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб ўсишларини таъминлашга қаратилгандир. Уларнинг Универсиадалари энг муҳим оммавий спорт тадбирлари таркибига кириб бормоқда.

Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ўз фаолиятларини ўкувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш, бўлажак мутахассисларни жисмонан баркамол қилиб тарбиялаб етиштириш мақсадига қаратганлар.

#### **4.3. Соғлиқни сақлаш муассасалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш. Аҳолининг соғлигини назорат ва муҳофаза қилиш, «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга oshiришдаги фаолиятлар**

##### **4.3.1. Соғлиқни сақлаш муассасалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш. Аҳолининг соғлигини назорат ва муҳофаза қилиш**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги кенг тармоқли тизимлардан ҳисобланади. Унинг таркибida қўйидаги ўкув ва даволаш муассасалари мавжуд:

1. Олий ва ўрта тиббиёт ўкув юртлари.
2. Шифохоналар, даволаш марказлари.

3. Поликлиникалар.
4. Санаториялар ва аҳоли соғлигини қайта тиклаш, даволаш марказлари.
5. Илмий-тадқиқот институтлари, марказий лабораториялар.
6. Ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари таркибидағи тиббий ёрдам бўлимлари.
7. Жисмоний тарбия диспансерлари ва ҳоказолар.

Буларни ташкилий жиҳатдан асосан икки йуналишга ажратиш мумкин:

- 1) барча тур ва тоифадаги тиббий ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари, соғломлаштирувчи машғулотлар ҳамда спорт тадбирларини ташкил қилиш.
- 2) беморларни жисмоний тарбия воситалари ёрдамида даволаш ҳамда спортчилар саломатлигини кузатиш, назорат қилиш, жароҳатларни даволашни уюштириш ва ҳоказо.

Юқорида қайд этилган соҳалар ва тизимлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва йирик шаҳарлардаги унинг бошқарма ёки бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт билим юртлари, лицей ва колледжлар ҳамда институтлардаги ўқувчи-ёшлар ва талабалар жисмоний тарбиянинг умумталаб меъёрларини дарсларда, оммавий спорт тадбирларида бажарип борадилар. Шу билан бирга, жисмоний тарбия, спорт, саёҳат, ҳалқ миллий үйинлари ва табиатни соғломлаштирувчи омиллари: сув, ҳаво, күёш ва бошқалар билан даволаш усусларини эгаллайдилар.

Шифохона, даволаш муассасалари ва марказларда шифокорлар томонидан bemorларни жисмоний машқлар ёрдамида даволаш фаолиятлари амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари ва тури муассасалар таркибидағи тиббий пунктлар шифокори ходимлар ва ўқувчи-ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг саломатлигини кузатиш, зарур бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш ва ниҳоят саломатлик ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш билан шуғулланадилар.

Соғломлаштирувчи тиббий марказлар, жисмоний тарбия диспансерларида соғломлаштирувчи гурӯҳлар ва спорт жамоаларида шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, ривожланиши устидан назорат, курик, синов-тажриба ишлари олиб борилади.

Умуман олганда, тиббиёт тизимидағи даволаш муассасалари ҳамда санатория-курортларда bemorларга тиббий ёрдам бериш, уларнинг соғлигини тиклаш ва меҳнат фаолиятига қайтаришда жуда катта маҳорат кўрсатилмоқда.

Тиббиёт тизими ва шифокорлар олдида «Софлом авлод учун» давлат дастурида қўйилган вазифаларни астойдил, қунт ва ҳалол меҳнат билан ало этиш бурчи туради. Бу, ўз навбатида, соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларга чалинишнинг олдини олиш билан боғлиқ фоят муҳим муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги қонунлар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи мутахассислар Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тизимидағи ташкилстлар, Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тармоғидаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари билан ўз фаолиятларини ҳамкорлик асосига қурган ҳолда иш олиб борадилар.

#### 4.3.2. Аҳолининг соғлигини назорат ва муҳофаза қилиш

Ўтган бўлимда асосан, тиббиёт соҳасидаги ўкув юртлари ва даволаш муассасаларининг баъзи бир фаолиятлари тилга олинди. Ўнда аҳоли истиқомат қилувчи жойларда фаолият кўрсатувчи поликлиникалар, шахсий даволаш муассасалари алоҳида ўринга эгадир.

Аҳоли истиқомат жойларида кўпчилик касалликларнинг турларига қараб даволаш, назорат қилиш, тез ёрдам қўрсашиб каби бўлимлар, лабораториялар, илмий-услубий марказлар ташкил қилинган. Уларнинг асосий фаолиятлари қўйидаги турларга бўлинади:

1. Беморларни поликлиникада ёки уйларида куриш, даволаш.

2. Поликлиника таркибидаги лабораториялар, даволаш бўлимларида уқалаш /массаж, тренажерларда машқ, бажариш ва ҳоказолар/ соғломлаштириш тадбирлари.

Шулар асосида поликлиника шифокорлари bemorlarни маҳсус ҳисобга олиш (оғир bemorлар, ногиронлар ва ҳ.к.) ва даврий назорат қилиш гурухларига ажратади. Улар билан ишлашда жисмоний машқлар билан шуғулланиш, табиатнинг соғломлаштирувчи омилларидан фойдаланиш, тозалик ва гигиеник қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади. Ўз навбатида, бу фаолиятларнинг бажарилиши, уларнинг самараларини доимий равишда кузатиб, назорат қилиб боради. Шу тариқа шифокорлар bemorларнинг соғлигини қайта тиклайдилар ва уларни муҳофаза қиладилар.

Маълумки, аҳолининг ўзини-ӯзи бошқариш идоралари қонун асосида ташкил этилган. Бунда маҳалла оқсо-

қоллари кенгаши фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Буларнинг иш фаолиятида поликлиника шифокорлари ҳам бевосита иштрок этиб, аҳолининг саломатлиги, ёшларнинг оила-куриши каби масалаларда сұхбатлар ва маърузалар олиб боради. Бу фаолиятлар ҳам аҳолининг, айниқса ёш болалар, оналарнинг саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёш ота-оналарнинг саломатлигини таъминлашдаги назарий билимлари ҳамда кўникмаларини ривожлантиришда шифокорларнинг хиссалари foят каттадир.

#### **4.3.3. «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга оширишдаги фаолиятлар**

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йули» рисоласида (1992 й.) «Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажратмасдир. Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустаҳкам саломатлик тилашган. Сиҳат-саломат булишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак» (69-бет), - деган. Бунинг амалий ижроси Президент томонидан «Соғлом авлод учун» фармонининг имзоланиши (1993 й. 4 март) ҳамда шу асосида «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, уни ҳаётда қўллашга қаратилган бир қатор қарорларнинг қабул қилинишида ифодаланган.

Ўзбекистон Президенти ва хукумати томонидан «Оила иили» (1998 й.), «Аёллар йили» (1999 й.) «Соғлом авлод йили» (2000 й.) «Она ва бола йили» (2001 й.) эълон қилинди. Бу борада амалий ишлар сифатида жуда күп маданият, спорт тадбирлари ҳамда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Узбекистон» мавзусида ўтказиб борилаётган ватанпарварлик, санъат-спорт фестивалларини мисол қилиб келтириш мумкин.

«Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга ошириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги, турли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилган. Шу сабабдан даволаш муассасалари оналик ва болалик нуфузларига катта ургу бермоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ўстириш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш борасида мутасадди вазирликлар, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Наврӯз», «Экосан» каби хайрия жамғармалари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган.

Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбия дарслари, спорт машгулотлари, оммавий-соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, саёчат ва Ҳалқ миллий үйинларидан фойдаланишни яхши йўлга қўйишида ҳалқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси фаол иштирок этмоқда. Бунда «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари, ўтказилаётган спартакиадалар, универсиадалар ва турли спорт, санъат фестиваллари каби муҳим тадбирлар омил бўлиб ҳисобланмоқда.

#### **4.4. Ички ишлар, Мудофаа, Қишлоқ ва сувхўжалиги, Маданият ва бошқа вазирликларнинг жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишдаги асосий вазифалари.**

##### **4.4.1. Ички ишлар вазирлиги тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш**

Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида давлат ва аҳолининг осойишталигини таъминлаш, уни астойдил ҳимоя қилишга эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бунда Ички ишлар вазирлиги ходимлари энг муҳим фаолият кўрсатувчи ташкилот ҳисобланади. Бу соҳада кадрларни тайёрлаш, уларнинг назарий билим, амалий қўнималарини оширишда жисмоний тарбия ва спорт муҳим рол ўйнайди.

Ички ишлар вазирлиги ходимларини тайёрловчи ўрта маҳсус ўқув юртлари ва Академияси мавжуд бўлиб, ўқув режаларида жисмоний тайёргарлик ва спорт маҳоратларини ошириш мақсадида маҳсус дарслар ташкил этилади. Шу билан биргаликда, спорт турлари бўйича жамоалар тузилади ва спорт мусобақалари ташкил этилади.

Спорт тайёргарлиги ва оммавий спорт турлари бўйича ўтказиладиган барча тадбирлар «Динамо» спорт жамияти томонидан олиб борилади. Вилоятлар ва йирик шаҳарларда «Динамо» спорт-клублари фаолият кўрсатиб, уларга ички ишлар ходимлари ва иқтидорли спортчилар жалб этилади.

##### **4.4.2. Мудофаа вазирлиги тизимида жисмоний тарбия ва спорт ишлари**

Мудофаа вазирлиги тизимида зобитлар (офицерлар) ва шахсий таркибдаги ҳарбийларни жисмоний, ҳарбий-жисмоний ҳамда техник жиҳатдан чиниқтириш, тарбиялаш

асосий фаолиятлар таркибига киради. Шу жиҳатдан ҳарбий Академия, ҳаво, танк, автомобил ва бошқа соҳалардаги Олий ҳамда ўрта билим юртларида жисмоний тарбия бўйича машғулотлар мунтазам ўтказилиб, спорт машғулотлари ва мусобақалар ташкил этилади. Ҳарбий қисмлардаги спорт тадбирлари, ҳарбийларнинг жисмоний тарбия машғулотлари маҳсус йўриқномалар (инструкциялар) асосида олиб борилади.

Мудофаа вазирлиги таркибидаги мавжуд бўлган Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) зобитларнинг ҳарбий жисмоний тайёргарлигини ошириш ва спорт машғулотларни ташкил этиш учун хизмат қилади. Клуб терма жамоалар тушиб, ҳарбий ташкилотлар республика ва бошқа спорт мусобақаларида уларнинг қатнашишини таъминлайди.

#### **4.4.3. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида жисмоний тарбия ва спорт ишлари**

Юқорида таъкидланганидек, ўкув юртларига эга бўлган барча вазирликлар, Давлат қўмиталари ўз соҳаларидаги жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қиласидар. Ундан ташқари, ўз ихтиосликларидаги фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоалари, муассасалар ва ташкилотлардаги аҳолининг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишини таъминлаш уларнинг муҳим вазифаларига киради.

Маълумки, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида ҳам кўпгина ўрта маҳсус ва олий ўкув юртлари мавжуддир. Уларнинг ўкув режалари ва дастурларидаги жисмоний тарбия дарслари ҳамда оммавий спорт тадбирлари асосий фаолиятлар таркибидан ўрин эгаллаган. Чунки мутахассисларни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш умумдавлат аҳамиятга молик бўлган педагогик жараён ҳисобланади.

Меҳнаткаш ёшларнинг иш қобилиятларини, меҳнат унумдорлигини ошириш ва уларнинг жисмонан тетик бўлишида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари муҳим оминалардан биридир. Шу сабабли ишлаб чиқариш корхоналари, уларнинг спорт мажмуаларида спорт клублар фаолият кўрсатади. Унда етакчи мураббийлар, тажрибали услубиятчилар меҳнат қилишади.

Спорт клублар таркибидаги куйидаги иш турлари мавжуд:

1. Ишчи ва меҳнаткашларнинг бўш вақтларида соғломлаштирувчи жисмоний машқлар, ўйинлар, гимнастика ва ҳ.к.ни ташкил этиш.

2. Спорт турлари бўйича терма жамоалар (команда) тузиш, машғулотлар ташкил қилиш, уларнинг шаҳар, туман, вилоят ва республика спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш.

3. Спорт турлари бўйича корхона ходимларининг болалари учун спорт мактабини тузиш.

4. Соғломлаштирувчи гуруҳлар ташкил қилиш.

5. Спорт иншоотларини кўпайтириш, таъмирлаш, уларда пуллик хизматларни ташкил қилиш (машғулотлар, мусобақалар, ижара ва ҳ.к.).

#### **4.4.4. Маданият ишлари вазирлиги тизимида жисмоний тарбия ва спорт**

Республикамиздаги энг кўп тармоқли тизимлар қато-рига Маданият ишлари вазирлиги ҳам киради. Унинг тар-кибидаги қўйидаги соҳалар ва тармоқлар мавжуд:

1. Консерватория, маданият, санъат, мусиқа ва бошқа соҳалардаги билим юртлари ва Олий ўқув юртлари.

2. Кино уйлари, кинотеатрлар ва шу соҳадаги ишлаб чиқариш муассасалари.

3. Истироҳат, кўнгил очиш ва дам олиш боғлари.

4. Илмий - тадқиқот муассасалари.

Барча турдаги таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарси олиб борилади. Ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг ихтисосликлари ҳисобга олинган ҳолда оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари, мусобақалари ташкил қилинади. Актёрлар, санъатшунослар, рассомлар, кўргазма заллари, маданият клублари ва улар билан боғлиқ ташкилотлар, муассасаларнинг ходимлари билан маҳсус жисмоний тарбия машғулотлари (балет, ритмик гимнастика, миллий рақслар типидаги турли машқлар) ташкил қилинади.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида оммавий маданият спорт тадбирларининг шакли ва мазмунлари кенгай-иб, тобора бойиб бормоқда. Бу жиҳатлар «Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамлари, театр ва санъат байрамларида кенг намоён бўлмоқда.

Маданият ишлари вазирлиги Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда бошқа идоралар, жамоат ташкилотлари, спорт жамиятлари билан ҳамкорликда ҳалқ миллий ўйинлари республика мусобақалари, фестиваллар ва бошқа тадбирларни ўтказиб келмоқда. 2000 йилда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Ўзбекконцерт» ўюшмаси ва бошқа давлат жамоат таш-

килотлари билан ҳамкорликда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзусида республика аҳолисига манзур бўлган фестивални ташкил этди. Бундай улкан маданий тадбирлар замерида соғлом авлод тарбияси, ўкувчи-ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолотларини юксалтириш, Ватан туйғусини тарбиялаш қаби ҳозирги кун вазифалари мужассамлашган.

Умумий холоса қилиб айтганда, юртимиз аҳолисини соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва ўкувчи-ёшларнинг жисмоний камолотини ўстиришда турли давлат идоралари ҳамда уларнинг куйи тармоқларида фаолият курсатоётган ходимларнинг меҳнати яхши самаралар бермоқда.

Бу жараёнларни ташкил қилиш ва бошқаришда Ўзбекистон Президентининг «Соғлом авлод учун» фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг моҳиятлари foят бебаҳодир.

Ўкувчи-ёшлар ва талабаларнинг касб-хунар эгаллашлари, уларнинг жисмоний жиҳатдан ривожланишлари учун давлат таълим стендартлари таркибидаги «Жисмоний тарбия» дастурлари, «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари кент йул очиб бермоқда.

Буюк келажак сари дадил бориш ва янги аср авлодларини жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ишларида ўкув юртларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталарининг фаолияти ва иш масъулияти тобора ошмоқда.

## **V. БОШҚАРИШНИНГ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

1. Аҳолининг меҳнат фаолиятини ҳимоя қилиш ва ижтимоий турмуш маданиятини ривожлантиришда касаба уюшмалари, турли партиялар, жамгарма уюшмаларининг урни.
2. Спорт жамиятлари («Ўзбекистон», «Динамо», «Тала-ба», «Ёшлик») ва уларнинг қуи тармоқларининг тузилиши.
3. Халқ миллий ўйинлари марказининг оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишдаги фаолиятлари.
4. Спорт турлари бўйича уюшмаларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги фаолиятлари.

### **5.1. Аҳолининг меҳнат фаолиятини ҳимоя қилиш ва ижтимоий турмуш маданиятини ривожлантиришда касаба уюшмалари, турли партиялар, жамгарма уюшмаларининг ўрни**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қарорларида меҳнаткаш аҳоли ва ишчи-хизматчи ёшларнинг меҳнат фаолиятини ҳимоя қилиш ва уларнинг ижтимоий турмуш маданиятини тобора ривожлантириб бориш масалаларига алоҳида дикқат-эътибор қаратилган. Бу, ўз навбатида фуқароларнинг меҳнат ва яшаш фаолиятини яхшилаш омилларидан бири бўлган жисмоний тарбия воситалари, айниқса, халқ миллий ўйинлари эканлигини эътироф этишини тақозо қиласи.

Меҳнат жараёнини такомиллаштириш, унинг самародорлигини ошириш ҳар бир ишчи, меҳнаткаш ва ақлий меҳнат билан шугулланувчи зиёлиларнинг меҳнат қобилияти, жисмоний соғломлиги, тетиклигига боғлиқдир. Ана

шу жиҳатлар мақсаддагидек амалда бўлса, уларнинг оиласарида доимо яхши мувозанат сақланиши, яъни ижтимоий-маданий турмуш даражаси кўнгилдагидек бўлиши табиийдир. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисининг моддий-маший таъминотини юзага келтирувчи, уни ривожлантириш усулларининг таянчидир.

Масалага шу жиҳатдан баҳо берилса, жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий йўинларини аҳолининг кундалик турмуш даражасига чукур сингдириш лозим бўлади. Бунинг учун эса жисмоний тарбия ва спорт ишларини бошқарувчи давлат идораларига бевосита жамотчилик йўллари билан кўмаклашиш ва мустақил равишда фаолият кўрсатишларини ҳаётнинг ўзи талаб этади. Ана шу вазифаларни амалга оширишда Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, унинг таркибидаги жисмоний тарбия-спорт жамияти («Ўзбекистон»), шунингдек, «Динамо», «Ёшлиқ», «Талаба» спорт жамиятлари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда уларнинг вилоят, шаҳар, туманлардаги қўйи органлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақаллиги юртимизда демократик тамойиллар асосида кўп партия-вийлик жараёнларини юзага чиқарди. Мехнаткаш аҳоли ва зиёлиларнинг ишлаб чиқариш ва касб-хунар турлари, муносабатларига кўра турли партиялар вужудга келди. Улар «Халқ демократик» (ХДП), «Миллий тикланиш», «Фидокорлар», «Адолат» социал-демократик партиялари номи билан фаолият кўрсатиб, мамлакатнинг хўжалик, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларида ўз вазифалари ва мавқела-рига эгадир.

Мамлакатимизда янги йўналиш бўйича шаклланган ва истиқдол сари ривожланиб бораётган 20 дан ортиқ жамоат ташкилотлари, уюшмалари мавжуд. Улар ўз номлари, мақсадлари юзасидан «Наврӯз», «Маҳалла», «Маънавият ва маърифат», «Софлом авлод учун», «Экосан», «Камолот» ва ҳоказо деб аталади ва маълум мақсад йўлида фаолият олиб боради.

Юқорида таъкидланган барча ташкилотлар, уюшмаларнинг асосий мақсади демократик тамойиллар асосида барча қонунлар, фармонлар ва қарорларни амалга оширишга қаратилган. Бу эса Ватан ва халқнинг осойиншталиги, аҳолининг меҳнат фаолиятини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий-маданий турмуш даражасини янада яхшилаш билан ифодаланади.

## **5.2. Спорт жамиятлари («Ўзбекистон», «Талаба», «Динамо», «Ёшлиқ», «Ватанпарвар» ташкилоти ва х.к.) ва уларнинг қуий тармоқлари тузилиши**

### **5.2.1. «Ўзбекистон» жисмоний тарбия-спорт жамияти**

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда бошқа давлат идораларига кўмаклашувчи спорт жамиятлари ҳақида ўтган бўлимларда маълумотлар берилди. Бу бўлимда эса уларнинг тарихий шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги шароитдаги асосий вазифалари билан таништирилади.

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси Марказий кенгаши таркибида тармоқлилик тамоилилари асосида яқин ўтмишимизгача турли спорт жамиятлари фаолият кўрсатиб келди, яъни:

1. «Спартак» кўнгилли спорт жамияти (КСЖ - ДСО) енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ходимлари ва ўрта маҳсус ўқув юртларини ўз ичига олган.

2. «Буревестник» КСЖ - олий ўқув юртлари талабаларининг спорт жамияти.

3. «Мехнат» КСЖ - завод, фабрика ва улар билан боғлиқ ишлаб чиқариш жамоалари спортчиларини бирлаштирган.

4. «Пахтакор» КСЖ - қишлоқ меҳнаткашлари ва спортчиларини ўзига қамраб олган.

5. «Локомотив» КСЖ - темирйўл ишчилари спорт жамияти.

6. «Зенит» - ҳаво йўллари (фуқаролар сомолёти) ходимларининг спорт жамияти.

7. «Водник» КСЖ - сув йўли ва кўллар, сув омборлари ҳамда улар билан боғлиқ ташкилотлар ходимларининг спорт жамияти.

Таъкидлаш зарурки, бу спорт жамиятлари 40 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб келди. Қайта қуриш йиллари бошқарувчилик ишларини ихчамлаштириш йўлида бир қатор талбирлар амалга оширилди. Бундан спорт ҳам четда қолмади. Натижала, 1987 йилда барча спорт жамиятлари ягона касаба уюшмалари спорт жамиятига бирлаштирилди. Ўзбекистонда бу жамият 1991 йилда қайта кўриб чиқилди ва унинг таъсис анжуманида Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари федерациясининг жисмоний тарбия-спорт жамияти («Ўзбекистон») деб қабул қилинди. Бу спорт

жамиятининг Низомида таъкидланганидек, у мустақил равиша ўзини-ўзи молиявий таъминлаш йўлига ўтди.

Бу спорт жамиятининг Марказий кенгаши, ҳайъати, бўлимлари мавжуд. Унинг қошида вилоятлар ва барча туманлардаги касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари кенгаши тузилган. Уларнинг таркибида маҳсус спорт клублари мавжуд. Баъзи вилоятлар ва туманларда бу спорт жамиятини «Пахтакор» спорт жамияти деб қабул қилганлар. Бу, ўз навбатида, аниқ мақсадга қаратилганлигидан далолат беради. Чунки барча вилоятларнинг кўпгина туманлари қишлоқ аҳолиси ва меҳнаткаш ишчи спортчиларни ўз ичига олади.

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти кўп тармоқли ва кенг қамровли жамиятлар таркибиغا киради. Шу сабабдан ишлаб чиқариш жараёнлари, меҳнат турлари, шарт-шароитларнинг қай даражадалиги жамиятнинг фаолиятини белгилайди. Бу спорт жамиятининг Низомида унинг ташкилий тузилиши, вазифалари, моддий-техник манбай, молиявий-хўжалик фаолиятлари ва бошқа соҳалар аниқ белгилаб берилган. Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг бошланғич ташкилоти — жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари. Улар ишлаб чиқариш корхоналари, ўкув юртлари ва турли муассасаларда маҳсус Низом асосида ташкил этилади.

#### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАМООЛАРИ**

Ўзбекистонда меҳнат жамоалари ҳақида Низомлар ишлаб чиқилиб, қонунлар қабул қилинган ва амалда қўлланмоқда.

Касаба уюшмалари федерацияси Марказий кенгашининг «Ўзбекистон» спорт жамияти намунавий (типовой) Низомида жисмоний тарбия жамоаларининг ташкил қилиниш тартиблари, унинг бошқарувчилик ва бошқа раҳбар ташкилотлар билан муносабати, жамоалар кенгаши ва унинг вазифалари, хуқуqlари баён этилади.

Жисмоний тарбия жамоаларида ташкилий, ўкув машрутлари, оммавий жисмоний тарбия ва спорт, уни тарғиб қилиш ишлари, «Саломатлик», «Соғлом авлод учун» дастурлари, «Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари асосида бошланғич жамоаларда олиб борилади.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг бошланғич ташкилоти жисмоний тарбия жамоалари ҳисобланади.

«Корхоналарда намунавий штатли спорт клублар ҳақида» Низом қабул қилинган. 1,5-5 минг күнгилли спорт жамияти аъзоси бўлган жамоага спорт клуб мақоми берилиб, унга раис раҳбарлик қиласди. 5, 10, 15 мингтacha аъзоси бўлган жамоаларга эса қўшимча 1 тадан инструктор ва раис ўринбосари лавозими ҳам берилади.

Жамоалар спорт ва саёҳат билан шуғулланиш, ўз спорт маҳоратини ошириш, оммавий соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўтказишда фаол иштирок этишни истаган кишиларни ўзига бирлаштиради.

Жисмоний тарбия жамоасини тузиш учун катта ташкилий ишлар олиб борилади, бунинг учун 3-5 кишидан иборат ташкилий қўмита тузилади. Та什килий қўмита мувакқат раҳбар орган бўлиб, жисмоний тарбия жамоасини ташкил этиш ишлари билан шуғулланади.

Ташкилий ишлар амалга оширилгандан сўнг жамоа кенгаши сайланади. Мажлис қатнашчиларининг ярмидан кўпи овоз бергандагина номзод жамоа кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

Жисмоний тарбия жамоасининг амалий фаолияти қўйидаги йўналишда олиб борилади:

- тарбиявий ишлар;
- ташкилий ишлар;
- ўқув-спорт ишлари;
- оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари;
- жамоатчи ходимлар билан ишлаш;
- оммавий тарғибот ишлари;
- ҳисобга олиш ва ҳисобот ишлари;
- молиявий-хўжалик ишлари.

### **УЮШГАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАМОАСИ**

Унча катта бўлмаган корхона, муассасаларнинг хизматчилари, ишчилари ўртасида оммавий тарбиявий ишларни ташкил этиш учун жисмоний тарбия жамоасини тузиш мумкин бўлмаса, соҳа ва тармоқ тартиби буйича бирлашган жамоалар ташкил этилади.

Бирлашган жамоаларни тузиш тўғрисида тегишли кенгашлар ёки касаба уюшмалари қўмиталарининг спорт жамияти кенгаши раёсатининг қарори бўлиши лозим.

### **КОРХОНАЛАРНИНГ СПОРТ КЛУБИ**

Жисмоний тарбия жамоасини ташкил этишнинг юқори ва такомиллашган шакли спорт клубидир. Республика ка-

саба уюшмалари федерациясининг 1991 йил қарорига асосан, корхона спорт клуби оммавий-соғломлаштириш ва спорт ишлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган жисмоний тарбия жамоаларидагина ташкил этилади.

Бозор иқтисолиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда ва республика хукуматининг қарорларига биноан ўзини-узи бошқариш ва молиявий таъминлаш бўйича йирик ишлаб чиқариш корхоналари, спорт иншоотлари, аҳоли истиқомат жойларида мустақил спорт клублар ташкил этилмоқда. Уларнинг ўз шароитлари асосида Низом ва уставлари мавжуд. Шу асосида улар ўз фаолиятларини аъзолик бадаллари, пуллик хизматлар, тижорат, ҳомийлик каби омиллар ҳисобига юритадилар. Буларга мисол тариқасида Тошкент трактор заводи (ТТЗ), Навоийазот, «Навбаҳор», «Пахтакор» каби спорт ва футбол клубларини кўрсатиш мумкин. Бундай иш усуслари ва илғор тажрибалар вилоятларнинг марказларида тенис, бокс, шахмат, от спорти, шарқона якка курашлар ва бошқа спорт турлари бўйича ташкил этилмоқда.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «ЁШЛИК» СПОРТ УЮШМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарорини амалга оширишда Халқ таълими вазирлиги янги қадам қўйди. Мустақиллик йилларигача «Ёш куч» ва кейинги йилларда «Меҳнат резервлари» номи билан юритилган ўқувчи-ёшларнинг спорт жамияти ўрнига «Ёшлик» спорт уюшмаси ташкил этилди. Унинг вилоятлар, шаҳар-туманларда қуи тармоги мавжуд. Уюшманинг асосий мақсади мактаб ўқувчилари ва касб-хунар коллежлари ҳамда бошқа ўрта маҳсус ўқув юртларининг ўқувчи-ёшларини оммавий спорт таъбиrlарига жалб этиш, иқтидорли ёшларнинг спорт маҳоратларини оширишга қаратилган. Бу йўлда «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» ўйинлари спорт мусобақаларини ташкил қилиш билан асосий фаолият кўрсатади. Уюшманинг Низоми ва устави мавжуд. Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика мусобақалари муваффақиятли ўтказилиб келинмоқда. Унинг Низоми асосида мусобақалар тўрт босқичга (жамоа, туман-шаҳар, вилоят ва республика миқёсида) ўтказилади. 2002 йилда навбатдаги финал мусобақалар Фарғонада ўтказилди. Бундай мусобақалар узлуксиз таълимнинг бир тармоги сифатида ўқувчилар, жамоалар ва юқори муассасаларнинг оммавий соғломлашти-

рувчи спорт тадбирларининг йўлга қўйилиши ва энг муҳими “Соғлом авлод дастури”нинг ҳаётга сингдирилиши борасидаги кўрик-синов ҳисобланади. Шунингдек «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари талабларини бажаришга замин тайёрлайди. Мамлакатда ўрта маҳсус ўқув юртларини ягона тизим, яъни касб-хунар коллежларига айлантирилиши жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида янги бир босқични яратди, яъни «Баркамол авлод ўйинлари» спорт мусобақаларини ягона тизим ва талаблар даражасида ўтказишишни тақозо этди. Бундай йирик спорт тадбири 2001йил 30 апрелдан 5 майгача Жиззах шаҳрида зўр тантана билан ўтказилди. Бундай тадбирлар ҳам тўрт босқичда ўтказишиши кўзда тутилганлиги, ўқув юртлари, туманшаҳар ва вилоятлар миқёсида ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришта қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

«Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод ўйинлари» спорт мусобақаларини ташкил этишда Халқ таълими вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси, спорт уюшмалари ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдалар.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «ТАЛАБА» СПОРТ УЮШМАСИ**

Собиқ «Буревестник» спорт жамияти ўрнига «Талаба» спорт уюшмаси ташкил этилиб, барча олий ўқув юртларида ягона талаб асосида «Талаба» спорт клублари ташкил этилган.

Хозирги даврда фаолият кўрсатаётган спорт клубларининг аввалилариidan фарқи шуки, моддий таъминот ишлари ўзини-ўзи бошқариш тамойили асосида амалга оширилмоқда. Яъни касаба уюшмалари томонидан спорт клубларига моддий ёрдам берилмайди. Шу туфайли «Талаба» спорт клуби аъзолик бадаллар, пуллик хизматлар, тижорат, ҳомийлик каби фаолиятлар эвазига иш олиб боради. Уларнинг ўз муҳрлари, рамзлари, байроқлари мавжуд. Банкларда ҳисоб рақамлари, юридик шахс ҳукуқи белгиланган.

«Талаба» спорт клуби ректоратга бўйсунади ва касаба уюшмаси қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва мърифат» ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи. Шу аснода талabalар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, уларни Универсиадалар, «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тести талабларини бажаришга тайёрлайди.

### **5.2.2. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида партияларнинг иштироки**

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унда демократик тамойилларни олға суриш мақсадида кўп партийиyllиик жорий қилинди. Дастлабки йилларда Халқ демократик партияси /ХДП/, кейинчалик эса «Миллий тикланиш», «Фидокорлар», «Адолат» номи билан партиялар вужудга келди. Улар ўз Уставларига кўра мамлакат хуҗалигини бошқариш, давлат сиёсати ва аҳолининг турмуш маданиятини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Уларнинг қурултойлари, турли анжуманларида таъкидланишича, соғлом авлод тарбияси борасида маълум амалий ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Республика худудларида ўтказиб борилаётган “Наврӯз”, “Мустақиллик куни”, қасб байрамлари ва бошқа тадбирларда партия ташкилотларининг фаоллари, раҳбарлари иштирок этиб, амалий ёрдам бермоқдалар. Чунки партияларнинг аксарият раҳбарлари давлатнинг ўёки бу идораларида бевосита хизмат қиласи. Шу сабабдан ҳам юртимиз спортчиларининг халқаро спорт майдонларида иштироклари, ўтказилаётган турли халқаро спорт турнирлари, халқ миллий ўйинлари фестиваллари ва бошқа оммавий спорт тадбирларининг моҳиятлари қўллаб-кувватланмоқда.

### **5.3. Халқ миллий ўйинлари маркази, унинг оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишдаги фаолияти**

#### **5.3.1. Халқ миллий ўйинлари маркази**

1989-91 йиллар миллий қадриятларни ўрганиш, уларни имконият даражасида қайта тиклаш амалга оширилиши билан эътиборга сазовордир. Айниқса, Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг таркибидан ўрин олган халқ миллий ўйинларига эътибор кучайди. Шу сабабдан республика ҳукуматининг қарорига асосан, 1991 йил бошида «Халқ миллий ўйинлари республика Ассоциацияси» /уюшма маъносида/ ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси халқ орасида кенг қўлланилиб келинаётган миллий ўйинларни ўрганиш, уларнинг тарбиявий жиҳатларини тарғибот қилиш ва оммавий тадбирлар ўтказиб боришдан иборат қилиб белгиланди. Шу билан бирга, халқ миллий ўйинларини Марказий Осиё ва ундан ҳам кенгроқ минтақаларда мусобақа тарзида ўтказишни йўлга қўйиш белги-

ланди. Шунга асосан, 1991 йилнинг апрелида Қозогистонда ўтказилган Халқ миллий ўйинлари анжумани ва спорт мусобақаларида юртимиз вакиллари илк бор иштирок этдилар.

Халқ миллий ўйинлари Ассоциациясининг бевосита ташаббуси ва Давлат спорт қўмитаси ҳамда Маданият ишлари вазирлиги раҳбарлигига 1991 йил 25 апрелда Жиззах вилоятининг Фориш туманида илк бор халқ миллий ўйинлари мусобақаси ўтказилди ва у ҳар йили баҳорда /апрел-май/ Фориша анъанавий равишда ўтказиб борилди. Бу мусобақа кейинчалик «Алпомиш ўйинлари фестивали» /Гермиз-1998, Фарғона-2000/ номини олди. Халқ миллий ўйинларидан “Кўпкари”, “Пойга”, “Бурон”, «Минди», «Тўққиз тош» мусобақалар дастурга киритилди. 1999 йилдан бошлаб (Жиззах) ҳар икки йилда бир марта (2001 йилда Шахрисабз) Тўмарис ўйинлари республика фестивали ўтказилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, 1991 йилдан /Жиззах, Термиз, Тошкент, Фарғона, Қарши/ буён халқ миллий ўйинларига бағишилаб илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Уларда халқ миллий ўйинларининг мазмуни, уларни спорт даражасига чиқариш, шу соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаш, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш сингари катта муаммолар муҳокама этилмоқда.

### ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ

Республикада халқ миллий ўйинлари бўйича мусобақалар, фестиваллар ўтказилиши, илмий тадқиқотларнинг натижалари ва энг муҳими миллий қадриятларни жаҳон миқёсига чиқаришдаги саъй-ҳаракатлар миллий спорт турларига бўлган эътиборни кучайтиради. Бунинг боиси шундаки, республика вилоятларининг кўпгина ҳудудларида миллий кураш оммалашиб кетган. Катта тўйларда албатта кураш мусобақалари ўтказилади. Курашда ғолиб полвонларга соврин учун от, тuya, ҳўқиз, гилам ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, катта миқёсдаги пуллар қўйилади. Бу жиҳатлар курашчиларнинг моддий мафаатларинигина кўзда тутмасдан, балки тўйга ташриф буюрган меҳмонлар, кураш ихлосмандларини курсанд қилиш учун қўлланилади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида кураш бўйича турли расмий мусобақалар, Халқаро турнирлар, Президент соврини учун биринчиликлар ўтказиш анъанага айланди. Бундай улуғвор тадбирлар курашнинг халқаро спорт майдонларига дадил чиқишига йўл очиб берди.

Ўзбекистон Президентининг фармони, Вазирлар Махкамасининг курашни ривожлантиришга доир қарори /1998 йил/ бу соҳадаги фаолиятларни кескин ўзгартириб юборди. Натижада, 1999 йил майда Тошкентда ўзбек кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу тадбир республика аҳолисини гоят қувонтириди. Ўзбек курашини 70 дан ортиқ давлат тан олди ва улар ўзларида Кураш федерациялари, Ассоциацияларини туздилар. Шу сабабли Ўзбекистонда Халқаро Кураш Ассоциацияси ташкил этилди /1998 йил/. Натижада 2000 йил Анталья /Туркия/ шаҳрида иккинчи жаҳон чемпионати ўтказилди. 2001 йил Венгрияда III жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбек курашини ўз юртларида ривожлантириш учун Ўзбекистондан полвонлар, мутахассислар, мураббийларни таклиф қилишмоқда. Бу, биринchi навбатда, Ҳиндистон, Буюк Британия ва бошқа бир қатор давлатларда амалга оширилди.

2000 йил октябрда Англияда ўзбек кураши бўйича «Ислом Каримов» номи билан халқаро турнир ўтказилди. Бунда илк бор 13-14 ёшли ўғил ва қиз болалар иштирок этди. Шунингдек, мутлақ оғир вазнда кураш мусобақалари қизғин ўтказилди.

Эътироф этиш керакки, ўзбек кураши /Бухороча усул/ ва белбоғли кураш /Фаргона усули/ Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг диққат-эътибори ва назоратидарид. Чунки миллий қадриятларимизни жаҳонга танитиш. Ўзбекистон байробини баланд кўтариш, мадҳиясини чет мамлакатларда барадла янгратишда ўзбек курашининг нуфузи ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг жаҳон халқлари орасидаги обрўсини ошириш, шон-шуҳратини оламга ёйишнинг устувор йўналишларидан биридир.

#### **5.4. Спорт турлари бўйича федерацияларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги фаолиятлари**

Қайси спорт тури бўлмасин, мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш фаолиятлари асосан спорт федерациялари томонидан амалга оширилади. Бунда мусобақа Низоми, ҳакамлик ишлари асосий уринда туради. Шу туфайли мамлакатимизда 30 дан ортиқ спорт турлари бўйича федерациялар ташкил этилган. Ҳар бир федерациянинг ўз Низоми мавжуд. Низомларда федерацияларнинг таркибий

тузилиши, раҳбар ва хайъатини сайлаш, иш мазмуни ҳамда вазифалари, моддий маблағлар каби жиҳатлар акс эттирилган.

Федерацияларнинг энг муҳим вазифаларига мусобақа қоидаларини ишлаб чиқиш ёки ўзгартиришлар киритиш, мусобақаларнинг Низомини тайёрлаш, ҳакамларнинг малакаларини ошириш, мураббийларнинг фаолиятларини ўрганиш каби талаблар киради.

Ўзбекистон шароитида футбол, теннис, бокс, шахмат, кураш, шарқона яккакурашлар ва бошқа бир қатор спорт федерациялари ўз мустақиллигига эга ва ўз маҳомлари буйича фаолият кўрсатади. Улар ташкилий ишлар буйича спорт жамиятлари билан ҳамкорлик қилади ва Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига ҳисбот беради.

Таъкидлаш жоизки, бир қатор спорт федерациялари спорт жамиятлари таркибидадир. Вилоятлардаги спорт федерациялари ҳам спорт жамиятлари таркибида фаолият юритади ва ўз Низомлари асосида иш олиб боради.

Спорт федерациялари таркибига асосан ҳакамлар ва мураббийлар кенгаши киради. Улар ҳам ўз фаолиятларини алоҳида ва мустақил равишда юритадилар.

Ҳакамлар кенгаши мусобақа қоидаларини ишлаб чиқиши, бажарилишини доимий назорат қилиш, янгиликлар киритиш билан шуғулланадилар. Мусобақалар асосан, аввалдан тузилган ва тасдиқланган Низомлар асосида ўтказилади, уларнинг яқунлари федерация ҳайъатида кўриб чиқилади ва ҳисбот берилади.

Мураббийлар кенгаши илғор тажрибаларни оммалаштириш, спортчиларнинг техник ва тактик маҳоратларини такомиллаштириш, мусобақаларга тайёргарлик каби муҳим масалаларни мұхокама қилади. Зарур муаммоларни федерация ҳайъатига тавсия этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бошқариш ишларига жамоатчилик кенг жалб қилинмоқда. Демократик тамойилларни амалга оширишда ўзини-ўзи бошқариш, бунда пуллик хизматлар, тижорат ва ишлаб чиқариш йўллари билан моддий таъминлашга имкониятлар яратилмоқда. Бу соҳада спорт жамиятлари, уюшмалари, ассоциациялар, жамғармалар ва бошқа жамоат ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар.

Спорт жамиятлари, уюшмалари ва улар билан бевосита алоқадор бўлган ташкилотлар мустақил фаолият киритиш эвазига спортчиларнинг тайёргарликларини яхшилаш, уларнинг маҳоратини ошириш, спорт буюмлари ва жи-

хозларини харид қилиш, спорт иншоотларини кенгайтириш, таъмирлаш каби зарур ишларни амалга оширмоқда.

Бундай фаолиятлар, айниқса, «Динамо» спорт жамияти, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошқа спорт жамиятлари ҳамда ташкилотларида яхши йўлга кўйилган.

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда спорт жамиятлари, уларнинг тармоқлари, айниқса, жисмоний тарбия жамоалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, олий ўқув юртлари таркибидаги спорт клубларининг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда.

Барча тоифаларда ўтказилаётган спорт мусобақаларининг аниқ мақсад йўлида ташкил этилишида ҳакамлар, мураббийларнинг роли ва масъулиятлари кенгаймоқда.

Бир сўз билан айтганда, соҳани бошқаришда жамоатчиликка кенг ўрин бериш яхши самаралар бермоқда.

Спорт жамиятлари, ўюшмалари, спорт клублари ҳақида ги Низомларни талабалар амалий ва мустақил машғулотларда чукур ўрганишлари лозим.

## **VI. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚҮМИТАСИ**

1. Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитасининг Низоми. Унинг таркибий тузилиши: Баш Ассамблея, Конгресс, сессия, ижроқум.

2. Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитасининг асосий вазифалари.

3. Олимпия клублари. Олимпия академияси, уларнинг вазифалари.

### **6.1. Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитасининг Низоми**

Халқаро Олимпия ҳаракатининг оламшумул кенгайиши, Узбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши, айниқса, Республикамизнинг мустақилликни құлға киритиб, давлат сифатида танилиши натижасыда Узбекистон Миллий Олимпия құмитаси 1992 йил 21 январда ташкил этилди ва шу иили Халқаро Олимпия құмитаси /ХОҚ/ таркибига расмий равища аль бұлды. Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитасининг биринчи таъсис мажлисіда Миллий Олимпия құмитасининг Низоми ҳам қабул қылыштыра көзінде үзгартырылған. Низоми құмитасининг Низоми ва Миллий Олимпия құмитасининг иш тажрибалари асосида қайта күриб чиқылды ҳамда унга қысман үзгартырылар киритилди. Үша пайттарда. Миллий Олимпия құмитаси таркибига 127 киши ва фахрий альянсқа 11 киши сайланды.

Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитасининг Низомида асосан унинг таркибий тузилиши, мақсад ва вазифалари, бурчлар ҳамда ҳукуқлар алохыда белгиланған. Шунингдек, спортчилар, мураббийларнинг ҳукуқ ва вазифалари, мусобақаларда қатнашиш жараёнлари, молиявий таъминот, альянс болалари ҳам үз ифодаларини топған.

Низом Узбекистон Республикаси Конституцияси ва Халқаро Олимпия құмитаси Хартияси талаблари асосида ишлаб чиқылған булып, Миллий Олимпия құмитасининг

байроби, рамзи ва бошқа нишонлари ҳақида қайд этилган. Узбекистон Миллий Олимпия құмитаси ҳукуматта қарашли бұлмаган мустақил фәолият күрсатувчи ташкилотдир. Унинг олий органдары Баш Ассамблея /мажлис/ ҳисобланады. Уйил давомида бир маротаба үтказилади. Ассамблеялар оралиғида раҳбарлық ишлери Миллий Олимпия құмитасининг Ижроия құмитаси томонидан олиб борилади. Унинг таркиби Президент, 2 та вице президент, баш котиб ва 18 нафар альянсдан иборат. Улар 4 йил муддатта сайланады.

Конгресс /Курултой/ Миллий Олимпия құмитасининг энг иирик ва кенгайтирилген мажлисидир. Унда Олимпия ҳаракати ва спорт турларини ривожлантириш билан бөглиқ масалалар мұхомама этилади. Энг илғор тажрибалар, илмий - тадқиқот натижалари ва муаммоли масалаларға алохыда ёндошилади. Зарур бұлса, Миллий Олимпия құмитаси альянсари ва Президентини ҳам сайлады.

Миллий Олимпия құмитасининг сессияси у ёки бу қарорни тасдиқлаш, уларнинг ижроларини мұхомама қилиш, комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиш каби фәолиятлар билан шүгүлланады.

### **6.2. Миллий Олимпия құмитасининг асосий вазифалари**

Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитасининг асосий мақсади:

- ҳаваскорлик спортини ривожлантириш ҳамда Олимпия ҳаракатини ҳимоя қилиш;
- олимпия үйинларыда спортчилар иштирокини таъминлаш;
- спортни ривожлантириш, республика ва жаҳон спортчилари ҳамда олимпия үйинлари қатнашчилари орасыда дүстликни мустаҳкамлашта қаратылған олимпия ғояларини мустаҳкамлаш.

Низомда ифода этилган мақсадларни амалға оширишда Миллий Олимпия құмитаси қуйидаги вазифаларни үз олдига қўяди:

- Олимпия қоидалари ва Низомнинг бажарилишини таъминлаш;
- Баш Ассамблея қарорини амалға ошириш;
- Миллий Олимпия құмитаси Ассамблеяси күн тартибини тайёрлаш;
- молиявий ҳаражатларни таъминлаш ва жавобгарлик;
- ийлilik ҳисобот тузиш;
- идора ишлари, архив сақлаш масъулияти ва ҳоказолар.

Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия құмитаси Ижроия құмитаси қошида 10 дан ортиқ турли комиссия-

лар иш олиб боради. Улар, асосан, олимпия ҳаракати билан боғлиқ бўлган ташкилий, тайёргарлик, илмий-назарий ёрдам, тарғибот, халқаро алоқалар ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси Президенти, унинг ёрдамчиси, Ижроқўм аъзолари Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, спорт жамиятлари, уюшмалари, ассоциациялари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб боради. Халқаро Олимпия ҳаракати, Халқаро Олимпия қўмитаси ва улар билан боғлиқ масалалар бўйича республикадаги масъул идораларга мурожаат этади ва ўз вазифаларини амалга оширади.

### **6.3. Олимпия клублари. Олимпия академияси. Уларнинг вазифалари**

#### **6.3.1. Олимпия клублари ва уларнинг вазифалари**

Халқаро Олимпия қўмитаси Хартияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасининг Низомида қайд этилишича, илгор тажрибага ва шарт-шароитларга эга бўлган олий ўқув юртлари, вилоят марказлари ҳамда йирик саноат шаҳарларида Олимпия клублари ташкил этилиши мумкин. Бу ташаббус 1985-1987 йилларда С. Айнийномидаги Самарқанд давлат педагогика институти (ҳозирги СамДУ) жисмоний тарбия факультети жамоаси томонидан амалга оширилди ва кейинчалик шу асосда Олимпия Академияси ташкил этиш ҳақидаги фой пайдо бўлди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси таъсис этилгач /1992/, барча вилоятларнинг спорт қўмиталари қошида Олимпия клубларини ташкил этиш анъанага айланди. Уларнинг бошқарув фаолияти клуб раиси /президент/ ҳайъат аъзолари ва кенгаш томонидан олиб борилади.

Олимпия клубларининг асосий вазифасига қўйидагилар киради:

- Ўз ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш;
- спорт турларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш;
- ўқувчи-ёшлар ва аҳоли ўртасида Олимпия фояларини тарғиб қилиш;
- спорт мусобақаларини ўтказишда қўмаклашиш;
- илгор тажрибаларни оммалаштириш;
- мутахассис ходимлар билан ҳамкорлик қилиш;
- республика спорт тараққиёти ва спортчиларнинг эришган ғалабаларини матбуот ва услубий қўлланмаларда кенг ёритиш;

- Халқаро Олимпия құмитаси ва Ўзбекистон Республикасы Миллий Олимпия құмитасининг амалий фаолияттарини чукур үрганиш, құйилған вазифаларни амалга оширишда күмаклашиш ва ҳоказо.

### 6.3.2. Олимпия академияси ва унинг вазифалари

Ўзбекистон Олимпия академияси Узбекистон Миллий Олимпия құмитасига бевосита ёрдам берувчи ва олимпия ғояларини тарғиб қылувчи жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ташкилотdir.

Таъкидлаш лозимки, Халқаро Олимпия академияси /ХОА/ 1961 йилда тузилган. У Грецияннинг Олимп шаҳрида жойлашған ва 170 дан ортиқ мамлакатларда унинг тармоқлари, яғни міллий Олимпия академиялари /МОА/ ташкил этилган. Халқаро Олимпия академиясининг асosий вазифаси Олимпия ҳаракати, жисмоний тарбия ва спорт назариясини үрганиш ҳамда тарғиб қилишдан иборат. Унинг фаолияти Халқаро Олимпия құмитаси томонидан бошқарилиб, молиявий таъминоти эса Греция Миллий Олимпия құмитаси зымасидадир.

Халқаро Олимпия академияси ҳар йили бир ҳафталик сессия ташкил этади ва унда фалсафий-ғоявий муаммоларга бағищланған маъruzалар әшитилиб, семинарлар үтказади. Уларнинг асosий мөхияти Олимпия ҳаракати тарихи, спорт машғулотлари ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг услугбий масалалари бағнидан иборат булади. Бу анжуманларга Миллий Олимпия құмиталари, таниқли олимлар, мураббийлар, соҳа вакиллари, хатто талабалар, аспирантлар ва спортчиларни сафарбар этиш мүмкін.

1987 йил 18 февралда Давлат спорт құмитаси ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ташкил қилинди. 1993 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси /ЎзРОА/ расмий рawiшда таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси фаолияти унинг сайланған президенти, ижроқұм директори томонидан бошқарилади. 1994 йилда Олимп шаҳрида утказылған Халқаро Олимпия академияси сессиясида Ўзбекистон Олимпия академияси вакиллари илк бор иштирок этишди ва кейинги йилларда ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ижроқұмида /Низомга мувофиқ/ 12 киши, яғни етук олимлар,

ўқитувчилар, мураббийлар, Олимпия ҳаракатининг намояндалари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ўз фаолиятини, асосан, Олимпия гоялари, Олимпия ҳаракати, Олимпия ўйинларини оммалаштиришга қаратган. Шу ўринда муҳим фаолиятларнинг натижаларини мисол тариқасида келтириш мақсадга мувофиқдир.

1996 йил Олимпия таълими тизимининг ташкилий ва илмий-услубий асосларини яратишнинг ҳал қилувчи жарайёни амалга оширилди. Яъни турли ҳудудларда Халқаро Олимпия академияси билан ўзаро алоқалар таъминланди. Айниқса, Халқаро Олимпия қумитасининг ташкил топишига /1894/ ва замонавий Олимпия ўйинларининг /1896/ 100 йиллиги муносабати билан ўtkазилган Республика илмий-назарий анжуманлари /1994, 1996/ муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1997-2000 йилларда Олимпия ҳаракати ва ўйинлари билан боғлиқ илмий-амалий анжуманлар ўtkазилди. Маърузалар, амалий таклифлар, илмий-назарий таҳлиллар анжуманларнинг илмий тўпламларида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда Олимпия ҳаракати билан боғлиқ барча муаммолар ва масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг бевосита ёрдами эътиборга лойикдир. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг 2000 йил 7 июндаги «Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шахридаги /Австралия/ XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш тұғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармонда баён этилишича: «Мамлакатда Олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг Сидней шахридаги /Австралия/ XXVII Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсими мустахкамлашда, ёш авлодни миллий гурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек спортчилари эришган ютуқларнинг фоят катта аҳамиятини эътиборга олиб:

XXVII Олимпия ўйинларида совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, Ватанимизнинг спортдаги шон-шухратини оширишга қўшган муносиб ҳиссасини эътироф этиш мақсадида қуйидаги миқдорда бир йўла бериладиган мукофотлар белгиланди:

- Олтин медал учун - 100000 АҚШ доллари;
- Кумуш медал учун - 50000 АҚШ доллари;

- Бронза медали учун - 25000 АҚШ доллари /“Спорт” газетаси, 2000 йил, 9 июн/.

Ушбу фармон мураббийлар ва Олимпия ўйинларида қатнашадиган спортчиларга катта куч ва руҳий озуқа баҳш этди. Натижада Сидней шаҳрида ўтказилган XXVII Олимпия ўйинларида /2000 йил 15 сентябр - 1 октябр/ қатнашган 77 нафар спортчилар орасида 4 киши Олимпия ўйинлари медаллари ва Ўзбекистон Президенти мукофотига сазовор бўлдилар. Улар: Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича олтин медал совриндори; Артур Таймазов эркин кураш бўйича кумуш медал совриндори; Рустам Сайдов ва Сергей Михайллов бокс бўйича бронза медали совриндорлари бўлиши.

Олимпия ўйинлари ғолиблари ва барча қатнашчиларини республикамиз жамоатчилиги муносиб кутиб олди. Улар Ўзбекистон Президенти, ҳукумати, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, спорт жамиятлари, уюшмалари раҳбарлари ва бошқа ҳомийлар томонидан муносиб тақдирландилар.

Умуман олганда, Республикада Олимпия ҳаракати ва ўйинларининг муқаддас бўлган шиорлари: «Тезроқ», «Баландроқ», «Кучлирок» ҳамда «Тинчлик», «Дўстлик» «Ҳамжихатлик» каби ғоялари чуқур сингиб бормоқда. Бу фаолиятларни оммалаштириш ишларида фақат Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси ходимлари, унинг тармоқларидағи мутасаддилар, Республика Олимпия академиясигина эмас, балки спорт ташкилотлари, жамиятлари, ўрга маҳсус ва олий ўкув юртлари, спорт ҳомийлари, спорт иншоотлари ходимлари ва бошқа жуда кўп ташкилотлар, муассасалар ҳамда расмий шахслар ҳам яқиндан туриб иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларидаги иштироклари, уларнинг эришган ютуқлари «Жисмоний тарбия тарихи» дарслиги ва илмий-амалий анжуманларнинг илмий тўпламлари ҳамда маҳсус ўкув-услубий қўлланмаларда баён этилган.

## VII. СПОРТ МАКТАБЛАРИ ВА МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Иқтидорли спортчиларни тарбиялашда болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларининг аҳамияти. Спорт мактабларининг турлари ва уларнинг Низоми ҳақида тушунчалар.
2. Ихтисослашган ва мажмуйи /комплекс/ спорт мактаблари. Мураббийлар кенгаши. Иқтидорли ёшларни танлаш, қабул қилиш тартиблари.
3. Олимпия ўринбосарлари коллежлари.
4. Спорт мактабларида оммавий спорт тадбирларини ўюштириш. Мураббийлар, тарбиячилар, ходимлар ва спортчиларни рағбатлантириш.
5. Спорт марказлари ва уларнинг фаолиятлари. Терма жамоалар тузиш, уларнинг ўқув-йигинларини ўюштиришида мураббийлар ва спорт ташкилотлари раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлиги.

### 7.1. Иқтидорли спортчиларни тарбиялашда болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларининг аҳамияти. Спорт мактабларининг турлари ва уларнинг низомлари ҳақида тушунчалар

Жаҳон спорт назарияси ҳамда амалиётида юқори чўққи-ларга эришиш болалар ҳамда ўсмиirlар орасида иқтидорли ёшларни таңлаб олиб, уларни тарбиялаб етиширишдек мураккаб педагогик жараён ҳисобланади. Бундай жиҳатлар Узбекистон муҳитида 30-йилларда ilk бор шаклланган ва ижтимоий-маданий тараққиётнинг ривожланишига ижобий таъсири натижасида спорт турлари бўйича маҳсус спорт мактаблари, спорт-интернат мактаблари ташкил қилинган. Бундай спорт мактабларининг ижобий меҳнат самаралари тезда намоён бўлди ва улар собиқ Иттифоқ жараёнида мукаммалашиб, ўз истиқболларини таъминлади. Натижада уларнинг яхши ишлаб чиқилган Низомлари ҳозирги мустақиллик шароитларида ўз кучи ва моҳиятини йўқотмади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, таълим-тарбия соҳаларидағи туб ислоҳотлар ўқувчи-ёшларни спортга жалб этиш, уларни касб-хунарга йўллаш, ижтимоий меҳнат ва мудофаа ишларига лаёқатли қилиб етишириш муаммоларини қўймоқда. Бундай улкан ва улуғвор вазифаларни амалга оширишда энг аввало умумтаълим мактаблари, коллеж, лицей, ўрга маҳсус ва олий ўқув юртлари томонидан олиб борилаётган турли маданий ва спорт тадбирлари мухим аҳамиятга эга. Чунки бу тадбирларда болалар ва ўсмирларнинг қобилияти, қизиқиш ва ихлослари синовдан ўтказилади.

Соҳа олимларининг илмий тадқиқотларида болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлиги, уларни спорт орқали ривожлантириш, иқтидорли болаларни таънлаб спортга жалб этиш каби тажриба кенг мазмун тонгандлиги эътиборга лойиқдир. Уларнинг таъкидлашларича, болаларни спортга жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг халқаро спорт майдонларида самараали қатнашишини таъминлайди. Энг мухими эса, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний жиҳатдан баркамол ўсиши таълим-тарбияда, узлаштириш бўйича юқори натижаларга эришишда, қолаверса, жамиятимизнинг қонунлари, тартиб-қоидаларини бузишнинг олди олинишида мухим рол ўйнайди.

### **7.1.2. Спорт мактабларининг турлари ва уларнинг низомлари ҳақида тушунчалар**

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда спорт турлари бўйича турли хил маҳсус спорт мактаблари фаолият кўрсатиб келмоқда ва уларнинг ўз соҳалари, ихтисосликларига қараб Низомлари мавжуд.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳақидаги низомлар уларнинг иш фаолиятини тартибга солувчи ва доимий равишда мувофиқлаштирувчи расмий ҳамда ҳукуқий хужжатдир. Улар Республика ҳукумати, спорт ташкилотлари ҳамда мутасадди вазирликлар, ташкилотларнинг қарорлари, йўл-йўриқлари асосида тўлдирилиб, бойитиб борилади.

Низомларда асосан спорт мактабларининг мақсад ва вазифалари, таркибий тузилиши, спортчиларни таънлаб олиш, синовдан ўтказиш, мураббийларнинг вазифалари, моддий-техник ва ҳўжалик ишларини бошқариш каби соҳалар баён қилинган.

Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Олимпия ўринбосарлари бўйим юртларини тузиш ҳамда

уларни бошқаришнинг қатъий тартиб ва қоидалари мұккамал ишлаб чиқылған.

Спорт мактаблари фаолиятларини тұла акс эттирувчи талаб ва қоидалар уларнинг низомларида батафсил баён қилинганды.

Низомларга күра, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия ўринбосарлари билим юртлари, спорт күмітталари, жамиятлари ва Халқ таълими вазирлиги тизимида ташкил қилинганды. Улар күйидеги турларга ажратылады:

1. Давлат спорт күмітталари, тизимидағи олий спорт маҳорати мактаблари ва олимпия билим юртлари.

2. Халқ таълими вазирлиги тизимидағи болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турлари бүйіча ихтисослаштирилған мактаблари, олимпия ўринбосарлари билим юртлари.

3. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти ва бошқа спорт жамиятлари таркибидағи спорт мактаблари.

Спорт мактаблари ва билим юртларини моддий-техник таъминлаш ҳамда бошқариш тартиблари масъул идоралар ва ташкилотлар томонидан амалға оширилады.

Низомга күра, спорт мактаблари, билим юртлари фаолияти асосан директор томонидан бошқарылады. Үнда педагогик кенгаш ҳал қылувчы орган ҳисобланады.

Педагогик /мураббийлар/ кенгашда тарбиявий ишлар, спортчи-ұкувчиларни тәнлаб олиш, ұкув-спорт машгулоларини ташкил қылиш, мусобақаларга тайёргарлик, мусобақа натижалари, мураббийларнинг фаолиятлари, отаналар билан алоқадорлик, молиявий-хұжалик ва бошқа күпгина масалалар мухокама қилинады.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, асосан, ихтиослашған /фақат бир тур/ ва комплекс /күп турлар/ шаклида бўлади.

Маълумки, Республикада футбол, кураш, волейбол ва бошқа спорт турлари бүйіча жуда күп спорт мактаблари, олимпия ўринбосарлари билим юртлари ташкил қилинганды.

1993 йил марта Узбекистон Вазирлар Маҳкамаси Республикада оммавий футболни ривожлантириш тұғрисида қарор қабул қылди. Бу, ўз навбатида, барча вилоятлар, туманлар марказларыда футбол мактаб-интернатлар ташкил қылиш, уларнинг фаолиятларини бошқариш ва моддий-техник таъминлашга алоҳида эътибор беришни тақозо қылади.

Узоқ йиллар давомида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ шаҳарларида спорт интернатлари /ҳозир улар - олимпия ўринбосарлари коллежлари/ фаолият кўрсатиб келди ва Республика терма жамоалари учун кўп мингли иқтидорли спортчилар тайёрлаб берди. Уларнинг орасида юзлаб халқаро спорт мусобақаларининг совриндорлари бор.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида янгидан футбол, кураш, теннис, каратэ ва бошқа спорт турлари буйича маҳсус клублар ташкил этилган, уларда турли ёшдаги болалар шуғулланмоқда. Бу клублар, асосан, спорт мактаби вазифасини бажармоқда.

## **7.2. Ихтисослашган ва комплекс спорт мактабларининг босқичлари. Мураббийлар кенгаши.**

### **Иқтидорли ёшларни танлаш, қабул қилиш тартиблари**

#### **7.2.1. Ихтисослашган ва комплекс спорт мактабларининг босқичлари**

Аввал таъкидланганидек, спорт мактаблари турли спорт ташкилотлари, жамиятлари ва давлат идораларига мансубdir. Қайси соҳада бўлмасин, спорт мактабларининг турлари, ташкилий тузилишлари, фаолиятлари умумий қоида ва тартиблар /Низомлар/ асосида амалга оширилади. Шу сабабдан уларни икки йўналишга ажратиш мумкин:

1. Ихтисослаштирилган спорт мактаблари.
2. Комплекс спорт мактаблари.

Ихтисослаштирилган спорт мактаби ҳам ўз навбатида, бир неча босқичлардан иборат. Унинг асосий хусусияти шундаки, унда фаолият спортнинг фақат бир тури буйича олиб борилади. Бунда қуйидаги босқичларга амал қилинади:

1. Турли ёшдаги /6-14/ болалар тайёрлов гурӯҳлари.
2. Олий спорт маҳорати.
3. Олимпия ўринбосарлари.

Биринчи босқичдаги болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари /спорт турларига қараб/ асосан жисмоний тайёргарлик, жисмоний сифатлар ҳамда спортнинг техник-тактик мазмунларини ўргатиш билан фаолият кўрсатади.

Иккинчи босқичдаги спорт мактабларида спортнинг техник-тактик мазмунларини сингдирган ҳолда турли йирик мусобақаларга тайёргарлик даври ўтказилади.

Учинчи босқич спорт мактабларида турли ёшдаги болалар шуғулланадилар. Улар тайёргарлик маҳорат эгаллаш

ва олимпия йийинлари, халқаро спорт мусобақаларида қатнашувчи спортчиларни танлаш даврларини ўтказади.

Умуман олганда, ихтисослашган спорт мактабларининг иш фаолияти аниқ ва ихчамлашган ҳолда бошқаришни талаб этади. Бунда спорт мактаблари маъмурияти, айниқса, мураббийларнинг вазифаси ўта масъулиятли ҳисобланади.

Комплекс спорт мактабларининг хусусиятлари шундаки, унда спортнинг бир неча тури /гимнастика, акробатика, кураш, енгил атлетика, футбол ва ҳоказолар/ бўйича болалар жалб этилади ва машғулотлар олиб борилади.

Комплекс спорт мактабларида ҳам спорт турларига қараб шуғулланувчиларни бир неча гуруҳларга /ёши, жисмоний ва спорт тайёргарлигига қараб/ бўлиб, машғулотлар алоҳида жадвал асосида олиб борилади. Бунда муаммо булалиган жиҳатлар, асосан, спорт иншоотлари, спорт буюмлари ва кийимлари билан таъминлашдир. Шу сабабдан спорт мактаблари маъмурияти замонавий иш усуллари, хайрия жамғарма ўюшмаларидан фойдаланиш ҳамда пулли хизматлар кўрсатиб /ижара, мусобақа, тижорат ва ҳоказо/, моддий муаммоларни ҳал қиласидар.

Комплекс спорт мактаблари фаолиятида ҳам етук спортчиларни тарбиялаб етказиш, шароит ва заруриятларга қараб ёш спортчиларни олий спорт маҳорати мактаблари, спорт интернат-мактаблари ва олимпия ўринбосарлари билим юртларига тавсия қилиш мумкин бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ ва Бухоро шаҳарларида ихтисослаштирилган спорт интернат-мактаблари ташкил қилинди. Улар Республика учун жуда кўп спортчилар тайёрлаб беришда катта хизмат қилиб келди. Узбекистон мустақил давлат бўлгач, бу интернатлар Олимпия ўринбосарлари мактабига, кейинчалик эса билим юртларига айлантирилди. Шу сабабдан маҳоратли спортчилар тайёрлаш билан бирга жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўрта маҳсус маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, юртимизда “Кадрлар тайёрлаш миллый дастури”ни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

### 7.2.2. Мураббийлар кенгаши

Спорт мактаблари ва Олимпия ўринбосарлари билим юртлари Низомида мураббийлар кенгашига алоҳида эътибор берилган. Чунки ёш спортчиларни техник, тактик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда мураббийлар асосий фаолият кўрсатадилар.

Спорт мактабларининг хусусиятлариға қараб мураббийлар кенгаши тузилади. Унинг таркиби мураббийларнинг сонига қараб белгиланади. Кенгаш раиси спорт мактаби раҳбари /директор/ ҳисобланади. Директорнинг ўқув-спорт ишлари бўйича муовини, мураббийлар ёки хизматчи ходимлардан кенгаш котиби сайланади.

Мураббийлар кенгаши календар йили /ёки ўқув йили/ бўйича иш режасини тузади ва тасдиқлайди. Шунга кўра, ҳар ойда бир маротаба /зарур бўлганда ундан кўпроқ/ кенгаш йиғилиши ўтказилади. Кенгаш тузилган режа асосида кун тартибларини белгилайди. Уларда асосан мураббийларнинг иш фаолияти, ҳисботлар, ота-оналар билан ишлаш, таълим-тарбия жараёнлари, иқтидорли спортчичи ёшларни танлаш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Маълумки, Мустақиллик йиларида раҳбар ва бошқа ходимларни аттестациядан ўтказиш расмий одатга айланди. Бу ишда спорт мактабларининг мураббийлари ҳам бевосита иштирок этади. Спорт мактабларидаги мураббийларни аттестацияга тайёрлаш ва ўтказишида уларнинг назарий билим ва амалий фаолиятлари, давлат сиёсати ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларга муносабатлари инобатга олинади. Энг муҳими, Республика ва ҳалқаро спорт мусобақаларида спортчиларнинг қатнашиш натижалари, бунда мураббийнинг ижодий фаолияти асосий ўринга қўйилади. Аттестация якуни асосида мураббийларга турли тоифадаги /олий тоифагача/ унвонлар берилади.

Шу сабабдан ҳам аксарият барча мураббийлар, энг аввало, иқтидорли ёшларни танлаш, саралаш ва улар билан катта мақсад йўлида фидойилик билан меҳнат қилишга ҳаракат қиласидилар.

### 7.2.3. Иқтидорли ёшларни танлаш, қабул қилиш тартиблари

Педагогик кузатишлар, илгор тажрибалар ва илмий-педагогик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, маҳсус олимпия ўринbosарлари спорт мактаблари, олий спорт маҳорати мактаблари, олимпия ўринbosарлари билим юртлари ва шунга ўхшаш спорт мактабларига ёшларни жалб этиш қўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиларининг тавсияси.
2. Ўқувчи-ёшларнинг ўз ихтиёри ва ташабbusи.
3. Ота-оналарнинг тавсия ва илтимослари.

#### **4. Мураббийларнинг бевосита мақсад йўлида кузатишлари.**

Спорт мактабларининг тоифаси, даражаси ва эҳтиёжи асосида иқтидорли ёшларни кузатиш, танлаш ва синовтажрибаларга тайёрлаш ҳоллари кўпроқ мураббийлар томонидан олиб борилади.

Спорт турларига қараб синов-танлов жараёни умумий жисмоний тайёргарлик, мазкур спорт турининг техник қоидалари ва меъёрлари асосида болалар махсус тиббий кўрикдан ўтказилади.

Спорт мактабларига кирувчи болалар шахсий хужжатларини талаб даржасида тайёрлаб, синов-танловдан муваффақиятли ўтгандан кейин, спорт мактаби маъмурияти томонидан бўйруқ билан расмийлаштирилади.

Спорт мактабларида болалар ва уларнинг ота-оналари ички тартиб-қоидалар билан таништирилади. Спорт машғулотлари, мусобақа қоидалари ҳамда аҳлоқ нормаларига риоя қилмаган болалар эса спорт мактабидан четлаштирилади.

Спорт турлари бўйича мураббийлар янгидан қабул қилинган болалар билан машғулот ташкил қилиш жараёнида уларнинг фаолияти, имконият даражаси, қизиқиши, муносабати ва руҳий ҳолатларини ўрганиб олади. Энг муҳими, уларни ортиқча юклама ёки қўпол муомала билан бездирмаслик лозим.

#### **7.3. Олимпия ўринбосарларини тайёрловчи билим юртлари**

Олимпия ўринбосарлари билим юртлари, спорт интернат-мактаблар ва олимпия ўринбосарлари спорт мактаблари негизида вужудга келди. Улар ҳозирги кунда деярли барча вилоятларнинг марказида таркиб топмоқда ва коллеж шаклида фаолият кўрсатмоқда. Улар, энг аввало, Халқ таълими вазирлиги тизимида шаклланди ва ривожланди. Шу сабабдан уларнинг ўкув режалари ва фанлар, спорт турлари бўйича дастурлари Халқ таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Республикала олимпия ўйинларига тайёргарлик ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларда олимпия ўринбосарлари билим юртлари фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ва спорт юшмалари ҳамкорлик қўломоқда.

Билим юртларининг ўқув режасида давлат таълим стандартлари асосида умумий ва ўрга маҳсус таълим дастурларидаги барча сиёсий, гуманитар, табиий ва маҳсус фанлар ўқитилади. Мавжуд бўлган гуруҳ /синф/ ва бўлимларда олимпия ўйинлари спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган назарий ҳамда амалий фанлар ўргатилади. Ўқув режаларида белгиланган барча фанлар ва спорт турларининг асосий мөҳияти етук ва маҳоратли спортчилар ҳамда мутахассис ходимлар тайёрлашдан иборат.

Анвалги бўлимларда қайд этилганидек, раҳбарлик ишлари билим юрти директори, унинг ўқув, спорт, маънавият ва маърифат, хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда спорт турлари бўйича бўлим бошликлари томонидан амалга оширилади.

Билим юртида педагогик ва мураббийлар кенгаши барча фаолиятларни муҳокама қилиб, зарур қарорларни қабул қиласди. Таълим-тарбия жараёнлари ҳамда спорт тайёргарлиги билим юртида энг устувор фаолият ҳисобланади. Бу соҳаларда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчик ва бошқа шаҳарлардаги билим юртларининг иш фаолияти ва эришган тажрибаларини талабалар мустақил равишда ўрганишга ҳаракат қилишлари лозим.

## **7.4. Спорт мактабларида оммавий спорт тадбирларини ўюштириш. Мураббийлар, тарбиячилар, ходимлар ва спортчиларни рағбатлантириш**

### **7.4.1. Спорт мактабларида оммавий спорт тадбирларини ўюштириш**

Барча тоифалардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, асосан, спорт машғулотларини ўтказиш ва спорт турлари бўйича маҳсус мусобақалар ташкил қилиниб борилсада, уларнинг иш фаолиятида оммавий спорт тадбирларини ташкил қилиш ҳам алоҳида ўринга эга. Айниқса, спорт ўйинлари, енгил атлетика ва бошқа баъзи спорт турлари оммавийлик мазмунига эгадир. Шу сабабдан бу турлар бўйича мусобақалар ўюштирилганда, бошқа спорт мактаблари ва умумтаълим мактаб ўқувчиларининг спорт жамоалари ҳам иштирок этиши мумкин. Оммавий спорт тадбирларининг асосий шакллари туман-шаҳар, вилоят ва республика биринчиликлари, спартакиадалари, ўртоқлик учрашувлари ҳисобланади. Бундай мусобақаларнинг замирида спортчиларнинг тайёргарлиги, эгалланган маҳоратлар синов ҳамда йирик спорт мусобақалари,

халқаро учрашувлар, Марказий Осиё, Осиё ва жаҳон чемпионатларига терма жамоа тайёрлаш түриги бўлиб хизмат қиласди.

Оммавий спорт тадбирларининг яна бир шакли ва мақсади шундаки, қайси спорт тури билан шуғулланишларидан қатъий назар, ўз жамоаларида ташкил этилган кросс, футбол мусобақалари ҳамда «Алломиши» ва «Барчиной» маҳсус тестларини бажариш учун ташкил қилинадиган оммавий мусобақаларда иштирок этиш шартдир. Бундан асосий мақсад шуки, спортчиларнинг жисмоний тайёргарликлари даражасини мунтазам ошириб борищдир. Шу сабабдан спорт мактабларининг календар режаларига оммавий спорт мусобақаларини киритиш ва уларни амалда утказиш мақсадга мувофиқдир.

#### **7.4.2. Мураббийлар, тарбиячилар, ходимлар ва спортчиларни рағбатлантириш**

Ўқувчи-ёшлар, айниқса ёш спортчиларни ҳар томонлама тарбиялаш ишлари анча мураккаб ва ўз навбатида ута маstryулиятли фаолиятдир.

Мураббийлар оддий ҳаваскорни энг моҳир ва республика мусобақаларида қатнашувчи спортчи даражасига етказади. Уларнинг қайси бирлари халқаро спорт мусобақалари ва жаҳон биринчиликларида совриндор бўлишга эришадилар. Бундай спортчиларни тарбиялаб етказган мураббийлар дик-қат-эътибордан четда қолмайди. Уларнинг мураббийлик тоифалари оширилади, моддий рағбатлантирилади, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвонлари ҳамда хукуматнинг орден ва медаллари билан тақдирланадилар.

Маълумки, спорт мактабларида услубчи /методист/ ва бошқа ходимлар лавозими мавжуд. Спорт интернат-мактаблари, олимпия ўринбосарлари мактаблари ва шу соҳадаги билим юртларида ўқувчи-спортчиларнинг ётоқхоналари, таълим-тарбия жойлари, ошхона ва техник хизмат жойларида тарбиячилар, мутахассис ходимлар ҳам фаолият кўрсатишади. Уларнинг яхши меҳнатлари эвазига Низомга кўра моддий ва маънавий рағбатлантириш амалга ошириб борилади.

Спорт мактаблари, олимпия ўринбосарлари билим юртларида шуғулланувчилар орасида спорт кўрсаткичлари юқори, аҳлоқ-одоб жиҳатидан намунали болалар кўп бўлади. Уларни рағбатлантириш, «Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамлари, «Жисмоний тарбиячилар куни» /касб-байрами/, ёзги спорт мавсуми бошланишига, анъанавий

спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларда амалга оширилади. Бунда ўкувчилар фахрий ёрлиқтар, дипломлар, қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланади.

Республика ёки халқаро спорт мусобақаларининг голибларини тантанали йиғилишда белгиланган мукофотлар билан шарафлайдилар ва олқишилайдилар.

## 7.5. Спорт марказлари ва уларнинг фаолиятлари

Спорт марказлари тушунчаси асосан замонавий спорт иншоотларини билдиради. Бу машғулотларни ўтказишдаги түғри тушунча ҳисобланади. Шунингдек, спорт жамиятлари, спорт мактаблари ва уларда фаолият кўрсатувчи раҳбарлар, мураббийлар, ҳакамлар ҳамда бошқа расмий кишиларнинг спорт турлари бўйича терма жамолар тузиш, улар билан ўкув-йигин машғулотларини ўтказиш масалаларини мувофиқлаштириш фаолияти ҳам шу тушунча ичига /спорт маркази/ киради.

Тузилган терма жамоалар сафида энг кучли спортчилар йигилади, ўкув-йигин машғулотлари ва расмий ҳамда норасмий мусобақаларда уларнинг техник-тактик тайёргарликлари синаб қўрилади. Шу жиҳатдан ҳам бундай тадбирларда фақат мураббийларгина эмас, балки илмий ходимлар, мутасадди раҳбарлар, масъул ходимлар, шифокорлар, ҳомийлар ҳам машғулотлар ҳамда мусобақаларда иштирок этиш, ўзларининг тахминий мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

Бундай ҳолларда спорт турларига қараб шаҳар ва вилоят марказларида мавжуд бўлган энг яхши спорт иншоотлари танланади. Уларга зарур бўлган асбоб-ускуналар, техник воситалар, шарт-шароитлар яратилади. Спорт марказларидағи ўкув-йигин машғулотлари ва мусобақалар ҳамда спорт иншиот хизматлари билан боғлиқ ташкилий ишлар, моддий-техник ҳамда молиявий таъминот ишлари ташкил қиливчи ташкилот, жамият, клуб томонидан амалга оширилади. Сунгги йилларда бундай масъул ва йирик спорт тадбирларини ташкил қилиш ҳамда уларни мақсаддагидек ўтказиш жамғарма уюшмалари, ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Спорт марказлари фаолияти, асосан, спорт иншоотлари маъмурияти, масъул жамиятлар ва спорт клублари томонидан бошқарилади. Умумий раҳбарлик спорт уюшмалари, спорт қўмиталари томонидан олиб борилади.

Хуоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг катта спорти ривожига болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари, маҳсус олимпия ўринбосарлари спорт мактаблари ҳамда билим юртлари жамоалари ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Ёш спортчиларни тарбиялаб вояга етказишда, уларнинг халқаро спорт майдонларига қадам қўйишларида мураббийларнинг хизмати фоят каттадир.

Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини спорт орқали жаҳонга ёйишда кураш, бокс, теннис, шахмат, шарқона яккакураш ва бошқа спорт турлари буйича спортчилар мардона-вор маҳорат кўрсатмоқдалар. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати спортни янада ривожлантириш, айниқса, болалар ва ўсмиirlарнинг спорт мактаблари фолиятини янада яхшилаш зарурлигини кўзда тутиб, қатор фармонлар, қарорлар қабул қилмоқда. Шунингдек, тажрибали мураббийлар ва халқаро спорт мусобақаларининг ғолиблари муносиб равишида тақдирланмоқда. Бундай фамхурлик ва эътиборлар спорт иншоотларини янада кенгайтириш, энг замонавий спорт иншоотларида терма жамоаларнинг ўкув-йигин машғулотларини ўтказиш ҳамда мусобақаларни ташкил қилишга муҳайё қилиб берилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга сингдириш учун республика вилоятлари нинг марказларида олимпия ўринбосарлари коллежлари ташкил этилмоқда. Улар терма жамоалар таркибини тўлдириш билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлайди. Энг муҳим томони шундаки, бу билим юртларига кўпроқ маҳалий хотин-қизлардан қабул қилиш ва уларни давр талаблари, миллий қадриятлар асосида тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, республика терма жамоаларини маҳалий миллат хотин-қизлари билан таъминлаш ҳамда миллий спорт турлари ва халқ миллий ўйинларини кенг ёйиш, уларни оммавийлаштиришга замин тайёрлайди.

## **VIII. АҲОЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАРИДА ОММАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ХАЛҚ МИЛЛИЙ ҮЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

1. Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш.

2. «Маҳалла» жамғарма уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг фаолиятида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг мазмун вазифалари.

3. «Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамлари ва бошқа миллий анъаналарда халқ миллий үйинларини ташкил қилиш.

4. Спорт турлари ва халқ миллий үйинлари бўйича жамоалар, тўғараклар ташкил қилиш.

5. Дам олиш масканларида /спорт лагерлари, истироҳат ва кўнгил очиш боғлари ва ҳоказолар/ соғломлаштириш ишлари.

### **8.1. Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш**

Буюк келажак авлодларини ақдан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш муаммолари барча давлат ва жамоат идоралари зиммасига юклатилган. Бундай кенг қамровли ва масъулиятли тарбиявий жараёнларни амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари кенгашлари, уларнинг таркибидаги турли комиссиялар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт фаолларининг уюшмалари /жамоалари/ ҳам катта рол үйнайди. Буларнинг замирида «Соғлом авлод учун» давлат дастури мазмуни муҳим аҳамиятга эгадир.

Аҳолининг жисмоний бақувват булиши ва узоқ умр кўриши соғлом турмуш маданияти билан белгиланади. Бу борада Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишидан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади. Аввало, у аҳолининг миллий тарифи

хий турмуши ва тафаккури тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади» деган мулоҳазалари эътиборга лойиқдир. Айниқса, «Софлом авлод учун» орденининг тъйсис этилиши, «Жисмоний тарбия ва спорт түгрисида»ги Қонун, «Софлом авлод учун» давлат дастури, «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестларининг ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг ҳётга татбиқ қилиниши жисмоний тарбия ва спорт ҳодимлари зиммасига аҳоли ўртасида соғломлаштириш ва спорт тадбирларини янада ривожлантириш масъулиятларини юклайди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши шарофати туфайли маҳаллалар, даҳалар, мавзелар, йирик қишлоқ-қўргонларида /посёлкалар/ аҳолини жисмоний тарбия, спорт, саёҳат, халқ миллий ўйинлари ҳамда оммавий соғломлаштириш ишларига жалб қилиш анча ривожланди.

Мамлакатда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, уни янада бойитишда маънавий-маърифий тадбирларнинг олиб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳолининг ижтиомий турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда. Бунда утказилаётган турли спорт мусобақалари, халқ миллий ўйинлари фестиваллари катта ҳисса қўшмоқда. Бу аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга эҳтиёжи ошаётганидан далолатдир. Ҳар йилги мустақиллик куни ҳамда «Навruz» байрамларидаги оммавий сайллар, спорт мусобақалари бунинг исботидир. Республика ҳукуматининг қарорлари, турли кўрсатмалар асосида маҳаллалар ва бошқа аҳоли истиқомат жойларида жисмоний тарбия ва спортни жонлантириш ишларida маҳалла кенгашлари, спорт ташкилотлари ҳодимлари, спорт фаоллари билан ҳамкорликда иш тутмоқда.

Шаҳарлар ва қўргонларнинг аҳолиси ўртасида спартакиадалар, халқ миллий ўйинлари мусобақаларини ўтказиш анъанага айланмоқда. Бунда спортнинг футбол, кураш, арқон тортишиш, тош кўтариш, енгил атлетика каби турлари оммавий тус олди. Бу тадбирларга жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таълим олаётган талабалар жалб қилиниб, ташкилий ишларда улар фаоллик курсатадилар.

Эътироф этиш керакки, бир қатор мутахассислар аҳоли турар жойларида соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирларини ташкил қилишнинг намунавий дастур ҳамда иш режаларини ишлаб чиқсанлар. Тошкент шаҳри шароитида бир қатор усулий кўлланмалар ишлаб чиқилган. Буни қўйидагича исботлаш мумкин:

Маҳалла оқсоқоллари кенгашлари қошидаги жисмоний тарбия жамоаси кенгашин ёки спорт клуб мажлислари режаси /намуна сифатида/.

**Январ.** 1. Жисмоний маданият жамоаси кенгашининг мажлислар режасини тасдиқлаш.

2. «Саломатлик» спорт клубини ташкил этиш.

3. 2000 йилги соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирлари календар режасини тасдиқлаш.

4. Подъездлар, кӯчалар ва уйларнинг жисмоний тарбия командаларини тасдиқлаш.

**Феврал.** 1. Спорт иншоотларини ёзги мавсумга тайёрлашнинг бориши тұғрисида.

2. Жамоатчи кадрлар тайёрлашнинг бориши, шу мақсадда семинарлар үтказиш ҳамда бундай кадрлардан амалий фойдаланиш хусусида.

3. Ҳар хил масалалар.

**Март.** 1. Спорт турлари бүйича тұгараклар, жамоалар ишини ташкил этиш ҳамда уларга жамоатчи фаолларни бириктириб қўйиш тұғрисида.

2. Ҳомийликка олган корхона жисмоний тарбия жамоасининг аҳоли турар-жойларидаги ишларда иштироки ва амалий ёрдам кўрсатиш тұғрисида.

3. Ҳар хил масалалар.

**Апрел.** 1. Миллий үйинлар бүйича мусобақа үтказиш тұғрисида.

2. «Чарм тұп» клуби соврини учун футбол мусобақала-рига тайёргарлик режаси тұғрисида.

3. Ҳар хил масалалар.

**Май.** 1. Аҳолини жисмоний тарбиялаш, «Соғлом авлод учун» давлат дастури ҳамда «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари асосида мусобақалар үтказиш тартиб-қойдаларини тасдиқлаш.

2. Жисмоний тарбия ва спорт ишларини энг яхши йўлга қўйган мавзелар, куча ва уйларнинг кўрик-танловларини үтказиш Низомини тасдиқлаш.

**Июн.** 1. Сузиш ва соғломлаштириш гимнастикаси бүйича пулли гурӯҳ ташкил этиш.

2. Үқувчилар, ўсмир ва ёшлар спартакиадаларини үтка-зиш.

3. Волейбол ва теннис майдончалари қурилишида аҳоли ва маҳалла фаолларининг қатнашувини таъминлаш.

**Июл.** 1. Соғломлаштириш марказларидаги саломатлик гурӯҳларига аҳолини жалб этиш.

2. Мактабгача ёшдаги болалар учун спорт байрами үтка-зиш.

3. Уй-жойдан фойдаланувчи ширкатлар терма жамоаларининг шаҳар /туман/ биринчилиги мусобақаларига

ҳамда маҳаллалар, даҳалар билан учрашувларига тайёргарлик.

4. Ҳар хил масалалар.

Август 1. Маҳалла оқсоқоллари кенгашилари иш фаолиятини муҳокама қилиш.

2. Мустақиллик куни байрамига бағишилаб спорт мусобақаларини ўтказиш.

Сентябр. 1. Спорт билан шугулланувчилар ва фаолларнинг спорт зали, ўйин майдонлари қурилишида қатнашувини таъминлаш.

2. Ўрта ва катта ёшдаги кишилар ўртасида спартакиада ўтказишга тайёргарлик.

Октябр. 1. Ёзги спорт мавсуми якунлари тўғрисида ахборот бериш.

2. Тарбияси оғир болаларни жисмоний тарбия ва спорт бўйича мунтазам машгулотларга жалб этиш тўғрисидаги ахборотларини эшлиш.

3. Майдончаларни қишки мавсумда ишлатишга тайёлаш.

Ноябр. 1. Соғломлаштириш ва спорт ишларини энг яхши йўлга қўйиш юзасидан мавзелар, куча ва уйлар ўртасидағи ўзаро мусобақа ва кўрик-танловларнинг якунларини эшлиш.

2. Маҳалладаги ўзаро мусобақа якунларига кўра фаол жамоатчиларни рағбатлантириш.

Декабр. 1. Бир йилги иш якунлари тўғрисидаги ахборот ва маҳалла оқсоқоллари кенгаши қошида жисмоний фаоллари уюшмасини ташкил қилиш, уларнинг келгуси йил иш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Шуни эслатиш зарурки, бу намунавий режа маҳалла оқсоқоллари кенгашилари, уларнинг қошидаги жисмоний тарбия ва спорт фаоллари уюшмаси /жамоа/ учун мўлжалланган. Шу асосда янгидан ташкил қилинадиган маҳалла жисмоний тарбия жамоалари кенгашилари /ёки уюшма/ ҳам ўз режаларини тузиб олишлари мақсадга мувофиқdir.

Маҳаллалар, қишлоқларда жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлар ва спортчи фаолларга таянган ҳолда кичик гуруҳлар, жамоалар /командалар/, уюшмалар тузиб, машғулотлар, мусобақалар ўтказиб туриш лозим.

Туар-жойлардаги ўрта ва катта ёшдаги кишилар орасида стол тениси, шахмат ва шашка, миллий ўйинлар, енгил атлетика тўғараклари, гуруҳлар ва жамоаларни оммалаштириш уларда соғломлаштириш тадбирларининг турли шаклларидан, шу жумладан, эрталабки гимнасти-

ка, юриш, саёҳат ва бошқа турлардан кенг фойдаланилади.

Аҳоли тураг-жойларида оммавий спорт ишларини муваффақиятли ўтказишда спорт иншоотлари катта аҳамият касб этади. Бу иншоотлар белгиланган қурилиш меъёrlа-ри талабларига мос, болалар ҳамда катталарнинг эҳтиёж-ларини қондирадиган, шу тўраг-жой қурилишига муносаб, ҳамоҳанг бўлиши керак.

Спорт майдончалари, согломлаштириш шаҳарчалари, югуриш ва чигал ёзиш йўлакчалари, ўйин майдончалари-дан иборат ҳовли ўйингоҳлари шинам бўлиши керак. Бундай ўйингоҳларда усти ёпиқ жойлар бўлиши, яхши ёрити-лиши ҳам керакки, бу нарса улардан фойдаланиш мудда-тини узайтиради.

Спорт иншоотларини маҳсус мосламалар, тренажёр-лар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки шу йўл билан аввало улардан ёз ва қиши фаслларида фойдаланиш имкониятини, қолаверса, кўпчилик бўлиб ёки якка тартибда ўтказиладиган машғулотлар самарадорли-гини ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли тураг-жойларида соглом-лаштириш тадбирларини ташкил қилиш маҳалла оқсоқол-лари кенгашлари ҳамда мутахассислар иштирокида ўтка-зилиши лозим. «Наврӯз», «Мустақиллик куни» ва бошқа байрамларга тайёргарлик жараёнларида футбол, кураш, волейбол, югуриш ва халқ миллий ўйинларини мусобақа шаклида ўтказиш лозим. Туман, шаҳар ҳокимиятлари, спорт қўмиталари ҳамда ҳомийларнинг фаол иштироклари-ни кўпроқ жалб қилиш лозим бўлади.

## **8.2. «Маҳалла» жамғарма уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, маҳалла оқсоқоллари кенгаши фаолиятида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг мазмуни ва вазифалари**

### **8.2.1. «Маҳалла» жамғарма уюшмаси**

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунла-риданоқ аҳолининг тинч-осойишта яшаши, уларнинг ўзаро аҳил бўлишлари ҳамда саломатликларини муҳофаза қилиш тадбирлари кўрилди. Ўзбекистон Президенти фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида аҳолининг ўзини-ўзи бошқаришини ташкил қилиш борасидаги тадбирлар муҳим аҳамиятга эга

бўлди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси тузилди ва барча вилоятлар, туман-شاҳар ҳокимиятлари таркибида «Маҳалла» жамғармалари иш бошлади. Олий Мажлис томонидан тасдиқланган «Маҳалла» ҳамда аҳолининг ўзини-ўзи бошқарувчи бошланғич ташкилотлари, яъни маҳалла оқсоқоллари кенгашлари таъсис этилди. Бу кенгашлар таркибига маҳаллада яшовчи нуронийлар, масжид ходимлари, давлат идораларида фаолият қўрсатувчи шахслар, маданият, санъат, тиббиёт, тижорат, савдо ходимлари сайлаб қўйилмоқда. Уларнинг энг муҳим вазифаларига, асосан, қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш киради:

1. Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва ўз ҳудудлариға қарашли бўлган /шаҳар-туман/ ҳокимиятларининг фармон, қарор ва қўрсатмаларини аҳолига тушунтириш, тарғиб қилиш.

2. «Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамлари ва анъанавий миллӣ байрам ҳамда маросимларни /никоҳ, тўй, ҳайит, жаноза ва ҳоказо/ мақсадли ўтказиш.

3. Оилаларнинг тинч, осойишта яшашларига ҳисса кўшиш /можаро ва ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда яхшиликка ҳал этиш/.

4. Оилаларда хотин-қизларнинг фаолияти ва фарзандлар тарбиясини яхшилаш йўллари.

5. Турли оммавий-соғломлаштирувчи спорт тадбирлари, ҳалқ миллӣ ўйинларини ўтказища ёрдамлашиш.

Маълумки, юқорида қайд этилган муҳим тадбирлар моддий таъминот масалаларини тақозо этиди. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Республика «Маҳалла» комиссияси ва унинг қўйи тармоқларида «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Унга тушадиган жамғарма маблағлари, асосан, қўйидаги соҳаларга сарфланади:

1. Ногирон болалар, нуронийларга байрам арафаларида моддий ёрдам ва совғалар қилиш.

2. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериб бориш.

3. Анъанавий байрамлар ва маросимларда зарурият учун моддий кўмаклашиш.

4. Маҳалла оқсоқоллари кенгашининг расмий фаолиятлари, хўжалик ишлари ва бошқа соҳаларга маблағлар ажратиш.

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши ва унинг хайрия жамғармаси ҳисобига жума намозига келган кишилар томонидан ҳадя этилган хайриялар, ҳомийларнинг қўшган ҳиссалари, маҳалла оқсоқоллари кенгаши томонидан ташкил

этилган ишлаб чиқариш корхоналари, савдо, тижорат тизимларидан олинган даромад ва бошқа киримлар тушади. Шунингдек, шароит ва эҳтиёжларга қараб «Маҳалла» хайрия жамғармасининг юқори ташкилотлари томонидан ҳам моддий ёрдам берилади.

Эътироф этиш керакки, бундай улуғвор фаолиятлар Республикада меҳр-оқибат, хайр-эхсон қилиш каби миллий қадриятларнинг чуқурлашиб боришидан, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматнинг аҳолини ижтимоий-моддий, маънавий-маърифий, маданий жиҳатдан муҳофаза қилишларидан далолатдир.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида «Маҳалла» хайрия жамғарма ўюшмаси «Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамларидаги спорт чиқишлари, маҳаллаларда ўтказиладиган ўртоқлик учрашувлари, спартакиадалар, ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказишида фаол иштирок этган мутахассислар, спортсеварлар, спортчилар, ҳакамлар ва бошқаларни муносиб равишда рағбатлантириб бормоқда.

### **8.2.2. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази**

Собиқ Иттилоқ даврида аҳолининг аксарият кўпчилик қисми ўша давр ҳокимиётининг ғоялари, мағкуралари билан тұла суғорилғанлиги сир эмас. У ғоялар ва мағкураларнинг күп жиҳатдан пуч эканлиги кейинги қайта қуриш йилларида /1980—1990/ барчага аниқ булиб қолди. Шу сабабли мамлакатимизда милий қадриятларни тиклаш ва уларни давр талаблари асосида бойитиш тақозаси юзага келди. Бундай ғояларни амалга ошириш учун эса аниқ мағкуравий ташкилот тузилиши лозим эди.

1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тұғрисида фармони зылон қилинди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Республикада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тұғрисида /1994 йил июн/ қарор қабул қилди.

Ушбу қарорда таъкидланганидек, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблаг билан таъминланиши ва шу билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир. Бу ташкилот зимасига бир қатор муҳим вазнфалар юқлатылған. Улар қато-

рида «Социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий мероси, шарқона ва умумисоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илфор foяларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш»дек ўта муҳим вазифа ҳам белгиланган.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ўз нашири, яъни «Тафаккур» журнали мамлакатимизда кече-чаётган иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотларнинг мөхиятини кенг ёритиб, уларни ҳаётга сингдиришда етарли даражада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Юқоридаги қарор асосан, таълим-тарбия ишларига масъул идоралар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда телерадио компанияси, оммавий ахборот воситалари, миллий қадриятлар мазмуни, маънавий-маърифий мерослар, улуғ алиблар ҳаёти ва илмий меросларини аҳоли онгига чукур сингдириш йўлида кенг тарғиботчилик ишларини олиб бормоқда.

Юқорида бошқа бўлимларда қайд этилганидек, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Давлат жисмоний тарбия ва спорт қумитаси, Халқ таълими, Олий таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати каби ташкилотлар билан ҳамкорликда «Соғлом авлаод учун» давлат дастурини амалга ошироқда, жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ бўлган Республика илмий-назарий анжуманларини ўтказишида фаол қатнашмоқда.

### **8.2.3. Маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг фаолиятида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг мазмуни ҳамда вазифалари**

Маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг фаолиятлари кенг қамровли ва фидокорона меҳнат қилишни таълаб этувчи соҳалардан ҳисобланади. Маҳаллада жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларини ўтказиш фаолиятлари йил сайин кенгайиб ва уларга бўлган эътибор кучаймоқда.

Халқ ибораси билан айтганда, Ватан остонодан, оиласдан, маҳалладан бошланади. Ватан тушунчаси ҳар бир инсоннинг юксак даражадаги ҳис-туйғулари, садоқати, фидоий меҳнати, ўзаро иззат-хурмат каби инсоний фазилатларида намоён бўлади. Бу ўринда республика спортчиларининг Халқаро спорт майдонларидағи, айниқса, Олим-

пия үйинларидаги иштироки, ғалабаси ана шу хислатлар туфайли устувор эканлигини айтиб үтиш керак. Айниқса, юртимиз байробининг узоқ ўлкаларда виқор билан кўтарилиши, мадҳиямизнинг баланд янграши спортчиларнинг она-Ватан шарафи учун курашган ва ҳисса қўшганлигининг тимсолидир. Бунинг боиси шундаки, ўшандай ғолиб спортчилар, уларнинг мураббийлари, қолаверса, спорт ташкилотлари, жамиятлари ходимлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар ҳам у ёки бу маҳаллада истиқомат қиласди. Маҳалла оқсоқоллари кенгашилари фаолиятида улар ҳам иштирок этиб, спортни тарғиб қилиш, ёшларни спортга жалб этиш, анъанавий байрамларда қатнашиб, маърузалар ўқиш, ўз таассуротлари билан ўртоқлашиш каби тадбирларни биргаликда олиб борадилар. Бундай тадбирлар маҳалла оқсоқоллари кенгаши таркибидаги фаоллар, спортсеварлар, мутахассислар томонидан уюштириб борилмоқда. Бундай хайрли ишларни қишлоқ шароитларида ҳам доимий ўтказиб турилиши лозим.

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши қошида спорт клубларини ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Бундай ташаббусларни оммалаштириш зарур бўлади. Баъзи бир илфор тажрибага эга бўлган маҳаллалар спорт йўриқчиси штатини ташкил қилмоқда. Улар бевосита туман-шаҳар спорт қўмиталарига итоат этиб, аҳоли уртасида спортни оммалаштириш, болалар ва ўсмирлар орасида спорт мусобақаларини ташкил қилиш билан фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла оқсоқоллари кенгашилари ва уларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаоллари олдида маҳалла аҳли саломатлигини яхшилаш, ёшларни спортга жалб этиш, спорт ва ҳалқ миллий үйинлари орқали аҳолининг дам олиши, руҳий озиқланиши, жисмонан баркамол бўлишларига эриштириш каби вазифалар мавжуддир.

Баъзи миллий урф-одатларимиз ва диний дунёқарашлар хотин-қизларнинг эркин равища жисмоний машқлар, ҳалқ миллий үйинлари ёки бирон спорт тури билан шуғулланишларига салбий таъсир қилиши жараёнлари давом этмоқда. «Соғлом авлод учун» давлат дастурида белгиланганидек, соғлом авлодни етиштириш учун энг аввали оналар соғлом булиши ва ўз фарзандларининг соғлом ўсиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланиши зарурдир. Бунда болаларни энг кичик ёндан бошлаб оила, боғча ва мактабларда жисмоний тарбия билан шуғулланишга одатлантириш алоҳида қўзда тутилган.

Бу жиҳатларни амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари кенгаши, унинг фаоллари ва жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари астойдил иш олиб боришлари лозим.

Аҳоли ўртасида оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш, «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга ошириш ҳамда «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестлари талабларининг моҳиятларини кишилар онгига сингдириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир. Шу сабабдан маҳалла оқсоқоллари кенгаши «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги /1999 йил 27 май/ қарорини чукур ўрганишлари, унда кўзда тутилган энг зарур тадбирларни маҳаллаларда ишлаб чиқиш, аҳолини спортга жалб этиш йўлларини топишлари лозим.

Хулоса шундаки, аҳоли турар-жойларида энг аввало спорт иншоотлари, оддий уйин майдонларидан мақсадли фойдаланиш зарур. Спорт ихлосмандлари, спортсеварлар, мутахассис ходимлар ёшлар ўртасида кучалараро, мавзелар, даҳалар ва маҳалла биринчлиги учун улар севган спорт мусобақаларини ташкил қилишлари керак.

«Соф танда соғлом ақл» нақлига риоя этган ҳолда жисмоний тарбия ва спортни кент тарғиб қилиш, унинг саломатликни мустаҳкамлаш, иш фаолияти ва умуман умрни узайтиришдаги муҳим омиллардан бири эканлигига аҳолини иқрор этиш керак бўлади.

### **8.3. «Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамлари ва бошқа миллий анъаналарда ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилиши**

«Наврӯз» байрами, ҳосил байрами, тўйлар қадимги миллий анъаналардан ҳисобланади. Уларнинг сафига миллий байрам сифатида «Мустақиллик куни» байрами ҳам қўшилди. Бу анъанавий байрамлар, ҳалқ сайиллари ва тўйларда кураш, кўпкари /улоқ/, пойга, отдан ағдариш, «қиз қувмоқ», дорбозлик, тош кутариш, билак кучини синаш ва бошқа ўнлаб ўйинлар доимий равишида қўлланниб келинган. Улар ҳақида «Алпомиши», «Гўруғли», «Қирққиз», «Тўмарис» афсонаси, «Шоҳнома», «Манас» каби жуда кўп достонлар гувоҳлик беради.

Ўзбекистон истиқдол сари дадил борар экан, ҳалқ миллий ўйинлари миллий қадриятлар сифатида янада эъзозланмоқда. Улар «Наврӯз», «Мустақиллик куни», «Ҳосил

байрами», касб-хунар байрамлари, тўйлар ва улуф саналарни нишонлаш жараёнларида янги шакл ва мазмунда кенг қулланилмоқда.

Ўзбек кураши халқаро спорт майдонига чиқди. Спортининг бу тури бўйича жаҳон чемпионатлари муваффақиятли ўтказилди. Шу туфайли кураш шаҳар ва қишлоқ ёшлигининг севимли спорти сифатида оммалашмоқда.

Қишлоқлардаги катта тўйлар курашсиз ва кўпкарисиз ўтказилмайди. Отларнинг зотини кўпайтириш, чавандозлар сонини ошриш борасида қишлоқ, қўргон фаоллари жиддий иш юритмоқда. Барча миллий байрамларимизда фақат чавандоз полвонларгина эмас, ҳатто ёшлар ҳам пойга, кўпкари ва бошқа халқ миллий ўйинларида фаол қатнашмоқдалар.

1991 йил аперлдан буён республика миёсида халқ миллий ўйинлари, мусобақалари, «Алпомиш» ўйинлари фестиваллари ўтказилаётгани ҳақида юқорида баён этилган эди. Аёллар йилига бағишилаб ўтказилган халқ миллий ўйинлари «Тўмарис» фестивали халқ миллий ўйинларининг мазмун ва шакл жиҳатдан бойлиги, уларнинг ижтимоий педагогик моҳиятлари қанчалик устун эканлигини намойиш қилди.

Таъкидлаш лозимки, марказий шаҳарлар миёсида ва бъязи қўргон, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ўтказилаётган Наврӯз, Мустақиллик куни, Ҳосил байрамлари ҳамда туйларда халқ миллий ўйинлари намойиш шаклидагина олиб борилмоқда. Бу эса ёшларнинг ўзаро беллашуви ва ўйинларнинг оммалашувига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маҳаллалар ва қишлоқларда ўтказилаётган анъанавий байрамларда халқ миллий ўйинларини ташкил қилишда маҳалла оқсоқоллари кенгаши фаоллари, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари яқиндан туриб ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарур. Шунга асосан кўпчилик иштирок этадиган халқ миллий ўйинларини мазмун ва қоидаларини ихчамлаштирган ҳолда ташкил қилиш лозим бўлади.

Бундай тадбирларда маҳаллий хотин-қизларининг иштирокини таъминлаш халқ миллий ўйинларининг турларидан кенг фойдаланишга олиб келади.

Халқ миллий ўйинлари шуғулланувчиларининг инсоний фазилатлари ва жисмоний сифатларини мақсад йўлида тарбиялашда миллий қадриятларга таянади ва маънавий-жисмоний камолотни ўстиришга хизмат қиласи. Ана шу жиҳатлар эътиборга олинса, маҳалла оқсоқоллари кенгаши фаолиятини кучайтириш ва халқ миллий ўйинларидан фойдаланишни таъминлашда ижобий томонларга силжиш бўлиши мумкин.

## **8.4. Спорт турлари ва халқ миллий үйинлари бўйича турли жамоалар, тўгараклар ташкил қилиш**

### **8.4.1. Спорт турлари ва халқ миллий үйинлари бўйича жамоалар /команда/ ташкил қилиш**

Маҳаллалар, мавзелар, кўчаларда болалар ва ўсмирлар-нинг гуруҳ /5-10 киши/ бўлиб футбол, тенис, бадминтон ва турли ҳаракатли үйинлар билан машғул бўлишлари одатий бир ҳолдир. Гоҳо улар ичида таклиф ва ташаббуслар чиқиб, кўчалараро, мавзеларда эса уйлараро /дом/ мусобақалар ўтказиб турилади. Бундай ҳолларда ташкилий ва ҳакамлик ишлари болаларнинг ўзидан чиқади, яъни спорт мутахассислари бундан четда қолади. Натижада бъозан турли баҳслар, шартларни бажармаганликлари учун можаролар бўлиб туради. Бу эса ёшлар орасида фаразгўйлик каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Оқибатда отаоналар орасида норозилик, ҳасадгўйлик вужудга келади ва уларга маҳалла оқсоқоллари кенгаши ходимлари аралашишга тўғри келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун спорт турлари ва халқ миллий үйинлари бўйича командалар тузиш, уларга спорт ишқибозлари, мутахассислар бошчилик қилишлари лозим.

Бунинг учун эса қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

1. Маҳалла оқсоқоллари кенгаши идораси олдида команда тузиш тўғрисида афиша осиб қўйиш, фаоллар орқали болаларга оғзаки эълон қилиш, радиоузел тармоқлари, телефонлардан фойдаланиш.

2. Мураббийлар ва ҳакамлар таркибини тузиш, уларнинг вазифаларини белгилаш.

3. Йиғилган болаларни рўйхатга олиш ва уларнинг хоҳишлиари бўйича жамоалар тузиш.

4. Спорт машғулотларини ташкил қилиш учун мактабнинг үйин ва спорт заллари ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг спорт иншоотларидан фойдаланиш.

### **8.4.2. Тўгараклар ташкил қилиш**

Спорт турлари ва халқ миллий үйинлари билан шуғулланувчиларни бир жойга тўплаб, командалар машғулотларини тўгарак сифатида тан олиш, уларнинг барчасини уюшган ҳолда жисмоний тарбия жамоаси ёки уюшмасини таъсис этиш. Барча фаолиятларни юритиш учун кенгаш сайлаш /ҳар бир спорт тури командасининг сардори (ка-

питан) кенгаш аъзоси этиб сайланади ҳамда унинг раиси /президенти/ни ҳам сайлаш лозим бўлади.

Жамоа /уюшма/ кенгаши раиси ва аъзолари маҳалла оқсоқоллари кенгаши билан доимий алоқада бўлиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни мослаштириб туриши керак.

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши, ўз навбатида, маҳалла ташкил этилган спорт жамоаси /уюшмаси/ ҳақида туман-شاҳар ҳокимияти, спорт қўмитаси ва бошқа масъул идораларга маълум қилиши лозим. Шу тариқа маҳалладаги командалар, тўғараклар ва спорт жамоасининг ташкилий-таркибий, унинг Низоми ва бошқа зарур томонлари хукуқий хужжатлар билан расмийлаштирилиши шарт.

### **8.5. Дам олиш масканларида /спорт лагерлари, истироҳат ва кўнгил очиш боғлари ва ҳоказо/ соғломлаштириш ишлари**

Аҳоли истиқомат жойларида дам олиш ва соғломлаштириш масканлари шакли кўйидагича бўлиши мумкин:

1. Истироҳат ва кўнгил очиш боғлари /парк/.
2. Анҳор, кўл, сув омбори ва катта ариқ ёқалари /пляж/.
3. Ўқувчиларнинг дам олиш оромгоҳлари /лагер/.
4. Спорт оромгоҳлари /спорт лагери/.
5. Маҳалла ва уйлар олдидаги болаларнинг ўйин майдонлари.

Бу шакллардаги дам олиш масканларининг қурилиш, шарт-шароитлари, имкониятлари ҳар хил бўлиши табиийdir. Шу сабабдан уларда ташкил қилинадиган командалар, соғломлаштирувчи гурӯхлар, уларнинг машғулотлари ҳамда мусобақалари ҳам шундан келиб чиққан ҳолда ҳар хил бўлади. Бундай турли-туман жойларда ўйинлар, машғулотлар ва мусобақаларни ташкил этиш мутасадди ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла-қишлоқ оқсоқоллари кенгаши ҳамда фаоллари томонидан олиб борилади. Бу фаолиятларда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари, тиббий ходимлар, кутқарувчи /сув/ ва назорат хизматлари бўлиши керақ.

Умумий хуроса шундан иборатки, мамлакатда олиб борилаётган турли оммавий тадбирларда спорт турлари ва ҳалқ миљий ўйинлари мазмун топмоқда. Уларни тайёрлаш ва ўтказишида аҳоли турар-жойларидағи фаоллар яқиндан ёрдам бермоқда.

## **IX. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ БОШҚАРИШ ВАЗИФАЛАРИ, РЕЖАЛАШТИРИШ ИШЛАРИ**

1. Спорт ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишдаги асосий вазифалар /функциялар/.
2. Қарорлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари.
3. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириш. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишдаги асосий вазифалар.
4. Спорт ташкилотлари фаолиятини режалаштириш. Режаларнинг турлари.
5. Режаларни тузиш, қабул қилиш ва уларнинг ижренини назорат қилиш тартиблари.

### **9.1. Спорт ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишдаги асосий вазифалар /функциялар/**

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва унинг истиқбол саридадил қадам ташлаши бошқарувчилик функциялари /вазифалар/ни янгилаш, давлат тузилиши ва унинг қонунлари асосида фаолият кўрсатишни тақозо этмоқда. Бу жарёнлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг спорт соҳасидаги қарорларида акс эттирилган. Шунингдек, аҳолининг саломатлигини таъминловчي «Софлом авлод учун» давлат дастури, «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари мазмунида мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини янада такомиллаштириш вазифалари муфассал ишлаб чиқилган ва улар амалда қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда бошқариш идораларининг олдига ҳозирги кун талаблари асосида жуда муҳим ва мураккаб вазифалар кўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, спорт жамиятларининг

марказий кенгашлари, ўкув юртларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари, аҳолининг саломатлигини яхшилаш билан алоқадор бўлган «Наврўз», «Маҳалла», «Маънавият ва маърифат», «Софлом авлод учун», «Экосан», «Камолот» ва бошқа ташкилотлар, уларнинг қуий тармоқларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш мақсадида катта вазифалар туради. Спорт ташкилотларининг энг асосий вазифалари қуидаги фаолиятларга қаратилгандир, яъни:

- бошқарувчилик қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва уларни амалда қўллаш;
- бошқариш билан боғлиқ бўлган барча фаолиятларни ташкил қилиш ва иш юритиш;
- энг муҳим фаолиятларни йўлга солиш /регулировка/;
- барча ишларни ҳисобга олиб бориш ва уларни назорат қилиш;
- амалда бажарилган фаолиятларни таҳдил қилиш, баҳолаш, уларга танқидий қарааш ва ҳоказо.

Республика миқёсидаги барча спорт ташкилотлари ва спорт жамиятлари ўз фаолиятларини талаб даражасида юритиш учун юқори давлат органларининг курсатмаларига итоат этиши зарур. Шу билан бирга, ўзларининг қуий тармоқларида барча фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда уларни назорат қилиб боради ва иш натижаларининг ижросини талаб этади.

Бундай фаолиятларда етакчи олимлар, мутахассислар, мураббийлар, спорт фахрийларининг бевосита иштирок этишлари таъминланади. Шу билан биргаликда, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатидаги энг илфор тажрибалар оммалаштирилади, камчиликларга барҳам берилади. Ўзбекистонда барча фаолиятлар давр талабларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

## **9.2. Қарорлар ишлаб чиқиши ва уларни ҳаётга татбиқ этиши йўллари**

Барча идоралардаги каби спорт ташкилотлари ва жамиятлари ҳамда уларнинг қуий тармоқларида турли хил қарорларни ишлаб чиқиши, уларни қабул қилиш ва амалга ошириш фаолиятлари ягона тартибда олиб борилади. Иш фаолиятлари ва давр тақозоси билан турли-туман анжуманлар, йиғинилар, расмий сұхбатлар ўтказишни талаб этади. Уларни мақсаддага мувофиқ ўтказиш ва кўрилган масалаларни ҳал қилишнинг исботи сифатида қарорлар ишлаб чиқилади.

Бунда қуйидаги фаолиятлардан фойдаланишга тұғри келади, яғни:

1. Режалар асосида йиғилиш /мажлис/ күн тартибини белгилаш.

2. Асосий масалалар бүйіча материаллар /маълумотлар, далиллар/ йиғиши.

3. Маъруза /хисобот, нутқ, мулоҳаза ва ҳоказо/ тайёрлаш.

4. Йиғилишгача қарор лойиҳасын тайёрлаш.

5. Йиғилиш /мажлис/ жараёнида барча маъруза, музокаралар, нутқлар, чиқишилар баёнини ёзиб олиш.

6. Йиғилиш охирда қарор лойиҳасын мұхокама қилиш ва үзгартишилар киритиш.

7. Қарордаги асосий вазифа, топшириқлардан күчирмалар олиб, тегишли раҳбар ва ташкилотларга жұнатыш.

Мажлис күн тартиби ва мұхокама қилинадиган масалалар қаторига асосан қуйидагилар киритилиши зарур:

1. Юқори ташкилотларнинг қарорлари, күрсатмалари асосида вазифаларни белгилаш ва уларнинг бажарылыш үйларини ишлаб чиқиши.

2. Қилинган ишлар юзасидан ҳисобот ва маълумотлар беріши.

3. Мусобақаларнинг календар режалари, Низомлар, спорт үнвонлари /даражалар/ ва ҳоказоларни тасдиқлаш.

4. Спорт ташкилотлари, спорт мактаблари, мураббийлар ва бошқа мансабдор шахсларни иш лавозимига тасдиқлаш ёки ишдан озод этиш ва ҳоказолар.

Республика ва вилоят спорт құмиталари, спорт жамиятлари үзлари қабул қылған қарорларни ҳаётта сингдиришда үзларининг тармоқлари орқали иш тутади. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорттың бошқаришда бевосита иштирок этувчи давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари, айниқса, қарорда күрсатылған мұтасадди ташкилотлар, раҳбар ходимлар орқали амалға оширади.

Қарорларда күрсатылған топшириқ ва вазифаларнинг амалға оширилаётгани, уларнинг бажарылаётгандығы қақидағы маълумотлар ҳисобот, билдириш /телефон орқали/ йұли билан юқори ташкилотларға маълум қилинади.

Әндік зарур фаолиятларни демократик тамойиллар йұлы билан ҳал этишда йиғилиш /мажлис/ қарорларнинг мөхияти каттадыр ва улар доимий равишда құлланылады. Шу туфайли йиғилиш /мажлис/ күн тартиблари, улардаги маъруза, ҳисобот, ахборот, маълумот, музокара, мулоҳаза ва танқидий чиқишилар ҳаққоний, беғаралық бўлиши ке-

рак. Шунингдек, қабул қилинган қарорлар, топшириқларни бажариш мүмкін бўлган ҳолда қабул қилиш, уларни жойларга жўнатиш лозим бўлади.

Туман-шаҳар миқёсидаги спорт ташкилотлари, спорт жамиятлари ва уларнинг таркибидаги спортклублар, спорт мактаблари, бошланғич жисмоний тарбия жамоалари ва ҳоказолар ҳам юқорида қайд этилган тартиб, тамойил ва усуллар асосида ўз йиғилиши ёки мажлисларини ташкил этишлари лозим бўлади. Йиғилишлар кун тартибига ўёки бу масала туман-шаҳар ҳокимияти, алоқадор идоралар, жамоаларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда кўйиши лозим.

Кўйи ташкилотларда қабул қилинган қарорларни амалга оширишда тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар ва йўл-йўриқ /инструкция/ курсатувчи ҳужжатларга асосданиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **9.3. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириш. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонун ва бошқа қарорларнинг бажарилишини назорат қилишдаги асосий вазифалар**

#### **9.3.1. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш**

Қарорларнинг бажарилиши, асосан, йўналишни белгилашдан иборат бўлиб, улар:

1. Ўзбекистон Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

2. Давлат жисмоний трабия ва спорт қўмитасининг чиқарган қарорларидан иборат.

Булар асосан спорт жамиятлари, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш билан боғлиқ бўлган Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимларига тегишилдири.

Давлат жисмоний трабия ва спорт қўмитаси учун Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг амалга оширилиши ҳамда қўмитанинг ўзи қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш асосий ташкилотчилик ва бошқарувчилик фаолиятидир.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида олиб борилаётган турли ислоҳотлар, қонунлар ва қарорларнинг ижросини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида маҳсус назорат ко-

миссиялари ташкил этилган. Уларнинг фаолияти барча давлат идоралари ва жамоат ташкилоттарининг ташкилий тузилишида акс эттирилган. Шу асосда ҳар бир идора ва ташкилот таркибида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ҳам қарорларнинг ижросини назорат қилувчи, текширувчи ходимлар фаолият курсатади. Энг муҳими шундаки, ҳар бир идора, ташкилот ва уларнинг бошқармалари, бўлимлари ўз соҳалари бўйича қарорларнинг ижросини кузатиш, назорат қилиш, текшириш ҳуқуқларига эгадир. Шу сабабдан Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ўзининг махсус бўлимлари, ходимларига таянган ҳолда назорат қилувчи ва текширувчи комиссиялар тузади. Уларга асосий йўл-йўриқлар курсатади ва комиссия хulosаларини одилона таҳлил қилиб, тегишли хulosга чиқаради. Бу жиҳатлар спорт жамиятлари кенгашлари, спорт турлари бўйича уюшмалар, спорт клублари томонидан ҳам олиб борилади.

### **9.3.2. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонун ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишдаги асосий вазифалар**

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун 27 моддадан иборат бўлиб, унда турли масалалар мазмун топган. Уларнинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан мувофиқ равишда фаолият курсатиши зарур бўлган спорт жамиятлари, уюшмалари курсатилган ҳамда Соғликни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва бошқа вазирликлар, турли жамоат ташкилотларига ушбу қонунни бажариш юклатилганилиги қайд этилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси энг аввало ўзига юклатилган вазифа, бурч ва ҳуқуқларнинг бажарилишини таъминлайди, кейинги навбатда эса юқорида қайд этилган мутасадди идоралар, турли ташкилотларининг қонунни амалга оширишдаги фаолиятларини назорат қилиб боради. Назоратлар асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Республика спорт ташкилотлари, турли идоралари ва ўкув юртларидаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг йигилиши /фаоллар йигилиши/.

2. Республика вилоят ва туман спорт жамиятларининг анжуманлари /конференция, фаоллар йигилиши/.

3. Республика, вилоят спорт қўмиталари ҳамда спорт жамиятлари кенгашларининг коллегия, ҳайъат /президиум/ мажлисларида қонун ижроси ҳақидаги ҳисоботлар.

4. Махсус тузилган комиссияларни жойларга сафарбар этиш ва қонун ҳамда қарорларнинг ҳаётга сингдирилишини ўрганиш, маълумотлар /справка/ тайёрлаш.

5. Телефонлар орқали алоқа боғлаб туриш, қонун ва қарорлар ижроси ҳақида маълумотлар олиш.

Юқорида таъкидланганидек, қонунда жуда кўп соҳалар ва масалалар қайд этилган. Уларнинг соҳалар бўйича бажарилишини назорат қилиб бориш жуда мураккаб фоалият ҳисобланади. Шу сабабдан қуий ташкилотлардан ёзма ҳисоботлар йиғиши, комиссиялар хulosасига таяниш, улар амалга ошираётган тадбирларни кузатиш ва бошқа кўп йўллар билан назорат ишларини олиб бориш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футбол, кураш ва бошқа спорт турларини ривожлантириш, «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бир қатор тадбирлар белгилади ва вазифаларни ишлаб чиқди.

#### **9.4. Спорт ташкилотлари иш фаолиятларини режалаштириш**

##### **9.4.1. Йиллик режанинг тузилиши ва курсаткичлари**

Жисмоний тарбия ва спорт ишларини режалаштиришда қуйидаги курсаткичларга таянилади:

1. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг сонини кўпайтириш.

2. Спорт иншоотларини кенгайтириш.

3. «Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари бўйича нишондорларни тайёрлаш.

4. Разрядли спортчиларнинг сонини ошириш.

5. Мутахассис ва жамоатчи ходимларни тайёрлашни ривожлантириш.

6. Моддий-техник таъминотни ошириш.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу курсаткичларни режалаштиришда қуйидаги талабларга тұла риоя қилиш лозим:

1. Имкон-шароитларни ҳисобга олиш.

2. Кўрсаткичлар аниқ бўлиши.

3. Илмийлик.

4. Келажакни кўриш /прогноз/.

5. Барча тармоқлар билан боғланиш.

Узоқ йиллар давомида ташкилотларда синалган ва амалда қўлланиб келинаётган режаларни намуна сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

#### Бир йиллик умумий режа

т/р	Ишларнинг мазмуни	Муддати	Бажарувчилар	Эслатма
1.	Ташкилий ишлар: Бунда ўкув-спорт режалари, спорт иншоотлари, асбобускуналарни тайёрлаш, йигилишлар ўtkазиш мазмун топади.			
2.	Ўкув-спорт ишлари: Спорт тўгараклари, командаларни тузиш, фаолиятларни режалаштириш курсатилади.	-	-	-
3.	Оммавий-соғломлаштириш ва тарбиявий тадбирлар: эрталабки гимнастика, ишлаб чиқариш жисмоний тарбия машқлари, саёҳатлар ва бошқа тадбирларни режалаштириш мумкин.	-	-	-
4.	Жамоатчи ходимларни тайёрлаш: ўюриқчилар /инструктор-методист/ ва ҳакамларни тайёрлаш кўзда тутилади.	-	-	-
5.	Таргигбот ишлари: деворий газеталар, радио тармоқлари, маъруза, сұхбат, афишаларни режалаштириш лозим.			
6.	Молиявий-хўжалик ишлари: бюджетлар, тури манбалар ва уларнинг ҳаракат қилиш йулларини аниқ белгилаш.			
7.	Ҳисобга олиш ва ҳисобот ишлари: статистик ҳисобга олиш ва ҳисобот ишлари кўрсатилади.			

Бу режани тузишда спорт ташкилотлари ва уларнинг қўйи жамоалари ўз имкон ва шароитлари ҳамда юқори ташкилотларда бўладиган асосий тадбирларни ҳисобга олишлари шарт.

#### 9.4.2. Спорт мусобақаларининг календар режаси

Спорт ташкилотлари ва жамиятларининг асосий фаолиятларини акс эттирувчи омиллардан бири спорт мусобақаларининг календар режаси ҳисобланади.

Маълумки, барча жамоаларда турли спорт мусобақалари ва тадбирлари ўтказилиши одат тусига кириб келган. Шу сабабдан улар қуйидаги режа асосида ўз фаолиятларини юритишлари ҳамда ҳужжатлаштиришлари мумкин бўлади.

#### Спорт тадбирларининг календар режаси

т/р	Ишларнинг мазмуни	Муддати	Жойи	Масъул
1.	Соғломлаштирувчи тадбирлар: соғломлаштирувчи гурӯхларнинг машғулотлари саёҳатлари, дам олиш жойларидаги оммавий тадбирлар киритилади.	-	-	-
2.	Мажмуий тадбирлар: Спартакиадалар, универсиадалар, «Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари мусобақалари, ҳалқ миллий ўйинлари мусобақалари.	-	-	-
3.	Анъанавий тадбирлар: «Наврӯз», «Мустақиллик куни» ва бошқа тадбирларга бағишлиланган турнирлар.	-	-	-
4.	Спорт турлари бўйича мусобақалар: биринчиликлар, кубоклар, чемпионатлар, ўртоқлик учрашувлари ва ҳоказолар.	-	-	-

Режаларнинг кўрсаткичлари ва тўла мазмунлари ҳар бир ташкилот ва жамоанинг хусусиятларига қараб қисман ўзгариши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фани бўйича ўтказиладиган машғулотлар жараёнида бу бўлимга алоҳида эътибор бериб келинди. Ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари иш тажрибалари асосида намунали ишлаб чиқилган календар иш режаларини ҳам ўрганиб бориш зарур бўлади. Қуи спорт жамоалари, айниқса, спорт клублари ўзларининг спорт тадбирларини қатъий равишда

режалаштиришда соғломлаштириш, халқ миллий ўйинлари ва оммавий, анъанавий байрамлар, маросимлар, улуг саналарни эътиборга олишлари шарт. Шулар асосида календар ва умумий йиллик режаларини пухта ишлаб чиқишилари лозим бўлади.

### **9.5. Режаларни тузиш, қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш тартиблари**

Ўзбекистон Президенти давлатни бошқариш, барча фаолиятларни шароитлардан келиб чиқсан ҳолда бажариш мумкин бўлган ишларнигина аниқ, пухта режалаштириш, уларнинг бажарилишини доимий равишда назорат қилиб боришини вазифа қилиб қўймоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлатни идора қилиш билан боғлиқ бўлган қонунлар, қарорлар, низомларнинг таркибий тузилишларида ҳам баён этилган.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, спорт жамиятлари ва уларнинг қуи тармоқларида режаларни тузиш жараёнида қуидаги тартиб ва қоидаларга амал қилинади, яъни:

1. Ўтган йилда эришилган муваффақиятлар ва салбий томонларни ҳисобга олиш.

2. Юқори давлат идоралари томонидан қўйлган янги вазифаларга таяниш.

3. Республика ва халқаро спорт ҳаракатидаги илғор тажрибаларни қўллаш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини ошириш, «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тест Низомларини кўпайтириш, юқори малакали ва разрядли спортчиларни тайёрлаш, мутахассис ходимлар, жамоатчи фаоллар тайёрлашни яхшилаш, спорт иншоотларини кенгайтириш ва бошқа муҳим курсаткичларни режалаштиришда аниқ имкониятларни ҳисобга олиш керак булади. Шунингдек, спорт тадбирларининг календар режаларини тузишда Халқаро спорт мусобақаларининг турлари, унда иштирок этиш зарур бўлган спорт турлари, ўтказилиш вақти, жойлари ва ҳоказоларни ҳам чуқур ўрганганд ҳолда инобатга олишни тақозо этади.

Тузилган режалар юқори идораларнинг коллегиялари /ҳайъат/ ва қуи ташкилотларнинг фаоллар йиғилишида муҳокама қилиниб, зарур бўлса тузатишлар киритилиди ва овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Уни раислар ва раҳбарлар расман тасдиқлаши лозим бўлади.

Режаларнинг бажарилишини назорат қилиш спорт ташкilotларидағи ташкилий ва режалаштириш бўлимлари, раҳбар ходимлар уюштирган маҳсус комиссиялар томонидан белгиланган вақтда ҳамда зарурят пайдо бўлганда амалга оширилиши мумкин. Назорат қилиш, текшириш жараёнларида қуий жамоаларга амалий ёрдам бериш, йўлйўриклиар кўрсатиш зарурдир. Барча тадбирларни аввалдан кўра билиш /прогноз-башорат қилиш/ муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса тадқиқот ўтказиш ва меъёрларни /номативлар/ белгилаш тақозо этилади. Бу вазифаларни адо этиш учун раҳбар спорт ташкilotлари, жисмоний тарбия билан боғланган турли вазирликлар, идоралар ўз тадбирларини белгилайдилар. Бунда шароитлар, илфор тажрибалар, фан ютуқлари инобатга олинади.

Жисмоний тарбия ва спорт ишларини башорат қилишда қўйидагиларни асос қилиб олиш зарур:

1. Жисмоний тарбия ҳаракатининг барча соҳаларини мўлжаллаш.

2. Фанни ривожлантириш.

3. Турли спорт буюмлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолга йўналтириш.

4. Мутахассис ходимларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш.

5. Аҳолининг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш.

6. Энг юқори натижаларни /рекордлар/ мўлжаллаш.

7. Жисмоний тарбия тизимини такомиллаштириш.

Аҳолининг жисмоний маданиятини такомиллаштириш мақсадида турли дастурлар тайёрлаш /моделлар/, жисмоний тарбия, спорт ва саёҳатларнинг моҳиятларини очиб берувчи аниқ намунавий тадбирларни ташкил этиш ҳамда уларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаб бериш.

Яна муҳим томонлардан бири шуки, аҳоли ўргасида, айниқса, ўқувчи-ёшларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатлар, қизиқиш ва эҳтиёжларини ўрганиш, илмий жиҳатдан аниқлашда халқ миллий ўйинлари, маънавий ва маърифий маданият тадбирларини таҳтил қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида миллий қадриятларни тиклаш, маънавий қиёфаларни янгилаш ва умум маданиятни ривожлантиришда улкан тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларга «Наврӯз», «Мустақиллик куни», «Ҳосил байрами», турли хил оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари, Фориш туманида ўтказиб келинган халқ миллий ўйинлари олимпиадасини (1994-1996), Алпомишиб ўйинлари фес-

тивалларини (1998-2000), кўрсатиш мумкин. Барча спорт ташкилотлари ва уларнинг куйи тармоқлари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги вазифалари деб, юқорида қайд этилган тадбирларни кўпроқ асос қилиб олишлари зарур. Талабалар барча вазифаларни кунт билан мутолаа қилишлари ва амалиётлар жараёнида бундай тадбирларда фаол иштирок этишлари зарур.

## **Х. ИХТИСОСЛИ ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**

1. Жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари.
2. Ихтиносли ходимларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш ва уни йўлга солиш тадбирлари.
3. Мутахассисларни тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш тартиблари, жамоатчи фаолларни тайёрлаш.
4. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш ва уларга бўлган асосий талаблар.
5. Илмий кенгашлар, докторантурা, аспирантурা, магистратура ҳақида тушунчалар.

### **10.1. Жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари**

#### **10.1.1. Жисмоний тарбия мутахассисларини тайёрлаш**

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ислоҳотлари барча соҳалардаги каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам етук мутахассис ходимларни тайёрлаш, уларнинг иш фаолиятларини давр талаблари асосида ташкил қилиш масалаларини энг муҳим муаммолардан бирига айлантириди.

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича ихтиносли ходимларнинг иш фаолияти жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт турлари бўйича мураббийлар, ишлаб чиқариш корхоналарида услубчи - ташкилотчи /методист - организатор/, болалар боғчаларида услубчи-ўқитувчи каби соҳаларга бўлинади.

Жисмоний тарбия мутахассислари деганда, асосан, жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу соҳа бўйича илмий муассасалар, малака ошириш институтлари, факультетларининг ходимлари тушунилади. Уларнинг иш фаолият-

лари дарс бериш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш ва ҳоказолардан иборатdir. Бундай мутахассислар Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва республика олий ўқув юртларидағи жисмоний тарбия факультетларида тайёрланади. Ўрта маълумотли мутахассисларни тайёрлаш эса педагогика билим юртлари, баъзи бир техникумлар ҳамда Олимпия ўринbosарлари билим юртларида амалга оширилади.

Халқ таълими вазирлигининг маълумотларига кура, 2000-2001 ўқув йилида 9 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблар, коллеж, лицей, гимназия, маҳсус мактаблар, ўрта маҳсус билим юртлари ҳамда олий педагогика ўқув юртларида 17 мингдан ортиқ жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолият кўрсатади. Бу кўрсаткич республикадаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг сонига нисбатан қарийб 70% ни ташкил этади. Демак, ўқув юртлари ва болалар тарбияси муассасаларида жисмоний тарбия мутахассисларига бўлган талаб ва эҳтиёжлар табиий равища ортиб боради. Шу сабабдан олий ва ўрта маҳсус жисмоний тарбия кадрларини тайёрловчи ўқув юртлари зиммасига янада катта масъулиятлар юкланди. Эътироф этиш керакки, мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогикауниверситети, Фарғона Давлат университети, Бухоро Давлат университети, Андижон Давлат университети яхши самарапларга эришмоқда.

### **10.1.2. Спорт мутахассисларини тайёрлаш**

Маълумки, спорт билан шуғулланувчилардан жисмоний чиниқиши, техник-тактик тайёргарлик ва шу соҳада етарли даражада маҳорат талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, тажрибали мураббийнинг катта меҳнатини тақозо этали. Бу икки йўналиш яхлит бир тизим мазмунига эгадир. Шу сабабдан талабаларни мураббийликка ўргатиша уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда мураббий фаолиятлари билан қуроллантириш спорт мутахассисини тайёрлаш демакдир. Бу жараёнлар асосан, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида маҳсус соҳа ҳисобланади ва ўқув режасида тегишли спорт фанларига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, спорт ихтисослигига /специализация/ ажратилган соатлар миқдори унда назарий билим ва

амалий машғулотларга нисбатан устун туради. Олий ўкув юртларининг жисмоний тарбия факультетларида бу соҳага бирмунча пастроқ назар билан қаралади, фақат спорт маҳоратини оширишга махсус соатлар берилиб, унда деярли барча дикқат-эътибор етук спортчи тайёрлашга қаратилгандир. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, бу соҳада махсус дастурлар ишлаб чиқиш, унда мураббийликка тайёрлаш жиҳатлари кўзда тутилмоғи лозим.

### **10.1.3. Оммавий спорт тадбирлари, саёҳат, ҳалқ миллий ўйинлари бўйича мутахассислар тайёрлаш**

Собиқ Иттифоқ даврининг қайта қуриш йилларида оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилиш соҳасида мутахассислар /ташкилотчи-ўқитувчи/ тайёрлаш йулга қўйилди. Бу жараён Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ҳам амалға оширилди. 10 йилдан ортиқ даврда /1999 йилгача/ анча ташкилотчи-ўқитувчи тайёрланди. Уларни амалий иш фаолиятга тайёрлашда Тошкент шаҳридаги туман спорт қўмиталари, «Трактор», «Зенит», «Туқимачи», «Буревестник» спорт клублари иш фаолияти билан ўкув амалиёти жараёнларида таниширилди. Спорт ташкилотлари ва спорт клубларида раҳбарлик қилиш усуслари билан қуроллантирилди. Бунда ишлаб чиқариш жамоалари, аҳоли тураржойлари, ўқувчи-ёшларнинг оммавий тадбирлари, саёҳатлари, ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилиш йўлларига алоҳида эътибор берилди. Бу жараёнлар Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида маълум даражада давом эттирилмоқда.

Лекин шуни эътироф этиш зарурки, баъзи бир сабабларга кўра ташкилотчилик соҳасидаги ихтисосли ходимлар ишлаб чиқариш корхоналари спорт клубларида иш фаолиятини бошламасдан аввал ўқитувчиликка ёки умуман бошқа соҳаларга ўтиб кетмоқда. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шуки, жойларда ортиқча штатлар кам, қолаверса битирувчи мутахассисларда амалий тажрибалар этишмайди.

Холоса шундайки, оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт ҳамда саёҳат, ҳалқ миллий ўйинлари бўйича булажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига кўпроқ эътибор бериш лозим.

## **10.2. Ихтисосли ходимларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш ва уни йўлга солиш тадбирлари**

Ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш, спорт мактабларида ёшларни тарбиялаш соҳаларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга кўра, ҳозирги ҳисобга олганда, Республикада мутахассис ходимларга етарли даражада эҳтиёж бор. Фақат уларнинг фаолияти, соҳаларига қараб заруриняти ва муаммоли томонлари илмий жиҳатдан тўла ўрганилмаётир. Шу сабабли қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассис ходимларни тайёрлашни бир тизимга солиш, яъни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳамда республикадаги олий ўқув юртлари жисмоний тарбия факультетларининг ўқув режалари ва дастурларини мувофиқлаштириш.

2. Спорт турларининг ҳалқаро миқёсдаги ўрни ва республикадаги заруриняти ҳамда эҳтиёжларига қараб уларни ривожлантириш, уларга тегишли бўлган соҳаларга мураббийларни тайёрлаш.

3. Миллий ўйинларнинг ижтимоий-тарбиявий жиҳатларини ҳисобга олиб, шу соҳада мутахассис ходимлар/ташкilotчилар/ тайёрлаш.

4. Хотин-қизлар жисмоний тарбиясини чукур таҳлил қилган ҳолда, маҳаллий хотин-қизлардан мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш, бунда 3-4 ойлик маҳсус курслар ташкил қилиш, унда йўриқчи-услубиятчилар /инструктор-методист/ тайёрлаш.

5. Мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш институтларида /барча табакаларда/ илмий-усулий ва назарий-амалий жиҳатдан билимларни чукурлаштиришга жиддий эътибор бериш.

6. Мактабгача болалар муассасаларида ишловчи мутахассисларни тайёрлашда жисмоний тарбияни чукурлаштириш, имкон борича ўрта ва олий жисмоний тарбия ўқув юртларида ходимларни тайёрлашни кенг кўламда олиб бориш.

7. Мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган соҳаларни тула равишда мoddий - техник, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва ўз вақтида уларни тақдирлаб бориш.

## **10.3. Мутахассисларни тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш тартиблари. Жамоатчи фаолларни тайёрлаш**

### **10.3.1. Мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш тартиблари**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассис кадрларни тайёрлашнинг асослари ва йўллари билан танишилди. Бўлажак мутахассисларнинг келгуси иш фаолияти ва ишга жойлашиш масалалари ҳам талабаликнинг илк даврларидан бошланади. Бунда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти /ЖТНУ/, спорт педагогикаси, спорт ихтисослиги /специализация/ фанларини ўқитиш, айниқса, педагогик ва ташкилий ўқув амалиётлари жараёнида ишлаш тартиби, ишга кириш ва институт йўлланмаси ҳақида тегишли тушунчалар берилади.

Олий ўқув юрти ўз битирувчиларини ишга тақсимлаш ва йўлланма бериш хуқуқига эгадир. Давлат имтиҳонлари бошланишидан 1-2 ой олдин талабаларни ишга тақсимлаш жараёни бўлиб ўтади. Бунда олий ўқув юрти ректори, факультетларнинг деканлари, ихтисосли кафедралар, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия кўмитаси, Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларининг вакиллари, мутахассисларни ишлашга таклиф этувчи идораларнинг халқ таълими бўлимлари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари ходимлари иштирок этадилар.

Битирувчиларни ишга тақсимлаш Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигининг йўриқлари /инструкция/ асосида амалга оширилади. Бунда:

1) битирувчиларнинг оиласвий турмуш шароити, истак-хоҳиши;

2) турли муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртларининг буюргамлари /заявка/ эътиборга олинади. Шунингдек, олий ўқув юрти раҳбариятларининг таклифи бўйича шу ерда ишлашга ёки магистратурада ўқишга тавсия этилади.

Талаба олий ўқув юртини муваффақият билан тутатиб, йўлланма олиб, бўлажак иш жойига /ишга тақсимловчи ташкилотга/ етиб боради. Ариза бериб, мутахассисни таклиф қилишган бўлса, бу ҳолатда ёш мутахассис ишга тезда жойлаштирилади ва тартиб-қоидалар асосида уларга имтиёзлар берилади. Ёш мутахассис ўзининг хоҳиши билан яшаш жойига ишга келса /мактаб, билим юрти ва

бошқа/, у ҳолда мәймурият билан шартнома тузиши көрек. Акс ҳолда ёш мутахассис юқори ташкилотларга /вилоят, туман-шаҳар халқ таълими бўлимлари ва ҳоказо/ мурожаат қилиши, улар қўйган шартларга кўниши лозим бўлади.

### 10.3.2. Жамоатчи фаолларни тайёрлаш

Жамоатчи фаоллар деганда жисмоний тарбия ва спорт харакатининг қути ташкилотларида /туман, шаҳар спорт қўмиталари, жамиятлари, клублари, бошлангич жисмоний тарбия жамоалари, тўғараклар, гурухлар ва ҳоказоларда/ жамоатчилик йўли билан ёрдам берувчи фаоллар /активлар/ тушинилади. Бу қути ташкилотлар ўз иш мазмунлари даражасига қараб /спорт клуб, команда, тўғарак ва ҳоказолар/ жамоатчи фаолларни тайёрлайди:

- Жамоатчи фаоллар асосан қуйидагича аталади:
1. Жамоатчи мураббий.
  2. Жамоатчи йўриқчи /методист-инструктор/.
  3. Спорт турлари бўйича ҳакамлар.
  4. Ташкилотчи /организаторлар/лар.

Жамоатчи фаолларни тайёрлаш ҳақида маҳсус низомлар ва кўрсатмалар мавжуд. Улар асосида маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг даражалари ёки тоифаларга /категорияга/ қараб, ўкув соатлари миқдори белгиланади.

Барча машғулотлар икки йўл билан олиб борилиши мумкин:

1. Жисмоний тарбия дарслари ёки спорт машғулотлари жараёнида.
2. Дарс, машғулот ёки ишдан ташқари пайтда маҳсус жадваллар асосида ҳафтада 1-2 маротаба 1-2 соатдан ташкил қилинади. Бундай ҳолда етакчи ва тажрибали ўқитувчилар, мураббийлар, йўриқчилар, ҳакамлар жалб этилади.

Дастурдаги назарий билим ва амалий кўникмалар тўла бажарилгач, фаоллар имтиҳон топширади ва муваффақият билан машғулотларни тутагтганларга «Жамоатчи мураббий», «Жамоатчи ҳакам», «Жамоатчи йўриқчи» каби унвонларнинг маҳсус гувоҳномалари ва нишонлари тақдим этилади.

«Алномиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари жорий қилинганини сабабли бу соҳада ҳам мураббийлар, ҳакамлар, йўриқчиларни тайёрлаш эҳтиёжи пайдо бўлади.

## **10.4. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш ва уларга бўлган асосий талаблар**

Ижтимоий-маданий тараққиёт таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса таълим берувчи мутахассисларнинг давр талаблари даражасида бўлишини, бунинг учун эса улардан ўз малакаларини доимий равишда ошириб бориш лозимлигини талаб этади. Бундай тарбиявий фаолиятлар ҳам давлат дастури асосида амалга ошириб борилади.

Умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакаларини ошириш қўйидаги тартиб ва шаклларда ўтказилади:

- якка тартибда доимий малакаларини ошириш;
- мактабда жисмоний тарбия усулий комиссиясида;
- мактаблараро усулий кенгашларда;
- туман-шаҳар кенгашларида /таътил пайтлари ва ҳар ойда бир марта белгиланган кунда/;
- вилоят ҳалқ таълими қошидаги малака ошириш институтларида;
- ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтда;
- ўрта маҳсус ва олий ўкув юртларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ихтисосликлари бўйича Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти таркибидаги малака ошириш факултетида;
- спорт турлари бўйича мураббийлар республика ва вилоят спорт жамиятлари қошидаги маҳсус курс-семинарларда;
- ишлаб чиқариш корхоналарининг жисмоний тарбия ва спорт йўриқчилари Касаба уюшмалари федерацияси қошидаги спорт жамиятининг маҳсус курс-семинарларида;
- туман-шаҳар ва вилоят спорт қўмиталарининг раислари, ходимлари Давлат спорт қўмитасининг семинар-кенгашларида. Уларнинг ўкув режаларида Ўзбекистон мустақиллигининг тараққиёти, истиқболлари, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий хусусиятлари қаторида жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим турлари /гимнастика, енгил атлетика, сувда сузиш, ҳалқ миллий ўйинлари ва ҳоказолар/ ҳамда ихтисослик турлари бўйича машғулотлар кўзда тутилган.

Машғулотларнинг мазмунида ҳозирги замон спорт тараққиётининг афзалликлари, инсон ҳаётида спортнинг

ўрни, раҳбар ва шуғулланувчиларнинг ўзаро муносабатларида руҳий муаммолар, хотин-қизлар спорти ва бошқа соҳалардаги энг янги ҳамда илфор тажрибалар, тадқиқотларнинг натижалари баён этилади. Малака ошириш машғулотларида иштирок этадиган тингловчилар ўз ихтисосликлари ва умумий йўналишлар бўйича назарий жиҳатдан рефератлар тайёрлайди. Бу, ўз навбатида тингловчиларнинг ўз спорт турига бўлган муносабати билан билим савияси ва эгаллаган тушунчаларнинг илк синови ҳисобланади. Белгиланган тартиб асосида асосий фанлар ва ихтисосликлар бўйича имтиҳон топширадилар. Уларга курсни тутгатганларидан сўнг гувоҳномалар берилади.

Тингловчиларнинг билим ва малакаларини юқори дарражада бўлишига эришиш мақсадида мъарузаларга таниқли олимлар, спорт ташкилотлари раҳбарлари, хукуқ илмининг мутахассислари таклиф этилади.

### **10.5. Илмий кенгашлар, докторантурা, аспирантурा, магистратурата ҳақида тушунчалар**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий-педагогик ходимлар тайёрлашнинг энг юқори поғонаси докторантурадир. Бунинг негизида ихтисослаштирилган ҳимоя илмий кенгашлари, аспирантурулар, магистратуралар мавжуд. Бу жараёнлар Узбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Узбекистон Республикаси Педагогика фанлари илмийтадқиқот институтида мавжуддир. Булар ҳақида қисқача тушунчалар қўйидагicha:

1. Ихтисослаштирилган ҳимоя илмий кенгashi Олий атtestация комиссияси /ВАК/ томонидан тасдиқланиб, ҳар йили аъзолари таркибининг камидаги 30-40% янгиланиб туради. Илмий кенгашда докторлик, номзодлик диссертацияси ёқланади. Доцентлик ва профессорлик илмий унвонлари масаласи илмий кенгашларда мухокама қилиниб, тасдиқлаш учун Олий атtestация комиссиясига ҳавола этилади.

2. Докторантурада иқтидорли фан номзодлари 3 йил давомида ўзларининг илмий тадқиқотларини ўтказувчи ва якунловчи босқичдир.

3. Аспирантура — фан номзоди унвонини олиш учун 3 йил /сиртқи 4 йил/ давомида илмий тадқиқотлар олиб борувчи босқичдир.

4. Магистратурата — аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин

унинг негизида таълим муддати камида икки йил давомли олий таълим.

Умуман олганда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мураккаб ва ута масъулиятли жараёндир. Шу сабабдан ҳам тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқариш, улар асосида тадқиқотлар ўтказишга давр талаблари ҳамда жаҳон илм-фани андозаларига риоя қилишга тўғри келади. Чунки, тадқиқот натижалари, нашр ишлари халқаро майдонга чиқиши лозимdir.

Ўзбекистоннинг ижтимоий - маданий ва спортдаги нуфузи, шон-шухратини оширишда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, уларда фаолият кўрсататиган раҳбар ходимлар, мураббий ва спортчиларнинг ўрни фоят каттадир. Уларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш, вақти етганда малакасини ошириб бориш ҳам ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бундай мураккаб ижтимоий-педагогик жараёнларни амалга оширишда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва республика олий ўқув юртлари таркибидаги жисмоний тарбия факультетлари, турли тармоқларда мавжуд бўлган малака ошириш институтлари, факультетлари ва курс-семинарларнинг ижодий фаолиятлари дикқатта сазовордир.

Бу йўлда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, давлат таълими стандартларида белгиланган тартиб ва қоидалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эътиборли томонларидан яна бири шундаки, спорт ташкилотлари ва жамиятларининг қуий босқичларида оммавий спорт-соғломлаштириш жисмоний тарбияси, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилишда жамоатчи фаолларнинг хизмати олқишига сазовордир. Уларни тайёрлаш ва малакаларини оширишда мураббийлар, ўқитувчилар, ҳакамлар ижодий равишда меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистонда миллий қадриятлардан ҳисобланган халқ миллий ўйинларининг ўзига яраша ўрни ва мавқеи бор. Шу сабабдан оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт ҳамда халқ миллий ўйинлари буйича мутахassisслар тайёрлаш, амалдаги ходимларнинг малакаларини оширишда давр талабларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

## 10.6. Жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш

Республикамизда миллий тоя ва аҳолининг ифтиҳори-ни кенг оммага тарғиб қилишда жисмоний тарбия ва спорт ҳамда ҳалқ миллий ўйинларининг моҳияти каттадир. Улар ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш ҳам мұхим аҳамиятта әгадир. Оммавий ахборот воситалари орқали ва бевосита мұлоқотларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа ташкилотлар бу соҳада самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Хозирги кунда телевиденияда берилаётган спорт кўрсатувлари, айниқса, футбол, теннис, кураш, бокс ҳамда миллий ўйинларни барча мириқиб томоша қиласди. Спортга оид адабиётлар, газета ва журналларни берилиб ўқийдиган муҳлисларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

Ҳаётий тажрибалар, амалий фаолиятлар натижасининг кўрсатишича, ўкувчилар газеталарда миллий спорт турлари, севимли спорт мусобақалари, уларда иштирок этувчи маҳаллий жамоалар, спортчилар ҳақида хабарлар ёзишини талаб қўлмоқдалар. Қишлоқ аҳолиси ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишлари етарли даражада тарғибот қилинмоқда. Чунки, у ерларда моддий-техник таъминот, спорт иншоотларининг сони кўпаймоқда. Аксарият катта-кичик кишилар жисмоний меҳнат билан банд. Қолаверса, уларда жисмоний тарбия ва спортга эҳтиёж тушунчаси ҳали тўла даражада эмас деса бўлади. Шу томонларни ҳисобга олган ҳолда, аввало, спорт иншоотларини қуриш ва жисмоний тарбия таълими билан аҳолини қуроллантиришининг замонавий усусларини топиш лозим бўлади. Бунинг учун маданият, санъат, адабиёт, манавият ва маърифат ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт ҳамда саёҳат соҳасидаги фаолиятларини янада кучайтириш, уларнинг мафкуравий тарғиботини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Энг мұхим ва жонли тарғибот воситаси сифатида спорт мусобақалари, оммавий соғломлаштириш тадбирлари, жамоаларнинг ўртоқлик учрашувларини ташкил қилиш лозим. Уларда спорт ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, фахрийлар, ҳалқаро спорт мусобақаларининг совиндорлари билан мұлоқотлар уюштиришни яхшилаш мактаб ўкувчиларининг «Кувноқ стартлар» ва «Умид ниҳоллари»ни мазмунан бойитиб, телевиденияда кўпроқ намойиш қилиш керак.

Спорт ташкилотлари ва уларнинг қуи тармоқларида бошқариш фаолиятларини ташкил қилишда иш услублари муҳим аҳамият касб этади. Тарғибот шакллари, воситалари ва асосий мазмунини талабалар мустақил равишда ўрганишлари маҳсадга мувофиқдир.

## **XI. БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ: ТАШКИЛИЙ ФАРМОЙИШ БЕРИШ ВА ИЖТИМОИЙ– ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАР**

1. Ўзбекистонда бошқариш усулларининг хусусиятлари ҳақидағи қисқача тушунча. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари фаолиятларини ташкил қилишда бошқариш усулларидан фойдаланишнинг моҳияти.

2. Мустақиллик даврида құлланилаётган асосий бошқариш усуллари.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ташкилий фармойиш бериш усулининг асосий хусусиятлари ва уни қуйи тармоқларда құллаш тартиблари.

4. Бозор иқтисодиёти ислоҳотлари жараённида ижтимоий-иктисодий усулларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бошланғич жамоаларда ҳомийлар, жамғарма уюшмалари фаолиятидан фойдаланиш.

5. Математик-статистик услублардан фойдаланиш.

### **11.1. Ўзбекистонда бошқариш усулларининг хусусиятлари. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятларини ташкил қилишда бошқариш усулларидан фойдаланишнинг моҳияти**

#### **11.1.1. Ўзбекистонда бошқариш усулларининг хусусиятлари**

Ўзбекистонда мустақилликнинг тантана қилиши ва ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳамда маданий ислоҳотларнинг давом этиши давлатни идора қилиш ва барча фаолиятларни ташкил қилишда янгича иш усулларини құллашни тақозо этади. Бу усулларнинг шакли, мазмуни ва асосий мақсадлари қабул қылған қонунлар, қарорлар ва Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари, маърузалари ва турли учрашувдаги баёнотларida ўз аксини топмоқда. Бу жараёнлар жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари фаолиятига ҳам тегишилдири.

Жисмоний тарбия ва спорт ишларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, йүллари ва шакллари күн сайин бойиб, равнақ топмоқда.

Ўзбекистонда турли идоралар /концерн, компания ва ҳоказолар/ ҳамда савдо, тижорат, ширкат, фермер хўжаликларнинг вужудга келиши жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқариш усуllibарининг янги тартиб-қоидаларига риоя қилишни тақозо этмоқда. Чунки бундай идоралар, хўжалик ташкилотлари ва бошқа жамоалар ўз фаолиятларини маҳсус низомлар асосида ташкил этмоқда. Бу ташкилотлар асосан ўзини ўзи бошқариш, молиявий таъминот хусусиятига эга булган ҳолда мустақил равишда фаолият кўрсатиш ҳуқуқларига эгадир. Шу сабабдан ҳам спорт ташкилотлари бундай йўналишдаги идоралар, ташкилотлар ҳамда хўжалик жамоалари билан ўзаро келишган ҳолда иш олиб боришларига тўғри келади.

### **11.1.2. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари фаолиятларини ташкил қилишда бошқариш усуllibаридан фойдаланишининг моҳияти**

Ўзбекистоннинг мустақиллиги аввалдан мавжуд бўлган бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан тамоман воз кечишини ёки уларни янги давр шароити ҳамда талабларига қараб ишлатиши тақозо этмоқда. Бу жиҳатлар спорт ташкилотлари ва жамиятлари тизимидағи барча соҳаларда ҳам ўз йўлига тушиб бормоқда. Юқорида қайд этилган бაъзи иш усуllibари ўрнига ташаббускорлик, ижодкорлик ва фидокорлик каби янги усуllibар таркиб топди. Улар оммавий спорт тадбирлари, ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилиш, спорт турлари бўйича командалар тузиш, уларнинг спорт маҳоратларини ошириш, хотин-қизларни спортга жалб этиш, спортни моддий ва молиявий таъминлаш ишларида кенг қўлланилмоқда ва ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш, теннис, бокс ва бошқа бир қатор ҳалқаро турнирларнинг анъанага айланиши, футбол, волейбол, енгил атлетика ҳамда шарқона яккакураш турлари бўйича Марказий Осиё ўйинлари, бошқа расмий ҳалқаро спорт мусобақаларида республика спортчиларининг доимий равишида иштирок этиб келиши спорт ташкилотлари, терма командалар машғулотларни ўюштиришда ҳалқаро андозалар ва тажрибаларга таянишини талаб қилмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув фаолиятларида ишга янгича муносабатда бўлиш, зарур моддий-техник манбалардан фойдаланиши ҳамда ўзини

ўзи молиявий таъминлаш йўлида изланиш, тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш зарурки, спорт клублар, ўкув юртлари ва турли муассасаларнинг бошланғич жисмоний тарбия жамоалари ҳам бошқарувнинг турли-туман янги усулларини қўллашлари лозим бўлади. Бунда ўкувчи ва меҳнаткаш ёшлар, зиёлиларнинг ташаббуслари, ижодкорлигига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, телерадио компания ходимлари ҳар йили спорт турлари буйича ўзларининг республика, Тошкент шаҳар биринчилкларини муваффақият билан ўтказмоқда. Бу одат тусига кирган ташаббускорлик ва ижодкорликнинг намунасиdir.

## **11.2. Мустақиллик даврида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш**

Юқорида таъкидланганидек, республикада давлатни идора қилиш ва барча фаолиятларни тўғри бошқариш учун Ўзбекистон Президенти фармон чиқаради, Олий Мажлис қонун ва қарорларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлайди ва ниҳоят, Вазирлар Махкамаси қонун, фармойишларни амалга ошириш буйича ўзининг қарорларини қабул қиласди. Ана шулар асосида ҳар бир вазирлик, давлат қўмитаси ҳамда жамоат ташкилотлари ўз иш фаолиятларини амалга оширади. Бу жараёнларда ҳар бир соҳа ёки тармоқ ўз хусусиятлари асосида турли услубларни қўлладиди. Уларнинг энг муҳимлари ташкилий-фармойиш бериш, хужалик ҳисоби, моддий-техник таъминот, нормативларни белгилаш ва бошқалардир. Бундай усуллар жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини бошқарувчи барча идоралар ва ташкилотларга ҳам мансубдир.

Эътироф этиш керакки, мустақиллик шароитларида турли қоғозбозлик, ўринсиз буйруқ бериш, бир-бирига ишонган ҳолда иш кўриш каби усуллар аста-секин ўз мазмунини йўқотмоқда. Чунки бу усулларнинг моҳияти кўшиб ёзиш /спорт билан шуғулланувчилар, спорт иншоотлари сони ва ҳоказолар/, ёлғон маълумотлар, қуруқ ваъдалардан иборат эди. Бундай ҳолатлар янгича иш тутиш, аниқ ижобий самараларга эришишга салбий таъсир кўрсатаётганлиги барчага маълумдир. Ўзбекистон Президенти томонидан кўтарилиган янги шиор - «Куйиб-ёниб яшаб меҳнат қилмоқ керак» - негизида масъулият, ижодкорлик, ташаббускорлик, фидокорлик каби фазилатлар мужассам.

Бу ўринда Артур Григоряннинг профессионал бокс бўйича 16 марта жаҳон чемпиони булиши, бокс бўйича Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг XXVII Олимпия ўйинларида /Сидней/ олтин медал совриндори булиши ва бошқа кўпгина мисолларни келтириш мумкин. Демак, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг туб мақсадлари негизида жисмонан баркамолликка эришиш билан бир қаторда Ватаним, деб ёниб-куйиб меҳнат қилувчи мураббийлар, спортчилар, ўқитувчилар, спорт фаолларининг юрт шуҳратини оламга ёйиш каби олий орзу-ниятлари ҳам бор.

Юқори спорт ташкилотлари, олий ўқув юртларидағи жисмоний тарбия факультетлари, кафедралар, спорт клублар фаолиятида ишларни илмий асосда ташкил қилиш энг зарур усуллардан ҳисобланади.

### 11.2.1. Бошқариши илмий ташкил қилиш

Жамоани бошқарищда меҳнатни илмий ташкил қилиш ходимларнинг асосий фаолиятларидан биридир.

Меҳнатни илмий ташкил қилиш асослари юзасидан зарур билимларга эга булиш, шу мақсаддаги ишларни ривожлантириш шахсан раҳбарлик қилиш ишларини ҳар бир фуқаро, айниқса, ўқимишли кишилар, ходимлар билишлари зарурдир.

Бошқариши илмий ташкил қилиш деганда, асосан назарий билим ва амалий иш тажрибаларини ҳамда энг илғор ва фанда асосланган иш натижаларини ҳаётда қўллаш, уларни амалга ошириш, тегишли самараларга эришишни тушунмоқ керак. Бу кўпинча спорт турлари бўйича йирик жамоларни /командалар/ бошқариш, уларни ютуқларга етаклаш, яхши натижаларни қўлга киритишда намоён булади. Шунингдек, спорт иншоотларини қуриш, халқ миллий ўйинлари мусобақаларини ташкил қилиш, молиявий ишларни юритиш каби ишларни амалга оширишда зарур бўлади.

Бошқарув фаолиятларида ижрони назорат қилиш, барча ишларнинг натижаларини ҳисобга олиб бориш ташкилий усуллар мазмунини тобора бойитади. Ҳисобга олиш иш усулларини қуйидагича тушунмоқ зарур:

1. Ҳисобга олиб борувчи дафтар юритиш.
2. Спорт тўғараги қайдномаси /журнал/ тутиш.
3. Соғломлаштириш гурӯҳлари қайдномасини тўлдириб бориш.

4. Оммавий спорт тадбирларини ҳисобга олиш қайдномасини юритиш ва ҳоказолар.

Жамоаларни яқунловчи ҳисобга олиш энг муҳим фаолият ҳисобланади. Бунда қуйидаги соҳаларни кўрсатиш зарур булади:

1. Спорт ташкилотлари /жамоалар/ сони, шуғулланувчилар сони, жинси, миллати.

2. Спорт кўрсаткичлари, техник ютуқлар, разрядли спортчилар сони.

3. Спорт иншоотларининг сони.

4. Режаларнинг бажарилиши, сметалардаги кўрсаткичларнинг бажарилиши.

5. Йирик мусобақаларда эришилган ютуқлар.

Бу кўрсаткичлар ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар тузиш олдидан ҳисобга олиниб, натижалар юқори ташкилотларга юборилади.

Спорт ташкилотлари иш тажрибаларида яна тез /оператив/ техник ҳисобга олиш тури ҳам қўлланилади. Бу юқори ташкилотлар томонидан бирон маълумот талаб қилинганда, тез муддат ичida тузиб чиқилади. Бундай ҳолларда кўпинча статистик ва ёзма ҳисоботлар тузиш кўзда тутилади.

Иш юритиш /делопроизводство/. Юқорида қайд этилган ҳисобга олиш ва ҳисбот тузиш иш тартибларida энг муҳим ўрин тутадиган фаолиятлардан бўлиб, у барча хужжатларни ўз вақтида тузиш ва расмийлаштириб бориш демакдир. Бунда қуйидагилар кўзда тутилади:

1. Келган хужжатларни расмийлаштириш.

2. Хужжатларни ўрганиб чиқиш ва тегишли ходимларга топшириш, уларнинг жавобини ўз вақтида олиш, жўнатиши.

3. Зарур бўлганда жавобларни мажлисда муҳокама қилиш /қарор чиқариш/.

4. Қарор, буйруқ, фармойиш, топшириқ, кўрсатмалар ёзма равища расмийлаштирилиши ва уларнинг бажарилиши ҳақида ўз вақтида белги қўйиб борилиши зарур.

### **11.3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ташкилий-фармойиш бериш усулининг асосий хусусиятлари ва уни тармоқларда қўллаш**

Ташкилий-фармойиш бериш фаолиятлари бир-бiri билан узвий босғиқ бўлган жараён ҳисобланади.

Ташкил қилиш учун барча иш турлари ва уларнинг бажарилиш йўллари ишлаб чиқилади. Уларни амалга оши-

риш учун эса расмий равиша рухсат лозим булади. Шу саббдан бу фаолиятларни ташкилий-фармойиш деб юритилиди. Шу ўринда мисол тариқасида универсиада, спартакиада, фестивалларни ўюштириш ва ўтказиш тартиб-қоидаларини /низом/ келтириш мумкин. Яъни ишлаб чиқилган Низомлар муҳокама қилиниб, у қарор асосида тасдиқланади ва унинг ташкилий қўмитаси, ўтказиш муддати, қатнашчилар, молиявий-хўжалик ҳаражатлари манбалари ва ҳоказолар буйруқ/фармойиш/ орқали расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва «Ўзбекистон», «Динамо», «Ёшлик», «Талаба» спорт жамиятлари бошқа масъул ташкилотлар ва уларнинг қўйи тармоқларида фаолият юритишида хилма-хил иш усуллари кўлланилади, уларга; ташкилий, иқтисодий, хукуқий, foявий таъсир кўрсатувчи ва бошқа усулларни кўрсатишнинг ўзи кифоя.

- ташкилий усулларда фармойиш бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, техник таъминот ва шунга ўхшаш фаолиятлар кўлланилади.

- фармойиш бериш усули ишларининг бажарилиши кепрак булган субъект ва объектнинг хусусияти, ҳажми ва турларига қараб қарор чиқариш, буйруқ ёки топшириқлар бериш шаклида амалга оширилади. Бу усул таркибида яна бир қатор ташкилий фаолиятлар мавжуд.

- йўл-йўриқ кўрсатиш усули қўйи ташкилотларнинг вакилларига ишларни ташкил қилиш, ҳисоботлар тузиш ва бошқа соҳаларни ўргатишида кўлланилади.

- техник таъминот усулида янги спорт асбоблари, жиҳозлари ва кийимларини такомиллаштириш, замонавий спорт иншоотларини қуриш, спорт машгулотларида техник во-ситалардан фойдаланиш, бошқариш тизимларини компьютерлаштириш каби фаолиятлар амалга оширилади.

Маълумки, юқорида қайд этилган фаолиятларни амалга ошириш кўпинча мажлислар, сұхбатлар, телефон орқали ва хатлар воситасида ҳал этилади. Бу жараёнларнинг асосий мазмунлари ва шаклларини талабалар мукаммал ўрганиб олишлари керак булади. Бошқаришнинг иқтисодий усулларида раҳбар ходимлар иқтисодий билимлар, молиявий иш юритиш тартибларига асосан ходимларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини юзага чиқариш орқали уларни самарали ишлашларини таъминлайдилар.

Бошқаришнинг хукуқий усулларида раҳбар ходимлар ва спортчилар қонунлар, низомлар ва керакли меъёрий актларни ўзлаштириб олишлари, хукуқий билимлардан хабардор бўлишлари зарур.

Фоявий ва маънавий таъсир этувчи усулларда раҳбарлар республикада кечәётган сиёсий, маданий ва ижтимоий ўзгаришлар ва давлат раҳбарлари талабларига риоя қилишлари лозим. Маънавий-маърифий ва миллий хусусиятларни яхши ўзлаштирган ҳолда муомала қилиш ва жамоаларда /командаларда/ таълим-тарбиянинг йўлга қўйилишини кузатиб бориш керак.

Жамоаларда иш тажрибаларини ўрганиш ва уларни кенг ёйиш, барча кўрсаткичлар бўйича голибларни аниқлаш мақсадида турли синовлар, куриклар, мусобақалар ўтказилади. Бу ҳам ўз навбатида бошқаришнинг муҳим усуllibаридан биридир.

Таъкидлаш лозимки, буйруқбозлик, фармойиш бериш усуllibаридаги баъзи ҳолатлар қайси жамият ва тузум бўлмасин, узининг кучи ва моҳиятларини йўқотмайдা. Бу ҳолат спорт ташкилотлари, жамиятлари, ҳатто спорт клублар, бошланғич жисмоний тарбия жамоаларидаги ҳам доимий равища қўлланилиши мумкин. Буларга баъзи бир мисоллар келтирилади, яъни:

1. Мураббийларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиш ҳақида буйруқ.
2. Етакчи мураббий, ўқитувчи, масъул ходим, спортчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун буйруқ.
3. Спорт унвоnlари, дарожаларини бериш ҳақида буйруқ /фармойиш/.
4. «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестлари талабларини бажарганилигини тасдиқлаш, гувоҳнома бериш, нишонлар билан тақдирлаш ҳақида буйруқ ва ҳоказолар.

Умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари раҳбарлари, ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари ва турли муассасаларнинг раҳбарлари мусобақаларни ўтказиш, уларнинг якунларини тасдиқлаш лозим бўлган ходимлар ёки қатнашчиларни тақдирлаш ва бошқа соҳалар бўйича буйруқ беришлари мумкин. Бундай жиҳатлар амалда кенг қўлланиб келинмоқда.

#### **11.4. Бозор иқтисодиёти ислоҳотлари жараёнида ижтимоий-иктисодий усуllibарнинг ўзига хос хусусиятлари**

##### **11.4.1. Бозор иқтисодиёти ислоҳотлари жараёнида ижтимоий-иктисодий усуllibарнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистонда иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ислоҳотлар янги босқичга қадам қўймоқда. Иқтисодий усуllibar

лар бозор механизмларидан фойдаланишга таянади. Давлатнинг таъсири иқтисодий усуллар ёрдамида бозор орқали ўtkазилади, бошқариш бозор қонуниятларидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади. Бу эса давлатнинг минимум даражада корхоналар фаолиятига аралашувини ифодалайди.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллар жумласига:

- кредит ва фоиз ставкаси;
- солиқ ва солиқ юки;
- бож тұловлари;
- субсидия ва санкция;
- лицензия;
- транспорт тұловлари;
- нарх-наволар киради.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфатлардан фойдаланишга асосланади. Зеро ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, эңг аввало манфаатларда намоён бұлади. Манфаатлар уч хил бўлади:

- умумжамият манфаатлари;
- жамоа манфаатлари;
- шахсий манфаатлар.

Бу манфаатларни уйғун суръатда бөглаб олиб бориш бир қатор муаммоларни ҳал қилиши, ҳар бир давр шароитларига мувофиқ келадиган муносабатларни ўрнатишин талаб қиласы.

Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида умумжамият манфаатларини рүёбга чиқариш мақсадида қуйидаги иқтисодий бошқарув усулларга, яъни:

- корхонлар ва хұжаликларга фаолият юритишлирида Эркинлик ва мустақиллик бериш;
- хұжаликларни пировард натижаларга биноан моддий рағбатлантириш, солиқ имтиёзларини бериш;
- корхона ва хұжаликлар ўртасидаги ўзаро шартномаларнинг бажарылыш интизомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини ошириш;
- молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш;
- бозор муносабатлари механизмлари: баҳо, фойда, солиқ, рентабеллик, рақобат ва ҳоказоларга кенг эътибор берилган.

Иқтисодий бошқарув усулларининг асосий вазифаси ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) бирлигига сарфланадиган харажатни камайтиришга имкон берувчи хұжалик механизмларининг янги усулларини, шунингдек, ман-

фаатдорлик мұхитини вужудға келтириш ва улардан самарали фойдаланишdir.

Бу усулда кишиларнинг шахсий ва гурүхий манбаатларини юзага чиқариш орқали уларнинг самарали ишлаши таъминланади. Бу мақсадда қўшимча иш ҳақи тўлаш, мукофотлар бериш, бир йўла катта пул билан тақдирлаш кабилар мұхим аҳамият касб этади. Иқтисодий усуллар бошқаришнинг барча усуллари ичидаги етакчи уринни эгаллайди. Ҳар қандай даражадаги раҳбар бу усулнинг мазмунини яхши билиши ва уларни тўғри қўллай олиши керак. Жисмоний тарбия ва спорт объектларига иқтисодий усуллар орқали кўрсатиладиган таъсир корхонларни:

- жиддий режалар қабул қилишга;
- жисмоний тарбия ва спортдаги меҳнат ва молия ресурсларидан янада унумлироқ фойдаланишга;
- спорт объектларини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтаришга;
- кўрсатиладиган хизматлар рақобат талабларига жавоб беришга рағбатлантирувчи ва шунга даъват этувчи булиши керак.

Шу билан бирга иқтисодий усуллар шундай танланиши ва қўлланилиши керакки, бунда жамоалар ва ҳар бир ходимнинг манбаатларигагина эмас, балки бутун жамият манбаатларига риоя қилинадиган бўлсин. Бир корхона учун фойдали тадбир давлатга ҳам фойдали бўлсин.

Бунла бозор иқтисодиёти муносабатлари бошқа соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини бошқаришга ҳам янгича муносабатлар, иш фаолиятлари ва уларни амалга ошириш усулларини вужудға келтиради. Бунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини режалаштириш ва мазкур режалаштиришни ҳаётга сингдиришда аҳолининг жисмоний тарбиясини такомиллаштириш асос бўлади. Бу жиҳатлар мустақил давлатнинг бозор иқтисодиёти ислоҳотларига таянади. Жисмоний тарбия ва спортнинг бошқарилишида иқтисодий жиҳатдан зарур бўлган тадбирлар амалга оширилади. Бу жараёнда мажмуйи фаолиятлар усуллари мұхим аҳамиятга эгадир. Бу фаолиятлар қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- моддий жиҳатдан рағбатлантириш. Меҳнатга иш ҳақини ошириш, мураббий-ўқитувчилар ва бошқа ходимларга унвонларни бериш, спорт иншоотлари ходимларини моддий тақдирлаш;

- моддий ёрдам ва ҳисоблашни тўғри марказлаштириш, яъни юқори идоралар ва ташкилотлар томонидан бериладиган маблағларни тақсимлаш;
- хўжалик юритиш йули ва ундан келадиган даромадлардан фойдаланиш;
- пуллик хизматларни /пуллик мусобақалар, соғломлаштириш гурӯҳлари, ижара, тижорат ва ҳоказолар/ амалга ошириш усуллари;
- спорт иншоотларини паспортлаштириш. Бунда спорт иншоотларини ҳисобга олиш, уларнинг даромадларини аниқлаш ва моддий кирим чиқимларни ҳисоблаш усули;
- бошқаришнинг меъёрий усуллари. Бунда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг спорт соҳасидаги қарорлари асосида иш олиб борилади. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараённида спорт иншоотлари, спорт мактаблари, терма жамоаларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш давлат маблағлари, хўжалик юритишдан олинган фойдалар, ҳомийлар фаолиятидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилмоқда.

#### **11.4.2. Бошлангич жамоаларда ҳомийлик, жамғарма уюшмалари фаолиятидан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида мамлакатимизда қуий жамоалар, моддий-техник жиҳатдан кам даромадли хўжаликларда молиявий ёрдам беришни янги усуллари қўлланилмоқда. Бунда саноат, савдо, тижорат, қурилиш ва бошқа кўп соҳалардаги йирик жамоаларнинг келишган ҳолда ҳомийлик қилиш йўллари қўлланилмоқда. Бунинг боиси шундаки, ҳомийлик қиласиган ташкилотлар, юридик шахслар олинган даромадлардан солиқ тўлашда баъзи имтиёзларга эга бўлади. Бу жиҳатлар спрот клублар, терма жамоалар, мурраббийлар, илмий ташкилот, тиббий хизмат ва бошқа соҳаларда қўлланилиб келинмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда жуда кўп хайрия жамғарма уюшмалари фаолият курсатиб келмоқда. Улар орасида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати, айниқса, маҳаллаларда ташкил қилинадиган оммавий спорт тадбирлари, терма жамоаларни моддий таъминлаш каби фаолиятларга «Наврӯз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Экосан»,

«Камолот» ҳамда бошқа жамғарма уюшмалари доимий равищда күмаклашмоқда.

Жамғарма уюшмаларининг иш мазмуни ва вазифалари ҳақида жамоат ташкилотлари ҳақидаги мавзу /булим/да бирмунча таништирилди.

Умуман олганда, жамғарма уюшмаларининг ҳам бошлангич ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар барча фаолиятларда, шунингдек, спорт клублар, жисмоний тарбия жамоатлари, спорт тўгараклари, спорт турлари бўйича командаларнинг ташкилий, оммавий, амалий ишларида ҳамкорлик қилишади.

## 11.5. Математик-статистик усулларидан фойдаланиш

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам математик-статистик усуллардан кенг фойдаланилади. Бу ишлар спорт ташкилотлари фаолиятларини барча тармоқлари ҳамда бошқариш билан алоқадор идоралар ҳамда ташкилотларида куйидаги шаклларда ифодаланади:

1. Иш режаларининг кўрсаткичларида кун, вақт, йил ва бажарилиши лозим бўлган далилларнинг сонлари.
2. Спорт мусобақаларида қўлланилаётган баённомалар /протоколлар/.
3. Спорт тўгараклари, командаларни қайд дафтарлари /журнал/.

Янги усуlda шуғулланувчи ва қатнашувчилар ҳақидаги маълумотлар, машғулотларни ўтказиш кунлари, йиллар рақамлар билан кўрсатилади.

Энг муҳими даврий, йиллик ҳисоботларда /статистик ҳисобот/ асосан барча кўрсаткичлар рақам билан белгиланади.

Электрон таблолар, мусобақа қатнашчиларининг натижалари ва бошқа кўрсаткичларни ўлчайдиган электрон ҳисоблаш машиналари /ЭҲМ/ ҳамда компьютерлар каби техник асбобларда ҳам асосан математик усуллар мавжуд бўлади.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ташкил қилиш, барча фаолиятларга раҳбарлик қилишда, режалаштириш, қарорларни ишлаб чиқиш, фармойишлар бериш, ҳисобга олиш, ҳўжаликни юрғишида математик статистик усуллардан фойдаланилади. Бу усулларни спорт ташкилотлари, жамиятлари ва улар-

нинг барча тармоқларида кенг миёсда қўллаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган расмий ҳужжатларга таянилади. Шунингдек, республикамиздаги барча бошқарув фаолиятларида қўлланиб келинаётган янги иш усуллари, айниқса, ташаббускорлик, ижодкорлик, фидоийлик каби фазилатлар спорт соҳасидаги раҳбарлар, мураббийлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, жамоатчи фаоллар, спортчилар, ўкувчи-ёшларнинг фаолиятларида ҳам таркиб топмоқда.

## XII. БОШҚАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати жараёнида ижтимоий-психологик ҳолатлар.

2. Бошқариш ва таълим-тарбия жараёнларида ўзаро муносабатлар.

3. Тарбия — бошқаришнинг муҳим босқичидир. Онглийлик ва саломатлик мувозанатларини сақлаш, миллий қадриятлардан фойдаланиш.

4. Бошқаришда етакчилик /лидерство/ моҳияти.

5. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-тарбиявий ва маънавий моҳиятларини ўрганиш, тадқиқ қилиш.

ИНСОН РУҲИЯТИ УНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА АСОСИЙ ОМИЛДИР. ШУ САБАБДАН ЎҚИТИШ, ТАРБИЯ БЕРИШ, ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТИНИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРИШ, УЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙУЛЛАШДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРГА АЛОҲИДА ЭЗТИБОР БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА. БУ ЖИҲАТЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШ, АЙНИҚСА, ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ СПОРТГА ЖАЛБ ЭТИШ, СПОРТЧИЛАР МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА РУҲИЙ ЖИҲАТДАН ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ МУҲИМ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ҲИСБОЛНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил мартағи «Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда миллий қадриятларни тикилашни такомиллаштириш масалаларини эзтиборга олиб қабул қилинди. Бу эса аҳолини, айниса, ўқувчи-ёшларни миллий маданиятимизни ривожлантириш, улкан адаблар асарлари ва маданий меросларини кунт билан мутолаа қилишга даъват этади. Бунинг учун барча жамоалардаги каби жисмоний тарбия ҳаракатида ҳам таълим-тарбия ва маданий ишларни яхшилашни тақозо қиласди.

ТАҶКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, Ўзбекистонда халқ педагогикасини такомиллаштиришда етук мутафаккир олимларнинг ҳис-

салари қаттадир. Илмий-педагогик меросларимизни таълим тизимиға киритиш ва улардан кенг фойдаланиш фикрларини олға сурдилар.

Жаҳон халқлари тарихи ва педагогикасида ўчмас из қолдирган буюк алломалар Абу Али ибн Сино, Исмоил Бухорий, Нақшбандий, Алишер Навоий ва бошқа шарқ олимларининг маънавий-маърифий ҳамда илмий-педагогик мерослари ўқувчи - ёшлар ва меҳнаткашлар орасида тарғиб қилинмоқда.

Спорт жамоаларининг фаолиятини ижтимоий-руҳий жиҳатдан ўрганиш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришда етук йирик олимларимиз ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Спорт ташкилотлари фаолиятини бошқариш ва оммавий соғломлаштириш мусобақаларини ташкил этишда раҳбар ҳодимлар, масъул ташкилотчилар /ҳакамлар, хизматчиликлар, вакиллар ва ҳоказолар/, жамоалар умумий қоидаларга итоат этиш, ўзаро яхши муносабатда бўлиш, спорт мусобақалари қоидаларига тўла риоя қилиш, этик-эстетик меъёрларни билиш каби талабларни бажардилар.

Спорт жамоалари фаолиятида, асосан, куйидаги ижтимоий-руҳий ва педагогик жараёнлар мунтазам равишда мавжуддир:

1. Жамоа раҳбари /спорт қўмита ёки спорт жамияти/ воқеликни кузатади.

2. Мураббий ўйинлар ва барча машғулотларни ташкил қилиш жараёнида уларни кузатиб, таҳлил қиласиди.

3. Жамоа иштирокида раҳбарлар ва мураббийлар барча фаолиятларни, шунингдек, ўйин /мусобақа/ натижаларини биргаликда муҳокама қиласиди.

4. Муҳокама жараёнида голиблар тақдирланади ва рағбатлантирилади. Мағлублар тегишли вазифаларни оладилар.

Бу жараёнлар ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатдан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганлиги учун мақсал бу фаолиятларни тұғри үюштириш, аниқ йуналишлар бериш, келгуси иш самараларини таъминлашга қаратылған бўлиши керак. Шу жиҳатдан ҳам талабалар ва барча ёш мутахассислар спортнинг турларига қараб бу фаолиятларни чукур ўрганишлари, амалиёт жараёнларидан қайта-қайта тажрибалардан утказишлари зарур, токи улар учун мазкур фаолиятлар одат, эҳтиёж тусиға кирсин.

Жаҳон спорти ҳаракати, қолаверса, республикадаги жисмоний тарбия ҳаракати тажрибаларида жамоа, раҳбар, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва расмий муносабатлар табиийлиги маълум. Улар иш фаолиятини яхшилаш, муносабатларни мустаҳкамлаш, юқори самараларга эри-

шишга қаратилган бўлади. Бу жараёнлар ҳаётда осон кечмайди. Чунки ҳар бир раҳбар ва ижтоборининг ўзига хос феъл-атвори, хусусияти, истаги, мақсади, имконияти бўлади. Шу аснода айтиш керакки, сабиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонга жуда кўп иқтидорли мураббийлар, спортчилар /футбол, курашда кўпроқ эди/ таклиф этилган. Бу масала катта шартлар эвазига ҳал бўлган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам мураббийлар ва спортчилар ўртасида расмий шартномалар тузилиб, улар раҳбар ташкилотлар орқали ҳал этилмоқда. Бу ҳам ўзига хос ижтимоий-психологик жараёнларни вужудга келтиради.

Спорт жамоаларида шахс тушунчаси катта аҳамиятга молик бўлиб, мураббий ўзи хоҳлаган спортчиларни танлаши ва улар билан мулоқотлар ташкил қилиши мумкин. Бу табиий ҳол. Спортчилар ҳам шахс сифатида ўз истаклари ва хоҳишларига эга бўлишлари, шу асосда мулоқот ва ўйинларда қатнашишлари мумкин. Бу мураббий ва спортчи ўртасидаги рақобат, мулоқот ва бошқа педагогик жараёнларни тўғри йўлга қўйишни тақозо қиласди. Шу жиҳатдан спорт жамоаларида фақат ихтисослик бўйичагина ишлар олиб борилиши етарли бўлмайди. Шунинг учун улар билан ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатдан таълим-тарбия ишларини режалаштириш, ғоявий, сиёсий ва маданий тадбирларни йўлга қўйиш зарур. Бу жиҳатдан болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва ўкув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари, спорт клублари тўгаракларида тартибли равишда ташкил қилиш, уларни ёшлиқдан тарбиялаш керакdir.

Спорт жамоаларининг ўкув машғулотлари ва бевосита спорт мусобақалари жараёнида маҳсус илмий тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилганига анча бўлди. Бу соҳада кўп таниқли олимлар ва ёш мутахассислар тадқиқотлар ўтказиб, ижобий натижаларга эришган. Уларнинг таъкидлашича, спортчилар қўйидаги тоифаларга бўлинади.

1. Энг юқори малакали спортчилар /халқаро тоифадаги спорт усталари/.

2. Юқори даражадаги спортчилар /спорт усталари/.

3. Ўрта меъёрли спортчилар /1-разрядлилар/.

4. Оддий спортчилар /2-3-разрядлилар/.

5. Спортга эндиғина қадам қўйганлар.

1980 йил Москвада бўлиб ўтган XXII Халқаро Олимпиада ўйинлари ҳамда кейинги йилларда Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда ўтказилган расмий халқаро спорт мусобақалари ҳамда Ўзбекис-

тон Республикаси халқлари спартакиадаси, ўқувчилар ва талабаларнинг спартакиадалари, универсиадалари пайтида қатор илмий тадқиқот ишлари ўтказилганлигининг гувоҳимиз. Бу тадқиқот жараёнларини ташкил қилиш ва бевосита ўрганишда қуидаги ҳолатларни аниқлашга мусасар бўлинган:

1. «Энг яхши мураббийларнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул?» — деган савол-жавобларда юқори даражали спортчилар талабчанлик, одамийлик, ҳозиржавоблик каби ҳислатларни кўрсатганлар.

2. «Мураббийларнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул эмас?» — деган саволга юқори даражали спортчилар кўпол, ўзини тутолмайдиган, мағлубиятда ўзини йўқотиб қўядиган ва ҳоказолар деб кўрсатганлар.

Спортга энди қадам қўйган ёшлардан «Мураббийларнинг қайси хислатлари сизга ёқади?» — деган саволга яхши муомала қилиш, машқларни доимо ўзи кўрсатиб бериши, яхши ўргатиши ёқишини таъкидлаганлар. «Мураббийнинг қайси томонларини ёқтиримайсиз?» — деган саволга эса барчага баробар муомала қилмаслиги, дўк уриши, хатоларни тузатишида дағаллик қилиши ва ҳоказоларни кўрсатишган.

Юқорида қайд этилганидек, жамоада мураббий ва ўйинлар /машқлар/ жараёнлари яхлит ижтимоий - психологик ва педагогик жараёндир. Спортчиларнинг ўз мураббийларига берган баҳолари ўта ҳаққоний ва тўғрилигига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки ҳақиқатдан ҳам мураббийларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатлари доимо ўзгариб туради. Вазмин, донишманд ва катта тажрибали мураббийлар ҳамма спортчиларга ёқади. Шу жиҳатдан олганда, талабалар, ёш мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари яхши раҳбар, мураббий бўлишга интилишлари, ҳаётий иш тажрибаларни ўзларида мукаммал шакллантиришлари лозим.

Спорт жамоалари раҳбарлари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари таълим-тарбия ишларини яхшилашда барча спорт машғулотлари жараёни ва аввалдан мулжалланган вақтларда суҳбатлар ўтказишни яхши йўлга қўйишлари лозим. Бунда:

- спорт машғулотлари ва ўйинлари /мусобақалар/ ижтимоий-психологик ва педагогик жараёнларга аниқ қаратилиши;

- олдига аниқ вазифалар қўйилиши;

- суҳбат режалари аниқ ва эҳтиёжга яраша бўлиши;

- суҳбатнинг таъсирили бўлиши учун вақт ва жой мос келиши;
- суҳбат жараённида аниқ мақсадларга эришиш;
- олинган ахборотлар, маълумотлар далил сифатида аниқ ва тўғри ҳаққоний бўлиши;
- суҳбатда мақсадга эришилгач, уни дарҳол тұхтатиш, бошқа вақтда давом эттиришга эҳтиёжни уйғотиш керак булади.

Суҳбатлар маълум масалалар бўйича чегараланган, мақсадга қаратилган ва эркин ҳолда бўлиши керак. Имкони борича суҳбатда барча қатнашчилар ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилишлари керак. Унинг якунида доимо барчадан қаноат ҳосил қилиши ва яна давом эттиришга қизиқишиш уйғотиши зарур.

Хулоса қилганда, жисмоний тарбия жамоалари, спортклублари, спорт жамоалари ва аҳоли ўртасида мақсадга қаратилган тарбиявий ишлар муҳим аҳамиятга эгадир. Раҳбар ходимлар, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, жамоати ходимлар ва спорт ихлосмандлари жисмоний тарбия—согломлаштириш ва спорт мусобақаларини ўюштириш жараёнларида эътиборларини маънавий-маърифий ва маданий фаолиятларни яхшилашга қаратиш лозим. Спортчилар ва томошабинлар, мураббийлар ва спортчилар ҳамда ташкилотчи ҳакамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар энг юқори савияда бўлишига қаратилиши лозим. Бунинг учун барча спорт жамоаларида, айниқса, болалар ва усмирлар спорт мактабларида, спорт машгулотларини ташкил қилиш жараёнларида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилиши, умум маданият ва миллий маънавиятимиз дурданалари, етук алломаларнинг илмий-педагогик мерослари ўқувчи-ёшларга сингдирилиши керак. Талабалар бу жараёнларни чуқур ўрганишлари ва ўзларида тўла мужассамлаштиришлари лозим.

### XIII. БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Бошқарувчилик фаолиятларида ҳуқуқий билимларнинг моҳияти.
2. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг меъёрий актлари.
3. Махсус меъёрий ҳужжатлар.
4. «Соғлом авлод учун» Давлат дастури. «Алпомиши» ва «Барчиной» махсус тестлари.
5. Спорт унвонлари ва даражаларининг тарбиявий моҳиятлари.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик тараққиёти йўлига киргач, миллий давлатчилик анъаналарига, қадриятларига мос келувчи бошқарувчилик фаолияти тизимини барпо этишни энг муҳим амалий масалалардан бири деб ҳисоблади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бошқарувчилик фаолияти бюрократларча марказлашув, номенклатура, ўз-ўзига хизмат қилиш, шахсий манфаатни устун қўйиш, демократияни тан олмаслик, буйруқбозлик, расмиятчилик, консерватизм тамоилларига асосланган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида демократия, иқтисодий муносабатларни демократлаштириш, юксак маънавият, миллий ҳафсизликни таъминлаш тамоилларига асосланади.

Бошқарышнинг ҳуқуқий асослари деганда ижтимоий муносабатларда юридик, қонуний таъсир ўtkазиш жараёнида қўлланиладиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи тушуннилади.

Ҳуқуқий меъёрлар давлат томонидан белгиланади. Агар ҳуқуқий меъёрларни жамоат ташкилоти чиқарса, у давлат томонидан тасдиқланади.

Бу борада жамиятимизни соғломлаштириш учун хизмат қиласидиган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқарувчилик фаолиятининг ҳуқуқий билимлари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни бошқаришда ҳуқуқий ва меъёрий актларни икки гурӯхга ажратиб ўрганиш ва ҳаётда қўллаш амалга оширилмоқда. Улар:

1. Давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий хужжатлар /Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фармонлар, қарорлар ва ҳоказолар/.

2. Спорт ташкилотлари ва уларнинг қўйи тармоқларида қўлланувчи ҳуқуқий-меъёрий актлар /низомлар, қарорлар, режалар, мусобақаларнинг қоидалари, спорт унвонлари, даражалар, спорт классификацияси ва ҳоказолар/.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги бошқа соҳалардаги каби жисмоний тарбия ҳаракатига ҳам қўпгина қонуний ҳуқуқлар, имтиёзлар берди. Умуман жисмоний тарбия, спорт ва саёҳат жараёнларида хизмат қилувчи ходимлар, жамоатчи фаоллар давлатни идора қилиш ҳақидаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишлари шартdir. Чунки жисмоний тарбия ҳаракати республикадаги юздан ортиқ ишлаб чиқариш тармоқлари, муассасалари, ташкилотлари, ўкув юртлари, янгидан ташкил қилинган концернлар, ассоциациялар ва бошқа нуфузли тармоқлар фаолияти билан чамбарчас боғланган. Бу эса жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш, айниқса, молиявий, хўжалик фаолиятларини қонун асосида бошқаришда зарурдир.

Ҳуқуқий билимларга эга бўлган ёки бошқаришнинг қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган жисмоний тарбия ходимлари ишлаб чиқариш корхоналари, тури мусобасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан мунозара қилиш, жиддий масалаларни ҳал этиш ва барча фаолиятларни бошқаришда қийинчиликларга дуч келмайди.


Бошқаришнинг ҳуқуқий воситалари деганда ижтимоий муносабатларга юридик, қонуний таъсир ўтказиш жараённада қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар мажмуй тушунилади.

Ҳуқуқий нормалар давлат (турли ташкилотлар орқали) ёки жамоат ташкилотлари томонидан чиқарилади ва тасдиқланади.

Ҳуқуқий нормалар турли қонуний хужжатлар, низомлар, бўйруқлар, фармойишлар ва ҳоказолар шаклига эга бўлади. Бошқариш амалиётида тенг ҳуқуқти бошқарув субъектлари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар бўлади. Бундай ҳолларда ҳуқуқий мувофиқлаштирувчи (координцион) ёки келиштирувчи хужжатлар чиқарилади.

Тенг хуқуқли томонларнинг хўжалик соҳасидаги ўзаро алоқалари хўжалик шартномаларини тузиш йўли билан тартибга солиб турилади.

Хуқуқий нормалар муаян санкцияларни назарда тутади. Қўлланиладиган таъсир чораларининг характеристига қараб, улар моддий, интизомий, жиноий-хуқуқий санкцияларга бўлинади.



### Хуқуқий нормалар санкцияси

Моддий жавобгарлик — бу корхонлар ва ташкилотларнинг, шунингдек, айрим мансабдор шахсларнинг зиммасига хўжалик фаолиятининг натижалари учун юклатилган масъулиятдир. Моддий жавобгарлик:

- жарималарда;
- пеняларда;
- жарималар ва ҳоказоларда ифодаланади.

Интизомий жавобгарлик — бу хизмат бурчларини бузиш, сунистъемол қилиш натижасида келиб чиқади. Бунда жазо қўйидаги кўринишларда бўлади:

- танбех;
- ҳайфсан;
- муайян муҳлатга маоши пастроқ ишга ўтказиш ва ҳоказолар,

Маъмурий жавобгарлик — бу юридик жавобгарлик тури бўлиб, вакил қилинган орган ёки мансабдор шахснинг қонунбузарлик қўлган шахсга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашида ифодаланади. Бундай жазолар турли-туман санкцияларда — начетлар (қайтариб олиниши зарур бўлган ҳаражат), жарималар ва ҳоказолар кўринишда бўлади.

Жиноий жавобгарлик — бу мансаб билан боғлиқ жиноят содир этилганда суд томонидан қўлланиладиган жазодир. Шундай қилиб:

Спорт ташкилотлари фаолиятини юргазиш ва у билан боғлиқ бўлган қонуний томонлар бу ташкилотлар низомла-

Моддий жавобгарликка  
Интизомий жавобгарликка  
Маъмурий жавобгарликка  
Жиноий жавобгарликка

- моддий зарап етказиш  
- интизомий ножӯя ҳаракат  
- маъмурий ҳуқуқбузарлик  
- жиноят асос бўлади<sup>1</sup>.

рида тўла баён этилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси «Ўзбекистон» спорт жамияти, шунингдек, «Динамо», «Ёшлик», «Тала-ба» спорт жамиятларининг Низом ва уставлари бунинг далилидир. Бу низомлар спорт ташкилотларининг ҳуқуқий меъёрий актларини ташкил этади. Шуни ҳам уқтириш зарурки, жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари ҳақида ҳам маҳсус низомлар мавжуд. Бу низомлар ўз жамоалари ва бошқарув жойларида ишлаб чиқилади ҳамда юқори давлат идоралари томонидан тасдиқланади. Уставлар эса спорт жамиятларининг республика анжуманларида тасдиқланади.

Барча низомларда жисмоний тарбия ва спорт ташкилот ва жамиятларининг вазифалари, ҳуқуқлари ва иш мазмунлари батафсил баён этилади. Спорт ташкилотлари ва барча давлат ҳамда жамоат ташкилотларига тегишли бўлган баъзи бир ҳуқуқий, меъёрий актлар мавжуд. Шу ҳужжатлар ўқув машғулотлари, оммавий соғломлаштириш спорт тадбирлари ва уларга шарт-шароитлар яратиш имкониятлари ҳақида асос бўлади. Булар Ўзбекистон Конституцияси, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, «Соғлом авлод учун» орденини таъсис қилиш тўғрисидаги фармон ва бошқа қарорлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Бу қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда, асосан «Фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқлари» /2-модда/, /3-модда/, «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортга раҳбарлик қилиш» /6-модда/, «Жисмоний тарбия ва спортни, соглом турмуш тарзини тарғиб қилиш» /9-модда/, «Жисмоний тарбия ва спортга маблаг ажратиш» /12-модда/, «Спортчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги» /25-модда/, «Профессионал спорт» /26-модда/ ва бошқа муҳим фаолиятлар акс эттирилган. Бундай қонунлаштириш ишлари республика аҳолисини жисмоний тарбиялаш, соғлиқни муҳофаза қилишдаги янги ҳуқуқий ҳужжатdir. Талабалар қонуннинг мазмунини тўла узлаштириб олишлари ва амалиётда қўллашлари зарур.

<sup>1</sup> М.Шарифхўжаев, Е.Абдулаев Менежмент “Ўқитувчи”, 179-бет, 2001

1992 йил 8 декабрда Республика Олий Кенгашининг XI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» қабул қилинди. Бунда аввалгидан фарқли улароқ, аҳолининг саломатлиги, ёшларнинг жисмоний камолоти ҳамда уларнинг Ватан ҳимоясига тайёргарлик кўришдаги жисмоний чиниқишилари қонуний белгилаб қўйилган.

Конституциянинг «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари» /IX боб/ бобининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деб кафолат берилган. Маълумки, билим бериш ўқув юртларида амалга оширилади. Ўқув жараёнинг таркибий қисми жисмоний тарбия ҳисобланади. Демак, ҳар бир ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия билан албатта шуғулланиши қонун билан белгиланган. Шунингдек, «Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхурлик қиласи» /42-модда/, деб белгиланган. Республика миллий маданият ва илмий техника соҳаси жисмоний тарбия, унинг барча турлари, воситалири, илмий асослари билан чамбарчас боғланган. Бу жабҳада ҳам жисмоний тарбия ва спорт ҳақли равишда қонун билан кафолатланган дейишга асослар бор.

Конституциянинг 52-моддасида: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар» деб кўрсатилган. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчи-ёшларнинг ҳарбий хизматга жисмонан эпчил, чаққон, кучли, чидамли бўлиб тайёрланишини тақозо этади.

Яна 56-моддада шундай жумла бор: «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фаҳрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади». Бу ўринда «Ўзбекистон», «Динамо», «Ёшлик», «Талаба», «Ватанпарвар» спорт жамиятлари назарда тутилган. Қолаверса, қайд этилган барча уюшма ва ташкилотлар фаолиятини жисмоний тарбиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

58-моддада «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради» деб жамоат ташкилотларининг, шунингдек, спорт жамиятларининг фаолияти ва имкониятларидан кенг фойдаланишга кафолат берилган.

“Болаларни оила ва мактабларда тарбиялаш” /63-66-моддалар/, уларнинг саломатлиги учун фамхўрлик қилиш каби вазифалар ҳам Конституцияда мазмун топган.

Ўзбекистонда «Мехнат жамоалари тўғрисида», «Соғлиқни сақлаш ҳақида», «Гаълим тўғрисида» ва бошқа жуда кўп қонунлар қабул қилинган. Уларда аҳолининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлигини муҳофаза қилиш, умрини узайтириш ва улар билан боғлиқ бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш масалалари олга сурилган.

Бошқариш жараёнларида ҳуқуқий билимларнинг маҳсус томонлари ҳам мавжуд. Бунда ижтимоий ҳуқуқ, ҳуқуқ номалари, уларнинг манбалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий ҳуқуқ ижтимоий ҳолатларни янгилаш, уни ривожлантириш мақсадида ижтимоий ва миллий муносабатларни бошқаришни яратиш, ҳуқуқ тартиби нормалари билан белгиланади ва ҳимоя қилинади.

Ҳуқуқ нормалари деганда кишиларнинг давлат томонидан белгиланган маълум ва умумий ҳуқуқлари тушунилади. Ҳуқуқ шакллари — бу ижтимоий миқдор бўлиб, у ижтимоий ва миллатлараро муносабатларни йўлга солиб туради.

Ҳуқуқларнинг манбалари актлар миқдори бўлиб ҳисобланади. Бу ёзма ҳужжатлар давлат органлари томонидан ўз ҳуқуқ доирасига қараб чиқарилади. Шуни эътиборга олиш керакки, давлат органларининг ҳар қандай актлари ҳам норматив бўлавермайди. Масалан, шахсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар — режали топшириқ, аниқ корхонага берилган топшириқлар ва ҳоказолар.

Норматив актларнинг олий юридик кучи қонундир. Бунга бошқа барча актлар бўйсунган бўлади. Қонунлар Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ҳуқуқни бошқаришда қўйидаги усуllар қўлланилади:

1. Ёзма фармойиш бериш.
2. Узаро келишув /шартнома тузиш/.
3. Таклиф этиш /ҳал қилинган масалани келишув йўли билан бажариш/.

Спорт ташкилотларида ходимларни ишга қабул қилиш тартиби умумий меҳнат қонунлари асосида олиб борилади. Шу сабабдан бу соҳада раҳбар ходимлар ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, огоҳлантириш ва бошқа имкониятларни билишлари зарур.

Жисмоний тарбия ва спортда ходимларни бошқариш тизими банд бўлган кишилар салоҳиятини ривожланти-

риш, улардан самарали фойдаланиш, уларга зарур шартшароитлар яратиб бериш бўйича тадбирлардан иборат.

Бу тизим қўйидагиларни ўз ичига олади:

- иш шароити;
- меҳнат муносабатлари; кадрларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш;
- ходимлар маркетинги;
- кадрларни ривожлантириш;
- меҳнатни рафбатлантириш воситаларини такомиллаштириш;
- ҳукуқий хизмат;
- социал тузилмани ривожлантириш;
- бошқаришни ташкилий таркибини ишлаб чиқиш тизими.

Жумладан ҳукуқий хизматнинг бошқариш обьектлари қўйидагилардан иборат:

- меҳнат муносабатларидаги ҳукуқий масалаларни ечиш;
- ходимларни бошқаришга таалуқли, фармойишли ҳужжатлар келтириш;
- ҳўжалик фаолиятида ҳукуқий масалаларни ечиш.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси» асосида олиб борилади ва икки томонлама шартномалар /контракт/ бир йил ва бир неча йилларга мўлжалланиб тузилади.

Сўнгги йиллардаги меҳнат фаолияtlари, умуман, шароитлар шуни тақозо қўлмоқдаки, ишга яроқли кишилар ўзларининг асосий иш жойлари ёки бошқа меҳнат жамоаларида ўриндош (совместитель) ҳамда соатбай /яrim ставка/ шаклида ишлаш ҳукуқларига ҳам эга бўлдилар.

Бир жойдан иккинчи жойга ишга ўтиш шартномаларда курсатилган тартиб ёки ҳукуқий кучга эга бўлган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ходимларга иш хақи тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Норматив даражалар» асосида белгиланган. Ходимларнинг маълумоти, иш стажи, илмий ва бошқа увонлари, даражалари, лавозимларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган даражада иш хақи ҳажми тайинланади.

Спорт ташкилотлари ходимларининг меҳнат интизомига риоя қилиши, илфор меҳнаткашларни тақдирлаш ёки меҳнат интизомини бузганларга тегишли чоралар қўриш каби фаолияtlар ташкилот раҳбари, касаба уюшмалари томонидан назорат қилиб борилади. Шу сабабли талаба-

лар бу иш тартиблари ва қонун-қоидаларни ўзлаштириб олишлари зарур.

Умуман олганда, бошқариш жараёнлари хуқуқ нормалари, меъёрий актлар асосида олиб борилса, фаолиятлар доимо ижобий самаралар беради.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини бошқаришда маҳсус хуқуқий-меъёрий актлар мавжуд бўлиб, улар спорт ҳаракатини тартибли бошқаришнинг асосий мезонлари хисобаланади. Улар:

1. Спорт қўмиталари, жамиятлари, спорт клублари, Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси ҳақидаги низомлар.

2. Спорт турлари бўйича «Халқаро миқёсидаги спорт устаси», «Хизмат кўрсатган спорт устаси» унвоnlари ва кўйи босқичдаги даражалар /разрядлар/нинг нормативларини белгиловчи спорт классификацияси.

3. «Алномиши» ва «Барчиной» маҳсус тестлари, унинг низоми.

4. Спорт турлари бўйича мусобақаларнинг низомлари, ўйин қоидалари.

5. Спорт турлари бўйича ҳакамлар, жамоатчи фаолларни тайёрлаш низомлари.

6. Мусобақаларнинг календар режаси.

7. Мусобақаларнинг протоколлари (баённомалари).

8. Байроқлар, рамзлар (эмблема), кўкракка тақадиган нишонлар ва ҳ.к.

Уларнинг мазмунлари ва намуналари билан алоҳида танишиш ва ўрганиш жараёнлари амалий ҳамда мустақил машғулотларда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати, уни бошқарувчи мутасадди ва ёрдамчи ташкилотлар, муассасалар ҳамда ўқув юртлари хуқуқий-меъёрий фаолиятларга эгадир. Давлат қонунлари, хукumat қарорлари ва амалдаги маҳсус хуқуқий-меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш ва уларни ҳаётда қўллаш, уларга амал қилиш ҳар бир мутахассис ходимнинг асосий бурчидир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, хуқуқий-меъёрий ҳужжатларга таяниш мақсад ва вазифаларни амалга ошириш билан биргаликда, мутахассислар, спортчилар ва ўқувчи - ёшларнинг миллий қадриятлар асосидаги маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашда ҳам хизмат қиласади.

#### **XIV. СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТ АСОСЛАРИ**

1. Молиялаштириш ва моддий-техник таъминот хақида тушунча. Давлат бюджетидан фойдаланиш.

2. Касаба юшмалари, корпорациялар, тижорат ва жам-фарма юшмаларининг жисмоний тарбия ва спортни молиявий жиҳатдан таъминлашдаги фаолиятлари.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўзини-ўзи моддий таъминлаш, пуллик хизматлар.

4. Спорт ташкилотлари ва уларнинг бошлангич жамоаларида смета тузиш тартиблари.

5. Спорт буюмларини ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва харид қилиш тартиблари.

Молиялаштириш тушунчаси, бепул ресурсларни ҳосил этиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Жисмоний тарбия ва спортда тақсимлаш вазифаси икки босқичда амалга оширилади. Бирламчи тақсимлаш ташкилот, корхона ва муассасалар ичида юз беради. Иккиламчи тақсимлаш корхона, ташкилотлар ва давлат ўртасида юз беради. Бунда давлат солиқлар ва солиқдан ташқари мажбурий тұловлар воситасида корхона маблагининг бир қисмини ўз ихтиёрига олиб, уни қайта тақсимлайди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рағбатлантириш вазифаси молия воситасида иқтисодий фаолликни құллаб күватлашдан иборат. Бунинг учун солиқлардан сийлов берилади.

Бунинг натижасида спортнинг күргина соҳаларига бериладиган молиявий күмак, олинган фойданинг 1%дан ошмаган миқдорда солиқлардан озод қилинади, футбол соҳасида эса бу күрсаткич 5% миқдорида.

Республикадаги бозор иқтисодиёти муносабатлари ва ислоҳотларининг барча босқичлари ҳамда даврларида жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масалалари ўзига хос хусусиятлар асосида амалга оширилмоқда. Давлат бюджети ва таъминоти жисмоний тарбия ва спорт ишларига анча чекланган ҳолда ажратилмоқда. Бу жиҳатлар спорт ташкилотлари ва

жамиятнинг хўжаликни юритиш, пуллик хизматлар (ижара, тижорат, спорт иншоотларида соғломлаштириш гурӯҳлари, пуллик мусобақалар ва ҳ.к.) фаолиятларини юритишни талаб этади. Бундай фаолиятлар ўзини ўзи молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашдек бутунги кунда одатий тусга айланди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик, тижорат ишларини кенгайтириш ва уларга маълум имтиёзлар бериш ҳақидаги қарорларида ишлаб чиқариш корхоналари, савдо, тижорат ва шахсий хўжаликларнинг жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш фаолиятида ҳомийликка кенг ўрин берилмоқда. Бу жиҳатлар Ўзбекистоннинг демократик давлат қуришдаги илк фаолиятларининг намуналаридан биридир.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон партия ва ҳукумати томонидан жисмоний тарбия, спорт ва саёҳатларни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Буни ҳозирги мавжуд бўлган кўп сонли спорт иншоотлари, соғломлаштириш марказлари ҳамда оромгоҳлари, олиб борилган илмий тадқиқотлар, тайёрланган ходимлар, ўтказилган спорт мусобақалари ва бошқа кўрсаткичлар мисолида қуриш мумкин.

Ўзбекистон мустакиллиги шароитида эса юқорида қайд этилган соҳаларни янада ривожлантириш, айниқса, соғлом авлодни тарбиялаб ётиштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Андижон ва бошқа шаҳарларда теннис кортларининг куриб битказилиши, спортчиларнинг Осиё ўйинлари ва бошқа Халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишлари, олий ўқув юртлари юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, аҳоли ўртасида миллий ҳалқ ўйинларини ўтказиш ва шунга ўхшаш жуда кўп эътиборга лойиқ тадбирларни тилга олиш мумкин.

Мактабгача болалар муассасалари, барча турдаги ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, аҳоли турар жойлари ва дам олиш масканларида оммавий соғломлаштириш ва спорт ишларини ташкил қилишга сарфланаётган моддий маблағлар бевосита давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари, ҳомийлар ва айрим шахслар томонидан берилаётган моддий маблағлар буғунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда олиб берилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари маънавий-маърифий ва миллий маланиятнинг ривожланиши аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантиришни тақазо этади. Бу жараёнлар, энг биринчи навбатда, моддий-техник базани такомиллаштириш, иктиносли ходимлар тайёрлаш ва улар-

нинг амалий малакаларини ошириш, бу фаолиятлар билан боғлиқ моддий манбааларни кўриб чиқиш, уларни талаб ва эҳтиёж даражасида ҳал этиш энг мураккаб ва долзарб муаммолидир.

Халқаро спорт ҳаракатида Узбекистоннинг обрўйини ошириш, бунинг учун талаб этиладиган барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш эса ўта муҳим вазифадир. Бу вазифаларни ҳал этишда Республика хукумати, айниқса Президент И.А. Каримов тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада республикамиз спортчилари жаҳон спорт майдонидаги мавқеларини табора ошира бориб, улкан муваффақиятларга эришмоқда. Хиросимада (Япония) ўтказилган XII Осиё ўйинлари (1994 йил) якунлари, Сеул, Париж, Москва ва бошқа шаҳарларда ўтказилган расмий халқаро мусобақалар, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Наманганд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ўтказилаётган халқаро турнирлар, уртоқлик учрашувлари, Тошкент, Олмати, Бишкек ва бошқа шаҳарларда ташкил қилинаётган Марказий Осиё ўйинлари буларнинг далилидир. Маълумки, бу улкан тадбирларни ташкил қилишнинг ўзи бўлмайди. Жуда катта тайёргарлик, ташкилий ишлар таркибида улкан молиявий ҳаражатлар ҳам ётади. Бу масалаларни ҳал этишда маҳсус иқтисодий билимлар, замонавий иш тажрибалари, менежмент, маркетинг, тадбиркорлик каби фаолиятларни ўзлаштириш ҳар бир раҳбар ходим ва мутахассисдан талаб этилади.

Кейинги йилларда спорт ташкилотлари ва уларнинг қўйи жамоаларида фаолиятларни моддий-техник жиҳатдан ташкил қилиш ва бошқариша катта тажрибалар вужудга келди. Бунда Туркия, Корея, Япония ва бошқа йирик ҳорижий мамлакатларнинг иш тажрибалари анча кўл келмоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ислоҳотлари даврида жисмоний тарбия ва спорт ишларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масалалари турли-туман шаклларда амалга оширилмоқда.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, турли вазирликлар орқали ўқув жараёнларини таъминлаш давлат томонидан амалга оширилмоқда. Ўқувчи-ёшлар ва спортчиларнинг спорт машгулотлари, мусобақалари билан боғлиқ фаолиятлар эса хужаликни бошқариш ва ўзига-ўзи хизмат қилишдан келган молиявий манбалар ҳисобига бўлмоқда. Спорт иншоотларини таъмирлаш ва янгидан куриш масалалари ҳам худди шу ҳисоблардан, шунингдек, турли жамғармалар, ҳомийлар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг қўмагида ҳал этилмоқда.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун ва Узбекистон Республикасининг Конституциясида баъзи бир имтиёзлар аҳолининг оммавий согломлаштириш ва спорт тадбирларини ташкил қилишда хизмат қилмоқда. Яна давлат ва жамоат ташкилотларининг моддий манбалари мактабгача болалар муассасалари, ногиронлар, фахрийлар, меҳнатта яроқсиз кишилар қарамогида бўлган болалар, кам таъминланган оиласалар ва шунга ўхшашиб томонларга сарф этилмоқда.

Спорт клублар, яхши спорт комплексига эга бўлган жамоалар ва янгидан ташкил қилинган тижорат, савдо ва ишлаб чиқариш корхоналари пуллик хизматлар эвазига согломлаштириш тадбирлари, ижара хизмати ва бошқа йўллар билан молиявий манбаларни бойитмоқда. Бу иш услублари тобора кенг тармоқ отмоқда. Бунда тадбиркорлик фаолиятлар анча самаралар бермоқда.

Яна шуни ҳам эслатиш жоизки, республиканинг қишлоқ жойларида ва узоқ худудларида спорт иншоотлари, ўйин мойдонлари, согломлаштириш оромгоҳларини ҳашар йўли билан куриш тажрибалари давом этмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикада жисмоний тарбия ва спорт ишларини молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва турлари «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунда аниқ белгиланган. Ундан қуйидаги ибораларни келтириш мумкин: «Жисмоний тарбия ва спортни маблағ билан таъминлаш республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, касаба уюшмаларнинг маблағлари, аъзолик бадаллари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар ихтиёрий равишда берадиган маблағлар, томошабоп спорт тадбирлари ва спорт лотореяси ўйинлари ўтказишида, аҳолига хизматлар курсатишдан келадиган тушумлар, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг ажратмалари ва бошқа тушумлар ҳисобидан амалга оширилади»<sup>1</sup> (12-модда). Қонуннинг шу моддасида яна шундай аниқ курсатмалар мавжуд. Яъни жисмоний тарбия ва спорт соҳаси республика бюджетида алоҳида моддада акс этирилади. Пул билан таъминлаш ҳажмларини аҳоли жисмоний тарбияси ва оммавий спортни маблағ билан таъминлаш олий тоифадаги спортчиларни тайёрлашга маблағ ажратишга нисбатан устун эканлигини ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашилари белгилайди. Бу жиҳатлар янги таҳирдаги қонунда янада сай-қаллаштирилган.

<sup>1</sup> Узбекистоннинг янги қонунлари, № 5 1993 й. “Адолат” нашриёти, 210-бет.

Таъкидлаш зарурки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ҳаракатига сарфланаётган давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг маблағларини ўрганиш, уларни ҳисоб-китоб қилиш ва илфор тажрибаларини ҳаётга сингдириш масалалари етук иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг миқдори янада ошиди.

Давлат бюджетидан ажратилган пуллар қуидагиларга сарфланиши мўлжалланади:

1. Спорт иншоотларини қуриш ва уларни таъмирлаш.
2. Спорт ташкилотлари ходимларини моддий таъминлаш (иш хақи).
3. Жисмоний тарбия ўқув юртлари ва спорт мактабларини сақлаш.
4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш.
5. Спорт мусобақаларини ўтказиш, ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилиш.
6. Спорт буюмларини ишлаб чиқариш.

Ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, қўмиталар ва бошқа давлат тасарруфидаги ташкилотлар жисмоний тарбия ва спорт ишларига юқорида қайд этилгандек пул ажратади ва сарфлайди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларининг тури босқичларида спорт соҳасида ҳўжаликларни юритиш, спорт иншоотлари ва буюмларини ижарага бериш, пуллик хизматларни ташкил қилиш, тижорат ишларини юритишини давр тақозо этмоқда. Бундай тадбирларни ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятларини ривожланиришда «Трактор», «Тўқимачи», «Ёшлиқ», «Пахтакор», «Навбаҳор», «Сўғдиёна», «Нефтчи» ва бошқа кўпгина клублар катта фаолият кўрсатмоқда. Улар барча фаолиятларини пул билан таъминлашда тўла имкониятларга эгадир. Яъни ўз-ўзини таъминлаш ҳўжалик ҳисобидаги жамоалардан ҳисобланади.

Бундай иш тажрибалари ҳозирги кунда ҳам маълум даражада кенг қўлланилмоқда. Масалан, Футбол федерацияси, Бокс федерацияси, Ўзбек кураш ассоциацияси ва бошқаларга давлат ташкилоти раҳбарлари бошчилик қиласидилар. Бошқариш ва молиялаштиришнинг бундай усуллари катта ва оммавий спортнинг ривожланишига ҳисса кўшиши турган гап.

Юқорида давлат бюджети тўғрисида фикрлар билдирилди. Бюджет бу маҳсус молиявий ҳужжат бўлиб, келган

даромадларнинг йифиндиси ва уни сарфлаш тартибидир. Бу қонуний, хуқуқий, молиявий ҳужжат касаба уюшмалари, концернлар, ассоциациялар, турли уюшмаларда ҳам мавжуд. Бундай бюджетларда бошқа соҳалар каби жисмоний тарбия ва спортга ажратилган маблағлар аниқ белгиланади. Бундай идоралар ва ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спортга ажратадиган пул маблаглари, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида бевосита талқин қилинган.

Республика касаба уюшмалари «Ўзбекистон» спорт жамияти, «Динамо», «Ёшлик», «Талаба», «Ватанпарвар» спорт жамиятларининг ўз бюджетлари мавжуд. Улар ўз хаузиналарини қўйидаги манбалардан тўлдиради:

1. Жамият аъзолиги бадаллари.
2. Пуллик хизматлар, жамғармалар ҳамда ҳомийларнинг ажратмаси.
3. Тижоратдан тушумлар.  
Бюджетдаги маблағлар қўйидаги соҳаларга сарфланади:
  1. Спорт ва ўйин майдонларини куриш, таъмиrlаш.
  2. Спорт буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш.
  3. Спорт мусобақалари ва оммавий соғломлаштириш тадбирларини ўtkазиш.
  4. Мураббийлар ва хўжалик ходимлари ҳамда раҳбарларга иш ҳақи бериш.
  5. Ўкув машғулотлари, йиғинлар ташкил қилиш.

Бу ҳаражатлар маҳсус молиявий ҳужжат — смета орқали амалга оширилада. Смета ташкилотлар ва жамиятларнинг иш соҳасига қараб турли хил моддалардан тузилган булиши мумкин. Қўйида ўкув юртлари сметасидан намуна келтирилади.

- 01.1.00 - иш ҳақи
- 01.2.00 - иш ҳақидан тўловлар
- 01.3.00 - йўлланма, турли хизматлар
- 01.4.00 - коммунал хизматлар учун ҳаражатлар
- 01.5.00 - алоқа хизматлари ҳаражатлар
- 01.6.00 - жорий ремонт учун ҳаражатлар
- 01.7.00 - турли ҳаражатлар
- 01.8.00 - асбоб-ускуна ва жиҳозлар
- 01.9.00 - турли бошқа ҳаражатлар (солиқлар ва бошқа)
- 02.0.00 - Фоиз тўловлар
- 03.0.00 - Субсидиялар ва бошқа трансферт тўловлар
- 04.1.00 - капитал ҳаражатлар
- 04.2.00 - курилиш ҳаражатлари ва ҳоказо.

Республика, вилоятлар ва туманлардаги «Ёшлик», «Ўзбекистон» спорт жамияти ва уларнинг қўйи жамоала-

рида смета тузилади ва унинг асосий моддалари жисмоний тарбия ва спорт ишлари қуйидагича белгиланади:

Ўқув-спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари,  
иш ҳақи,  
спорт иншоотларида хўжалик фаолиятлари,  
капитал қурилиш ва таъмирлаш ишлари,  
спорт жиҳозларини ҳарид қилиш ва ҳоказолар.

Соғломлаштириш гурӯҳлари ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш фаолиятларида спорт клублар ёки ташкилот ходимлари ҳокимиятлар, молия идоралари билан шартномалар тузиши ва шу асосда тегишли тўловларни беришлари шарт.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида спорт жиҳозларини сотиб олиш масалалари қанчалик қийин бўлмасин, унинг баъзи бир тартиб ва қоидаларини билиш маъкулдир.

1. Имконияти бор жамоалар қонуний равищда тегишли жиҳозларни нақд пулга сотиб олиш.

2. Савдо ташкилотлари билан келишган ҳолда пул ўтказиш /перечисление/ йўли билан жиҳозларни ҳарид қилиш.

Ҳарид қилишни иккала шаклида ҳам расмий хужжатлар талабдагидек бўлиши керак. Пул ўтказиш йўли билан ҳарид қилинганда қўйидагиларга амал қилинади:

1. Ҳарид қилинадиган жиҳозлар рўйхатини аниқлаш ва унга бериладиган пулларни аниқ белгилаш.

2. Савдо дўконларига ёзма хат билан мурожаат қилиб, зарур жиҳозлар учун шартнома (договор) тузиш ва ҳисоб /счет-фактура/ қофозини олиш.

3. Счет-фактура орқали банкдан пулни дўконга ўтказиш /поручение/.

4. Ишонч хати /доверность/ билан дўкондан жиҳозларни олиб келиш.

Яна шуни ҳам билиш лозимки, жиҳозларнинг турларига /темир, ёғоч, резина, жун, чарм, синтетика, трикотаж ва ҳоказодар/ қараб, уларнинг яроқлилик муддатлари белгиланган. Ўша муддатлар тугагач, буюллар ҳисобдан чиқарилади. Бунда жамоа раҳбарияти маҳсус комиссия тушиб, бу ишни амалга оширади /акт тузилади/.

Жисмоний тарбия ва спорт ишларини молиявий таъминлаш масалалари соҳаларга қараб кўп тармоқли ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам раҳбарият ёки мутахассислар, талабалар молиялаштиришнинг ҳозирги даврдаги тартиб қоидаларини яхши билишлари, илгор тажрибаларни чукур ўзлаштириб уни такомиллаштириш йўлларидан боришлиари мақсадга мувофиқдир.

## II ҚИСМ

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ, ЧЕТ МАМАЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ХАЛҚАРО СПОРТ ҲАРАКАТИ ВА ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚУМИТАСИННИНГ ФАОЛИЯТИ

#### XV. СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТ ФАОЛИЯТЛАРИ

1. Спорт менежментининг пайдо булиши, унинг жисмоний тарбия ва спортни бошқаришдаги аҳамияти.
2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида менежмент асослари, уларнинг тушунчалари.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний тарбия ва спорт тизимини ташкил қилиш ҳамда бошқариш.
4. Менежментлик, ундан жисмоний тарбия ва спорт тизимида фойдаланиш, менежмент функциясининг таҳлили, спорт ташкилотлари фаолиятларининг афзаликларини баҳолаш.
5. Спорт менежментида молиявий-иктисодий ва хукуқий асослар. Спортчиларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялаш.

#### 15.1. Спорт менежментининг пайдо булиши, унинг жисмоний тарбия ва спортни бошқаришдаги аҳамияти

Менежмент инглизча сўз бўлиб, бошқариш, ижодий иш маъноларини англатади. Бу, асосан ишлаб чиқариш, маҳсулотларни бозорга, айниқса, четга чиқариш, улардан олинган фойдаларни зарур томонларга ишлатишдаги бошқарув фаолиятларида кўпроқ кўлланади.

Маълумки, бу фаолиятлар саноат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлган, энг ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан бўён қўлланниб келинади. Бу мамлакатларда менежмент жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ҳам қамраб олган.

АҚШ, Япония ва бир қатор Европа мамлакатларида спортчиларни таңлаш, тайёрлаш, уларнинг энг нуфузли спорт мусобақаларида ютуқларини таъминлашда менежментлик /бошқарув/ хусусиятлари анча устун туради. Яъни ўтказилалигандан тадбирлар, голиб спортчилар эвазига мөддий маблағлар тушумига /фойда/ эга бўлиш асосий фа-

лият ҳисобланади. Спорт соҳасидаги менежментлик фаолиятлари Ўзбекистонда тұла таркиб топған әмас. Чунки мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортта раҳбарлық қилиш чет мамлакатлардаги спорт ташкилоттарининг менежментлик ишларидан тубдан фарқ қиласы. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ва муносабатлари бошқа соҳаларга менежментлик иш усулларини аста-секин киритиб келмоқда. Спортындағы рақобатчилик ва молиявий-хұжалик иш юритиш усулиминиз бозор иқтисодиёти муносабатларига тұла үтгач, спорт менежменти ҳам тұла таркиб топиши ва тақомиллашиши мүмкін бұлади. Бу, үз нағватида, юртимизда жисмоний тарбия ва спорттың ривожлантириш, спорт менежменти соҳасида мутахассис ходимларни тайёрлаш ҳамда уларнинг янги йұналишдаги фаолиятларини такомиллаштиришда мұхым ажамиятта эта бұлади.

## 15.2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида менежмент асослары, уларнинг түшунчалары

Әнг аввало таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда спорт менежменти соҳасида /давлат тилида/ маҳсус ўкув ёки услугбий құлланмалар яратылған әмас.

Профессор Т.Т.Юнусовнинг ўкув құлланмасида қайд қилишича, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги менежмент фаолиятлари асосан чет мамлакатларда күп учрайди ва уларни үрганиш, таҳлил қилиш ҳамда мамлакатимиз шароитига мослаб құллаш зарурияты мавжуддир.

Шунга күра жисмоний тарбия ва спортта менежменттің қуйидаги асосларини билиш лозим бұлади.

1. Менежер /раҳбар/ асосий мақсадларни аниқтайди ва ҳар бир соҳадаги гурұхларда иш сифатларини белгилайди, мақсадларға эришиш йүлларини ишлаб чиқади, үз ҳамкорлари ва фаолиятта зарур бўлган кишилар олдига вазифалар қўяди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра (Сацков В.М. ва бошқалар) менежерларда қуйидаги сифатлар бўлиши зарур:

- аклнинг амалийлиги — үз билимларини амалда құллаш; мұомаланы билиш — одамларга очиқ муносабатда бўлиш, яхши сухбатдош бўла олиш;
- аклнинг чуқурлиги — воқеаларнинг чуқур мөхиятинини англай олиш, сабаб ва оқибатларни кўра олиш ва асосийини танлай олиш;

ташаббускорлик	— ижодий фазилатларни кўрсатиш, фикр ва таклифларни олдинга сурош ва бошқалар;
фаоллик	— тезкорлик билан иш олиб бориш, амалий масалаларни ечишда қатъийлик;
қатъийлик	— иродани ишга солиш, ишни охирiga етказиш;
ўзини тута билаш	— ўзининг ҳис-туйғуларини назорат қила олиш, мураккаб вазиятларда ўз тартиб-ҳаракатини сақлай олиш;
синчковлик	— кура билиш, кўрган нарсаларни ёдда сақлай олиш;
ишchanлик	— чидамлилик, оғир ишларни олиб бора олиш, узоқ вақтда чарчамаслик;
тартиблилик	— ўзини зарурий режимга кўра бўйсундира олиш, ўз фаолиятини режалаштириш;
мустақиллик	— ўзига жавобгарликни олиш, масалани мустақил ҳал қила билиш.

2. Менежмент мақсадга эришиш учун фаолиятларининг турларини ташкил этади ва қарорлар қабул қиласди, муносабатларни ташкил қиласди. Умумий бошқаришни гурухларга ажратган ҳолда амалга оширади ва унда иштирок этиувчиларни танлаб олади.

3. Менежер турли соҳалардаги масъул ходимларидан жамоа /команда/ тузади ва мотивлаш ва коммуникациялашни ҳимоя қиласди.

4. Менежерларнинг энг муҳим ва бош фаолияти ўлчаш /измерение/ ҳисобланади.

Бунда у ҳар бир соҳа ва масъул ходимнинг ягона аниқ ўлчамларини аниқлайди, яъни қилинадиган меҳнат ва унинг натижаларида аниқ кўрсаткичлар бўлишига кўмаклашади. Натижаларни ўрганиб, таҳдил этади ва улар ҳақида ўз раҳбарларига маълумот беради.

5. Менежмент хизматчиларининг профессионал жиҳатдан ўсиши ва тақомилига таъсир этади. Барча фаолиятларни юритиш ва ходимларнинг меҳнатдаги ҳаётини ривожлантиришда менежерлик ишлари катта аҳамиятга эгадир.

### **15.3. Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний тарбия ва спорт тизимини ташкил қилиш ҳамда бошқариш**

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари аввалдан мавжуд бўлиб, уларнинг тизимлари ҳам ҳозирги шароитлар асосида фаолият курсатиб бормоқда. Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг давлат идоралари тизимида бош вазифани бажарувчи Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳисобланади. Шунингдек, ўкув юртлари ва бошқа тарбиявий муассасаларда ҳам жисмоний тарбия ва спорт ишлари маъсул вазирликлар, қўмиталар, компаниялар, корпорациялар ва ҳоказолар томонидан амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, давлат тизимини ташкил этади. Турли спорт жамиятлари, уларнинг қўйи тармоқлари ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича уюшмалар /Федерациялар/, ассоциациялар ва ҳоказолар эса жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг жамоат тизимлари ҳисобланади.

Бу икки йўналишдаги асосий тизимларда менежерлик хусусиятига эга бўлган ўз-ўзини молиявий таъминлаш мақсадида хўжалик юритиш, пуллик хизмат ва ҳомийлик соҳалари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган турли ислоҳотлар, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг янги босқичлар сари қадам қўйишида жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг янги шакл ва мазмунлари юзага келмоқда. Янги жамоалар /команда/, федерациялар, ассоциациялар, мустақил фаолият кўрсатувчи спорт клублари, соғломлаштириш марказлари ва ҳоказолар менежерлик фаолиятига кириб бориш имкониятларига эга бўлмоқда.

### **15.4. Менежерлик, ундан жисмоний тарбия ва спорт тизимида фойдаланиш: менежмент функцияси таҳлили, спорт ташкилотлари фаолиятининг афзалликларини баҳолаш**

Менежмент соҳасида энг муҳим бўлган икки маҳсус вазифа устун туради, яъни:

1. Катта маҳсулот берувчи ва уни таъминловчи тизимни яратиш, яъни сарф бўлган куч ва моддий ҳаражатларни ошириб бажариш бирлик тизимини вужудга келтириш.

Менежер ҳар бир қарори ва фаолиятида тез ҳамда келажакда бўладиган ишларни ҳар томонлама ҳал қилишга

сафарбар этиши лозим. Шу сабабдан менежер ўз фаолиятларини илмий жиҳатдан доимий равища таҳлил қилиб бориши тақозо этилади. Бу жиҳатлар спорт жамоалари, спорт клублари, спорт иншоотлари, соғломлаштириш марказлари ва шунга ўхшаш соҳалардаги мураббийлар, раҳбарларнинг фаолиятига маълум даражада монанд /мос/ келиши мумкин. Шу сабабдан мамлакатимизда савдо, тижорат, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни четга чиқарувчи муассасалар, ишлаб чиқариш жамоаларининг иш тажрибаларини чукур ўрганиш зарурияти туғилади. Чунки спорт ташкилотларининг у ёки бу тармоғи, соҳасидаги фаолиятларда энг аввало моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлашда айрим муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун эса жамоалар /команда/, спорт клублари ўз фаолиятлари билан халқаро спорт майдонлигига эркин чиқишлиари, жаҳондз мавжуд бўлган менежментлик фаолиятларини ўрганганд ҳолда уларни ўзлаштириб олишлари зарур.

Таъкидлаш зарурки, халқаро миқёсда кечеётган менежментлик фаолиятларининг ички тузилиши, уларнинг иш тамойиллари бизгача тўла етиб келмаганилигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг ўзига хос бўлган тамойилларидан келиб чиқиб фаолият курсатиш лозим.

### **15.5. Спорт менежментида молиявий-иктисодий ва ҳукуқий асослар. Спорчиларнинг иктиносидий-ижтимоий ҳимояланиши**

Жисмоний тарбия ва спорт халқ ҳужалигида мустақил тармоқ сифатида мавжуддир ва маълум даражада давлат ҳамда жамоат ташкилотларига моддий-маънавий маҳсулот беради. Буларни қуйидаги фаолиятларда кўриш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг саломатлигини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш.

2. Спорт иншоотлари, спорт марказларида соғломлаштириш гурухлари, пуллик мусобақалар /чишта билан кириш/, ижарага бериш ва ҳоказолар орқали моддий-техник таъминотлар.

3. Халқаро спорт мусобақалари, Олимпия ўйинлари ва бошқа йирик тадбирларни ўтказиш билан оммавий ахборот воситалари, телерадио тармоқлари орқали моддий маблағларнинг кирими.

4. Етакчи ва иқтидорли спортчилар, мураббийлар, илмий ходимларнинг ҳорижий мамлакатлар билан шартномалар /контракт/ тузиш йўли билан келадиган даромадлар ва ҳоказолар.

Бундан маълумки, ҳалқаро спорт ташкилотлари ва менежерларнинг баъзи бир амалий тажрибалари мамлакатимизга кириб келмоқда ва улар маълум даражада ўз фойдалари билан эътиборга олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар, идораларнинг расмий қарорлари ҳамда Низомлари асосида спортдаги менежментлик фаолиятларига расмий ҳуқуқлар берилган, яъни жамоалар /команда/, раҳбарлар ва спортчиларнинг ҳорижий мамлакатларга чиқиши, улар билан шартномалар тузиши ва бошқа фаолиятлар қонунлаштирилган.

Ўзбекистонда етук спортчилар, уларнинг мураббийларини, айниқса, жаҳон ва Олимпия ўйинлари галиблари ни тақдирлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилган. Масалан, XXVII Олимпия ўйинлари, ўзбек кураши бўича ҳалқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари совриндорлари енгил автомашиналар, АҚШ долларлари билан тақдирланади.

Хулоса қилганда, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги менежментлик фаолиятлари аста-секин шаклланмоқда. Улар буюк келажак ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

## XVI. СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАРКЕТИНГ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Маркетинг тизими, унинг асосий тушунчалари.
2. Маркетингнинг асосий тамойиллари ва вазифалари.
3. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига маркетинг-нинг кириб келиши.
4. Спорт маркетинги. Спорт рекламаси, режалаштириш воситалари ва уларни ташкил қилиш йўллари.
5. Халқаро Олимпия Кўмитаси, Миллий Олимпия Кўмиталари, Халқаро спорт ташкилотларининг фаолиятида маркетинг хусусиятлари.

### 16.1. Маркетинг тизими, унинг асосий тушунчалари

Спортдаги маркетинг фаолияти Россия ва Европадаги мустақилликка эришган сабиқ Иттифоқ Республикалари-нинг жисмоний тарбия институтларида мустақил ўкув жараёни ҳисобланади. Москвадаги Марказий жисмоний тарбия институти ўкув режасида «Жисмоний тарбия ва спорт иқтисодиёти ҳамда бошқариш» алоҳида фан сифатида спортдаги менежмент ва маркетингни ўз ичига олади. Бу соҳада мутахассис олим М.Е.Кутеповнинг «Маркетинг в зарубежном спорте» /1993/ номли ўкув қўлланмаси муҳим аҳамиятга эгадир. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, Ўзбекистонда спорт фаолиятига маркетинг чукур сингиб етганича йўқ ва шу сабабдан маҳсус ўкув ва услубий қўлланмалар ҳам /спорт соҳасида/ тайёрланган эмас. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда М.Е. Кутеповнинг ўкув қўлланмасини асос қилиб олишга тўғри келади.

Маркетинг фаолияти икки қисмга, яъни классик ва ҳозирги даврга ажратилади.

Классик давр, ҳорижда яна уни чекланган /огрониҳи-ний/ деб ҳам юритилади. Бунда қуйидагича ифода мазмун топган:

- Маркетинг моллар /товар/ ва хизматларни ишлаб чиқарувчидан талабгорга /харидор/ етказишни бошқарувчи тадбиркорлик фаолияти.

- Маркетинг ижтимоий жараён сифатида талабларни қондиришда товар ва хизмат фаолиятларини прогнозлаш, уларни кенгайтириш, ўтказиш /сотиш/ масалаларини ҳал қиласи.

Маркетинг фаолиятини ҳориждаги мутахассислар қўйидаги тизимларга ажратади:

- Маркетинг — алмаштириш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондирувчи инсон фаолиятининг бир тури /Ф.Котлер/;

- Маркетинг — бу тижорат /бизнес/ соҳасидаги жараён ёки ҳаракатнинг йўналишидир /Г. Дж. Болт/;

- Маркетинг — бу талабгорларга /харидор/ товарларни тақлиф этувчи санъатдир, яъни баҳони тўғри қўйиш, уларни ўтказиш йўллари ва рекламаларни танлаб олиш хизматидир;

- Маркетинг — моллар ва хизмат фаолиятини айрим шахс ёки ташкилотларга алмаштириш йўли билан фикрлар, режалаш, тояларни олдинга силжитиш ва уларни амалга оширувчи жараёндир. /Америка маркетинг ассоциацияси/.

Бозор иқтисодиётида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида маркетингнинг асосий хусусияти уч йўналишнинг бирлашувидан иборат. Инглиз иқтисодчиси Брадфорднинг схемасига кўра қўйидагича:



Маркетинг фаолияти шу тарзда ҳар хил ифодалансада унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари асосан ишлаб чиқариладиган товарларни турли йўллар, яъни реклама, афиша, кўргазма йўллари билан харидорларга тақдим этиш ва уларга ўтказишдан /сотиш/ иборатдир, дейиш мумкин.

### СПОРТ СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ ТУШУНЧАСИ

«Мавжуд бўлган адабиётларни таҳдил қилиш натижасида айтиш мумкинки, — дейди М.Е.Кутепов, — спорт соҳасида илмий жиҳатдан асосланган маҳсус тизим йўқ, амалда фаолият кўрсатайтган мутахассис ходимлар маркетингнинг умумий йўналиши ва усусларидан фойдаланаётган кўринади». Бунга Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда қарабса, маркетингни ҳали тўла шаклланмаганинги билиш мумкин.

Спорт маркетинги бу:

- иқтисодий маркетинг усусларини спорт ташкилотларида қўлланилиши;
- спорт клубларини фирмадагидек /бир соҳада/ бошқариш

Лекин шуни ёдда тутиш лозимки, спорт тижорат мақсадига қаратилмайди, балки ҳаваскорлик, ғоявийлик демакдир.

Спорт маркетинги, унинг ривожланиш концепцияси учун клублар, командалар, ёки спортчилар, спорт мусобақалари ва бошқалар асос бўлади. Бозорда фақат рекламалар ёки бирон спорт буюмларини сотиш учун қилинган ҳаракатлар спорт маркетингини билдира олмайди.

### 16.2. Маркетингнинг асосий тамойиллари ва вазифалари. Маркетинг турлари

Спорт маркетинги фаолиятида асосан қуйидаги тамойиллар ва вазифалар /функциялар/ амалга оширилади:

1. Амалий натижаларнинг сўнгги ютуғига қаратилиши;
2. Узоқ муддат давомида натижаларга эришишга қартиш;
3. Бозор мувозанатлари талабларига стратегик ва тактик жиҳатдан мослашишда ўзаро ҳамкорлик ва алоқадорликни ошириш.

Маркетингнинг анъанавий функциялари /вазифалари/:

1. Атроф-муҳит ва бозор тадқиқотининг таҳлили.
2. Талабгорларни /харидорлар/ таҳдил қилиш.
3. Маҳсулотларни режалаштириш.

4. Бор маҳсулотларни таҳлиллаш.
5. Ҳаракатларни /молларни утказиш-сотиш/ юритиши режалаш.
6. Нарх-навони /баҳо/ режалаштириш.
7. Ижтимоий масъулият, уни бошқаришни таъминлаш ва ҳоказолар.

Қайд этилган мақсадлар ва вазифаларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти муносабатлари, тижорат ва тадбиркордлик соҳасидаги фаолиятига қиёслаш, уларни муҳит-шароитга қараб таҳтил қилиш ҳамда қўллаш йўлларини ўрганиш зарур бўлади. Шулар асосида футбол, кураш, теннис, шарқона яккаурашлар ҳамда бошқа спорт турлари бўйича спорт клублари, командаларда маркетинг фаолиятларини шакллантириш зарур бўлади. Бунда албатта, телерадио, матбуот ва спорт иншоотларида реклама усулларидан кенг фойдаланишга тұғри келади.

Чет мамлакатларда фаолият курсатаётган спорт маркетингида спорт моллари /буюмлар/ — товарлар, хизмат қилиш, ташкилотлар, шахслар, ҳудудлар /территория/ ва ғоялар каби турларга бўлинади. Маълумки, уларнинг негизида ишлаб чиқарилган спорт жиҳозлари, буюмлари, асбоб-ускуналар ҳамда уларни бозор талаблари асосида утказиш /сотиш/ тушунчалари ётади. Шунингдек, ишлаб чиқариш, утказиш ва улар билан боғлиқ бўлган хизматлар ҳам эътиборда бўлади.

Спорт маркетинги фаолиятини юритишида алоқадор-харидор ташкилотлар, жамиятлар, шахслар билан ишлаш, айниқса, спорт молларига эҳтиёж сезган ҳудудлар билан ишлаш аввалдан қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қўл келади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, спорт молларини ишлаб чиқариш индустряси энг муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга қараганда, 1989 йилда Японияда ишлаб чиқарилган товарлар бозорда 1596 млрд. иен билан баҳоланган. Уларнинг тахмин қилишича /прогноз/, 2000 йилда бу рақам 3970 млрд. иенни ташкил қилиши лозим эди.

Спортчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш масалалари спорт маркетингининг муҳим тармоғи сифатида мавжудdir. Турли хил йирик спорт мусобақаларини ташкил қилишда аввало қатнашчилар учун озиқ-овқат, турли-туман ичимликлар сонини кўпайтириш маркетинг фаолиятининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу ўринда Герма-

ния мисолида баъзи бир далилларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатда 34 миллион киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллангани ҳолда, уларнинг 4,4 миллионы бевосита спортчиларни ташкил этади, қолганлари эса соғломлаштириш тадбирларида бевосита иштирок этади. Аниқ бозорнинг спортчилар озуқасида 4,6 миллион спортчи иштирок этади. Уларнинг тахминича, бозор нархи 1990-1995 йилда 20 фоизни, спортчилар ичимлигининг ҳажми 40 фоизни, яъни улар 1995 йилда 120 миллион маркани ташкил этган экан.

Спортда тижорат ва тижорат бўлмаган маркетинг мавжуд. Буни қўйидаги жадвалда куриш мумкин.

**Спорт соҳасида тижорат ва тижорат бўлмаган маркетингнинг ясосий фарқларидаги хусусиятлари**

Тижорат йўли билан	Тижоратсиз йўл билан
<ul style="list-style-type: none"> <li>- спорт буюмлари, режалаш хизмат, шахслар, ҳудудлар ва ғоялар билан алоқадорлик.</li> <li>- спорт буюмларининг ҳажми хизмат, даромадлар.</li> <li>- талабгорлик маблағи /спорт буюмларини ҳарид қилиш, абонементлар, мусобақаларда чипта ва ҳоказолар/.</li> <li>- ахоли эҳтиёжи ясосида даромадлар олиш /буюмлар мусобақаси/.</li> <li>- спорт ишқибозлари мавжудлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат ва жамоат спорт ташкилотлари, ҳудудлари ғоялар ҳамда бепул хизмат қилиш орқали.</li> <li>- молиявий ҳаражат белгиланмаган /аҳолининг саломатлигини кўтариш ва ҳоказолар/.</li> <li>- дотациялар /давлат, ҳомийлар ва ҳоказолар/.</li> <li>- иқтисодий жиҳатдан фойдасиз фаолиятлар /ёшлар, ногиронлар ва ҳоказолар/.</li> <li>- спорт ишқибозлари ва ҳомийлар мавжудлиги.</li> </ul>

### **16.3. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига маркетингнинг кириб келиши**

Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш йўли билан спорт маркетингининг вужудга келиши ва унинг тараққиёти қўйидагича баён этилади. Яъни XIX асрнинг иккинчи яримида Европада спорт турлари бўйича халқаро спорт мусобақаларининг ташкил этилиши, спорт федерацияларининг таъсис қилиниши, айниса, I Олимпия ўйинларининг ўтказилиши /1896/ ва бошқа турли фаолиятлар спорт буюмлари, асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, уларни сотиш, кўрикка қўйиш /кўргазма/, мусобақа томошабинларига турли-туман буюмлар, озиқ-овқат, ичимлик ва хизмат

фаолиятлари юзага келган. Шу тариқа спорт маркетинги жаҳонга тарқалган. Кейинчалик буни спорт маркетинги сифатида тан олиб, уни такомиллаштириш йўллари кенгайтирилган.

Бундай фаолиятларни амалга оширишда мутахассисларнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларини билиш зарур бўлади, яъни:

Халқаро амалиётда маркетинг фаолиятини ташкил қилишнинг икки асосий модели мавжуд - америкача ва французча.

1. Америкача модель - нотижорат ташкилотларга қўп жиҳатдан шахсий, корпоратив ва давлат молиявий маблағларини йўналтиришдан иборат. Бу вариантда маркетинг обьекти — ҳомийлар, фонд ва давлат органлари ҳисобланади.

Америкалик мутахассисларнинг фикрича, «Спорт маркетинг» атамаси «спортдаги ҳомийликдир».

2. Французча модель - маданият соҳасидаги маркетинг американча моделга қарама-қарши бўлиб, асосий эътибор ҳомийларни жалб қилишга эмас, балки томошабинлар талабини қондиришга қаратилган.

Француз спорт маркетологлари Е.Ледо ва Д. Мэрларнинг тасдиқлашича, маркетинг—ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг харидорга (потребиттель) ўз маҳсулотларини етказиб бериши демакдир.

Аслида спорт маркетологи В.Фройёр спорт маркетингига «Тадбиркорликдаги услуг, foя ва фалсафа, шунингдек, бир қарорга келишдир», - деб таъриф беради.

Маълум бўлдики, маркетинг ўз мазмуни, шакли ва фаолияти билан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, талабгорлик, эҳтиёж ва бошқа соҳалар билан биргаликда вужудга келган ҳамда табиий равишда тараққий этадиган бозор муносабатларининг муҳим бир туридир.

Ўзбекистон шароитида спорт буюмлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш маълум даражада йўлга қуйилган. Улар катта бозор, айниқса, халқаро миқёсга чиққан эмас. Чунки уларни сотувга чиқариш, реклама қилиш, талабгорларни топиш, режалаштириш каби фаолиятларда тажриба ортиришни давр тақозо этмоқда. Қолаверса, ҳориждан тижорат йўли билан келтирилаётган спорт буюмлари, жиҳозлар аҳолининг, айниқса, ўқувчи-ёшлар, спортчиларнинг уларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларини ошироқмокда.

## 16.4. Спорт маркетинги, спорт рекламаси, режалаштириш воситалари ва үларни ташкил қилиш йўллари

Спорт маркетинги жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг кўпгина тармоқларида маҳсус фаолият сифатида хизмат қилади. Халқаро спорт тараққиётида, айниқса, қитъалар, мамлакатларнинг йирик мусобақаларида бу кўпроқ учрайди. Яъни спорт уюшмалари, ассоциациялари уртасида командаларни етук спортчилар билан таъминлаш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, спортчилар билан шартномалар /контракт/ тузиш каби фаолиятлар жараённида хилма-хил усуллар, мулоқатлар, муносабатлар, келишувчилик каби фаолиятлар мавжуд бўлади. Шу ўринда қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин.

### Спорт ассоциация мухитида маркетингнинг мажмуйи ҳусусиятлари

Спорт ассоциацияси фаолияти турлари	Ўзаро алоқалорлик турлари	Харидорлар
Мусобақалашув спорти	Машғулот, асбобускуналар, молиявий таъминот. Натижалар, машҳурлик.	Юқори малакали спортчилар
Кўнгил хушлик учун спорт	Ўргатиш, жалб этиш. /пул/	Спортчилар
Аъзолик	Машғулотларни таъминлаш Аъзолик бадаллари	Ассоциация аъзолари
Кадрлар таъминоти	Иш ҳақи, ҳуқук, тайёргарлик Мураббийлар хизмати.	Мураббийлар
Эркин ҳолдаги ишлар	Жамоатчилик, масъулият, ижтимоий ҳуқук. Вақт хизматлари	Раҳбарлар
Ажратиш /дотация/	Жамоатчилик, фаолият, умум аҳамиятли фаолият Молиялаштириш	Муассаса, ташкилотлар
Спорт томошалари	Мусобақалар, томошлар Кириш чипталари	Матбуот, томошибинлар

Жалвалдаги күрсаткычлардан маълумки, спорт ташкилотлари ўз фаолиятларини юритишда маркетингга хос хусусиятларга эга бўлган турли хил иш турлари, хизматлар, даромад қилиш йўлларини афзал кўради.

Спорт рекламаларининг маркетинг мазмуни эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, йирик стадионлар, ўйин майдонлари, отчопарлар, велотреклар, кўча, хиёбонлардаги спортга доир реклама, афишалар, шунингдек телевидениенинг барча каналлари таркибида мавжуд бўлган спорт рекламалари спорт маркетингининг қанчалик фаолият кўрсатаётганлигини намойиш этади.

Спорт иншоотлари, телевидениеларда намойиш этилаётган рекламаларда ўтказилаётган мусобақалар, донгдор клублар, командалар, спортчилар қатори спорт буюмлари, жиҳозлари, спортчиларнинг истеъмол қиласидаги ичимликлари ва бошқа турлар кўпроқ ўрин олади.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари, вилоятларнинг марказларидаги спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, сув ҳавзаларида ўтказилаётган расмий мусобақалар жараёнида турли хил рекламалар ташкил этилмоқда. Телевидение ва радио орқали спорт соҳасидаги янгиликлар, спорт жиҳозлари ва бошқаларни тарғиб қилиш одат тусиға айланди. Бундай фаолиятлар спорт маркетингининг юртимизга қадам қўяётганлигидан дарак беради.

Оммавий ахборот воситалари орқали жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш билан биргаликда унинг тараққиётдаги асосий босқичлар, омиллар ҳам ёритиб борилмоқда. Бунда спортлотто, стадионлардаги қатнашиб келаётган томошабинларнинг сони, ҳомийларнинг амалий жиҳатдан кўрсатаётган моддий ёрдамлари ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Спорт маркетингида фаолиятларни режалаштиришнинг асосан икки йўлини куриш мумкин, яъни: маҳсулотларни ишлаб чиқариш режаси ва фаолиятларни ҳаракатга солиш режаси. Уларнинг таркибида ўта мураккаб иш фаолиятлари, хизматлар ва бошқа соҳалар мазмун топади. Бунга оддий бир мисол қилиб қуйидагини көлтириш мумкин.

Спортчилар оёқ кийимини /кета, бутци, ботинка ва бошқа/ тайёрлашда тери ёки сунъий терини танлаш, рангларни белгилаш, турли ҳажмларда /размер/ бичиш-тикиш, белги /этикетка/ қўйиш, боягич ёки оёққа маҳкамловчи мосламаларни жойлаштириш, маҳсус жойларда уларни сақлаш, жўнатишга тайёрлаш /упаковка/, маркалар қўйиш, нархларни белгилаш ва ҳоказолар. Бошқа спорт асбоб-ус-

куналари, буюмлари, жиҳозларини ҳам шу тарзда тайёрлашни ҳаёлан тасаввур қилишнинг ўзч маркетинг ҳақидаги тушунчаларни тұлдиради.

Бундай ҳолатларни аввалдан белгилаб олиш /режалаш/ ишнинг аниқ мақсад йўлида бориши ва яхши самараларга Эришишини таъминлайди.

Ишлаб чиқылган /олинган/ маҳсулотларни харидорларга /талағорлар/ етказиш учун жуда күп фаолиятларни амалга ошириш, яъни ҳаракат қилиш лозим бұлади. Бу жиҳатларни ҳам аввалдан мақсад йўлида режалаштириш талаб этилади. Бунда энг мұхим бұлган омиллар ва шакллар қуидагилардан иборат булиши мумкин:

- мурожаат қилиш;
- хабар қилиш;
- ишонтириш;
- маҳсулотлар ҳақида маълумотлар;
- хизмат турлари;
- асосий фоялар ва ҳоказолар.

Маҳсулотларни ўтказиш /сотиш/ учун эҳтиёжларни кучайтириш /рағбатлантириш - стимул/ ҳамда ташкилотлар, компаниялар рамзини яхшилаш мақсадлари қўйилади.

Спорт маркетингидаги асосий мақсад, вазифалар ва фояларни амалга ошириш учун режалаштирилган тадбирлар асосида қўйидаги фаолиятларни ўтказиш лозим бұлади:

1. Фаолиятларни ҳаракатлантирувчи тарғиботлар /матбуот, телерадио, спорт иншоотлари, күргазма реклама, учрашув, хатлар юбориши ва ҳоказолар/.
2. Доимий нашр этиладиган воситаларда /журнал, серияли құлланмалар, хабарлар ва ҳоказолар/ нашр қилиш.
3. Матбуот-анжуманлар, презентациялар.
4. Махсус нашрлар.

Шуни ҳам таъкилаш лозимки, маҳсулотларни ўтказиш /сотиш/ фаолияти шахсий сотиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бунда сотувчи ва бошқа хизматчиларнинг қиёғалари, кийинишлари, зеб-зийнатлари /тараниш, упа-элик ва ҳоказолар/, үзини тутиши /очиқ чехра/, құллар билан курсатиш каби ҳаракатлар мұхим аҳамиятта эга.

Маркетинг фаолиятида турли-туман қийинчиликлар, сунъий түсікілар учраши мумкин. Айниқса, «қийин» харидорлар /нозик, ҳийлакор, ўғрилик құлувчи ва ҳоказолар/ билан муомала қилиш санъати анча устун туриши лозим.

Маркетинг фаолиятида маҳсулотларни баҳолаш бир мунча устувор масъулият ҳамда тадбирлардан биридир. Маҳсулотларга нарх қўйишнинг умумий стратегияси мавжуд бўлиб, улар жуда кўп омиллардан иборатdir. Бунда қўйидаги жиҳатларни кўриш мумкин:

- Нарх-наво ва талабгорлик алоқаси. Бу, асосан, эҳтиёж ва унинг ўзгариб турувчи қонуниятларини белгиловчи иқтисодий ҳолатлардир. Талабгорлик /эҳтиёж/ қонуни нарх ўрнатади /белгилайди/, харидорлар эса уларни энг арzon нарҳда олади.

Нарх иқтисодий восита сифатида тез-тез ўзгариб турди. Ишлаб чиқарувчилар (сотовчилар) ҳам, исътемолчилар (харидорлар) ҳам нархни мўлжалга олиб иш курадилар.

Нархларнинг шаклланиши босқичма-босқич, фоят мураккаб кечади. Унинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Асосий омилларга товарнинг қиймати, товарга талаб ва таклиф, товарнинг нафлиги ва ниҳоят, рақобатни киритиш мумкин.

Нархни юзага келтирувчи энг муҳим омил талаб ва таклифнинг нисбати ҳисобланади. Агар талаб таклифдан устун келса, нарх ошган, ҳисобланади, агар таклиф талабдан кўп бўлса, аксинча, нарх пасаяди. Талаб нархни оширган чоғда унга жавобан таклиф кўпаяди, чунки юқори нарх шароитида фойдани кўпроқ олиш мумкин.

Бу ҳолатлар нархларнинг бир зайлда туриши ва маҳсулот харидорларининг кўлайиши билан боғланиб кетади. Натижада, маркетинг фаолияти туғри эканлиги аён булади.

Спорт маркетинги фаолиятида изланиш, тадқиқот ишлари муҳим рол ўйнайди, яъни маҳсулот турларини танлаш, талабгорларни топиш, нарх-наволарни меъёрида сақлаш қўйилган мақсадларни амалга оширишнинг асосий омилидир. Бу иш усуллари аҳолининг, айниқса, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда асосий тадбирdir. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон шароитида мавжуд бўлган спорт буюмлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, энг аввало, аҳолининг эҳтиёжини эътиборга олишлари зарур. Истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, уларни ҳориждан келтираётган спорт маҳсулотлари даражасидан ошириш йўлларини излаш ва мақсадга эришиш керак. Шунда маҳаллий маркетинг фаолияти спорт жамолари орасида ҳам кенг ёйилишига эришган бўламиз.

## **16.5. Халқаро олимпия құмитаси ва миллий олимпия құмиталари, халқаро спорт тау-кіләтларининг фаолиятида маркетинг хусусиятлари**

Халқаро Олимпия құмитаси Олимпия үйінларини үтка-зиш жараёнларыда, халқаро спорт ҳаракати билан бөглиқ бүлған барча жараёнларда фаол иштирок этади. Бу үринде жаҳон чемпионатлари, турнирлар, расмий учрашувлар мусобақаларда олимпия ғояларини олға суриш мақсадыда турлы рекламаларни құллайды.

Айниқса, Олимпия үйінлари үтказиладиган вақтда таш-кілотчи давлатнинг тијорат, маркетинг фаолиятларига яъни Олимпия белгилари, нишонлари ва бошқа маңсулотларни томошабинлар, вакиллар ва мусобақа қатнашчиларига сотишга йүл очиб беради. Үз үрнида бу фаолияттар олимпия ғояларини тарғиб қилиб, олимпия маркетингини амалга оширади. Халқаро Олимпия құмитаси раҳбарияти ва Миллий Олимпия құмитаси вакиллари турлы спорт маркетинги фаолиятларини ишга солиш, улардан маълум даражада фойда олиш имкониятларига эга. Бу, асосан, Олимпия Хартияси ва Миллий Олимпия құмитаси Низоми асосида амалга оширилади. Үз навбатида, Халқаро тадбиркорлик ташкилотлари қоидаларига ҳам риоя қилинади. Халқаро спорт ўюшмалари /федерация/, ассоциациялари ва бошқа спорт ташкилотлари спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш, уларни спорт буюмлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, спортчиларнинг маоши ва овқатланиши билан бөглиқ күргина фаолиятларни умумқоида даражасыда спорт маркетинги ва тијорат ташкилотлари фаолиятлари билан алоқадорлик, шартномалар /контракт/, үзаро келишувчанлик, маңсулотларни /товар/ алмаштириш ва бошқа ишлар орқали йүлга солади. Улар ҳам халқаро ҳукуқлар, савдо, тијорат, маркетинг қонунлари доирасыда иш олиб боришиш имкониятлари ҳамда ҳукуқларига эга.

Хорижий мамлакатларнинг Миллий Олимпия құмиталари /МОК/ үз фаолиятларыда маркетинг ишларидан кенг фойдаланыш имкониятларига эга. Улар үзларига берилған ҳукуқ доирасыда спорт жамоаларини /команда/ таркиб топтириш, уларни моддий-техник, хұжалик манбалари билан таъминлаш, ғолибларни рағбатлантириш, спорт иншоотларини кенгайтириш, замонавий спорт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва улар билан бөглиқ бүлған барча фаолиятларни амалга оширишда маркетинг иш усуулларидан ҳам кенг фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Миллый Олимпия қўмитасини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш мамлакатимизда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда спорт жамиятлари, ҳомий ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг босқичларида Миллый Олимпия қўмитасига хўжалик юритиш, узини-ўзи молиялаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш каби ҳукуқлар берилган.

Яқин келажакда Миллый Олимпия қўмитасининг тижорат, маркетинг ва бошқа соҳалардаги фаолиятлари кенг таркиб топиши ҳамда жаҳондаги маркетинг фаолиятларини амалга оширишда янги йўналишлар вужудга келади. Чунки Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати томонидан Республикада Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, ёшларнинг спорт маҳоратини ошириш, уларнинг ҳалқаро спорт мусобақалари ва Олимпия ўйинларида муносаби равишда қатнашишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, ўз навбатида, Миллый Олимпия қўмитасининг спорт ва олимпия маркетингини таркиб топтиришда катта имкониятларга эга эканлигидан далолатdir.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда шаклланиб келаётган маркетинг фаолияти спорт соҳасига ҳам таъсир этмоқда. Савдо, тижорат, ишлаб чиқариш корхоналари, давлат компаниялари, корпорациялари ва бошқа расмий ташкилотлар республикада спортнинг ривожланиши, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга ошириш йўлида маркетинг йўлларидан мақсадли ва унумли фойдаланмоқдалар. Бу жараёнлар спорт маркетинги ва улар билан боғлиқ фаолиятларни таркиб топтириш ҳамда ривожлантиришда хизмат қилиши табиийдир.

## XVII. СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИ

1. Тадбиркорлик ҳақида тушунчалар.
2. Жисмоний тарбия ва спортда тадбиркорликнинг асослари ва аҳамияти.
3. Тадбиркорлик ва инновация. Уларнинг манбалари ва спорт фаолиятидаги таъсири.
4. Инновацион ташкилот, унинг стратегик тузилиши.
5. Спорт ташкилотларида раҳбарлик—жамоатчилик /команда/ ва тадбиркорлик. Ташкилот—ҳокимият тизими сифатида, унинг манбалари.

### 17.1. Тадбиркорлик ҳақида тушунчалар

Менежмент ва маркетинг ҳақидаги бобларда тадбиркорлик хусусида ҳам сўз юритилди. Яъни, тадбиркорликни иккала соҳанинг ҳам ўзаро алоқадоролик фаолиятидан келиб чиққан маҳсус соҳа дейиш мумкин. Бошқача маъно ва шаклда баён қилинганда, тадбиркорлик ҳар бир соҳада ишнинг ҳал этилишини кўра билиш, уларни ташкил қилиш, бошқариш ҳамда барчасини амалга оширувчи фаолиятдир.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тадбиркорлик, асосан, саноат, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, савдо, тижорат ва бошқа соҳаларда кўпроқ қўлланилиб, оммага намоён бўлмоқда. Тадбиркорлик юртимизда янги касб ёки фаолият эмас. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни дунё бозорига чиқариш, савдо қилиш, буюк ипак йўлининг маркази сифатида ҳорижий мамлакатларнинг тадбиркорлари, тижоратчилари, элчилари билан юртимиз кишилари яқин алоқадорликда иш тутишган. Бу билан маҳаллий аҳолининг кийим-кечак, безаклар, тақинчоқлар, зеб-зийнатлар, қимматбаҳо матолар /ипак, шойи, баҳмал, табиий жун ва ҳоказолар/, бўёқлар, чинни идишлар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжини қондирғанлар. Шулар асосида юртимиз аҳолиси орасида ишбилармон, зуқко билимдонлар, тадбиркорлар етишиб чиқишига асос солинган бўлса, ажаб эмас.

Турғунлик ва мустамлакачилик йилларида савдо ишлари фақат давлат корхоналари, турли муассасалар орқали

олиб борилди. Бозор номигагина мавжуд бўлиб, эркин савдога йўл йўқ эди. Четдан мол олиб келиб сотиш, харидорларнинг эктиёжини қондириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Шундай бўлсада, баъзи бир ишбилармон, тадбиркорлар мол олиб келиб сотиш ишларини ёпиқ-яширин ҳолда бажариб келишган. Булар ўша даврларда олиб-сотар, чайқовчи деб аталар ва қўлга тушса қонун билан жазоланар эди. Шу ўринда мисол тариқасида элаш мумкинки, спортчилар хорижий мамлакатлардаги мусобақалардан қайтишда ўзига ёки ака-укаларига спорт кийимлари, буюмлари ва шунга ўхшаш нарсаларни харид қилиб олиб келишар экан, /божхонада/ уларни олиб қўйиш ва ҳатто уларни айблаш ҳоллари одатий расм бўлган. Мустақилликнинг шарофати туфайли маҳсус қонунлар ишлаб чиқилди ва улар асосида тадбиркорлик, савдо, тижорат, инновация ўз маблагини жамғармага қўйиш фаолиятларига кенг йўл очиб берилди. Уларнинг энг илғорлари, давлат ва ҳалқ манфаатлари йўлида яхши хизмат қилаётгандарни рағбатлантириш ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида “Тадбиркорлик тўғрисидаги” қонунда; «Тадбиркорлик—мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир» деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунида; «Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳукуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлади» — деб таъкидланиши республикамиз тадбиркорларидан сифат ва кафолатга этиборларини қартишлари зарурлигини кўрсатади.

## 17.2. Жисмоний тарбия ва спортда тадбиркорликнинг асослари ва аҳамияти

Тадбир сўзи бирон-бир маҳсус ёки ўта зарур ишни амалга ошириш фаолиятини англаради. Бундай муҳим фаолиятни амалга оширишнинг йўл-йўриқ ҳамда усулларини яхши билувчи, амалда бевосита фаолият кўрсатувчи шахсни, унинг атрофидагиларни тадбиркорлар дейилади. Ўтган бўлимда тадбиркорлик фаолиятини янги бир соҳа ҳисоблансада, унинг қадимдан мамлакатимизда муваффақиятли қўлланиб келингандиги, ижтимоний-иқтисодий ва маданий жараённинг тараққиёти туфайли тадбиркорликнинг

ҳам мазмунан ва шаклан кенгайиб-бойиб давом этаётганилиги қайд этилган эди.

Тадбиркорликнинг ижтимоий ҳаёт, давлат ҳамда ҳалқ фаровонлиги тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида» ги фармон /1994 йил/ қабул қилинди.

Бу фармондан кейин тадбиркорлик фаолиятлари билан боғлиқ қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Тадбиркорлик ҳақида гап кетганда, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни аҳолининг талаблари ҳамда эҳтиёjlари асосида ривожлантириш кўз олдимизга келиши табиидир. Бундай жараёнлар кичик, ўрта ва катта тижорат, савдо-сотиқ шаклларида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши, айниқса, юртимиз ҳудудларида кураш, теннис, бокс, шарқона яkkакурашлар ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказилаётган турнирлар, чемпионатлар, кубок биринчилиги ва бошқа тадбирларнинг ташкилий асосларида тадбиркорлик катта рол ўйнамоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида тадбиркорлик асосан икки йўналишда фаолият кўrsatiшини эътироф этиш маъқулдир, яъни:

1. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, жамиятлар ва улар билан бевосита алоқадор спорт уюшмаларининг энг юқори табақасидан тортиб то қуи тармоғигача /спорт клуб, жисмоний тарбия жамоаси, командалар ва ҳоказолар/ раҳбарлик, турли спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва улар билан алоқадор фаолиятлар тадбиркорликнинг асосини ташкил этади.

2. Спорт иншоотларини кенгайтириш, таъмиrlаш, турли спорт буюмлари, жиҳозларини ишлаб чиқариш ёки ҳориждан олиб келиб истеъмолга чиқариш, спорт командаларини моддий ва молиявий таъминлаш ҳамда шунга ўхшаш бошқа жуда кўп тадбирлардаги фаолиятлар ҳам тадбиркорликнинг асосидир.

Бу йўналишлар спорт менежменти ва маркетинги фаолиятларини мазмун ҳамда баъзи бир шаклларига ушшаб кетади. Шу сабабдан ҳам ҳориждаги менежмент ва маркетинг соҳасидаги мутахассислар, олимлар тадбиркорликни тан оладилар.

Тадбиркорликнинг мазмун ва шакллари ҳамда уларни амалга ошириш фаолиятлари мамлакатимизда менежмент ва маркетингнинг янгича йўналишини белгилаб берди. Шу сабабдан ҳам тадбиркорлик негизидаги ҳомийлик, хўжа-

лик юритиш, тижорат ишлари спорт клубларида ривожла-ниб бормоқда. Бунда спортчиларнинг машғулотларини /тренировка/ ташкил қилиш, уларни зарур буюмлар, спорт кийимлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар билан таъминлаш назарда тутилади. Спорт клубларнинг раҳбарлари, командаларнинг мураббийлари, спорт ўюшмалари, ассоциацияларнинг масъул ходимлари, турли ҳомий ташкilotлар, идоралар ҳамда шахслар билан узвий боғлиқ ҳамда мuloқotлар асосида тадбиркорлик фаолиятларида мақсад йўлида фойдаланмоқдалар.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорликни юритиш ва удан самарали фойдаланиш жараёнида ҳар икки томон, яъни истеъмолчилар /спорт жамоалари, уларнинг масъул ходимлари/ ва таъминловчилар /ишлаб чиқариш, муассаса, тижорат раҳбарлари ва ҳоказолар/ ўзаро келишув ҳамда мақсадли фаолиятларини амалга оширишда қўйидагиларга жиддий эътибор беришлари лозим:

- тадбиркорлик ҳақидаги қонун, қарорлар ва низомларга қатъий равиша риоя қилиш;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги истеъмолчилар ва уларни таъминлаш фаолиятлари билан алоқадор бўлган жараёнларни пухта урганиш;
- ўзаро келишувчилик ҳамда расмий равиша тузилган шартномаларни /контракт/ ўз вақтида бажариш;
- инсонийлик, ахлоқ нормалари ҳамда маънавий-маърифий қоидаларга итоат этиш;
- ўзаро ҳурмат, муносабат ва раҳбарликнинг маданий меъёрларини сақлаш ва ҳоказолар.

Юқорида қайд этилган йўналишлардаги тадбиркорлик асослари ҳамда барча фаолиятларнинг амалда бажарилишини таъминловчилар мамлакатнинг буюк келажаги учун хизмат қилишлари лозим. Бу жиҳатлар жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, ҳалқ миљий ўйинларини ривожлантириш, айниқса, спорт терма жамоаларини шакллантириш, улар билан олиб бориладиган машғулотлар, ижтимоий-маданий, тиббий хизматларга бевосита ёрдам берилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

### **17.3. Тадбиркорлик ва инновация. Уларнинг манбалари ва спорт фаолиятига таъсири**

Тадбиркорлик тушунчалари бевосита инновация /ишлини янгича юритиш - ново ведение/ билан чамбарчас боғлиқдир. Инновация техника ва технология авлодини янгилашда эскисининг ўрнига янгисини ўрнатиш, у иқтисодий жиҳатдан таъминлашга маблағлар киритиш жарабанидир. Ёки

бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятларини янада такомиллаштиришга қаратилған иқтисодий манбаларни бойитиш демекдир. Бу бевосита бозор иқтисодиёти муносабатлари билан боғлиқ бўлган молиявий тушунча ҳамда маҳсус фаолиятдир.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацион фаолият қўйидаги функциялардан иборат:

1) хусусий бизнес капитал маблағларини бошқариш;

2) танлов асосида корхона ёки тармоқда йўналтирилган капитал маблағларни стимуллаш /солиқ, амартизация орқали/;

3) инновацион жараёнларга маъмурий аралашув.

XX асрнинг 90-йилларида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда солиқ ставкалари фойдалан олинадиган солиқ бўйича 32-35% га /илгариги 40-50% қараганда/, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар 15-50% га /илгариги 80% га ставкаларга нисбатан/ туширилди.

АҚШда солиқлар ва турли солиқ йигимлари бюджет даромадининг 84-86%ни, Буюк Британияда 80%ни Швецияда 90%ни ташкил этади. Бу далиллар иқтисоди тараққий этган давлатларда солиқлар роли долзарб эканлигини кўрсатади.

Жаҳон тажрибасида асосий солиқ имтиёzlари қўйидагилар:

- солиқ кредитлари - янги ускуналарнинг қисман баҳоси фойдага қўйилган солиқдан айириб ташланади;

- солиқ скидкалари - амуртизация ҳисобига фойдага қўйиладиган солиқларни камайтириш;

- солиқ субсидиялари - ускуналарнинг баҳосини ҳисобдан чиқаришда солиқ тўловларидан айириб ташлаш.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича ҳам солиқ имтиёzlари белгиланган.

Даромад солиғи қўйидаги миқдорда камайтирилади:

- жисмоний тарбия ва спортга йўналтирилган маблағлар солиқнинг 1% дан ошмаган миқдорда;

- футболнинг ривожланишига ва футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамланиши учун тўланган маблағлар даромад солиғининг 5% дан ошмаган миқдори.

Ушбу жиҳатлар спорт жамиятларининг клублари, федерациялари, спорт иншоотлари, соғломлаштириш марказлари фаолиятларида ишлаб чиқариш, пуллик хизмат /соғломлаштириш гуруҳлари, спорт мусобақалари, ижаралар ва ҳоказолардан тушган пул маблағи/ каби иш турларида мавжуддир. Яъни ҳар бир жамоа ўзининг хазинасини бойитиш йўлида турли ҳил ҳаракатларни амалга оширади. Бу ўз навбатида, спорт клублар, жамоалар, уюшмалар,

командаларнинг иш фаолиятини таъминлаш, уларга ижтимоий меҳнат, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб туришда энг зарур ва қулай омиллардан ҳисобаланди. Бу фаолиятлар, ўз навбатида, молия органлари /банк/ тартиб-қондадали асосида амалга оширилади. Табиийки, бундан банк ҳам манфаатдор /маълум фоизни олиш ҳуқуқи/.

Бундан ташқари, спорт ташкилотлари, жисмоний тарбия ва спорт билан алоқадор вазирликлар, касаба уюшмалари федерацияларининг ҳам жисмоний тарбия ва спорта давлат ҳамда жамоатчилик йўллари билан ажратиладиган маблағлари /дотация/ мавжуд. Улар ҳам маҳсус давлат хужжатлари, молия органларининг кўрсатмалари /инструкция/ орқали амалга оширилади. Хуллас, жисмоний тарбия ва спортни бошқаришдаги тадбиркорлик фаолиятларининг негизида маблағларни жамғариш ва уларни зарур эҳтиёжларга ишлатиш йулидаги инновацион тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

#### **17.4. Инновацион ташкилот, унинг стратегик тузилиши**

Маркетинг ва тадбиркорлик фаолиятида инновацион ҳаракат, уни марказлаштириш ишлари давлат банклари орқали амалга оширилади. Мамлакатимизда «Пахтабанк», «Саноат Курилишбанк» ва шунга ўхшаш банкларнинг тури ва сонлари жуда кўп. Улар орасида жамғарма банкларнинг иш фаолияти ва мақсадлари алоҳида ажралиб туради, яъни юридик шахслар, турли ташкилотлар, муассасаларнинг жамғармалари шу банкларда сақланади ва турли операцияларда иштирок этади.

Спорт соҳасидаги инновация фаолиятининг энг муҳим тармоғи спорт буюмлари, жиҳозлари, иншоотлардаги техник воситаларни янгилаш, ихтиро қилиш йўлларини тадбиркорлик билан олиб боришидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, унинг тармоқларидағи молиявий фаолиятлар давлат йўли билан бажарилади. Турли спорт жамиятлари, уюшмалар, ассоциациялар, спорт клублар ўз жамғармаларни инновацион йўл билан амалга оширади. Яъни шахслар, юридик шахслар, ташкилотлар, муассасалар, ишлаб чиқарувчи спорт корхоналари, пулли хизмат кўрсатувчи спорт иншоотлари, соғломлаштириш марказлари ўз жамғармаларни янги йўналишга атаб инновацион ташкилотларда /муассаса, банк/ сақлайди ва уларни мақсадга қаратилган соҳаларда ишлатади.

Кўриниб туриблини, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари маҳсус соҳа ҳисобланади ва у бошқарувчилик

фаолиятларида маркетинг, тадбиркорлик ишларини юритади.

Бу фаолиятларни амалга ошириш спорт ташкилотлари учун асосий ҳисобланади. Чунки ишлаб маблағ түплаш ва уни сарфлаш жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида энг муҳим муаммодир. Шу жиҳатдан олганда, тадбиркорлик нинг инновацион фаолиятларини чукур ўрганиш ва уларни ўкув юртлари, спорт клублар, командалар ва бошқаларда кенг қўллаш давр талабидир.

### **17.5. Спорт ташкилотларида олий раҳбарлик—жамоа /команда/ ва тадбиркорлик, ташкилот, ҳокимият тизими сифатида унинг манбалари**

#### **17.5.1. Спорт ташкилотларида олий раҳбарлик—жамоа /команда/ ва тадбиркорлик**

Республика ва вилоятлардаги спорт қўмиталари, спорт жамиятлари, ўюшмалари, клублар ва уларнинг тармоғидаги тадбиркорлик фаолиятларининг асоси олий даражадаги командаларни таркиб топтиришdir. Бунинг учун энг аввало, иқтидорли спортчиларни танлаш, синовдан ўтказиш ва уларни талаб даражасида тайёрлаб етказиш зарур.

Маълумки, мусобақаларнинг календар режалари асосан халқаро спорт мусобақалари ҳамда Олимпия ўйинлари дастури воситасидаги турлар бўйича тузилади. Ҳар бир спорт тури бўйича жамоа /команда/ энг юқори даражадаги фамхўрлик, раҳбарлик ва бошқарувчиликни тақозо этади. Бунинг учун эса foявиy-сиёсий ва маънавий жиҳатдан спортчиларни меъёрига етказиш, моддий жиҳатдан таъминлаш зарур. Буларни амалда бажариш учун спортчиларни тадбиркорликка ўргатиш катта тажрибаларни талаб этади.

Спорт жамолари мураббийлари бошқа спорт турлари жамоалари, уларнинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорлик қилиш, айниқса, хорижий мамлакатларнинг спорт жамоалари билан ҳамкорлик қилиш спорт маркетингини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин. Бундай фаолиятлarda спорт кийимлари, асбоб-ускуналари, илгор тажрибаларни оммалаштириш, уларни тайёрлаш ёки харид қилиш, тижорат ишларини қўллаш маъқулдир. Шу билан биргаликда, мамлакатмизда ишлаб чиқилаётган спорт кийимлари, буюмлари, асбоб-ускуналарини тарғиб қилиш ҳам асосий вазифалардандир.

Спорт жамоаларининг спорт иншоотларини имконият даражасида ижарага бериш, пуллик хизматлар кўрсатиш

каби фаолиятларни янги талаб даражасига чиқаришлари мақсадга мувофиқдир.

### **17.5.2. Ташкилот /жамият/ — ҳокимият тизими сифатида, унинг манбалари**

Жисмоний тарбия ва спорт билан бевосита шуғулланувчилар, спорт жамоалари спорт иншоотлари, спорт тадбирларини ўтказиш ва бошқа фаолиятларни ўз зиммасига олишлари уларнинг ҳокимиятчилигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, барча табақа, соҳа ва тармоқлардаги жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига раҳбарлик қилиш ҳокимиятчилик демакдир. Уларнинг асосий иш вазифалари тўғрисида юқорида баён қилинди. Бу ўринда спорт ташкилотлари ва спорт жамиятларининг ўз тармоқларидағи жамоалар, спорт клублари, спорт турлари бўйича жамоаларга раҳбарлик /ҳокимият/ қилишдаги тадбиркорликнинг бъязи хусусиятлари тўғрисида сўз юритилади.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг асосий ҳокимияти уларнинг расмий спорт жамиятлари тизими ҳисобланади. Улар бевосита мутасадди давлат идоралари билан узвий боғлиқ ҳолда, ўзлари мустақил тарзда /ҳокимият/ фаолият кўрсатади. Бу жиҳатлар қўйидаги манбаларни ташкил этади:

- спорт жамиятининг Низоми, Устави;
- спорт мусобақаларининг календар режаси ва низомлари;
- спорт мусобақалари қоидалари;
- спорт классификацияси;
- спорт соҳасидаги мутахассислар /мураббийлар/;
- спорт иншоотлари;
- инновацион фаолиятлар, банклардаги молиявий ҳолатлар;
- бошқаришнинг илмий-услубий асослари қўлланмалар, йўл-йўриқлар /инструкция/.

Холоса қилиб айтганда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорлик фаолиятлари энди шаклланиб келаётган энг муҳим жараёндир. Унинг мазмуни, вазифаси ва шакллари аҳолининг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиши, ўқувчи-ёшларнинг буюк келажак сари дадил, эпчил бўлиб боришлиари ҳамда спортчиларнинг маҳоратларини ошириш, уларнинг халқаро майдонларда илфор мамлакатларнинг спортчилари қаторидан ўрин олишига қаратилган.

Умуман олганда, спорт менежменти, маркетинг ва тадбиркорлик фаолиятлари халқаро спорт ҳаракати, олимпия фояларини ривожлантириш каби муҳим муаммолар билан боғлиқдир.

## XVIII. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ

1. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизимлари.
2. Тарақкий этган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш.
3. Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги /СНГ/ таркибидағи давлатларда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари.
4. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришдаги амалий тажрибаларни ўрганиш.

Жаҳон халқлари тарихида ўтган XX аср турли-туман воқеалар, ихтиролар, янгиликтер, шафқатсиз урушлар ва янгича жаҳон демократияси сари интилиш даври ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, давлатларнинг тарақкий этган ва тараққиёт йўлида фаолият курсатा�ётган жаҳон тизимини ташкил этди. Бу ўринда сабиқ СССР нинг инқирозга учраши, унинг таркибидаги республикаларнинг мустақил давлат сифатида истиқбол сари фаолият курсатиши муҳим аҳамият касб этади.

Жамият тараққиёти тарихида жуда кўп ижтимоий-маданий ўзгаришлар бўлиб ўтган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Европа, Осиё ва бошқа қитъалардаги мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш асосан давлатни идора қилувчи кишилар, уларга тобе булган жамоалар томонидан амалга ошириб келинган. Факат XIX асрнинг иккинчи ярмида футбол, сузиш, гимнастика, енгил атлетика, қиличбозлик, ўқотиш каби турлари буйича Европа ва халқаро спорт уюшмалари ташкил қилиниб, улар оммавий спорт мусобақалари ва халқаро турнирлар уюштиришни ўз қўлларига олган. Натижада, турли спорт мусобақалари, Халқаро Олимпия уйинлари /1896/ ва бошқа расмий спорт мусобақалари ўтказилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тинч-тотув яшаш йўлида кўпгина мамлакатлар ўз мустақиллигига эришдилар. Шу билан бирга, сабиқ СССР нинг социалистик жамият қуриш сиёсатига бевосита мойиллик билан қўшилган давлатлар сони кўпайиб борди.

1989 йил охирида ва 1990 йил бошидан эса социалистик мамлакатлар ўз тузуми ва йўлларини ўзгартирди.

1991 йилнинг августида сабиқ СССРдаги республикалар ўзларини мустақил деб эълон қилишди. Бу ҳолат ҳам Ўзбекистон учун чет мамлакатлар каби ҳисобланади. Шу сабабдан бу жараёнлар ҳақида умумий тушунчаларни беришга тұғри келади.

Хозирги вактда АҚШ, Англия, Германия, Италия, Япония, Корея каби бир қатор давлатлар ривожланиб борынға.

Хориж мамлакатларидан бири бўлган Германияда спорт тизимини бошқаришнинг узига хос томонларидан бири—спортнинг давлат аралашувисиз алоҳидалигидир, яъни спорт учун спорт ташкилотчиларининг ўзи жавоб берадилар. Германияда асосий эътибор юқори даражадаги спортчиларнинг молиявий таъминотига федерал ва муниципалитетларда эса оммавий спортга катта аҳамият берилади, яъни спорт стадионлари ва гимнастика заллари қурилиши, олий ўкув юртлар ва мактаблардаги спорт дарсларининг молиявий таъминоти улар эътиборида бўлади.

Германиядаги аҳолининг учдан икки қисми ўзларини фаол спортчилар деб ҳисоблашади. Спорт ҳаваскорлари ихтиёрига 55000 спорт майдончалари (мактаб майдонлари билан ҳисобланганда), ва шу жумладан 35000 спорт ва гимнастика заллари, 7300 очиқ ва ёпиқ бассейнлар берилган.

Германия спорт уюшмаси мамлакатнинг энг катта спорт ташкилоти ҳисобланади, унда 2,6 миллиондан ортиқ одам ўз клубларida тренер, ёрдамчи ва бошқарма аъзолари сифатида жамоатчилик асосида ишлайтилар. Уларнинг олиб бораётган ишлари оммавий спортни ривожлантириш шунингдек, болалар ва ўсмирлар орасидан янги истеъоддларни топишга хизмат қилишга қаратилган. Спорт уюшмаларининг бошқа ташкилотлари куйидагилар: Германия гимнастлари иттифоқи (4,7 миллион аъзо) ва Германия теннисчилари иттифоқи (2,1 миллиондан ортиқ аъзо).

Германиядаги катта спортнинг инфраструктураси 20та олимпиада базаларини, 16та тренерлик марказлари ва 195 федерал аҳамиятдаги спорт базаларини ўз ичига олади.

Федерал ҳукумат катта спортни қўллаб-қувватлаб келмоқда. 2000 йилда ҳукумат томонидан машқлар ва мусобақалар дастурларига 222 миллион марка ажратилган.

Хозирги замон катта спорти учун ижтимоий ёрдам ва молиявий ҳимоя Германия спортчиларига ёрдам жамғармаси спорт уюшмалари томонидан таъминланади. Жамғарма нодавлат муассасаси ҳисобланади. Унинг молиявий таъми-

ноти хусусий маблағлар, маҳсус спортта оид маркаларни сотишдан түшган маблағлар ва телевизион күрсатувлардан түшган фойдалардан иборат.

Германияда спортнинг иқтисодий аҳамиятини ривожланиши уни молиявий жиҳатдан мустақил бўлишига олиб келди. Иқтисодиёт ва спорт ҳамкорлигининг шакли сифатида ҳомийликнинг аҳамияти ортди. Бу эса давлат бюджетининг йилдан-йилга қисқаришини ҳисобга олганда зарурятга айланмоқда. 1997 йил маълумотларига кўра тижорат ҳомийлари спортта 2,3 млрд марка ўтказдилар.

Германияда спорт муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. Германия аҳолиси спорт товарлари ва хизматлари учун йилига 43 млрд марка сарфлайдилар.

Европа иттифоқи фуқароларининг учдан бир қисми спорт клубларининг аъзолари ҳисобланади. 1991 йил деқабрда Европа спорт форумига асос солинган, бу орган Европа мамлакатлари орасида спорт бўйича мунозара ва маслаҳат ўтказиш вазифасини бажаради «Евратлон» дастури ҳисобига спорт молиявий таъминланади, унинг асосий қисми оммавий спортта, шу жумладан ногиронлар спортига сарфланади.

Европада спортта норматив ёндашув мисоли сифатида профессионал спортчиларнинг ҳар жойда яшашлари, дипломларнинг тан олиниши, спорт анжомларини нормативлаштирилиши ва спорт мусобақаларини телевидение орқали кўрсатиш хуқуқини кўриш мумкин.

Осциё, Африка ва Лотин Америкасида жуда кўп давлатлар озодликка эришиб, ўз мустақилликларини кўлга киритдилар. Бундай мамлакатларда ижтимоий, иқтисодий ривожланиш, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳалар билан биргаликда спортни яхши йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор берила бошлади. Бундай давлатларнинг баъзи бирлашиб қисман тўхталиш мумкин.

Африкада кўпгина мамлакатларда спорт ҳаракати бўйича давлат идоралари ташкил қилинган. Конго, Мали ва Гвинея давлатларида жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Жазоир Халқ Демократик республикаси ва Камерунда жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича комиссариатлар ташкил қилинган.

Сенегал, Марокаш ва Тунисда бўлса ёшлар ва спорт ишлари давлат котибиятига юкланган.

Барча жисмоний тарбия ва спорт ишларини жамоаларда ташкил қилиш спорт клублари томонидан олиб борилади. Африка мамлакатларида спорт мутахассислари етарли даражада бўлмаганлиги сабабли собиқ Иттифоқ мутахассислари уларга катта ёрдам бериб келди.

Африка мамлакатларининг спорт ҳаётида регионал ўйинлар катта ўрин эгаллади. Йирик мусобақалар қитъанинг турли минтақаларда ўтказилади. Унда Ўрта ер денгизи, Араб ва Панафрика мамлакатлари ўйинлари диққатга сазовордир. Жуда кўп Африка давлатлари бу ўйинларда фаол қатнашиши билан ўзларининг озодлик ва мустақилликка эришганлигини намоён этадилар. Шу сабабдан ҳам Африка спорт ҳаракатини бошқариб ва йўлга солиб туради. Ўз навбатида, Олий Кенгаш чемпионатлар, биринчиликлар ўтказади, спорт иншоотлари куриш, мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга солиб туради.

Кўпгина мустақилликка эришган Африка давлатлари Миллий Олимпия қўмиталари, Федерациялар ва уюшмаларга эга. Улар Олимпия ўйинлари, жаҳон биринчиликлари ва чемпионатларига кенг йўл очиб бериб, Африка спортчиларининг равнақини белгилаб берди.

Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари ҳаётида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ривожланиши бирмунча ўзгариб кетди. Кўпгина давлатларда жисмоний тарбия ва спортни бошқариш давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, бу ишларда жамоат ташкилотлари ҳам қатнашиб, халқ уртасида спорт машғулотларини ташкил қилишда кумаклашади.

Ҳиндистонда жисмоний тарбия ва спорт ишларини спорт, жисмоний тарбия ва дам олиш миллий Кенгаши, Олимпия қўмиталари юритади, улар халқаро спорт ҳаракатида фаол қатнашадилар.

Ҳиндистон, Бирма, Марокаш, Бразилия ва бошқа бир қатор давлатлар Олимпия ўйинлари турлари билан бир қаторда ўзларининг миллий спорт турлари, ўйинларига ҳам эгадирлар.

Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти даврида нафақат ўз тузуми ва маданий ривожи билан алоҳида ажralиб турдиган, балки жаҳонда тинчлик, иқтисодий муҳит мувозанатини сақлаб туришга сабабчи бўлган бир қатор йирик давлатлар ва бадавлат мамлакатлар бор. Уларда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам юқори савиядада ташкил қилинган. Уларга Америка Қўшма Штатлари /АҚШ/ раҳнамолик қилмоқда. Ҳозирги ижтимоий тараққиёт ва тинчлик учун кураш авж олган бир пайтда АҚШ, Германия, Англия, Япония, Италия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа давлатларни шулар қаторига киритиш мумкин.

Кўпгина японлар учун спорт улар ҳаётининг ажralмас қисмидир.

Ҳозирги даврда Япония ҳаваскор спорт ассоциацияси 50 дан ортиқ спорт ташкилотларини ва Япониянинг 47 префектурасининг ҳаваскор спортчиларини ўз ичига олади.

Ўз навбатида Япония Олимпиада қўмитасига 45 спорт ташкилотлари киради.

1997 йил Япония Олимпиада қўмитаси бюджети 6,8 млрд иенни ташкил қилди; ҳаваскор спортчилар ассоциацияси бюджети эса 4,5 млрд иенни ташкил қилди. Жумладан 1,3 млрд иен миқдоридаги маблағни Япония Олимпиада қўмитаси давлат бюджетидан субсидия сифатида олди.

Бундан Олимпиада қўмитаси 2 млрд иен тижорат рекламаси учун, жумладан 1,1 млрдан ортигини Япония компания ва ташкилотларидан қайтармаслик шарти билан берилган ёрдам сифатида олди

Шундай қилиб, Япония Олимпия қўмитаси давлат, хусусий компания ва ташкилотларга молиявий тобе деб айтиш мумкин.

Ўз навбатида Япония спорт ҳаваскорлари бюджетининг 50%дан ортиги хусусий компаниялар ва давлат ёрдами ҳисобига олинади.

Спортнинг Япониядаги жамият ҳаётида муҳимлигини ҳисобга олиб Япония маориф вазирлиги 1995 йилдан бошлаб расмий номини маориф, спорт, фан ва маданият вазирлигига ўзгартирган.

Японияда кекса ёшдаги аҳолининг 65 фоизи спорт билан шуғулланади, лекин уларнинг 30 фоизи ойига 1-3 марта, 25 фоизи хафтасига 1 марта шуғулланади. Шу билан бирга Япониянинг 85 фоиз аҳолиси турли жисмоний машқлар билан шуғулланади.

Ҳозирги замонда Японияда турли спорт нашрлари чиқарилади, уларнинг 7 таси йирик нашрлар бўлиб, йилига 6,5 млн нусхада чоп этилади.

Япония телевидениеси асосий эътиборни бейсбол, гольф ва бошқа профессионал спорт турларига қаратган.

Франция Ишчилар спорт-гимнастика федерацияси, Финляндия Ишчилар спорт уюшмаси, Италия ҳалқ спорт уюшмаси, Австрия жисмоний тарбия ва спортчилар уюшмаси, гарбий давлатлардаги ҳаваскорлик ишчилар спорт ҳаракатига раҳбарлик қилади ва ҳалқаро спорт ҳаракати билан алоқа боғлайди.

Ишчилар спорт клуби Япония, Белгия, Дания, Швеция, Швейцария давлатларида ташкил қилинган.

Спорт клублар, спорт бўйича миллий федерациялар, лигалар ва уюшмаларга бирлашадилар.

Бу йұналишлар монополистик давлат ва жамоат таш-  
килотлари таъсири остида булади.

1. Спорт ютуқларининг энг юқори натижалари устидан  
раҳбарликни марказлаштириш.

2. Монопол, кооперация, фирмалар томонидан спорт-  
даги олий натижаларга таъсирнинг ўсиши, бу эса спортни  
молиявий таъминлашда давлатга фойда келтиради.

3. Катта спортта илмий-техник ютуқларни тадбиқ қилиш.

4. Спортчиларни машқ қылдириш учун бир ёки бир неча  
мамлакатларнинг маҳсус марказларини ташкил қилиш. Бу  
эса жамоа бўлиб спортчиларни тайёрлашга қаратилган  
фаолиятдир.

8 миллионлик Швеция ахолисининг 7 ёшидан 70 ёши-  
гача турли спорт клубларнинг аъзоси ҳисобланади. Улар  
спорт клубларнинг фаолиятида ҳаракатдаги спортчилар ёки  
ўзларини яхши спорт формасида ушлаб туриш учун му-  
раббий, шунингдек раҳбар сифатида иштирок этадилар.  
Икки миллион киши спорт билан фаол шуғулланадилар,  
650 мингдан зиёд киши турли спорт мусобақаларида қат-  
нашадилар.

7 ёшдан 15 ёшгacha бўлган ҳар уч ўғил боланинг иккита-  
си, шунингдек ҳар иккинчи қиз турли спорт клубининг  
аъзоси ҳисобланади. Швециянинг шаҳар ва туманларида-  
ги спорт клублар сони 22 мингдан ортиқ. Бундан ташқари  
турли фирмаларда 18 мингдан зиёд спорт клублар фаоли-  
ят курсатади.

Швецияда теннис, чанғи спорти, парус спорти, хок-  
кей, қўл тўпи, стол тенниси, авторалли, мотопойга, кег-  
ли, эшқак эшиш ва каноэ ҳамда ногиронлар спорти кенг  
оммалашган.

Спорт клублари ва жамиятлари фаолиятида қатнашиш  
Швеция Конституцияси билан кафолатланган. Бу эса ҳар  
бир фуқаронинг ўз спорт клубини топишида муҳим манба  
ҳисобланади.

Спорт клублар Швецияда жисмоний тарбия ва спорт  
ҳаракатининг асоси ҳисобланади. Бугунги кунда Швеция-  
нинг ҳар бир қишлоғида спорт клублар ташкил қилинган.

Швеция спорт модели тўлиқлигига маҳаллий раҳбар-  
ларнинг қўллаб-куvvatлашларига (жамоатчилик асосида)  
боғлиқ.

Швецияда 63 та спорт федерациялари ташкил қилин-  
ган. Арқон тортириш федерациясидан тортиб замонавий  
флорбол (фристи) ва америкачча футбол федерациясигача

фаолият курсатади. Махсус федерациялар (спортнинг битта тури) шунингдек комплекс (бир нечта спорт турларини ўз ичига олган) федерациялар. Компания спорти ассоциацияси, мактаб спорти ассоциацияси, университет спорти ассоциацияси, ногиронлар спорти ассоциацияси шулар жумласига киради.

Энг йирик федерация Швеция футбол ассоциацияси ҳисобланади. Унинг таркибига 3200 та клублар киради. Энг кичик федерация парус - каноэ федерацияси ҳисобланади. Унинг таркибига 16 та клуб киради.

Спорт клубларида жами шуғулланувчилярнинг 40 физини аёллар ташкил этади.

Янги спорт турлари бўйича ташкил этилган федерациянинг Швеция спорт Конфедерацияси таркибига кириш учун Конфедерация Бош ассамблеясининг розилиги керак. Масалан, янги федерация маблағ ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаслиги керак. Спорт машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, бу спорт ҳаракатининг мақсад ва мағкурасига мувофиқ келиши, мавжуд спорт турларидан қофия (копия) олмаслиги (такрорлаш), шунингдек камида спорт округининг ярмини ва 50 та спорт клубига (ҳар бирида камида 3 минг аъзо) эга бўлиши керак.

Ҳалқаро спорт ҳаракатида Швеция фуқаролари фаол иштирок этмоқдалар. 300 дан ортиқ Швеция фуқароси турли Ҳалқаро спорт ташкилотларининг аъзолари ҳисобланади.

Швеция бошқа мамлакатларнинг спортчиларини турли даражадаги мусобақалар, чемпионатларга доимий равишда таклиф қилади. Швецияда жаҳон ва Европа чемпионатлари мунтазам равишда ўтказилади. Статистик маълумотларга кўра йирик Ҳалқаро спорт мусобақаларини ўтказишида Швеция асосий ташкилотлардан ҳисобланади.

Ҳалқаро спорт ҳаракатида Швецияни асосан иккита ташкилот — Швеция спорт конфедерацияси ва Миллий Олимпия қўмитаси ташкил этади. Бу ташкилотлар Швеция спортчиларининг Олимпия ўйинлари ва Олимпия сиёсатидаги иштироклари учун жавобгар ҳисобланади. Шунингдек Швеция спорт конфедерацияси йирик дастурдаги спорт ёрдамига ҳам маъсулдир. Яъни Швеция спорти, янги демократик мамлакатларга (Шарқий ва Марказий Европа) доимий равишида ёрдам кўрсатиб келади. Жанубий Африка, Зимбабве ва Танзания мамлакатларига ёрдам курсатиш лойиҳаларини қўллаб-куватлади.

Бошлангич ва ўрта мактабларда спорт ва саломатлик алоҳида фан сифатида ўтилади. Ҳар бир ўкувчи ўзининг жисмоний тайёргарлиги ва умумий жисмоний тайёргарлик, спорт ва мактабдан ташқаридағи фаолияти учун шахсан жавобгарликка ўрганади. Швеция спорт конфедерацияси таълим муассасаларида спорт машғулотларини сифатли ўтказилиши учун шағсит яратишга ҳаракат қиласи.

Давлат секторидан жисмоний тарбия ва спорт молиявий таъминоти учун маҳаллий ташкилот раҳбарлари жавобгар ҳисобланади. Давлат сектори томонидан 600 млн. доллар ажратилади. Бундан 430 млн. спорт иншоотларини эксплуатация қилиш учун, 70 млн. спорт фаолияти учун ҳаражат қилинади.

Бундан ташқари ҳомийлар томонидан Швеция спорт ҳаракати учун йилига 70 млн. доллар миқдорида маблаг ажратилади.

Швецияда 7-14 ёшдагиларнинг 60 фоизи, 15-29 ёшдагиларнинг 43 фоизи, 30-49 ёшдагиларнинг 30 фоизи, 50 ёшдан юқоридагиларнинг 10 фоизи спорт билан шуғулланидилар. Хотин-қизлар ўртасида спортнинг футбол, от спорти, енгил атлетика, гимнастика ва голъф турлари ривожланган. 50 мингдан зиёд хотин-қизлар футбол билан мунтазам шуғулланадилар.

Швецияда спорт федерациялари ўзини-ўзи маблаг билан таъминлашга ҳаракат қиласи (аъзолик ва кириш бадаллари, спорт лотереяларини сотиш ва хоказо). Спортнинг томошабин турлари молиявий манба бўлиб, радиотелевидение билан шартномалар тузиш, шунингдек ҳомийлар ёрдамига таянади.

Швеция спортчилари олимпия ўйинларида жами 547 медални кўлга киритган, шулардан 211 таси олтин.

Швеция спортининг шиори “Спорт ёшлар учун ва спорт ҳамма учун”.

Хозирги замон ҳаваскорлик спорт ҳаракати профессионал спорт ҳаракати билан ёнма-ён бориб, унинг кўпчилик иш шакллари бир-биридан унчалик фарқ қилмаётир. Бу, асосан, Америка Қўшма Штатларида кўпроқ содир бўлмоқда.

Америка спорти ривожланишининг бош марказини ўрта мактаблар, коллеж ва университетлар ташкил қиласи. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда жисмоний тарбия бўйича мажбурий дарслардан ташқари, мактаб ва мактабдан ташқари спорт ишлари кенг ривожланган. Мактаб ўкувчисига спорт турини танлаш ҳуқуқи берилган. Спортнинг

сувда сузиш, енгил атлетика, футбол, баскетбол, волейбол турлари бүйича махсус иншоотларга эга бүлган мактабларда бир томонлама спорт мутахассислиги берилади. Шу сабабдан спорт мусобақалари жуда күп үтказилади. Бундан ташқари, болалар полиция қошидаги спорт уюшмалари, кичик христиан ассоциациялари, скаут отрядларыда спорт билан шуғулланадилар. Ундан кейинги босқич колледж ва университетларида жисмоний тарбия дастури уч бўлимдан иборат:

1. 1 курсда барча талабалар учун ўкув режаси асосида мажбурий дарслар.

2. Олий ўкув юрти ичидаги спорт машгулотлари, бу машгулот факультатив шаклида ташкил қилиниб, талабалар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган.

3. Университетлараро спорт, бу иқтидорли спортчиларни ўз ичига олади.

Олий ўкув юртлариаро спортда шуғулланувчиларга ётоқхонада бепул яшаш ва овқатланишга имконият берилиши, уларни спорт билан кўпроқ шуғулланишга отлантиради.

Талабалар спорти раҳбарлигини кўпгина ташкилотлар, айниқса, олий ўкув юртлариаро спорт миллий ассоциацияси олиб боради.

АҚШда спортни ривожлантиришда ҳаваскор атлетлар уюшмаси ва Миллий Олимпия қўмитаси асосий раҳбарлик қиласи.

Шу сабабдан, бу ташкилотлар ўртасида доимий келишмовчилик ва ўзаро тортишувлар мавжуд. Бунга асосий сабаб молиялаштирадиган ягона тизимнинг йўқлигидир. Бу кўнгилсизликларни бартараф қилиш учун ҳаваскорлик спорти ҳақидаги қонун қабул қилинган ва АҚШ Конгресси ҳаваскорлик спорти ҳаракатига тегишли барча фаолиятларни Миллий Олимпия қўмитасига юклатилган.

АҚШ Миллий Олимпия қўмитаси спортчиларни Олимпия ўйинлари ва Панамерика ўйинларида қатнашиш учун тайёрлайди. Шу билан биргаликда, ҳалқаро спорт ҳаракатига алоқадор бўлган масалалар билан шуғулланади. Германия, Англия, Франция, Япония, Корея, Хитой ва бошқа тараққий қўлган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортга раҳбарлик ишлари давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, спорт федерациялари, туризм юшмалар, Миллий Олимпия қўмиталари ҳам бошқарувчиликда фаол иштирок этади.

Спортдан фойда оладиган ташкилотлар, идоралар ҳорижий мамлакатларда жуда күп. Улар йүйинлар пайтида савдо, тијорат, реклама каби фаолиятлардан мақсадли фойдаланадилар. Шу сабабдан матбуот, телевидение спорт марказлари, иншоотларида спортни кенг тарғиб қилишда фаоллик билан иштирок этади.

**Профессионал спорт.** Спорт клублар, уюшмалар, спорт синдикатлари ва трестлари (ҳориждаги фаолият кўрсатувчи ташкилотлар) томонидан спортнинг бу йўналиши ташкил этилади. Профессионал спортчилар шахсий ва чакана савдо қилувчи ташкилотлар, ходимлар билан шартномалар (контракт) тузади ва уларга хизмат қиласди. Бу жиҳатлар жаҳоннинг барча мамлакатларига хос хусусиятта айланди. Яъни энг етук ва ишончли спортчилар келишилган нархда сотиб олинади ёки сотиласди. Бунда спортчиларнинг шахсий розилиги, хоҳиши ва ташаббуси асосий рол ўйнайди.

Профессионал спортнинг яна бир ўзига хос жиҳати борки, спортчилар чекланмаган ёки ҳаваскорлик спортидаги қоида ёки нормативлардан устунроқ бўлган ҳолатларда (вақт, техник-тактик қоидалар ва ҳоказолар) беллашадилар. Масалан, оғир ва мутлоқ оғир вазнданги бокс, тенис ва бошқа спорт турларида бу жиҳатлар кўпроқ учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳорижий мамлакатлардаги жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлсада, улар халқаро спорт ҳаракатлари талаблари доирасида амалга оширилади. Уларнинг энг асосий мақсади катта ва профессионал спортни ривожлантириш, унинг негизида эса жисмоний трабия ва спорт билан шуғулланувчиларни кўпайтириш кўзда тутилади.

## XIX. ХАЛҚАРО СПОРТ ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Халқаро спорт ҳаракати тараққиётининг асосий босқичлари ҳақида тушунчалар. (1860-1894, 1896-2000).

2. Халқаро Олимпия қўмитаси, унинг ташкилий тузилиши, мақсади, вазифалари. Бош Ассамблея, миллий олимпия қўмиталари ассамблеяси, сессия, конгресс.

3. Халқаро спорт ўюшмалари, спорт федерациялари, қитъалардаги спорт ташкилотлари. Осиё спорт ўюшмалари, уларнинг асосий тадбирлари. Марказий Осиё спорт ўюшмалари.

4. Халқаро спорт ва Олимпия ҳаракатининг ҳозирги муаммолари.

Халқаро спорт ҳаракати жаҳондаги барча давлатлар ва халқларнинг кундалик фаолияти сифатида таркиб топган ҳамда умумжаҳон миқёсида ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларни ўзида ифодаловчи ижтимоий фаолиятдир. Унинг вужудга келиши ва тараққиёт йўли узоқ дарвларни ҳамда жуда кўп турли-туман фаолиятларни ўз ичига олади.

Эътироф этиш керакки, жаҳонда тараққий этган АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция ва бошқа давлатлар тараққиётида ўзининг салмоқли ўрни ва ҳар томонлама мавқеи жиҳатидан эътиборга лойиқ бўлган Россия, Хитой, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари ўргасида спорт соҳасида ўзаро алоқалар мавжуд. Бу фаолиятлар эса халқаро спорт ҳаракатига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Жаҳон халқлари тарихида халқаро спорт ҳаракати ҳам мухим аҳамиятта эга бўлган жараёндир. У халқларни фақат спортдаги фаолиятлари билангина эмас, балки турли миллиятларнинг маданийти, ижтимоий тараққиёти, инсонпарварлик ҳамда прогрессив ғоялари билан ҳам ўзаро боғлайди.

Халқаро спорт ҳаракати ўзининг тарихий тараққиёт босқичларига эга. Яъни XIX асрнинг охирларида Европа мамлакатларида халқаро спорт учрашувлари ташкил этилиб, аста-секин расмий мусобақалар тусини олди. Натижада турли спорт ўюшмалари (федерациялари) ташкил қилина бошланди. Бунинг оқибати эса Халқаро Олимпия

ўйинларини давр талаблари асосида ташкил қилишга даъват этди.

XIX асрнинг иккинчи яримида ўтказилган мусобақаларнинг ягона тартиб ва қоидалари бўлмаганлиги сабабли Халқаро спорт ҳаракатининг ривожланишига бирмунча салбий таъсир кўрсатди.

Шундай бўлса-да, 1881 йилда Европа гимнастика уюшмаси, 1892 йилда академик эшкак эшиш Халқаро федерацияси, 1904 йилда Халқаро футбол федерацияси ташкил этилди. Бу силжишлар Халқаро Олимпия қўмитасини тузишга (1894) ва унинг фаолиятини ривожлантиришга сабабчи бўлди. Бунда буюк мутафаккир Пьер де Кубертеннинг /Франция/ хизматлари ниҳоят каттадир.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро спорт федерациялари ҳамда Халқаро Олимпия қўмитасининг дастурлари, хартияси, ташкилий асослар буржуа спорт ходимлари томонидан ишлаб чиқилган. Бу узоқ йиллар давомида ўзгаришсиз фаолият кўрсатиб келди.

Ҳозирги кунда ҳам унинг асосий қисми ўз кучи ва мавкеини сақлаб келмоқда.

Халқаро спорт ҳаракатининг биринчи босқичи Октябр тўнтаришигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу, албатта, биринчи Халқаро Олимпия ўйинининг ўтказилиши /1896/ ва кейинги даврларда ҳар 4 йилда бир марта ўйинларнинг ташкил қилиниши билан белгиланади.

1894 йилда Парижда I Халқаро спорт конгресси бўлди. Бунда қуйидаги масалалар кўриб чиқилган эди:

1. Ҳаваскорлик ва профессионализм.
2. Олимпия ўйинлари.

Ҳозирги даврда Халқаро Олимпия қўмитасига 200 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлиб кирган. Собиқ СССР дан ажralиб, ҳозир мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатаётган республикалар 1991-1992 йилларда Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо қилиб қабул қилинди. Бу мамлакатларнинг спортчилари спорт чўққиларини забт этиш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун ўз foяларини олға сурмоқдалар.

Бирлашган миллатлар ташкилоти /БМТ/ Халқаро спорт ҳаракатининг ривожланиши ва унинг ташкилотчиси Халқаро Олимпия қўмитаси фаолиятининг ривожланишини эътиборга олган ҳолда бу ишларни кузатиб бориш, тегишли ёрдам қилиш мақсадида ўзининг муҳим таянчи бўлган ЮНЕСКО ҳузурида жисмоний тарбия ва спорт бўйича Халқаро спорт кенгашини ташкил қилди. Бу ташкилот давлат ҳисобида бўлмаган давлат ташкилотлари билан

алоқадор бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, илмий тадқиқотлар, тажриба алмашиш ишлари билан шуғулланади. Халқаро спорт ҳаракатида спорт уюшмаларининг аҳамияти ва ўрни жуда каттадир.

Булар ўз классификацияларига /турлари/ қараб жаҳон ва худудий уюшмаларга бўлинади.

1) Жаҳон спорт уюшмасига Халқаро Олимпия қўмитаси ва Халқаро спорт федерациялари, жисмоний тарбия ва спортнинг халқаро кенгаши, Халқаро спорт федерациялари Бош Ассамблеяси, миллий олимпия қўмиталарининг Бош ассамблеяси ва бошқа уюшмалар киради.

2) Худудий уюшмага худуддаги миллий спорт ташкилотининг биронтаси киради. Бундай ташкилотларга Африка спорти Олий кенгаши, Осиё Олимпия кенгаши, Панамерика спорт ташкилоти, Марказий Америка ва Карабиң денгизи ўйинлари спорт ташкилоти, Ўрта ер денгизи ўйинлари халқаро қўмитаси ва бошқалар киради.

Ижтимоий-сиёсий хусусияти бўйича халқаро спорт уюшмалари қўйидагиларга бўлинади:

- миллий уюшмалар, лигалар, давлат ва жамоатчилик асосида тузилган мамлакатларнинг уюшмасини ўз ичига олувчи Халқаро спорт уюшмалари;

- капиталистик давлатларни ичига оладиган Халқаро спорт уюшмалари /ҳарбий спорт халқаро кенгаши - жисмоний тарбия ва спортнинг халқаро католик федерацияси/;

- миллий спорт ташкилотларининг профессионал ҳолатлари бўйича темирйўлчиларнинг Халқаро спорт уюшмаси, алоқа, телеграф ва телефон хизматчиларининг Халқаро уюшмаси;

- илмий соҳалар бўйича /спорт тибиётининг Халқаро федерацияси, спорт психологиясининг халқаро ассоциацияси, Халқаро социология ассоциацияси ва бошқалар/;

- жинси бўйича /хотин-қизлар/ жисмоний тарбияси ва спортининг халқаро ассоциацияси;

- диний эътиқодлар бўйича /Халқаро католик ва христиан спорт уюшмалари/.

Ҳар бир халқаро спорт уюшмаси ўз уставига эга. Уставда уюшманинг вазифаси, мақсади, иш мазмуни, аъзоликка қабул қилиш ва ундан чиқариш қоидалари, йиғилишлар, конгресслар ўтказиш, қарорлар чиқариш тартиблари, молиявий масалалар, нашриёт ишлари ва ҳоказолар акс эттирилган. Уставда раҳбар ходимларни сайлаш ва уларнинг ҳисобот бериб туришлари белгиланган.

Халқаро спорт уюшмаларининг бюджетлари асосан миллий спорт ташкилотларининг бадаллари, спорт мусобақаларидан йигилган маблағларнинг бир қисми, телевизион курсатувлар, нашриёт, айрим шахсларнинг ҳомийлиги, ҳукуматларнинг баъзи бадалларидан ҳамда ҳомийликдан ташкил топади.

Халқаро Олимпия қўмитаси жаҳон спорт ҳаракатини бошқарувчи олий ташкилотдир. Унинг вазифасига халқлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш ва ҳар 4 йилда бир марта ўйинларни ташкил қилиш киради. Халқаро Олимпия қўмитаси ҳаваскорлик спорти ривожланишини тақдирлайди, келгуси ўйинларни ўтказиш вақти ва жойини белгилайди. Бу ўйинлар халқлар ўртасида спортдаги дўстликни мустаҳкамлайди.

Эътироф этиш керакки, Олимпия ўйинларининг асосий фоялари спортни ривожлантириш, у орқали халқаро ҳамдустликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бу уринда Пьер де Кубертеннинг «Спортга қасида»си /1912/ муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, у ўзининг мазмунан моҳиятини тобора ривожлантирум оқди.

Халқаро Олимпия қўмитасининг фаолиятини белгилаб берувчи асосий ҳужжат Хартия /Устав/ ҳисобланади. Унда Халқаро Олимпия ҳаракатининг мақсади ва вазифалари, ҳукуқ ва бурчлари белгиланган. Шунингдек, унда Халқаро Олимпия қўмитасининг миллий ва халқаро спорт уюшмалари билан муносабатлари, олимпия мусобақаларининг дастурлари, олимпиада ўйинларини очиш ва ёпишдаги тадбирлар ҳам алоҳида кўрсатилган.

Хартияда олимпиада ўйинларига спортчиларни қўйиш шартлари ифодаланган. Бунда профессионал спортчиларнинг халқаро олимпиада ўйинларида қатнашиши ман этилган. Шунингдек, ирқчилик, миллатларни камситиш ва диний йўллар билан ҳаракат қилишга йўл қўймаслиги алоҳида қайд қилинган.

2001 йил маълумоти бўйича Халқаро Олимпия қўмитаси 200дан ортиқ мамлакатнинг миллий олимпия қўмиталарини тан олган.

Халқаро Олимпия қўмитасининг Олий органи ҳар йилда ўтказиладиган сессияси ҳисобланади. Сессиялар оралиғида Халқаро Олимпия қўмитаси фаолиятини ижроия қўмита бошқаради. Олимпия ўйинлари олдидан Халқаро Олимпия қўмитаси ўзининг Конгресси ва Ассамблеяларини ташкил этиди. Унда Президент ва ижроқўмни сайлаш, ўйин қоидалари ва дастурга киритиладиган спорт турлари ва бошқа масалалар ҳал этилади. Халқаро Олимпия қўмитасининг таркибида Халқаро Олимпия академияси мавжуд.

У асосан Олимпия фояларини тарғиб қиласы. Бунда Президент, 3 та вице-президент ва аъзолар бўлади. Президент ҳар 8 йил муддатга сайланади. Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоларини сайлаш муддати белгиланмайди. Лекин у 72 ёшга кирса, аъзоликдан чиқиб кетади.

Халқаро Олимпия ҳаракатининг барча даврларида 8 та президент сайланган. Улар қўйидагилар:

1. Д. Викалис, Греция, 1894-1896 йиллар.
2. Пьер де Кубертен, Франция, 1896-1925 йиллар.
3. А.де Байе-Латур, Бельгия, 1925-1942 йиллар.
4. Э. Эдстрам, Швеция, 1942-1952 йиллар.
5. Э. Х. Брэндежд, АҚШ, 1952-1972 йиллар.
6. Лорд М. Килланин, Ирландия, 1972-1980 йиллар.
7. Х. Самаранч, Испания, 1980-2001 йиллар.
8. Жак Рогг, Бельгия, 2001.

Халқаро Олимпия қўмитасининг /ХОК/ молиявий манбай асосан Миллий олимпия қўмиталари /МОК/ аъзолигидан, яъни ҳар бир аъзо Америка доллари ҳисобидан бадаллар тўлайди, Олимпия ўйинларининг телевизион кўрсатувларидан йиғилган пулларнинг бир қисми, Халқаро Олимпия қўмитаси бўллетенига обуналардан бир қисми ни ташкил қиласы. Олимпия ўйинлари жараёнидаги барча ҳаражатларни ўйинни ташкил қилган мамлакат кўтаради.

Олимпия ўйинини ўтказиш учун мамлакатда /шаҳар, Ташкилий қўмита тузилади ва у барча ишлар учун Халқаро Олимпия қўмитаси, Халқаро спорт федерацияси ва Миллий Олимпия қўмитаси олдида тўла жавоб беради.

Халқаро Олимпия қўмитаси 26 та Халқаро спорт федерацияларини тан олади. Маълум бир спорт турини Халқаро тан олиши учун камида 3 та қитъалардаги 40 та мамлакатида эркаклар ва 2 та қитъанинг 25 та мамлакатида аёллар томонидан қўлланиши шарт.

Ёзги Олимпия ўйинлари дастури кам деганда 15 та спорт тури бўйича ўтказилиши керак. Спортчиларнинг Олимпия ўйинлари билан боғлиқ бўлган моддий ҳаражатларини /ётиш жойи, овқатланиш, транспорт ва бошқалар/ миллий Олимпия қўмитаси /МОК/ тўлайди.

Халқаро Олимпия қўмитасининг резиденцияси Лозанна /Швейцария/ шаҳрида жойлашган.

Таъкидлаш зарурки, ҳар бир қитъада Олимпия ўйинлари кенгаси мавжуд, улар Миллий олимпия қўмиталиари, спорт уюшмалари билан ҳамкорлик қиласы.

Халқаро спорт ҳаракатида ҳозирги даврда бир қатор муҳим муаммолар мавжуд. Турли мамлакатларнинг спортчилари йиғилиб мусобақа ўтказиш жойи фақат спортдаги курашгина бўлиб қолмасдан, балки у прогрессив давлат-

## Халқаро Олимпия құмитасининг ташкилий түзилиши

Миллий Олимпия құмиталари /МОК/ Бош Ассамблеяси	Халқаро Олимпия құмитаси сессияси	Халқаро спорт федерацияларининг Бош Ассамблеяси
	Халқаро Олимпия құмитаси Ижроия құмитаси	
Мамлакатларнинг Миллий Олимпия құмиталари /МОК/	Президент Вице-президентлар Аъзолар	Олимпия спорт турлари бүйіча халқаро федерациялар
Комиссиялар		Кичик құмиталар

лар билан реакцион ҳаракат номояндадағы үртасида бұла-ётган сиёсий ва гоявий кескін кураш объекті ҳам бұлып ҳисобланады. Бундай курашлар Олимпия үйинини үтка-зишни ҳал қылиш учун йигилганды жараёнларда ва үйин яқунларидан күпроқ намоён бўлмоқда.

Шу сабабли Халқаро Олимпия құмитасининг демократик тамойиллар асосида иш тутишин прогрессив күчлар доимо тақиб қилиб борди. Шунга қарамасдан айрим күчларнинг вакиллари ўз фойдалары учун ҳар хил найрангларни ишлатиб келди. Демократик күчлар ҳали ўз чўққи-сига тўла чиқиб етганича йўқ.

Ўтган даврларда сабиқ СССР ва социалистик тузумдағи барча Миллий Олимпия құмиталарининг ҳаққоний талаблари билан Халқаро Олимпия құмитаси тинчлик учун курашга даъват этувчи қарор /резолюция/ қабул қилди. Миллий камситиши ва ирқчиликка қарши кураш ҳамма аъзоларнинг бурчи бўлиб қолди.

Куба спортчиларини Халқаро ва континентал мусобақаларга қатнаштырмаслик учун империалистик күчлар қанчалик уринмасин, прогрессив күчлар уни пучга чиқарған эди. Халқаро Олимпия құмитаси аъзолигига Африка мамлакатларидан Сенегал, Нигерия спортчилари ҳам биринчи маротаба киритилди. Спортдаги ирқчилик ва камситишларга йўл қўйганлиги сабабли прогрессив күчларнинг талаби билан Истроил, Жанубий Африка республикаси ва бошқа бир қатор мамалакатлар 1970 йилларда аъзоликдан чиқарилди. Улар фақат 1991 йилда қайта қабул қилинди.

Шунингдек, халқаро спорт федерациялари томонидан мусобақада ҳақамлар ишларини яхшилашга қаратилган бирмунча тадбирлар олиб борилди ва улар ижобий ҳал қилинди. Прогрессив күчлар талаби билан Халқаро Олимпия құмитаси йиғилишлари мунтазам үтказилиши ва уларда Миллий Олимпия құмиталари ҳамда халқаро спорт феде-

рациялари вакилларининг қатнашишга эришилди. Шу билан бирга, Олимпия конгрессларининг ўз вақтида ўтказилиши таъминланди.

1981 йил сентябрда Баден-Баден шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг XI Конгресси ўтказилди. Бунда Олимпия ўйинлари, халқаро ҳамкорлик, олимпия ҳаракатининг келажаги каби масалалар кўриб чиқилди. Кеинчалик бу масалалар бўйича янги комиссиялар тузилди.

Олимпия ҳаракати - янги комиссияга Халқаро Олимпия қўмитаси собиқ Президенти Х. А. Самаранч бошчилик қилди. Унга асосан, Халқаро Олимпия қўмитаси, халқаро спорт федерациялари ва Миллий Олимпия қўмиталарининг вакилларидан иборат 29 аъзо кирди.

Олимпия ўйинлари комиссияси таркибиغا Халқаро Олимпия қўмитаси аъзолигига сайланган финляндиялик аёл биринчи хотин-қизлар вакили ҳисобланади.

Олимпия ўйинлари ҳозирги халқаро ҳаётда энг муҳим воқеалардан бири бўлиб ҳисобланади. 1950 йилда 61 та Миллий Олимпия қўмиталари мавжуд булган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 200 дан ошиди.

Олимпия ўйинлари жаҳон миқёсида муҳим педагогик ва ижтимоий функцияларни бажармоқда. Давлатлар ва спортчилар ўргасида ижтимоий хусусият тобора ривож топмоқда. Олимпия байрамлари жуда муҳим тарбиявий ва таълими аҳамият касб этмоқда.

Олимпия ўйинларида иштирок этиш спорт маҳоратини оширишнинг энг йирик мактаби ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, ҳозирги замон олимпия ҳаракатида ўтказилаётган ўйинлар, уларнинг натижалари, ҳолати ва келажаги тўғрисида турли назариялар, дунёқарашлар, концепциялар ва тўқнашувлар юз бермоқда.

Бу уринда 1980 йилда Москвада ўтказилган XXII Халқаро Олимпия ўйинларига АҚШ ва унинг тарафдорлари қатнашмаганилиги ва 1984 йил Лос-Анжелесда бўлиб ўтган /АҚШ/ XXIII Халқаро Олимпия ўйинларида собиқ СССР ва бошқа социалистик давлатлар спортчиларининг қатнашишига қаршилик курсатилгани ва уларнинг ҳавфсизлигини сақлашга кафиллик берилмаганилиги оқибатида спортчиларнинг бу ўйинларда қатнашмаганикларини эслашнинг ўзи кифоядир.

Шунга қарамасдан, собиқ СССР да 1984 йил «Дүстлик», 1986 йилда «Яхши ният ўйинлари» халқаро мусобақаларининг муваффақиятли ўтказилиши жаҳон спортчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик иқлимини янада мустаҳкамлади.

Натижада, 1988 йилда Сеулда /Корея/ ўтказилган XXIV Халқаро Олимпия ўйинлари собиқ СССР ва АҚШ спорт-

чиларининг янги учрашуви ва спортдаги кескин рақобатларнинг қайта тикланишига сабабчи бўлди.

Олимпия ҳаракатида ҳал қилиниши зарур бўлган муммомлар ҳали жуда кўп. Олимпия ўйинлари дастури, айниқса, хотин-қизлар иштирок этадиган турларни ривожлантириш талаб этилади. 1992 йилда ўтказилган Олимпия ўйинларига тайёргарлик, бунда собиқ Иттифоқ спортчиларининг бирлашган /МДҲ-СНГ/ сунгти жамоалари ютуқлари ва энг яхши натижаларни ўрганишни замон талаб этади.

Олимпия ўйинлари молиявий ҳаражатларини камайтириш, улкан қимматбаҳо қурилмалар билан банд бўлиб қолмаслиги керак. Халқаро Олимпия қўмитаси, Миллий Олимпия қўмиталари ва халқаро спорт федерацияларининг фаолиятларини такомиллаштиришни давр талаб қилмоқда. Миллий Олимпия қўмиталарининг ҳукумат ташкилотлари билан алоқасини мустаҳкамлашга эътибор қаратиш зарур. Янгидан аъзо бўлиб кирган Миллий олимпия қўмиталари фаолиятларига амалий ёрдам берилиши лозим.

Хозирги замон ижтимоий тараққиётини илмий ўрганиш нуқтаи назаридан қаралганда, Олимпия ҳаракати ўз мақсад ва вазифаларини тўла амалга ошириш учун қўйидагиларни ўзида мужассамлаштириб олиши зарур куринади:

- Олимпия ҳаракати инсонпарварлик йўналишида равнақ топиши, унинг маънавий ва аҳлоқий тамойиллари ривожланиши ва спорт фаолияти билан боғланиши;

- халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, инсоният тақдирини Олимпия ҳаракати воситаси билан ечиб бериш;

- Олимпия ҳаракатига қабул қилишда спортчиларнинг миллати, ирқи, диний дунёқарашларидан қатъий назар, тенг ҳукуқликни таъминлаш;

- жаҳонда ҳаваскорлик спортини оммалаштириш, бу билан талантлар ва энг юқори натижаларни кўлга киритиш;

- энг яхши Олимпия анъаналарини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан уни янада такомиллаштириш.

Бу йўллар келажакда Халқаро спорт ҳаракати ва Олимпия ўйинларини янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар очиб беришига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

## АДАБИЁТЛАР

### 1. Расмий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонуни, 2000.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни, 1997.
4. Кадрлар тайёрлаш милий дастури, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 27 май, 1999.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик Марказининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори, 26 апрел, 1993.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш тўғрисида»ги қарори, 3 декабр, 1993.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 21 январ, 1994.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри /Австралия/ даги XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги фармони, 7 июн, 2000.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олимпия шон-шуҳрати музейини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони, 14 август, 1996.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармони, 10 октябр, 1997.
12. Каримов И. А., Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, Т., «Ўзбекистон», 1992.
13. Каримов И. А., Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Т., «Ўзбекистон», 1992.
14. Каримов И. А., Биздан озод ва обод Ватан қолсин, Т., «Ўзбекистон», 1994.
15. Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, Т., «Ўзбекистон», 1997.
16. Каримов И. А., Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Т., «Ўзбекистон», 2000.

### 2. Асосий адабиётлар

1. Абдуваликов Р., Юнусов Т. Т., Акрамов А., Физкультура ҳаракатини кенгайтириш йўллари, Ўкув қўлланма, Т., Ибн Сино, 1988.

2. Абдумаликов Р., Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг назарий асослари, ўкув қўлланма, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1996.
3. Абдумаликов Р., Абдуллаев А. ва бошқалар, Жисмоний тарбия таълими илмини такомиллаштириш масалалари, методик қўлланма, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1996.
4. Кутепов М. Е., Маркетинг в зарубежном спорте, уч.пос., М., 1993.
5. Управления физической культурой и спортом, учеб.для ИФК, под.ред. И. И. Переверзина, М., ФиС, 1987.
6. Юкусов Т. Т., Абдумаликов Р., Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорти бошқариши ташкил этиш йўллари, ўкув қўлланма, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1992.
7. Юнусов Т. Т., Организация управления физкультурным движением в Республике Узбекистан, уч.пос., Т., 1995.
8. Ярашев К. Д., Оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва ҳалқ миллий ўйинлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш масалалари, монография, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1997.
9. А. Ўлмасов, Иқтисодиёт асослари. Тошкент 1997.

### 3. Қўшимча адабиётлар

1. Абдумаликов Р., Жисмоний маданият ва спорт ихтинослигидаги талабаларни бошқарувчили фаолиятларига тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари, монография, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1994.
2. Абдумаликов Р., Қудратов Р., Ярашев К. Д., Қўпкари, илмий оммабоп рисола, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1997.
3. «Алпомиша ва «Барчиной» маҳсус тестлари, 2000.
4. Акрамов А. К., Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи, ўкув қўлланма, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1997.
5. Ботиров Х. А., Ўзбекистонда жисмоний тарбия тарихи, оммабоп китоб, Т., Ибн Сино, 1993.
6. Вилкин Р., Каневец Т. М., Организации работы по массовой физической культуре и спорту, уч.пос., М., ФиС, 1985.
7. Жисмоний тарбия ва спорт лугати, 1-2 қисм, ЎзДЖТИ нашриёти, 1993.
8. Жисмоний тарбия, спорт ва маънавият, илмий-амалий анжуман материаллари, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1-2-3- қисмлар, 1995.
9. Исмоилов Р., Шоломицкий Ю., Ўзбекистонда физкультура тарихи, ўкув қўлланма, 1968.
10. Казиева Р. А., Развития женского физкультурного движения в Узбекистане, Т., «Узбекистан», 1979.
11. Кошбахтиев И. А., Основы оздоровительной физкультуры молодёжи, Т., 1995.
12. Кун Л., Всеобщая история физ.культуры и спорта, М., «Радуга», 1982.
13. Мирсаидов М. М., Шакиров А. Р., Физкультура и спорт в условиях рынка, Т., «Узбекистан», 1992.
14. Нурмухamedov K. I., Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, ўкув қўлланма, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1991.
15. Олимпийская Хартия, метод.указ, М., 1990.
16. Остонов С., Беш ҳалқа қиссаси, Т., «Ёш гвардия», 1984.
17. Пономарев Н. К., Возникование и первоначальное развитие физ. воспитания, М., ФиС, 1970.
18. Романов А.О., Международные спортивные движения, М., ФиС, 1978.

19. Рубцов А.Т., Группы здоровья, М., ФиС, 1984.
20. Рузев С.С., Шатерников Э., Барабан М., Узбекистан Олимпийский, Т., «Ёзувчи», 1996.
21. Саламов Р. С., Проблемы высшего физкультурного образования, монография, Т., 1992.
22. Соглом авлод тарбияси - буюк давлат қуриш заминидир, Илмий-амалий анжуман материаллари, 1-2 қисм, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1994.
23. Тошпӯлатов Ж., Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спорт, Термиз, 1991.
24. Тен К. П., Ўзбекистон студентларининг жисмоний тарбияси, Т., 1983.
25. Туленов Ж., Юсупов Қ. ва бошқалар, Истиқолол ва тараққиёт мафкураси, Т., «Ўзбекистон», 1993.
26. Усмонхўжаев Т.С., Ҳўжаев Ф., 1001 ўйин, Т., «Ўқитувчи», 1991.
27. Халқаро Олимпия қўмитасининг 100 йиллигига бағишиланган І Республика илмий анжумани, маърузалар тўплами, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1994.
28. Чернявский В.Р., Физкультура ва саломатлик, методик қўлланма, Ибн Сино, 1990.
29. Юнусов Т. Т., Абдуваликов Р., Ярашев К. Д., Ассалом Олимпиада, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1993.
30. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, 40 йил, буклет, проф. А.К. Ҳамроқулов таҳрири остида, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1995.
31. Ҳамроқулов А. К., Насриддинов Ф. Н. ва бошқалар, Ўзбекистон Республикаси вилоятларида ҳалқ ҳаракати ва спорт ўйинлари байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1992.
32. Н. Я.Сацков., Методы и приемы деятельности менеджеров и бизнесменов, М. Институт пракселогии 1993 г.
33. Журнал маркетинг в России и за рубежом № 3 - 2001 г.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	5
1. Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг назарий асослари .....	10
2. Бошқариш тизимлари .....	44
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси .....	53
4. Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришла иштирок этувчи давлат идоралари .....	67
5. Бошқаришнинг жамоат ташкилотлари .....	80
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси .....	92
7. Спорт мактаблари ва марказлари фаолиятини ташкил қилиш .....	98
8. Аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш ва ҳалқ милий ўйинларини ташкил қилиш .....	109
9. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш вазифалари .....	122
10. Ихтисосли ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш .....	133
11. Бошқариш усууллари .....	144
12. Бошқаришнинг ижтимоий-психологик ва педагогик йўналишлари .....	156
13. Бошқаришнинг хуқуқий асослари .....	161
14. Спорт ташкилотларида молиялаштириш ва моддий-техник таъминотининг асослари .....	169
15. Спорт ташкилотларининг менежментлик фаолиятлари .....	176
16. Спорт ташкилотларида маркетинг ишларини ташкил қилиш ..	182
17. Спорт ташкилотларида тадбиркорлик фаолиятлари .....	194
18. Ҳорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини бошқариш .....	202
19. Ҳалқаро спорт ҳаракатини ташкил қилиш .....	212
Адабиётлар .....	220